



JALOLIDDIN RUMIY

**MA'HAVITY
MASNAVITY**

KULLIYOT

BIRINCHI JILD
BIRINCHI KITOB

(*TARJIMA SHARHI BILAN*)



«SHARQ» NASHRIYOT-MATBAA KONSERNI
BOSH TAHRIRIYATI
TOSHREHT - 1999

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

МА'НАВИЙ МАСНАВИЙ

КУМЛИЁТ

БИРИНЧИ ЖИЛД
БИРИНЧИ КИТОБ

(ТАРЖИМА ШАРҲИ БИЛАН)



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ-1999

86.38

P 88

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг
«Гулистон» журнали кутубхонаси

Таржимон — Асқар МАҲКАМ

Шарҳ муаллифлари — Обиддин ПОШШО, Карим ЗАМОНИЙ,
Асқар МАҲКАМ


Масъул мухаррир — Тилаб МАҲМУДОВ, фалсафа
фанлари доктори, профессор

Румий, Жалолиддин.

Маънавий Маснавий: Куллиёт. Ж. 1. К. 1 / (Таржима шарҳи
билин; / Таржимон А. Маҳкам; Масъул мухаррир Т. Маҳму-
дов/. — Т.: Шарқ, 1999. — 368 б.

Башариятнинг тўрт мукаддас китоби машҳур: Забур, Таврот, Ин-
жил ва азимуш шаън Куръон. Булар илохий китоблар — инсониятга
олам ва уқбодан хабар бергувчи вахийлар. Аммо одамзоднинг хоссатан
ўзига тааллуқли китоблари бордирки, уларнинг энг мўътабари Мавлоно
Жалолиддин Румийнинг «Маънавий Маснавий» куллиётидир.

Бу асар инсон камолоти йўлидаги исломий маънавият дурдоналари-
дан бири.



86.38



РУМИЙНИ АНГЛАШ ИШТИЁҚИ

Алишер Навоийнинг «Насойимул мұхаббат» асарида келтирилади-ким, Жалолиддин Румий ўз замондоши Мавлоно Садриддин Қазви-нийни хушламас эди. Бир куни сұхбат асносода гап исломдаги мазҳаб-лар ҳақида борганда, Румий Қазванийга қараб: «Мен етмиш уч мазҳаб билан бирдирман», дейди.

Мавлоно Садриддин шогирдларидан бирига «Сен катта бир издиҳом ичидә Румийдан мазқур гапни айтғанмидингизми, деб сұра. Агар икрор бўлса, оғзингдан келганча сўқ ва ранжида кил», деб буюрди. Шогирд пайтини топиб, ҳалиги саволни берганда, Румий: «Ха, айтғанман», дея тан олади. Шунда у қабиҳ сўзлар айтиб, Румийни ҳақорат қила бошлайди. Аммо Жалолиддин Румий ҳеч бир жаҳли чиқмай, табассум қилиб: «Мен сенинг айтғанларинг билан ҳам бирдирман», дейди. Мавлоно Садриддиннинг шогирди ўзи уялиб мажлисни тарк этади.

Ушбу ҳикоя нимага ишора этади? Нега Жалолиддин Румий ўзини етмиш уч мазҳаб билан биргаман деб эълон қилган ва нима сабабдан бу Мавлоно Садриддин Қазванийга ёқмаган?

Бу саволларга жавоб беришдан олдин, қисқача бўлса-да, ўқувчиларга етмиш уч мазҳаб нималиги ҳақида маълумот беришимиз лозим. Етмиш уч мазҳаб — бу исломдаги сиёсий, ижтимоий ва мағкуравий курашларни ифодалаб келган ҳар хил оқимлар, гурух ва фирмалардир. Аввало, шуни ҳам қайд этмок жоизки, бу ибора баъзи манбаларда «етмиш икки мазҳаб» шаклида ҳам учрайди. Сабаби, етмиш учинчи мазҳаб исломнинг асосий анъанавий йўли ҳисобланган сунна ва жамоа мазҳабидир, қолган етмиш икки мазҳаб ана шу сунна ва жамоадан ажралиб чиқкан, деб қаралади.

Энди етмиш икки мазҳабнинг ўзига келсак, уларни дастлаб олти гурухга ажратадилар. Чунончи: рофизия (ўз қавмини, сафини тарк этганлар), хорижия (ажралиб чиқканлар), жабария (такдири азал ҳукмни қатый деб билувчилар), қадария (инсоннинг эрки ўзида деб билувчилар), жахимия (Жахм бин Саффон тарафдорлари — барча масалаларни дўзах ва жаннатга боғлаб тушунирувчилар), муржия (Худо бандасини ноумид қилмайди дегувчилар).

Мазқур олти гурухнинг ҳар бири яна ўн икки фирмага ажрала-ди. Масалан, рофизия оқими фирмалари: алания (ҳазрат Али ҳам

пайғамбар эди дегувчилар), абадия (Али пайғамбарликка шерик дегувчилар), шиа (кимки Алини барча саҳобалардан афзal деб билмаса, коғирдир дегувчилар), исҳокия (пайғамбарлик тамом бўлган эмас дегувчилар), зайдия (имомликка фақат Али авлоди муносиб дейдиганлар), аббосия (Аббос ибн Абумуталлибдан бошқа имомни тан олмайдиганлар), имомия (ғойибдан келувчи имом ер юзида доим бор дегувчилар), норисия (кимки ўзини бошқалардан афзal хисобласа коғирдир дейдиганлар), мутаносихия (жон чиққандан кейин яна бошқа вужудга кириши мумкин деб ишонувчилар), лоъиния (саҳобалардан Талҳа, Зубайр ва биби Оишани лаънатловчилар), рожиъия (Али яна дунёга келади дегувчилар), муртазия (мусулмон подшоси билан жанг қилиш раво дейдиганлар).

Албатта, барча мазҳаблар хақида бу мақолада батағсил тўхташнинг иложи йўқ. Фақат шуни айтмоқчимизки, рофизия ва хорижия фирмакалири шиачилик ақидалари асосланса, яъни ҳазрат Али ва унинг авлодини улувлашни мақсад қилиб олса, қадария ва жабария фирмакалари сунна оқимига тааллукли бўлиб, илми каломнинг назарий схоластик ақидалари атрофида баҳс қилганлар. Муржия, жаҳимия фирмакалари ҳам шиа ва ҳам сунна мазҳабига тортадиган маслаклардан иборат. Буларнинг баъзилари фикҳ масалаларида, баъзилари намоз, ибодат тартиблари, баъзилари иймон мазмунни устида тортишадилар. Аммо улар орасида ислом дини ахком ва ақидаларини инкор этадиганлари ҳам бор. Чунончи, мұтазила мазҳабига кўра, ёмонлик илоҳий тақдирдан эмас, балки инсонларнинг ўзидандир; фосик кишининг имомлиги ҳаром; иймон эса бандасининг тажрибаси (ўзлаштиргани)дан ҳосил бўлади, олдиндан белгиланмайди; Куръон яратилгандир, вахий эмас; меъроҳ Куддус шахригачадир ва бу фақат рухга тегишли, жисмга эмас; қиёматда гуноҳсавобнинг хисоб китоби, тарози йўқ, авлиёларнинг каромати ёлғон, қиёматда Ҳақ таолони кўриш мумкин эмас, жаннат ахли ҳам ухлайдилар, овқатланадилар ва вафот этадилар... Сирожия ахли фикрича, ўлиб кетган одамларнинг сўзи хужжат бўлмайди, уларни инкор этиш мумкин (демак, пайғамбар ҳадисларини ҳам).

Мухоммия оқими бўйича эса, Худойи таолонинг бандаларига хеч бир ҳукми йўқ. Худо оламни ва одамни яратган, аммо одам барча фаолиятди ихтиёр ўзида. Лағзия ахли дейдиларки, Куръон иш Каломидир, илоҳий сўз эмас, бирок Куръоннинг маъноси илоҳийдир. Риёзия бўйича, иймон суннат холос, яъни эзгу сўз, эзгу амал, эзгу ниятдир.

Шундай қилиб, етмиш икки мазҳаб бўлса, етмиш икки хил қараш мавжуд. Улар орасида, юқорида кўрганимиздай, анъанавий сунний мазҳаби ақидаларига мутлақо тўғри келмайдиган қарашлар кўзга ташланади. Бу мазҳаблар ҳар бири ўзиникини маъқуллаб, ўзини «чин мусулмон» деб ўйлар, бошқа мазҳаб тарафдорларини эса коғир, душман хисобларди. Натижада бу мазҳаблар факат назарий-мағкуравий майдонларда олишиб қолмай, балки қаттол урушларни ҳам вужудга келтирдилар, орада юз минглаб одамлар қирилиб кетарди. Энди юқоридаги ривоятимизга қайтадиган бўлсан, маълум бўладики, Мавлоно Садриддин Қазвений сунний мазҳабининг ашаддий ҳимоячиси бўлғанилиги сабабли бошқа мазҳабларни ёқтиргмаган ва шу боис Румийнинг «Мен етмиш уч мазҳаб билан бирдирман» деган сўзини куфр деб хисоблаган. Аммо Жалолиддин Румий назаридаги ундаи эмас. Румий учун бу мазҳабларнинг ўзаро баҳсу мунозаралари ҳали балоғатга етмаган одамларнинг дину диёнат, ислом ва иймоннинг моҳиятига етмай, зоҳирий нарсалар, атама-

лар устида маънисиз ва мақсадсиз тортишувлари бўлиб туюлган. Нега? Чунки бирор мазҳабда ҳам Худонинг Ўзи, Унинг биру борлиги инкор этилган эмас. Мазҳаблар Холик ҳакида эмас, балки маҳлукот, яъни яратилган нарсалар, одамлар ўзи ўйлаб топган расм-руслар, коидаконуллар, ақидалар ҳакида баҳс-мунозара киладилар. Тасаввуф ахли эса Ҳақ таълонинг Ўзи, Унинг зоти ва жавҳари, яъни моҳиятлар моҳиятига етишиш учун интилгандар сабабли бу расм-руслар, коидаларга эътибор қиласдилар. Улар шариатни қаттиқ ҳурмат қилганлар. Бироқ шариат шариат учун эмас, балки шариат ҳакикат учун восита деб қаралган. Шундай бўлгандан кейин восита турлича бўлиши мумкин, мақсад эса битта – Ҳаққа етишмок, деб уқтирилади Жалолиддин Румий асарларида. Мана шу маънода Румий, мен барча мазҳаблар билан бирдирман, деган. Бугина эмас, Жалолиддин Румий фикрича, дунё динлари моҳиятан бирдир. Чунки уларнинг ҳаммасида ҳам тавҳид ғояси бор. Парвардигори оламга сириниш, Ундан мадад олиш, У сари интилиш мавжуд. Румийнинг «Ичиндаги ичиндадир» («Фийхи ма фийхи») асарида келтирилади: «Бир кун бир йигинда ваъз ўқиларди. Мусулмону кофир – ҳамма йиглар, турли ахволга тушарди. Биров: «Кофирилар нега йиглашади, устига устак, тилни билишмайди. Мусулмонларнинг ҳам мингдан бири аранг тушунган ваъздан улар нимани англаяптики, бу кадар йиглаб сикташади?» – деб сўради. Мавлоно буюрдики: «Сўзнинг ўзини тушунишга ҳожат йўқ. Улар моҳиятини, мақсадни англашмоқда. Улар ҳам Оллоҳнинг бирлигини эътироф этишади. Унинг Яратувчи, Рazzок, ҳамма нарсани ўз тасарруфида тутувчи эканини, нихоят ҳамма Унга қайтажагини, афву жазо ундан бўлажагини англашади».

Жалолиддин Румий буни яна соддароқ килиб тушунтириш учун мисол келтиради: кўрмаянсанми, Каъбага Шимолу Шарк, Жануб ва Farrell, Ироқ Ажам, Хинду Ямандан одамлар йўлга чиқади. Уларнинг йўллари ҳар хил, аммо мақсадлари бир. Йўлда ихтилофлар, тортишувлар бўлади, аммо Каъбага етгач, баҳслар тўхтайди, ихтилофлар барҳам топади. «Йўлда бир-бирларига: «Кофиран, фалонсан-пистонсан», деганлар Каъбага келишлари билан мақсадлари бир эканини англайдилар», дейди Румий. Келишмовчиликлар маънода эмас, шаклда, сўздадир. Маънога етишганлар орасида низо йўқ. Румий таъкидлайдики, Худони чин дилдан севиши, Ундан умидвор бўлиш, Унга суяниш ҳар бир инсон қалби тубида балқиган муқаддас бир хисдир. Худони ҳамма ҳам мутлак Кудрат ва абадий-азалий зот деб билади. Бу маъно инсон қалбida шундай ўrnашганки, унинг на инкор, на тасдик кўриниши бор. Унинг исми ҳам, ифодаси ҳам йўқ. Аммо маъно сўзга айланиши, шаклга кириши билан куфр ёки иймон, инкор ё тасдик пайдо бўлиб, мухокамалар, ихтилофлар бошланади. Зоро, Парвардигор – Буюк бир ғоя, мавхумият. У бирор шаклга, суратга сифмайди, гарчи жами шакллар, суратлар Ундан бўлса ҳам. Фарқлар шаклларда ифодаланади, шу боис маҳлукият дунёси, яъни бизнинг ўзимиз ва бизни ўраб кўриниб турган моддий дунё беҳисоб шакллар, ўзгаришлар, алмашинишлардан иборат. Парвардигор оламида бу хусусият йўқ. Парвардигор дийдорига ошик инсонлар ҳам қайси дин, мазҳаб ва миллат ёки иркка мансуб бўлишидан катъя назар, қалбан бир маслакдаги одамлардирлар.

Шу учун Румий дейди:

*Ҳар валиву ҳар набиро маслакест,
Лек, то Ҳақ мераванд жумла якест.*

(Хар бир валий ёки набийнинг ўз маслаги бор, аммо Ҳақ олдига боргандা ҳаммаси бир бўлади).

Шундай килиб, буюк сўфий шоир динлар ва мазхабларни бир-биридан фарқланадиган, аммо бир манзилга олиб борадиган йўллар деб билади: «Йўллар хилма-хил бўлса ҳам, лекин мақсад бирдир», деб қайд этади у. Одамларнинг бир-бирини тушунмаслиги, биринчидан, маънога эмас, балки номлар, атамалар, ташки кўринишларга караб ҳукм килишда, иккинчидан, Худони севиш ва Унга бегараз, нафсу тамаъдан холи холда иймон келтирмасдан, балки манфаат юзасидан муносабатда бўлиш, аниқроғи, Худони ўзининг гаразли ниятларини амалга ошириш учун рўкач қилиш, мададгор деб хисоблашдан келиб чиқади.

Моҳиятни тушунмасдан сўздаги фарқга караб ўзаро ихтилоф қилишни Румий мана бу ривоят билан тушунтирган: Тўрт миллатдан тўрт киши — турк, форс, араб ва юнонлик йўлга бирга кетаётганларида уларгина бирор дирҳам пул беради. Тўртовлон бир-бирининг тилини тушунмагани сабабли пулга нима сотиб олиш кераклиги устида жанжаллашиб қоладилар: форс «ангур» (узум) оламиз деса, араб «ман ангур емайман, инаб (узум) истайман» дейди. Турк «узум» оламиз деб туриб олса, юнонлик «йўк, истофил (узум) емоқчиман» деб мушт ўқталади. Натижада улар бир-бирини тушунмай, ёқалашиб кетадилар. Шу пайт «юз тилни биладиган сирлар соҳиби» бир одам йўлиқиб, уларнинг низосига кулоқ солиб, пулни қўлларидан олиб, бозордан узум сотиб олиб берганида, тўрталаси ҳам бир нарсани хоҳлаганини кўриб ҳайрон қолишади, истаклари амалга ошиб, ярашиб кетадилар.

Румий ушбу ривоят билан нафакат номлар, ифодаларнинг хилмачиллиги маъно-моҳиятини яшириб, одамларни адаштиришини англатиш баробаридан муҳим бир ғоя — Худонинг моҳиятини англашда инсоннинг хушёрги, ақлий ва маърифий камолотига асосий эътиборни қаратади. Одам қанчалик нодон бўлса, у шунча хурофотга, сўзлар сехрига, шаклларга маҳлиё бўлади, расм-русумга, ақидаларга берилувчан бўлади. Ва, аксинча, одамнинг маърифати, билими ошган сари, у Илоҳ илмига, ғайбга якинлашиб боради, мазҳабпарастлик, ақидапарастликдан юкори кўтарилаверади, ҳақиқат ошири бўлиб, Ҳақ сари талпинаверади. Мазҳабпарастлик инсонни кичрайтиради, маънавий дунёсини торайтириб, муайян бир схоластик тушунчалар кишанига солиб қўяди. Шунинг учун сўфийлар ўзларини мазҳабларга, шариат чорчубасига боғлиқ қилиб қўймаганлар. Сўфийлар зоҳирни эмас, ботинни ростлаш, қалбнинг, руҳнинг шарафланиши, камолоти учун курашардилар. Жалолиддин Румийнинг таъбири билан айтганда: «Инсоннинг ичи хуррият оламиди». Ҳа, инсон қалбан хурдир. Оллохга бўлган муҳаббат, ҳаётга бўлган муҳаббат ҳам хурлиқдан пайдо бўлган шавқдир. Бу шавқ куйдирувчи ишқка айланаби, инсоннинг ўзини ҳам оламларни ўз ичига сирдирувчи буюк бир хилқатга айлантиради. Яъни Оллохга қарин этади. Бу ишқ, боя айтганимиздай, ҳар қандай дунёвий ва ухравий манфаатпарастликдан, гаразлардан холи, покдир. Бунда тоат-ибодатдан, аҳкомларни баҗаришдан кўра, самимият, ёник ҳарорат билан жонфидолик қилиш хисси устун.

Шу ўринда Румийдан яна бир ривоятни нақл этмоқчимиз. «Маънавий Маснавий»да келтириладики, Мусо пайғамбар бир яйловдан ўтаётганида бир чўпонга дуч келади. Чўпон Худога нола қилиб дер эди: «Эй Художон, Сен қаердасан, кел, соchlарингни тарайин, чориqlарингни тикайин, наки ўз жоним, балки қўйларим, фарзандларим ҳам сенга фидо

бүлсін. Каердасан, бориб дастёринг бүлсам, сут-қаймогим билан қорнингни түйдірайин, бошинг оғриса, бошингни силайин, юз-құлингдан ўпайин, оёкларингни үкалайин...»

Мусо буни әшитиб үйлонни койииди: «Эй ахмок, коғир бүлдинг, Худонинг чориги ҳам, түни ҳам йўқ, у емайди, ичмайди, Уни ўзингга ўхшатма. У гўё қуёш, сен бир чивин...» Үйлон Мусонинг бу гапидан каттиқ хафа бўлади ва жимиб қолади.

Шунда Парвардигори оламдан Мусога вахий келади: «Эй Мусо, нима қилдинг, бандамизни биздан айрдинг, кўй, айтсин, сен бандаларнинг дилини Парвардигорга улаш учун юборилгансан, ажратиб ташлаш учун эмас. Биз ҳар одамга, ҳар бир элга ўз даражасида, ўз тилида мухаббат изхор этишга имкон бердик. Хиндларни хинд тилида, синдаларни синд истилоҳида сўзлатдики».

Бу ривоятда ҳам Румий ташки белгилар, сўзлар шаклига эътибор қилмаслик, балки сўзнинг маъносига, самимийлигига эътибор бериш лозимлигини таъкидлайди. Үйлоннинг сўзлари жуда тўпори, содда. Үйлон Худони ўзига ўхшатиб тасаввур этади. Аммо унинг сўзлари, мухаббати сохта эмас, тамаъ-гаразга асосланмаган. У бор-будини Худо йўлида сарфлашга тайёр. Албатта, юрақдан айтилган гаплар қандай тилда бўлмасин айтиувчининг садоқатини ифодалайди.

*Мо бурунро нангарему қолро,
Мо дарунро бингарему ҳолро.*

(Биз ташки тузилишга ва сўзга қарамаймиз, биз ичкарига ва ҳолга боқамиз), дейди Худованд Мусога қараб. Бу Куръондаги оятнинг шеърий таржимаси экани кўриниб турибди.

Зеро, инсон қалби Оллоҳнинг уйи, бу уй қанча тоза, саришта бўлса, Оллоҳ нури, Оллоҳ илму хикмати унда шунча акс этади. Қўнгил — бу жавхар, сўз эса — араз (ҳодиса) дейди Румий. Агар киши фикрини сўз билан ифодаласа ҳам, лекин бу сўз қўнгилдан чиқдими ёки йўқми — мухими шу! Сўз — курол, мақсад эса — қўнгил. Қўнгил ўртамаса, эҳтиросларга тўлишмаса, сўзда таъсир бўлмайди:

*Чанд аз ин алфозу измору мажоз,
Сўз хоҳам, сўз, бо он сўз соз!*

(Қачонгача бу сўзлар, киноя ва мажозларни келтирасан, олов истайман, олов, олов билан қизитгин).

Олов — Оллоҳнинг ишки, олов — маъно, олов — Ҳақ ишқида ёнган қўнгил дарди. Демак, Моҳиятга ишқ олиб боради. Шу боис Жалилiddин Румийнинг «Маънавий Маснавий» асарини инсон тафаккурини оловлантириб, илоҳий моҳиятини англаш сари олиб борадиган Ишқнинг тафсири деса бўлади.

*Тинглагил, най не ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардан шикоят айлагай*

дэя бошланади бу муazzам фалсафий достон. Най — Аслидан ажралган рух тимсоли, ошик қалб рамзи. У Аслига қараб тинимсиз равишда интилади, нола-изтироблар билан ўзлигини ва ўз Роббини англаб боради. Румий бу маънони оламжаҳон ҳикоят ва масаллар келтириб, Куръон оятлари ва ҳадислардан фойдаланиб тушунтириб беради. Унинг ўт-

кир мушоҳадалари «Ичиндаги ичиндадир» асарида ҳам ёрқин намоён бўлган. Бу асарда ҳам ташки ва ички оламлар қиёси, мақсад,ояни, ҳақиқатларни шархлаш асосий ўринни эгаллаган. Одамлар кўп холларда кўзга кўринган ташки белгилар, сурат-шаклларга қараб ҳукм чиқаралилар, дейди мутафаккир. Сийрат ва моҳиятни англашга ожизлик қилалилар, шунда улар одатлар, маросимлар, ақидаларга ёпишиб оладилар; мазҳаббозлик, тарафкашлик билан шуғулланадилар. Ҳолбуки, Илоҳ талабгори булардан юкорига кўтарилиши лозим. Дарвешлар, сўфийлар ана шундай одамлардирлар. Моҳиятни идрок этмай тавҳид сирини, иймон нурини эгаллаш, илм-маърифат қозониш мумкин эмас. Илоҳ ҳақидаги тасаввурлар ҳам бир хил. Бу тасаввурларнинг ҳақиқати тўпланса, балки Оллоҳ маърифатига яқинлашиш иложи топилар? Румий қуидаги масални келтиради: тўртта кўзи ожизга филнинг қанақа эканлигини англатмоқчи бўлибдилар. Филни улар олдига олиб келибдилар. Улардан бири филнинг хартумини ушлаб, ҳа, илонга ўхшар экан дебди. Иккинчиси оёкларини пайласлаб, фил бинонинг устунига ўхшаш экан дебди. Учинчиси корнини ушлаб, қопга ўхшар экан дебди, тўртингиси филнинг кулоқларига кўл текизиб, супрага ўхшар экан дебди.

Демак, уларнинг бирортасида ҳам фил ҳақида тўлик тасаввур йўқ. Шу каби одамларда ҳам алоҳида-алоҳида олингандан Худо ҳақида тўлик тасаввур йўқ. Фақат қалб кўзи билан идрок этадиганлар бу Моҳиятга яқинлашиб борадилар. Суратга ишқибоз зоҳирбинлар эса бундан маҳрумдирлар. Румий келтирган мана бу масал ҳам шу ўринда ибратли:

Бир тулки шердан қутулиш учун унга қараб: ўрмонда сендан ҳам зўр бир жонвор пайдо бўлибди, у сенга ҳужум қилиб емоқчи, дебди. Шернинг қаҳри келиб, қани ўша маҳлук, деб сўрабди. Тулки шерни қудук бошига олиб бориб сувга қарагин кўрасан, дебди. Шер сувга қараган экан, ўз аксини кўрибди ва ҳали сенми мени ейдиган дея ўзини қудукқа ташлабди ва ҳалок бўлибди. Румийнинг хulosаси: суратпастлик, ҳовлиқмалик, манманлик тақлидчиликни юзага келтиради. Манманлик эса охир-оқибатда инсонни ҳалокатга олиб боради.

Шундай килиб, инсон руҳи Оллоҳдан ажралиб, «Оллоҳга кайтар экан» (Куръон ояти), у албатта юксалиб, ирфон нуридан баҳраманд бўлиб бориши лозим. Бўлмаса, моҳиятлар моҳияти, жамики ҳақиқатлар ҳақиқати — Ҳақ тъяълони англамай, ходисалар, аразлар, суратлар ичida ўралашиб қолади. Албатта, Румий сурат ва ходисалар оламини инкор этувчи эмас. У тажаллиёт фалсафасининг мутафаккири сифатида Оллоҳ нурининг бутун мавжудот бўйлаб тарқалиши ҳар бир нағислик оҳанглар, харакатларда бу нур зухур этишини ғазалларида тараннум этган. Аммо у ходиса ва сурат билан чекланишга қарши. Киши оламнинг ўзини, ходисаларини идрок этиш билан чегараланмасдан, ходисадан моҳиятга қараб бориши даркор. Шунда у шариат босқичидан ҳақиқат мартабасига кўтарилади. Камолот сари интилганлар йўлда тўхтаб колиши мумкин эмас. Ана шу мъянода Жалолиддин Румий барча динлар ва мазҳабларни ҳам ўзимга сидираман ва яна барчасидан ўзиб кетаман, дейди.

Бу ўринда шуни ҳам қайд этмокчимизки, Румий барча мазҳаблар ёки динларни бирлаштиришини мақсад қилган эмас ёхуд улар ўрнига янги умумжаҳоний дин таклиф қилгани ҳам йўқ. (Мальумки, XX аср бошида Эронда Баҳоулло деган киши ўзини пайғамбар деб, баҳоя динини дунёнинг ягона дини деб эълон қилган эди. Бу дин тарафдорлари хозир ҳам бор. Аммо улар тасаввуфни ҳам, Румийни ҳам хуш кўр-

майдилар). Жалолиддин Румий ўзининг барча қарашларида ислом фалсафаси, Куръон ғояларига таянади. Мухаммад пайғамбарнинг ҳадисларидан кўплаб мисоллар келтиради. Умуман олганда, чукур ўйлаган одам Румий таълимоти исломнинг ўзагидан келиб чиқишини яхши англаб етади. Нега? Чунки ислом дини нисбатан янги дин бўлганлиги сабабли олдинги динларнинг ирфоний жиҳатини мустаҳкамлади, зотан, ислом бўтпастастликка қарши курашиб шаклданган дин. Бутпастастлик эса суратпастастлик, зоҳирбинликдир. Шунинг учун исломда тавҳид биринчи ўринда туради: Худо мутлақ ва ягона яратувчи зот эканлиги чукур исботланади. Исломда, шунингдек, суратга эмас, маънога, ғояга эътибор қилиш етакчи фикрдир. Тасаввуф айнан ана шунга суняди ва исломий иймонни, тавҳидни яна ҳам ривожлантиради. Шу боис Румийнинг фикрларини исломий тавҳиднинг янада чуқурлашуви, ирфоний мазмун касб этиши деб билишимиз лозим.

Шу ерда Румийнинг яна бир фикрини ўқувчиларга етказмокчиман. Румий дейдик, Оллоҳнинг яратган оламлари чексиз бўлганидай, унинг илми ҳам чексиздир ва Куръони карим Оллоҳ илмининг ҳаммаси эмас. Куръон бу илмнинг бир кисми – Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга араб тилида юборилган илм. Оллоҳ илми олдинги пайғамбарларга бошқа тилларда ҳам юборилган эди, демак, кейин ҳам бу илм кашф этилиши мумкин.

Шундай бўлгач, динларни бирлаштириш мумкинми? Йўқ, мумкин эмас дейди Румий. «Ичиндаги ичиндадир» китобида у ёзади: «Сиз қандай қилиб динни бир қиласиз? Бу фақат қиёматда мумкин. Бу ер дунёдир ва шунинг учун ҳам диннинг бир бўлиши мумкин эмас. Чунки бу ерда уларнинг турли-туман истаги ва тилаги бордир. Дин дунёда бирлашолмайди, фақат қиёматда бир бўлади. Қиёматда уларнинг ҳаммаси бирлашади, бир кулок, бир тил ҳолига келади».

Ха, дунё касрат (кўплик) олами. Касрат эса хилма-хиллик, хилмажил қарашлар, тушунчалар, истак ва хоҳишлар демакдир. Дин ана шунга мос равишда кўпдир. Қиёматда улар бирлашади, чунки ҳамма ягона Парвардигор ҳузурида бўлади, истаклар Оллоҳ истагига келиб уланади. Оллоҳ – вахдат. Вахдат эса касратни бирлаштиради.

Демак, динларнинг, мазҳаблар, таълимотлар, қарашларнинг турли-туман бўлиши қонуният, табиий ҳол. Унда булар орасидаги жанжал ва тортишувлар ҳам қонуниятми?

Жалолиддин Румий буни очик айтмаган. Аммо «дин дунёда бирлашмайди», деган фикрнинг ўзи улар орасидаги фарқлар, демакки, «менинг диним ҳақ», «менинг мазҳабим тўғри» деган тортишувлар сақланаверади, деган маънони ҳам англатади. Зоро, бу тортишувлар замирида дунёвий манфаат ётади. Диккат килинса, Румий «дин дунёда бирлашмайди» дейиши билан дин, гарчи Худога эътиқодни талаб қиласа-да, охират ҳакида сўзласа-да, аммо у дунёвий ҳодисадир. Дунёга эмас, балки Оллоҳга боғланиш, Ҳаққа етишиш учун риёзатларни роҳат деб улуг мухаббат билан интилиш фақат тасаввуф таълимотига хос. Ана шу жиҳати билан тасаввуф ахли, айникса, Румий, Ибн Арабий, Жомий, Машраб каби улуғ орифлар барча динлар ва мазҳаблардан юкори турганлар, мазҳаблараро тортишувларни маънисиз ва беҳуда нарса деб қараб, одамларни буни англашга ва бирлашишга чақирганлар. Тасаввуф гуманизмининг умумжаҳонийлиги ва ўлмаслиги ҳам шундадир.

Бу маколада биз «Маънавий Маснавий»нинг биргина жиҳатини гапирдик, холос. Румий буюк мутафаккир инсон сифатида дунё зиддият-

лари, зиддиятларнинг ўзаро вобасталиги («қарама-қаршиликлар бирлигি»), дунёда миллиард шаклу шамойилда мавжуд бўлган ашёларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига ўтиш – эврилишлари, модда алмашишнинг заррадан коинот қадар амал қилиши, ҳаёт ва ўлим сабаблари (ҳаёт – зиддиятлар «келишуви», «ярашиши», ўлим – зиддиятлар «жанги»), жисм ва рух, одам ва Илоҳ ҳакида ёзди, буларни ажабтовор ўткир мантиқ билан таҳлил ва тадқик этади. «Маснавий»да бир неча юз хикоят ва ривоятлар келтирилган. Куръони каримнинг юзлаб оятни тилга олиниб, тафсир этилган. 690 ҳадисга румиёна шарх берилган. Кўз олдимизда ҳам Калом илмининг улув билимдони, ҳам тасаввfu таълимотини сарбаланд чўққига олиб чиккан ориф инсон ва ҳам муктадир даҳо шоир гавдаланади. Оддий латифалар, хикоятлардан Румий фавқулодда фалсафий-сўфиёна маънолар чикаради, теран тафаккури доирадан доирага, даражадан даражага кўтарилиб боради. «Куръоннинг уч қабат ботиний маъноси бор», деб қайд этади у ва ана шу маъноларни изчил бизга тушунтиради.

Бутун «Маснавий» бошдан охиригача икки муҳим ғоянинг талкинига бағишлиланган десам хато қилмайман. Бу ғояларнинг бари – таклидчилик, зоҳирбинликнинг жаҳолатдан эканлигини исботлаш бўлса, иккинчиси – илоҳий маънолар, Ҳақ ҳақиқатига эришган чин сўфийларни улуглашдир.

Асарнинг бошидан бошлаб, найга мурожаат қилган шоир, найнинг ботиний олами, ноласи, асроридан кўплар бехабар эканлигини таъкидлайди. Ва мана шу бехабарликнинг ўнлаб кўринишларини, салбий оқибатларини тамсил, хикоялар шарҳи билан очиб беради.

Най – руҳи Илоҳдан ажралган ва ўша аслига қараб шиддат билан итилаётган ошиқ орифлир. Бутун «Маснавий» шу ошиқ ориф қалбнинг тафсиридир. Бу қалб – Шамс Табризийнинг, Шайх Ҳусомуддиннинг, улув Жалолиддин Румийнинг қалбидир, уларнинг пок руҳлари таратган нурдир.

Бу ориф қалби – касрат дунёсини обдон ўрганиб, ваҳдат оламига парвоз этади, шу олам шавқида илоҳий ҳикматларни тизиб ташлайди.

Шу боис Румий асарларини англаш, ундан баҳра олиш кишига ҳузур бағишлидай, бу асарлар маънавиятнинг кони, маънолар хазинасиdir.

Жалолиддин Румийнинг номи ҳар холда Ўзбекистонда бегона эмас. Бу ном кўпларга таниш. Бунда Жамол Камол таржима қилган Радий Фишининг китоби муайян рол ўйнади. Шу каби Ж. Жабборов шоирнинг бир даста газалларини таржима килиб нашр эттирид.

Истеъоддли шоиримиз Асқар Маҳкам «Маънавий Маснавий» таржимасига қўл урибди. Бунга унинг ҳаққи бор. Чунки Асқар Маҳкам ўзи сўфиёна шеърлар ёзиб юрган, қалбида Румий ғоялари жўш урган одам.

Асқар Маҳкам ишининг фазилати ва фойдали томони шундаки, у факат Румий байтларини таржима килиш билан чегараланмаган. Балки туркиялик атоқли маснавийшунос олим Мавлоно Обиддин Пошшо шархини ҳам ўзбек тилига табдил этиб келтирибди.

Бошқача айтганда, Асқар Маҳкамнинг ишини ижодий ва тадқиқотий иш деса бўлади. Умуман, бу ўринда қадимги шорихлик анъанаси сакланган, яъни: аввал оригинал байт келтирилади, кейин унинг назмий таржимаси, сўнгра лисоний-насрий таржимаси берилади ва шундан кейин байт шархланади.

Мавлоно Обиддин шарҳи ўзигача бўлган бир неча мўътабар шарх-


ларга суюниб ёзилгани, хийла чуқурлиги билан қимматли. Албатта, бу шарҳ ҳам Румий маъноларини тўлиқ қамраб олади, дея олмаймиз. Ҳар қандай шарҳ, ҳар қандай талқин ва таржима буюк аслиятни англашга кўмак берувчи бир воситадир. Жумладан, тақдим этилаётган шарҳ ҳакида ҳам шуни айта оламиз.

Ушбу китоб «Маснавий» биринчи дафтарининг (ҳаммаси олти дафтар) бир қисмини ўз ичига олади. Демак, тақдим килинаётган китоб Румий ижоди билан дастлабки танишувдир. Таржимон сидқи дилдан меҳнат қилган, менимча, шарҳнинг бир қанча ўринларини тўлдириб, қўшиб таржима қилган. Натижада бугунги ўзбек китобхонига тухфа бўладиган бир қимматли асар вужудга келган.

Агар «Маснавий»нинг барчаси шу зайлда шарҳ билан бирга таржима килиб нашр этилса, бу, шубҳасиз, маданий-маънавий ҳаётимизда бир воқеа бўлади. Асқар Маҳкам эса миннатдор китобхонларнинг дуосини олади.

**Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор.**





ПОКИЗА «МАСНАВИЙ» ГА БИР НАЗАР

Машхур шоир ва ориф Жалолиддин Мұхаммад Румийнинг теран андишалари таровиши бўлган «Маснавий» китоби инсоний ҳакиқат ва маорифнинг пургавҳар дарёсидир. Жалолиддин уларни ўзининг пок қалби ва оловли фикрлари хамоҳанглигига кашф этмиш. Мавлавий ушбу асарда бир мусобиҳ мутакаллим, аммо тамсилий қиёслар ва шоирона ташбихлар воситасида Қуръон ва шариат аҳли ақидаларини исбот этади, тавҳид ҳакиқати, рух вokiёти, ҳашр ва нашр, жабр ва ихтиёр худудларини шариат нуқтаи назаридан таҳлил қиласи. Шариат магзини «ишқ» деб, мазҳабни олий васила, илохий мулоқотнинг энг тўғри йўли деб билади.

«Маснавий»нинг бирор-бир ўрнида динга нисбатан эътиборсизлик ёхуд уни авомнинг қарашлари билан чеклаш ҳолатларига дуч келмаймиз. Ҳарчанд баъзи тафсир ва таъвиллар диний нуқтаи назардан боят шахсий, ёхуд айримларга номақбул бўлиши мумкин, аммо бу ҳол «Маснавий»нинг азamat ва шавкатига заррача путур етказмайди, шунингдек, бу буюк асар исломий фарҳангнинг ёрқин ва боят қадрли мероси бўлиб қолади.

Жалолиддин Румий бу бебаҳо асарида юзлаб зарурий масалалар силсиласи, жумладан, умумий маърифат, илохият ва инсон мавжудияти-нинг хилма-хил кирралари хусусида баҳс юритади. Шоирнинг бундан мақсади пок руҳга илохий сайд, Оллоҳ висолига етмоқ йўлларини кўрсатишидир. Дарвоке, «Маснавий» китоби энг олий гўззалик ва ирфон манбаи бўлмиш инсонлар жамоаси манфаати йўлида эзгу ишлар билан шуғулланишга ташвиқ этади.

*Мард гарқа тер ичинда жон узар,
Илкини ҳар бир гиёҳ, ўтга чўзар.*

*Ёр суйгай бул каби мардларни чўх,
Ғайрати беҳуда бўлсин, бок йўқ.*

*Айламиши амр, эй ўғил, Раҳмонимиз,
Ҳар кунинг Улдир, ки Улдир шонимиз.*

*Саъӣ қил, йўл бўлса-да то қайгача,
Фориг ўлма, бир дам охир дамгача.*

Мавлавийда Шамс Табризий билан мулокот туфайли содир бўлган руҳий инқилобнинг кўплаб сабаблари бор, бироқ Шамс Табризий ёлгиз Жалолиддин билан сухбатда бўлмай, балки жуда кўплаб кишилар билан мулокот қилган. Аммо илоҳий-руҳий истеъоди ва турма азалий тайёргарлиги бўлган Жалолиддин буюк бир жанбуш ва талотумни бошдан кечирди.

Мавлоно ҳали Шамс Табризийга ошиқ бўлмасдан бурун ўзининг покиза замираида юз кўрсатган маънавий-руҳоний жавоҳирлар, нурлар ва тилсимларнинг ошиги эди. Шамсга дуч келгандан сўнг ўз ботинида ўзи ошиқ бўлган ҳодисаларнинг тирик мужассамини топди ва унга ошиқ шайдо бўлиб қолди. Мавлононинг Шамс билан робитаси мухлис муриднинг ўз муроди билан робитасидир. Маълумдирки, маънавий жозибалар ва ботиний истеъодлар қанчалик мўл бўлса, ишқ ва муҳаббат ришталари, ризо ва таслимият мезони шу қадар мустаҳкам бўлади.

Мавлононинг бу қадар юксак ҳаяжон ва ишқининг боиси теран маънавий ва руҳий ҳақойик, буюк шоирона истеъодод эдиким, бу охир оқибат Шамс Табризий девонига айланди ва «Маснавий» китобида ҳам бу ёндиргувчи ишқ нурининг алангаси пориллади.

Мавлавий ўз шеъриятида акс этирган урфоний, илмий ва руҳий киёфа қатъий ва фавқулодда мумтоз чехраларданцdir. Унинг инсон ҳақиқи ва олий ҳақиқатга нисбатан нигоҳи кенгликлари бесаранжом уммондир. Бу ҳақиқатлар баёни шу қадар қисқаки, унинг ўзи бу ҳақда ёзди.

Лаб, десам дарё лаби деб англангиз,
Ло, десам Оллоҳ гами деб англангиз.

«Маснавий» китоби Куръон маорифига, диннинг тамсилий тафсирига элттувчи йўл карвони. Бу бутун мусулмон олами маданиятига таважжух. Зеро, Мавлоно андишалари Ислом биноси ва усувлари асосига қурилган. Бу муҳташам Ислом фарҳангига ягона Ислом умматининг ҳамдиллиги ва яқдиллиги йўлида қўйилган қадамдир.

Муртазо БИҲИШТИЙ,
румийшунос (Эрон).





ТАРЖИМОНДАН

Ул Фарийдундир маъно дунёсига,
«Маснавий» бурҳондир асли зотига.
Мен не дей олижаноб васфида, бас,
Бор китоби, лек пайгамбар эмас.

Абдураҳмон Жомий

«Муллойи Рум» дейди ул зотни сохибиршод Шамс Табризий ва отининг жиловидан тутади: «Ким буюк — Мухаммадми, Бистомий?..» Мухаммад (Ул зоти муборакка Оллоҳ саломлари бўлсин) Ҳақнинг пайғомчиси, яъни пайғамбари, оламларга раҳмат қилиб юборилган расули. Бистомий — кул...

Оятлар... оятлар...

Шамс Табризий бехуд бўлиб, Румо хокига беланади...

Болалигимиизда овози арслонлар наърасига ўхшаш бир паҳлавий ҳофиз ул зотнинг аҷабтовур қўшигини куйларди, биз гоҳ арслон наърасига, гоҳ ғалати сўзлар силсиласига кулок тутардик. «Ман омадам, боз омадам, ҳозо жунун, ал-ошикийн...»

Кейин Аҳмад Зоҳир ул зотни ёдимизга солди:

«Ман маству ту девона,
Моро ки барад хона...»

Мустағриқ шоир Лойикдан сўрашди:

— Не дардинг бор?

Сархуш шоир деди:

— Мавлавийнинг ракси самоъсини бир кўрсам эди...

Кейин қаердадир ўқидим:

«Маснави маънавий» Мавлавий,
Ҳаст Куръон дар забони паҳлавий...»

Азимушибашын Куръон — Уммул китоб. Оллоҳ таълонинг баёноти. Дунё ва одамнинг сўнгти достони.

«Маснавий» — паҳлавий тилидаги Куръон.

Нима бу? Ширкми? Куфрми? Исёни?
Биз билмасдик.
Билолмадик.
Билолмасмиз.
Кўп ўтмади, туркийзабон Ҳофиз дод солиб айкирди:

Кўнгил ичра нечук олам, нечук султон, билмассен,
Таним саргайди, пойим устувор чандон, билмассен.
Мунаввар бир қуёшмен, дур тўла тўлқинли уммонмен,
Замин теграмдадир, дилда яшар осмон, билмассен.
Жаҳон бўстонида бир боларилик учганим учган,
Асалдек сўзларим, лекин сенга пинҳон, билмассен.
Каломдин ҳам муборакдир улар. Мен ошиён қурдим.
Кабутарларга дерманки, келинг, эй жон, билмассен!
Ақл бегона сенга, йўқ эмиш фаҳми фаросат ҳам.
Билармен, деб дам урма, урганинг ёлгон, билмассен!..

(Жамол Камол таржимаси)

Ҳамма кийлу қолга, баҳсу талошга, алданиш ва адашишларга икки қутб, икки пири комил, икки зоти мубарро Жомий ва Навоий (Оллоҳ жумласидан рози бўлсин) нуқта қўйди.

«Нафаҳотул унс...»,
«Насойимул мухаббат».

Аввал қалом пирдан. Абдураҳмон Жомий:

«Нафаҳотул унс мин ҳазаротул қудс»:
«Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад ал-Балхий ар-Румий.

Мавлононинг володати (таваллуди) Балҳда содир бўлди. Рабеъул аввалининг олтиси, арбас ва ситамиа (604/1207). Мавлоно Баҳоуддин ёзма далолат айламишларки, Жалолиддин Муҳаммад олти яшар чигида Балх шаҳрида бир неча гўдак билан томимизда сайр қиласарди. Бир гўдак бошқа бирига дедики, кел, бу томдан нариғисига сакрайлик. Жалолиддин Муҳаммад деди: «Бу навъ харакат ит, мушук ва бошқа жони-ворлардан қолгандир. Хайф бўлсинким, одам боласи бу ишлар билан машғул бўлса. Агар сизнинг жонингизда қувват бўлса, келинглар, осмонга сакрайлик». Ва ўша чоғ гўдаклар назаридан фойиб бўлди. Гўдаклар кўркувдан йиғлаб, фарёд солдилар. Лахза ўтмай ранги ўчиб, ўзлари мутағайир холда болалар ҳузурида пайдо бўлди.

Деди:

— Сизлар билан сухбатлашаётган чоримда кўрдимки, яшил либос кийган жамоат мени сизларнинг сафингиздан олдилар-да, осмонларни сайр эттиридилар ва мулки малакутнинг ажойиботларини кўрсатдилар. Қачонки сизнинг фарёду фифонингиз эшитилди, бу ерга қайтариб келтиришиди.

Дерларки, ўша ёшда (яъни олти ёшли чоғларида) ҳар уч-тўрт кунда бир марта ифтор қиласардилар. Маккай музазамага борур чорда Нишопурда Шайх Фаридиддин Муҳаммад Атторнинг (қоддаса сирруҳу) сухбатларига мушарраф бўлганлар. Шайх Жалолиддин Муҳаммадга ўзларининг «Асрорнома» китобларини тақдим этди. Бу китобни мудом ўзларида асрар эканлар.

Мавлавий дер эдилар: «Мен ошиқлар назарида манзур бўлган жисм эмасман, балки қаломим туфайли муридлар ботинидан кўтарилигувчи завқ ва ҳушлиқдирман. Оллоҳ. Оллоҳ. Агар ул дамни топсанг

ва ул завкни тотиб кўрсанг, ранимат тут, шукрлар қилгилки, ул менман».

Хамма ёкни қонга белаб ташлаган ёвуз асрнинг сўнгти мутасаввуф шоири ҳазрат Мухаммад Иқбол «Жовиднома» достонида малакут оламига пири Румий билан сайр киласди.

Мавлавий дейди:

«Шарқ Ҳақни топди, дунёдан кечиб,
Фарб дунё топди, Оллоҳдан кечиб...»

Мавлоно Жалолиддин Румий ижоди қонли Ўқтабр исёнига довур мусулмон халқимиз учун бафоят қадрли ва дастрас эди. «Тўқсон саккиз фоиз халқи бесавод» бўлган юртимизнинг ҳар бир хонадонида «Маснавий шариф» бор эди. Мадрасаларда дарслик сифатида ўқитиларди. Оллоҳга ҳамдлар ва шукрлар бўлсинким, бугун яна Мавлоно ҳазратла-рига қайтиш рўй берди.

Биз ногай оғир ва машакқатли йўлнинг ҳануз ибтидосидамиз.

Бу — «Маснавий» йўли — Одамдан Оллоҳга ва Оллоҳдан Одамга; Фанодан Бақога ва Бақодан Фанога; Дунёдан Уқбога ва Уқбодан Дунёга; Сонеъдан Маснуъга ва Маснуъдан Сонеъга; Моликдан Мамлукка ва Мамлукдан Моликка; Шоҳиддан Машҳудга ва Машҳуддан Шоҳидга томон бўлган йўл. Бу нур йўли — Иймон йўли.

«Маснавий» тугал 26840 байт, 53860 сатрдан иборат муҳташам қаср. Биз бу буюк қасрнинг ҳали-ҳануз остонасида турибмиз.

Қўлингиздаги китоб бу тенгсиз уммондан қатра, йиллар давомида «Гулистон» журналида босилган бобларнинг мўъжаз бир гулдастаси. Биз уни ҳарқалай бир мажмуа ҳолатида сиз билан баҳам кўришга ошикдик. Банда хатосиз бўлмайди. Табиийки, китоб ҳам сахв ва ғалатлардан холи деёлмаймиз. Мутолаа чорида қўнглингиз тўлмаган нуқталар, фикр ва хуносалар ҳақида ўз мулоҳазаларингизни дариг тутмассиз деган умидимиз бор.



Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан!

Маснавий





МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ «МАСНАВИЙ» КИТОБИГА ЁЗГАН СҮЗИ

Бу «Маснавий» китобидир. Бу китоб дин усууллари усулининг усули, Ҳақ таъолога ва Ҳақиқатга етишиш сирларининг кашшофи.

Бу буюк фикҳ, Оллоҳ таъоло динининг очик-ошкор далили, бурхони ва такво китобидир. У мисоли бир чироғдондирки, ундаги порлоқ чирок («Нур» сурасининг 35-оятига ишора)нинг партави ва шуъласи бомдодлар нуридан нурлироқдир. Бу китоб кўнгиллар боғи, ундаги дараҳтлар хикмат ва маърифат булоқла-ридаи баҳра олади. Унда шундай булоқлар бордирки, бу йўл ва маромининг шогирдлари уни Салсабил деб атаганлар. Баландма-қом асхоблар ва каромат соҳиблари наzdida бу кўнгил боғи энг гўзал, энг баракотли манзилдир. Яхшилар ундан таомланадилар, ўз чанқоқларини кондирадилар, ҳаво ва ҳавасининг бандидан озод бўлганлар ундан шодмон ва баҳравардир. Бу китоб Миср сарза-минидаги Нил дарёси баайни Ҳақ ҳукмига бўйинсунгандлар ва сабрни пеша қилганлар учун шароб; фиръавнийлар ва кофиirlар учун ҳасрат ва надоматдир. Чунончи, Ҳақ таъоло буюрмишdir: «Қўпларни йўлдан оздиради ва қўпларни ҳақ йўлга бошлияди» («Бақара» сураси, 26-оятнинг бир жузъи). Бу китоб руҳий беморлар учун шифо, фуссаларни кеткизгувчи, розлар ҳамрози, сирлар кашшофи, Куръоний ҳақиқатларни очгувчи, ризқ-рӯзла-рини, инчунин, маънавий ризқни ҳам кенгайтирувчи, ахлоқни ҳар турли қабоҳат ва палидликдан асррагувчидир. Бу китоб китобат қилгувчи фаришталар ва олий мартабали ҳат битгувчи малак-ларнинг кўли билан ёзилган («Абаса» сураси, 15-оят). Улар (ко-тиб фаришталар) тубан кимсаларнинг унинг (китобнинг) асрор ва ҳақиқатларига ёвуқ келмагига изн бермайди. Гуноҳ ва ёзуғдан пок зотларгина унга эш бўла оладилар («Воқиа» сураси, 79-оят). На бурунги ва на бўлғуси китоблар уни ботил қила олмайди («Фуссилат» сураси, 42-оят). Ҳақ таъоло бу китобни ҳар балою

офатдан ўзи асрагай. Удир асрагувчиларнинг яхшиси. Удир меҳрибонлардан меҳрлироқ («Юсуф» сураси, 64-оят). Юқорида биз санаб ўтган китоб лакаблари — сифатларидан ташкари Ҳақ таълонинг ўзи ҳам уни сифатламишdir. Бироқ биз мазкур оз микдордаги сифатлар билан кифояландик. Зеро, оз кўпга, қатра уммонга, ховуч хирмонга далолат қиласи.

Шундай дер бу нотавон банда, Ҳақ таъоло раҳматига муҳтож Мухаммад ўғли Мухаммад Ҳусайн ўғли Балхий. Ҳақ таъоло бу «Маснавий» китобини ўз даргоҳида мақбул айласин. Эзгу толиблар муборак ва мазмунли нукталардан, равshan сўзлардан, айтилмаган калом садафларидан баҳраманд бўлсин деган мақсадда ушбу шеърий «Маснавий» китобини яратмоққа харакат қилдик. Бу китобнинг қисқа ва маъноли иборатлари бор. Мен уни (китобни) ўз сарварим, руҳу жонимнинг бугуни ва эртаси учун захира бўлмиш «фордаги ёр»имнинг истаги билан туздим. Удир орифларнинг устози, хидоят топғанларнинг пешвоси, фарёд чеккувчиларнинг ғамгусори, одамларнинг додига етгувчи, ақл ва кўнгиллар омонатини сақлагувчи, яралганлар ичida Худонинг омонати ва бошқа ҳалқ қилинган зотлар орасида танланган банда, Ҳақ таъоло амрларини адо этган пайғамбарлар, пинҳон авлиёлар ва сўфийлар ахлидандир. (Кўплаб «Маснавий» шорихлари ушбу охириги жумлани мубҳам демишлар. — Тарж.). Арш хазинасининг калити, ер ганжларини омонат асрагувчи, макорим фазилатлар соҳиби, Ҳақ ва дин қиличи Ҳасан ибн Мұхаммад ибн Ҳасан, туркнинг Ахий вилоятидан, замон Боязиди, даврон Жўнайди, Ҳаклардан бино бўлмиш Ҳақ. Худо ундан ва улардан хушнуд бўлғай. Асли ва уруғи Урумайядан, шундай буюк шайхга қариндошдирки, демиш: «Тунни шундай ҳолатда ўткардим, бир содда курд эдим, бомдод маҳали фазилатли арабга айландим». (Сўз асли оми бўлган курд Сайид Абул Вафой ҳақида бормоқда. Бу зот руҳоний жазава воситасида илохий илмга эриши). Худо унинг арвоҳи, ундан ўтганларнинг арвоҳини пок тутсин. У эзгу хулқли аждод ва авлодлар соҳибидир. Ҳусомуддиннинг буюк қардоши бордирки, қуёш унинг ёруғлиги ва азаматидан уялади, унинг шундай ҳасаби бордирки, юлдузларнинг равshan нурлари унинг шуълалари олдида ўз таъсиридан жудо бўладилар. Бу буюклар ва муҳташамларнинг даргоҳи устувор бўлсин. Зеро, улар муштоқлар қибласи, шайдойилар каъбаси ва яхшиларнинг зиёратгоҳидир. Оллоҳ, токи юлдузлар ёнгунга довур, токи қуёш порлагунга қадар уларни асрар! Токи улар Раббоний хирадмандлар, руҳоний зотлар, осмоний арш соҳибларига паноҳ бўлгайдирлар! Улар шундай хирадмандлар тоифасидандирким, ҳарчанд Ҳақ асроридан огоҳ бўлсалар-да, лабларига хомушлик муҳрини босгандар, гарчанд ерликлар назаридан ғойиб ва мажхул бўлсаларда, осмонийлар ҳузурида ҳозир ва маъруфидирлар. Улар жандапўш шоҳлардир, қабилаларнинг ашрафлари, фазоиллар асхоби ва далойил нуридирлар.

Ижобат айла, эй оламлар Парвардигори!

Бу дуо Оллоҳ даргоҳида рад бўлмагай. Зеро, унинг фойдаси ҳаммага етгуси. Оламлар Парвардигорига ҳамдлар бўлсин. Халқ қилинган зотларнинг энг афзали Мұхаммадга, унинг покиза хонадони ва дўстларига Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин.

МАСНАВИЙ

*Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад,
Аз жудойиҳо шикоят мекунад.*

ТАРЖИМА

*Тинглагил, най не ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардан шикоят айлагай.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Тингла, най қандай ҳикоятларни сўзлайди: у фирокдан, фурбатдан шикоят қилаёттир.

ШАРХ

«Най» истилоҳидан муддао, яъни зоти шариф Мавлоно Жалолиддин Румий кўзлаган максад ориф ва оқиллик мартабасига ноил бўлган инсони комилдир. Бу комил инсоннинг оғзидан ҳамиша ошикона, лаззатбахш ва сермаъно сўзлар зухур этади.

Байтнинг куий — иккинчи: «Айриликлардан шикоят айлагай» мисрасининг мазмуни куйидагича: ориф ёхуд комил инсон руҳний дунёдан (яъни асл ватанидан, унинг мангу ва барқарор руҳи ҳали бу фоний оламга инмаган чоғдаги маконидан) жудо бўлгандан сўнг, азиятлар ва ёзувлар тўла заминга тушганидан аччиқ шикоят қиласи. Бу шикоят — норозилик, маҳзунликнинг бирдан-бир сабаби асл оламидан айрилишидир. «Най» — комил инсон бу макомда ўз дарди ёхуд ўткинчи дунё дарди учун фифону фарёд чекаётгани йўқ. Буюк «Маснавий»нинг илк байти бўлган ушбу сатрларда Мавлоно ҳазратлари арабча «самъ»га тааллукли бўлган «tingla» амри воситасида най садосига дикқатни қаратмоқда. Бунинг боиси инсоннинг эшлиши аъзоси унинг бошқа аъзоларига нисбатан баланд макомда эканига ишоратдир. «Самъ»дан сўнг одам вужудидаги энг мӯътабар аъзо кўз. Инсон кўз воситасида баъзи «моддиёти маҳдуда» (майда моддий унсурлар)ни кўради. «Самъ» эса маънавиёт ва маъқулотга тааллукли кўплаб хукм ва ҳикматни тинглайди. Шон ва шавкат соҳиби бўлган пайғамбарлар икки жаҳон офиятининг боиси бўлган «иродати Раббоний»ни (Оллоҳ ҳукмлари) ер юзига ёйган маҳалларида, асосан, одамларга ваъз ва насиҳатлар қилишар, умуман, уларнинг ҳамма жидду

жаҳдлари илохий қонунларни башар фарзандининг кулоқларига етказмоқдан иборат эди. Одам вужудида бениҳоя улуг ўрин тутган кўз аксар ҳолларда, масалан, офтоб нури ёхуд кучли шамъ ёруғлиги таъсирига дош беролмайди, яъни бетоб ва маътал бўлади. «Самъ» — «эшитиш қувваси» эса қуёш, ой, шамъ каби суварий мунааввараларга (суратда ёруғ бўлган, зоҳирان равшан бўлган жисмлар) муҳтоҷ бўлмайди. Доимо ақл нури ва қуввати билан ҳар бир нарсадан кўплаб нарсаларни тинглайди, маълумотлар жамъ этади ва инсон қадрини зиёда айлайди. Алалхусус, азимуш шаън Куръоннинг ёёт ва байинотида (мўътабар Куръоннинг оятлар ва ҳукмларида) «самъ» (tingлаш аъзоси) ҳамда «басар» (кўз) ёнма-ён зикр этилади. Бу икки калом келгани замон, албатта, «самъ» олдинда, «басар» эса кейинда бўлади. (Дарҳакиқат, «асмаул ҳусна» иборасига тааллуқли Оллоҳ таълононинг тўқсон тўққиз исм ва сифатидан бўлган «самийъ» ва «басийр» («эшитишгувчи» ва «кўргувчи») илохий истилоҳлари мұқаддас Куръоннинг аксарият оятларида кетма-кет тилга олинади). Оллоҳ таъоло пайғамбарларнинг барчасига ўз ҳукмларини эшиитирмоқдан ўзга йўл билан нозил этмади. Яъни ҳар бир пайғамбарнинг ер юзидағи баъсати (яратилиши) айни «самъ» воситасида юз кўрсатди. Аммо, афсуски, башар фарзанди ўртасида эшитишдан маҳрум «иллати уммия»га (карлик) гирифтор бўлганлар бор. Мазкур байтда орифнинг, комил инсоннинг найга нисбатан ташбиҳ бўлинишида жуда кўп муносабатлар мавжуд. Улардан баъзиларини эслатиб кўшиш ўринлидир: биринчидан, най одатда қамишдан ясалади. Қамиш кесилмасидан бурун доимо нашъу намода ҳаёт кечиради. Кесилгандан сўнг қурийди. Комил инсоннинг руҳи ҳам арвоҳ оламида (руҳлар дунёсида) бениҳоят маънавий лаззатлар ичида яшайди. Фаддор ва куп-қуруқ бўлган дунёга келгач, айни зилол сувдек руҳлар оламидан жудо бўлади, гўё сувсизликдан қурий бошлайди. Иккинчидан, найдан ошиқона, лаззатбахш садолар таралади: ориф инсондан ҳам ошиқона ва орифона сўзлар зухур этади. Учинчидан, най ноласи тингловчи ишқини зиёда айлайди. Орифнинг ҳам калимот, ҳикмат ва оёти тингловчи ишқини ошириб, қалбини адам ва изтиробдан озод этади. Тўртинчидан, найнинг овози ва садосидан кўп ҳолларда ажиб бир ҳикоя, бир буюк ишқ можароси хис қилинади. Ориф сўзидан ҳам аксар чоғларда ҳақиқий ошиқларнинг олий аҳволлари ва олами лоҳутнинг асрори улувияси (руҳоният оламининг илохий сирлари) тингланади. Бешинчидан, найнинг санъати зоҳирий жисмида эмас, балки унинг ичидадир. Орифнинг камолоти ҳам ботиндир. Олтинчидан, найнинг қомати тўғридир. Орифнинг ҳам ҳолати тўғри ва хулқи каримдир. Еттинчидан, най қамишлиқдан кесилгач, ўз оламидан жудо бўлди, яъни ғарибдир. Арвоҳ оламидан айрилган ориф ҳам дунёда ғарибдир. Саккизинчи, найнинг ичи ҳар нарсадан холи, бўм-бўш, ёлғиз найчининг ишқига тўлгандир. Ориф ҳам ҳар нечук филлу ғашлиқдан бегона, қалби эса Раббоний ишқ билан безангандир. Тўққизинчи, най кесилгандан сўнг, ўз-ўзича ошиқона садо чиқара олмайди; уста

бир найчининг дамига (нафасига) эҳтиёжи бор. Ориф ҳам улуг-вор бир силсила га ворис бўлгани сабабидан бир файзбахш зотга дамсоздир. (Бу ўринда тарийқат мактабларининг асосчилари бўлган улуг шайхлар силсиласига ишорат қилинади. Маълумки, ҳар нечук тарийқат мактаби ўз пешвосига эга. Биз уларни «нақшбандия», «кубравия», «қодирия», «чиштия», «яссавия», «сұхравардия» каби ўнлаб истилоҳлар билан атаемиз. Бу мактабларнинг оламга машҳур пешволарини жамъ этган «силсилаи шариф», яъни «улуг силсила» мавжуд. Тасаввуфга доир кўплаб адабиётларда такрор-такрор эслатилган бу силсилани тўлиқ ҳолда бу ерда келтиrolмаймиз. Шунни алохида қайд этиш жоизки, ҳамма силсила-лар охир-оқибат ҳазрат пайғамбар Муҳаммад алайхиссалоту вас-саломга ёхуд чаҳорёrlарга бориб хотима топади. Бу анъана ҳозир ҳам давом этаётир. Кўплаб мусулмон мамлакатлари, алалхусус, Марказий Осиёнинг мусулмоннишин минтақаларида сўфийлик-нинг неча юз ийллик тажрибасига эга бўлган мактаблари бугун ҳам ўз муқаддас анъаналарини сақлаб келаётир. Бу мактабларнинг неча юз муридлари ва пири комиллари бор. Биз бу ҳакда ўрни билан ҳикоя қиласиз. — Тарж.)

«Маснавийи шариф»да ҳикмат ва рухониятдан баҳс юритида. Юқорида зикр этилган байтнинг шархида бу нуқтага етарли эътибор қаратилди. Зеро, эътиқод масаласига диққат билан назар ташланса, инсонларнинг аксари уч тоифага бўлинишига гувоҳ бўламиз. Биринчи тоифа инсонлар дунёдаги жамийки ҳодисот-нинг ҳолики, сонеъи (яратувчиси), ҳофизи (асрагувчиси), жаноб Вожибул вужуди борлигига, рухнинг мавжудияти ва бакосига, «баъдал мавт» — ўлимдан сўнг инсонлар учун жазо ва ёхуд мукофот муқаррар эканлигига иймонлари комилдир. Бу гурухга мансуб кишилар Оллоҳ таъология ибодат келтирадилар, машруъ бўлган амр ва амалларни адо этадилар, билохира ўзларини аба-дий саодатга ноил айладилар. Иккинчи гурухга мансуб инсон-лар мункирлардир. Улар инсон рухонияти мавжудлигини инкор этишади, одам ёлғиз жисмдан иборат маҳлук, вафотидан сўнг баданининг таркиби бутқул ҳал бўлиб, батамом фанога юз тута-ди, деб даъво қилишади. Рухоният, охират ва улуҳиятни рад этувчи бу тоифа ўзлари каби адашган кимсаларни улуг зарарга ва ўнгарилмас гумроҳликка томон етаклайдилар. Кавну макон, олам интизомининг оддий сабабияти хусусида савол қилинса, улар табиятга ружуъ этишади. Жаҳолатда чексиз бўлган бу тои-фа или баҳсга киришмоқ бехуда ишдир. Кейинги гурух намоян-далари шубҳа хайли ҳисобланади. Уларнинг шубҳаси шу қадар зиддиятлики, маълум бир нуктада кесицмоқнинг имкони йўқ. Чунончи, уларнинг шубҳали даъволари куйидаги зайлдадир: «Мав-жудотни Оллоҳ таъоло яратганми? Эҳтимол, ўз-ўзича, балки та-биат воситасида вужудга келгандир? Инсонда рух деб аталган нарса ҳақиқатдан мавжудми? Эҳтимол, бадан интизоми ва инсон-га хос файз, зако ҳамда ҳиссиёт унинг бош мияси туфайлидир. Илоҳий қудрат ва рух, охират ва бақо, рухоний жазо ва мукофот



борми? Балки рухоният мавжуд эмасдир, инсон вафот этгач, вужуд интизоми бузилиб, ажзои бадани ҳал булиб, маънавий шахсияти қолмас?» Шубҳа қавми шу қабилдаги қатъиян тасдиқ ёхуд мутлақо инкорга мос келмайдиган даъволар билан яшайдилар. Буткул шубҳа остида қолган қавмнинг фикри саҳиҳ бўлар деган умидда ҳақиқат исботига тааллуқли бъязи тафсилот билан баҳсга киришмоқни жоиз кўрдик. Араб, юонон, румо ва Оврупонинг энг буюк файласуфлари жаноби Ҳақнинг вужудини, олам интизоми учун зарур ва даркор бўлган Раббоний низомни, инсонда рух мавжудиятини, «баъдал мавт» — ўлимдан сўнгги ҳёттинг бокийлигини исботлаш заминида ғоятда аниқ фикр ва мулоҳазалар баён этмишки, бу нуктада уларнинг жами ҳақида мулоҳаза юритмок хийла душвор кўринади. Алалхусус, ўқувчи мавзу доирасидан чекиниб, асл моҳиятни англамоғи оғир бўлади. Шу боисдан уч машхур ҳакимнинг яратгувчи ва яратилмиш ҳақидаги андишалари баёни билан чекланамиз. Ибтиода қуёш ва унинг мунтазам ҳаракатига диққат қиласайлик: қуёш ғайри идрок бир жисм экан, ҳар йил, ҳар ой, ҳар кунда мавсумларга кўра муайян бўлган вақт ва мавқеда кўринади. Кечакасносида адади миллионлардан зиёд бўлган юлдузларга назар таштайлик: ҳайъат аҳлининг (юлдузлар илми билан шуғулланувчи мунажжимлар) эътироф этишича, ёлғиз Ер шаридан кўринадиган миллионларча юлдузларнинг ҳар бири камоли интизом билан буюк бир вазифани ижро этар; ҳаракат жараёнида бири бирига зиён етказмас, мутеъ хизматкорлар каби муайян ва мунтазам замон ҳамда сувратда ҳаракат этиб, аввалан-ниҳоя ҳарорат бахш этарлар. Уларнинг жараёни шу қадар мунтазамки, масалан, юз, юз эллик йилдан сўнг бир юлдузнинг осмон кенгликларида янги бир нуктада пайдо бўлиши нужум аҳли учун саҳксиз (хатосиз) маълум бўлади.

Бу маъкул ва мунтазам ҳаракатни ижро эттан самовий унсурларнинг вужуди курраи арзимиз (Ер шари) каби комилан жамодотдан (Жонсиз олам), ақл-идроқдан маҳрум зарротдан (зарралар) мураккаб бўлган жисмлардир. Бу жисмлар фавқулодда мунтазам ҳаракатни каердан олдилар? Бу буюк интизом холиқларининг (Оллоҳ) амири эмасмикин? Эҳтимол, нодон мункирнинг фикри каби табиат воситасида ёхуд тасодиф туфайли хосил бўлдими? Чукур фикр билан тушунилурки, оламда кузатилган бу ҳайратбахш интизом учун «тасодиф» ва «табиат» лафзлари маъносиз: диққатсизлик ёхуд телбаларча истеъмол қилинган икки сўздир. Чунки, Ер шари ва барча самовий жисмлар жумла кимёгарлар ва ҳукамонинг фикрий иттифоқига кўра асл зотида (яъни таркибида) фаҳм ва ҳаракат бўлган зарралардан таркиб топган жисмлардирки, оқил ва идрокдан бегона бўлганлари боис вужудларининг мояси – зарралар каби таъсирсиз ҳаракат этмоқка файри муқтадирдирлар (яъни қодир эмаслар). Тупроқ, тош ва соир жамодот кўзларимиз ўнгидга. Таъсир этилмагунча ҳаракат этмаслар. Инсоннинг бадани бу қадар мукаммал таркиботдан экан, бўлакбўлак қилинса, парчаланган қисм ҳаракат қилишга қодир бўлмайди. Аммо ҳаёт экан ҳаракат қиласи. Фақат бу ҳаракат таъсир майдонида бўлган рух воситасидадир. Рухдан жудо гўзал моддиёт бўлган инсон бадани уйқудаги кабидир. Жонсиз зарраларнинг ҳаракатга лаёқатсиз экани баҳсли масала эмас, бинобарин, таркиби ҳаётсиз зарралардан иборат, рух ва орзудан маҳрум бўлган жамийки жисм бир таъсир бўлмагунча ҳаракат этмоғи қатъиян маҳол. Рух, ақл ва орзудан маҳрум бўлган миллионларча самовий жисмлар машҳур ва маълум бўлган ҳаракатларини, алалхусус, интизомларини нечук билдилир? Улар ҳеч қандай таъсирсиз, ўз-ўзларича оқил ва қодир бўлиб қолишдими? «Бу ҳаракат тасодифан келди», «Бу интизом тасодифан бўлди», дейилса, инсоғ қилинсинки, ушбу баҳсада «тасодиф» лафзини ёлғиз лисон (яъни тил) сўзлар, бироқ ақл ва виждан рад этар. Мункирлар бундай тасодифнинг замирида ёхуд самовий жисмларнинг мунтазам ҳаракатларига сабаб табиатда мавжуд бўлган умумий қонуният, «кувваи жозиба ва дофиҳа ҳамда ҳарорат» (ернинг буюк тортишиш қонуни ва иссиклиқ) каби ходисалардир, дейишади. «Умумий қонуният» таъбири мункирларнинг «тасодиф» лафзи каби маъносиз. Ҳақиқатда, жисмларда умумий қонуният бор, аммо камоли ақл ва хикмат воситасида пайдо бўлган онгли қонунлар умумийдирки, бир Ҳокими Мутлакнинг, бир Сонеъи Аъзамнинг мавжуд эканлигини ҳар нарсадан зиёда шаҳодат этишар, яъни тасдиқлашар. «Умумий қонуният»ни яратган ким? Масалан, кувваи жозиба, дофиҳа ва ҳароратни ким тушуниб, ҳар жисмга зарур бўлган микдорда заррот ва қувватларини, сўнгра қурбларини, буюк бир интизомга халал бермайдиган даражадаги суръатларини ким рӯёбга чиқарган? Фалакларда мунаvvар жисмларни таркиб этган мунаvvар зарралар ва бошқа нурсиз жисмларни ташкил этган файри мунаvvар зарраларни бир-биридан ким

жудо этиб, ким муайян тартибга солган? Бағоят хайратбахш бўлган бу буюк интизомни ким юзага чиқарди? Мункирлар қувваи жозиба, ҳарорат ва яна кўплаб соир мавод — мавжудотни ақлсиз ва тадбирсиз, дея тасдиқ этадилар. У ҳолда бу беакл ва бетадбир бўлган ажром ва мавод бу буюк интизомнинг истеҳсоли учун ҳар бирига зарур бўлган зарротни, ажралиш қувватини ва суръатни ўзаро нечук тақсим этадилар. Балки, ақл ва тил билан ўзаро келишиб олгандирлар, чунончи, «Курраи арга (Ер шари) маълум миқдорда зэрралар, оғирлик ва ҳарорат берамиз. Токи, йигирма тўрт соатда бир марта ва бир йилда муайян карра айлансин. Куёш ва бошқа жисмларга ҳам ҳудди шу тартибда қувват берилсин-да чексиз замонлар оша ўз меҳварларида ҳамда меҳварларидан хорижда жозибалари атрофида мунтазам ҳаракат килинлар, бу буюк интизом ва иттифоқни хис этсинлар». Ҳудди шу каби телбаларча алжирашни тинглашни истамаган инкор қилувчи, яъни мункир, буларнинг барига табиат сабабчи, дейди ва ўзини беаклларча барбод этади.

Табиат нима демак? У анқо каби махлуқми? Табиатдан мақсад, жисмлар, яъни тош, тупрок, денгиз, ҳаво, ҳарорат, қувваи жозиба, қувваи доғиња, ҳодисот ва моддиётнинг алоҳида олинган ёхуд жамъ ҳолатдаги исмими? Агар табиат бу ҳодисот ва маводнинг исми бўлса, ёлғиз исмлар эмас, бус-бутун вужудлари билан ақлсиз ва идроксиздир. Ақлсиз ва идроксиз эса ҳеч вақт иттифоқ ёхуд интизомли бўлолмайди; умумий конуният тугул ҳусусий билан ҳам амал қилолмайди. «Билар», «этар» деб даъво қилгувчилар беакл ва беидрок бўлган жамодотдан ҳам беакл ва беидрокдирлар. Номаъкул, демак, ақлсиз бўлган модда ақлли, яъни маъкул бир амалсиз ҳеч қачон мунтазам ва маъкул бўлган нарсани вужудга келтиролмайди. Табиат мавжудотнинг ва унда бор бўлган нарсаларнинг оддий исмидир. Демак, бу бир қувваи ақлия (ақлли куч) ёхуд феълия (ақлли ҳаракат) эмас. Кўп замонлар бурун Парижда яратилган маориф луғатида «натур», яъни «табиат» лафзининг маъноси куйидагича талқин этилади: «Табиат» лафзининг уч маъноси бор: бири — алоҳида жисмларни жамлагувчи исми; иккинчиси — ҳар бир жисмнинг ибтидода жараён этган ахволи; учинчи — Оллоҳ таъюло ҳазратларининг нарса ва жисмларга бахш айлаган интизомининг таърифи. Асхоби маориф учун табиатнинг маъноси ушбудир. Мункирлар учун табиат лафзи йўқдан бор бўлган маъносиз бир хаёл. Ва саҳиҳ таъбир билан айтадиган бўлсак, «табиат» мункирларнинг анқосидир. Инсоф қилинсин, бир фармон, бир иродада, бир амри Раббоний бўлмагунча инсон каби маъкул, афлок каби мунтазам макон вужудга кела билармиди? Бу азийм интизомда, бу азийм ҳаракатда, бу азийм қудрат ва муҳофазада, бу буюк ва олий мақсадда ҳар ким ва ҳар бир нарсага бенихоя қудрат ва тадбир бахш этган Раббоний илмни мушоҳада этамиз. Кимда-ким бу ҳақиқатни англамас экан, у инсон бўлмай жисм ва бадандангина иборат бир оғирлик, уларнинг инкор ва эътироzlари дунёда ўз-ўзларига қилган жазодир.

Улар охиратдан умидсиз, дунёда армон ва мухаббатлари кун сайин заифлик ва дардга гирифтор бўлган баданларига боғлиқ бир нуқта. Умид ва мухаббатлари ҳар он маҳв ва паришон, ўзлари маъюс ва бедармон бўладилар. Мункирлар истаганлари қадар инкорда телбалик этишсин. Камоли кудрати Раббония оқиллар учун бир нури азийм, хазинаи раҳматдир. Миллионларча абнои башар қалб хиссиёти билан «Оллоҳ!», «Оллоҳ!» дея арзи убудият (бандалик арзи) қилурлар. Бутпарастлар шундай бир холиқни хис этадилар, факат қалб маълумотлари ҳасби-ла ҳақиқий холиқни ажрата олмайдилар. Маорифнинг оламгир нури тавассутида улар ҳам бир кун тарийки мустакиймга (тўғри йўлга) дохил, абадий саодатга ноил бўладилар. Ёлғиз мункирлар учун тарийки ҳидоят (ҳидоят йўли) ихоталангандир. Испотта мухтоҷ бўлмаган Раббоний қудрат юкорида шарх этилган интизом ва жисмлардан аён бўлди. Улуғ бир қалбий хиссиёт инсонларнинг жаноб Ҳаққа бўлган эътиқод ва мухаббатларидан далолатdir. Ҳақ бўлган Сонеъ — Яратувчини ҳайвонот олами ақл комилан иштирок этмаган бир хисси маъқул (инстинкт) ёрдамида танийди. Масалан, бешолти ойлик бир товуқ ҳеч қачон шоҳин (лочин) ёхуд тўғон (қирғий) каби йиртқични кўрмаган. Инчунин, товуқ ҳайвон бўлгани боисидан ҳеч замонда шоҳиннинг йиртқич эканини эшитмаган. Бироқ кезиб юрган ҳолатида шоҳин ёхуд тўғоннинг ҳавода юрганини кўргач, шу пайтга қадар ҳеч қаерда учратмаган бу йиртқич қушнинг душманлигини хис эта олади. Ўзини муҳофаза этишга шайланиб, бошқа товукларни огоҳ қилмоқ учун жон ҳолатда фарёд чекади. Ҳайвонотнинг муҳофазаси учун ваъз қилинган (яъни шай этилган) ва турли ҳолатларда гувоҳ бўлинган ботиний маъқул хисни (инстинкт) сонеъи кулл (яъни ҳар бир нарсанинг яратувчиси — Арҳамар Роҳимийн (марҳаматлиларнинг марҳаматлиси)дан ўзга қандай кувват бунча маҳлукотнинг қалбларига ваъз ва эҳсон эта билур эди? Ҳайвонот илми билан машғул бўлган мункирлар (инкор этувчилар) эътироф этарларки, табаддулот ва тағијорот (эволюцион ўзгариш) рўй берса-да, аввалда бир тухум (яъни асос) бўлмагунга қадар Ер шаридаги ҳеч бир соҳиби руҳнинг вужудга келиши мумкин эмас эди. Ва мумкин эмасдир. Уларнинг бу эътирофи руҳ соҳибларини ҳалқ этган (яъни яратган) ва ҳақиқатда Ҳолики кулл бўлган Оллоҳ таъоло ҳазратларини тан олишларини тақозо этади. Бироқ улар эътироф этмайдилар. Бокинг, мункирлар ҳамоқат гўристонига зеҳнларини нечук дағн этарлар ва дерлар: Ҳақиқатда, Ер куррасида тухумсиз руҳ соҳиби вужудга келмайди, аммо, эҳтимолки, вақти-вақти билан ажроми самовия, яъни юлдузлардан тухумлар тушмиш-да ҳайвонот вужуди пайдо бўлгандир!!! Юлдузлардан Ер куррасига тухум тушмиш, қабилидаги шоёни ханда, яъни кулгили бир ҳамоқат бўлурми? Юлдузларга тухум қаердан келтирилди экан? Бу мункирлар Қуръони азиймуш шаънда буюрилган «Оллоҳ ҳузурида ҳайвонларнинг энг бирламчиси ақл ишлатмайдиган кўр ва карларидир» — васфига лойиқдирлар.

Илохий! Рух сохиби бўлган ҳар бир махлукқа Ер куррасида бундай теран ҳикмат ва кенг марҳаматлар билан неъматлар баҳш этдинг, сохиби ишқ бўлган ҳар қалбга муҳаббатлар иншо айладинг, инсон баданидаги хориқулодда кашфиётнинг — ақл, виждан, нутқ, самъ, кўз каби аъзолар мутлоқ вужудингга жисмоний ва маънавий шоҳиддирлар!

Жаноб Вожибул вужудни ақлан, ҳикматан фаҳм этган инсон ўз холига назар ташласа, дарҳол англарки, жамодот ва соир ҳар навъ махлуқотдан олий бир сувратда ҳалқ қилинди. Бу мукаммаллик инсоннинг ўз тадбири ва хунарими?

Табиийки, йўқ.

Айрича бир маҳсус эҳсони Раббоний бўлган инсон бу эҳсоннинг шукронасини қилмаса, бундан ҳам буюк куфрони неъмат бўлурми? Мункирлар ўз телбаликлари туфайли дерлар: инсон соир махлуқотдан ҳам оқил ва мухаррам ҳалқ қилинган бўлса, не учун унинг аҳволида буюк интизомсизлик кўзга ташланади. Жумладан, инсонларда сарқит ва қатл, сархушлик ва қаззоблик каби фаноликлар бор? Бунга жавоб бермоқ қулайдир. Унутмаслик жоизки, инсонларнинг сувари ва умумияти ва оламларнинг интизомига нисбатан жузъий бир интизомсизликлари шаръий тилда «иродаи жузъия» (яъни чекланган ирода, эрк) ихтиёр каби бир Раббоний неъматнинг қадр-қимматини зиёда ва аъло тарзда адо этмоқдан иборатдир. Бинобарин, ҳакиқий ва куллий бир интизомни мукаммал этмоқ учундир. Инсон боласига илохий эҳсон сифатида берилган бу «ихтиёри жузъия» воситасида мўътабар ва мақбул атвор билан Ҳақ ризосини топмоқ каби буюк бир неъматта ноил, ҳар жиҳатдан комёб ва комвар бўладилар.

МАСНАВИЙ

*Каз найистон то маро буридаанд,
Аз нафийрам марду зан нолидаанд.*

ТАРЖИМАСИ

*Ким найистондан мени то кесдилар,
Хасратимдан мард-аёл дод этдилар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Камиш ҳолатимдан мени кесганларидан буён фарёдимга дош беролмай эркагу аёл йиғлайдилар.

ШАРХ

Камишлик ҳолатидан мақсад (яъни найининг най бўлгунга қадар қамишзорда кўм-кўк нашъу намо қилганига ишора) марта-бай аҳадият ва олами руҳониятдир (ягоналик), Оллоҳнинг якка-

ягоналигига иймон келтирган орифнинг мақоми ва руҳоният дунёси).

Ориф зот дейди: Оллоҳ иродасининг қудратли амри ва тако-зоси билан мени руҳоний оламдан жудо этиб, бу дунёниг ҳажр ва фурбатига ошно айлаганларидан буён фифону ҳасратимдан эркагу аёл нолон ва гирэндирлар. Бу шариф байт уч йўсинда шарҳ ва таъриф этилиши мумкин: биринчидан: комил зотнинг олами руҳониятга доир баёнати (нуктасини) тинглашга мадори етгувчи, яъни тиник ақлли, теран қалбли киши йўқ. Ориф ҳар кимга ўз руҳоний олами ҳақида гапира билмайди. Зеро, ҳайвонга Боги Эрам ҳақида маълумот бериб бўлмаганидек, бутун руҳониятини нафсга алмаштирган кимсага ҳам рух ва руҳоний лаззат ҳақида сўйлаш бемаънилиkdir. Руҳий ҳажр ва жисмоний азият даштига кўчган ориф ўз «асл ватан»идан жудо бўлгани боисидан фифон чекаётir. Иккинчидан, нафс ва шайтоннинг тазийикоти, дунёниг мушкул бўлган ҳолатлари боисидан инсонлар чекадиган ғаму ҳасратлар эркагу аёлни камоли дикқатчиликдан нола чекишига, фарёд кўтаришга мажбур этади. Оқил зот кўп замонларда ижти-моий муносабатларнинг нечоғли мукаммаллиги туфайли ғам-ғус-сага гирифтор бўлади. Дунёни мукаммал ва тўқис кўраман деган зотларнинг қанчаси синиб, кунфаяқун бўладилар.

Учинчидан, бир заъиф чақалок лисони ҳол билан таъриф этарки, дунёга келган дақиқадан буён хасталик ва соир ғаму жафоларга гирифтор бўлганлиги сабабли ота-она бу ҳолга чи-даёлмай кўз ёши тўкар, ўз жигаргўшаларининг бу ҳолига шафқат назари билан бокар.

МАСНАВИЙ

*Сийна ҳоҳам шарҳа-шарҳа аз фироқ,
То бигўял шарҳи дарди иштиёқ.*

ТАРЖИМА

*Сийна истармен фироқдан поралар.
Шавқ дардидан десам афсоналар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Фироқдан пора-пора бўлган бир сийна (кўнгил маъносида) истайман. Токи ул кўнгил соҳибиға (ахли дил) шавқ-иштиёқим дардини шарх айлайин.

ШАРҲ

Маънавий ошиқ дейди: Ҳақиқий дўст лиқосини бу дунёда мушоҳада эта оловчи ва ёхуд олами руҳонийнинг фироқида кўкси пора бўлган бир мард истайман. Токи иштиёқим дарди ҳис айла-ган олам ва ўз ахволимдан унга бир-бир сўйласам, фарёд этсан.

Маънавий ошиқ Вожибул вужуд бўлган оламлар Раббига нуроний ва руҳоний ришталар воситасида боғланган зотдир. Нуроний ва руҳоний ришталар ошиқнинг кўнглидаги маъсум ва покиза туйғулардир. Бу туйғуларни кўриб ёхуд ҳис қилиб бўлмайди. Зеро, айни шу дардли иштиёққа мубтало кишиларгина бу ҳолни мушоҳада эта оладилар. Акс ҳолда, сўйланган дард файри оқил сомеъга оғирлик қиласи. Маънавий ошиқнинг маънавий ишқи маънавият, билхосса, Раббоний маънавият соҳибларига хосдир.

МАСНАВИЙ

*Ҳар касе ки дур монд аз асли хеш,
Боз жўяд рўзгори васли хеш.*

ТАРЖИМА

*Кимсаким тарк айлади ўз аслини,
Кайта излар рўзгорин васлини.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳар кишики ўзининг аслидан узоқ қолса, ўша ўтган рўзғорининг (тириклиқ) васлини такорр истайди.

ШАРХ

Башар фарзандининг асли руҳоният оламидир. Дунё эса имитхон саҳнаси, инсон муваққатан (вактинча) қоладиган бир маҳбас — зиндондир. Маҳбас ва завол маҳали бўлган бу дунёда бир кимсанинг ўз шахру ватанидан айро қолиб, хижрон ва фурбатга гирифтор бўлгач, ўз киндик қони тўқилган тупроқни нечоғли орзу этиши баёнга муҳтоҷ эмас. Шундай экан, Оллоҳнинг орифи асл ватани бўлмиш руҳоният оламини батарийқи авло орзу этиши аёндир. Факат дунёда вактинчалик қолмок учун амр этилганидан, ваъда қилинган ажал келгунга қадар заруратан яшар. Ориф кўнгли гирифтор бўлган жафодан, қилинажак сабру ризодан комрон бўлади. Инсон бу фано гузаргоҳида то ҳаёт экан, ибодат ила машғул бўлмоққа мажбурдир.

МАСНАВИЙ

*Ман ба ҳар жамъияте нолон шудам,
Жуфти хуашлону бадҳолон шудам.*

ТАРЖИМА

*Мен бу инсон қавмин оҳу зориман,
Холи хуш ҳам ҳоли баднинг ёриман.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Мен ҳар бир жамият ичида зор-нолон бўлдим. Холлари хуш бўлгандар ва ахволлари ёмон бўлган кимсаларга-да жуфт бўлдим, уларга ҳамроҳлик қилдим.

ШАРХ

Юқорида зикр бўлдиким, ориф ва оқил бўлган зот фирокдан сийнаси пора-пора бўлган бир ошиқни истайди. Токи камоли иштиёқига доир бўлган ахволидан огох этсин: «Тингловчи гумон қиласинки, мен ёлғиз орифи биллаҳ бўлган зот билан ҳамсухбат бўламан ва ўзга инсонлар жамиятини буткул тарк этаман. Йўқ, мен барчани севаман. Бироқ, ёлғиз Ориф ва ошиқ бўлган зотта дақиқ ахволи руҳониятимни баён ва ийрод этаман. Башар авлоди Оллоҳ таъюл томонидан фоят қарамали ва иззат-эътиборли мақомда яратилгандир. Шоёни марҳамат, муҳаббат ва саодатdir. Шу боисдан мен барчасига маънан дўстман ва яхшилик умидида ҳар кимнинг истеъдодига мувофиқ ҳақиқатни баён этаман».

МАСНАВИЙ

*Ҳар касе аз занни худ шуд ёри ман,
Аз даруни ман нажуст асрори ман.*

ТАРЖИМА

*Шубҳадан ким бўлди менга ёрлар,
Ич-ичимдан изламас асрорлар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳар ким ўз шубҳа-гумони боисидан менга дўст бўлди, ботиний сир-асроримни қидирмади.

ШАРХ

Мен инсонларга насиҳат қилгудек бўлсам, улар: «Насиҳатни англадик ва сўйлагувчи орифга дўст тутиндик», дейишади. Баъзи инсонлар қолан (сўз) ва фикран сўйлашади. Аммо ҳақойиқ ва асроримни изламайдилар. Сўзларимда яширин бўлган маънолар ҳақиқатини англамоқ учун феълан қодир эмаслар. Ботиний асроримни англай билмак учун ишқи Раббоний ва файзи Самадоний тақозо этилади. Раббоний ишққа ноил бўлмоқ хилқатан олий қалб эгаси этиб яратилмоқ демакдир. Шунинг баробарида дунёда машруъ бўлган кўплаб инсоний вазифаларни имкони етгунга қадар ижро этмоғи лозим. Олий хилқат бўлган зот садақот, намоз, уруж

ва ҳамийда ахлок баробарида машруъ бўлган синф ва санъат ахли бўлса, унинг ривожу равнақига тадбир қилмоғи зарур. Ўзини ёлғиз ибодатга асир айлаб, кўплаб дунёвий вазифаларни тарк этган ва унутган инсон хатога йўл қўйган бўлади, аксинча, дунёнинг иши экан, деб ибодатни зоеъ этган нодон истиқболини аботол ва паришон этади. Одам рух ва бадандан яралган жиҳатидан рух саодати учун ахволи руҳония билан, ҳам интизоми дунё учун умури дунёвия билан машғул бўлиб, абадий саодат касб этади.

МАСНАВИЙ

*Сирри ман аз нолаи ман дур нест,
Лек чашму гўшро он нур нест.*

ТАРЖИМА

*Сиррим оҳу нолишимдан дур эмас,
Бу қулоқ, бу кўзда лек ул нур эмас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Менинг сирим менинг фифону фарёдимдан узок эмас, факат сиримни англаувчи кўз ва қулокларда ул нур йўқдир.

ШАРХ

Ориф дейди: Менинг сирим ва ҳақиқатимга боис саломат инсониятдир. Ахвол ва ноламдан узок бўлмаган, қаломим ҳақиқатини англаған баком ва ноили маром бўлур. Лекин баъзи инсонларнинг кўз ва қулокларида ишқ нури ёҳуд заковат нури бўлмагунча бizzарура ҳақиқатдан узок бўлишади. Заковат нури ва ишқ анворига соҳиб бўлмаганлар истиқомат тарийқига солик, адл ва ҳақиқатга молик бўлсалар, марҳамати Раббонияга ноил ва гулшансаройи саодатта восил бўладилар.

МАСНАВИЙ

*Тан зи жону жон зи тан мастур нест,
Лек касро дийди жон дастур нест.*

ТАРЖИМА

*Тан ва жон ҳам жону тан мастур эмас,
Кимсага жон кўрмаги дастур эмас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бадан жондан ва жон бадандан пинҳон эмас. Лекин жонни кўрмак учун кимсага рухсат берилмаган. Инсоннинг бадани зо-

ҳир бўлгани каби рух осори бўлган акл, зако, муҳаббат, нутқ, сафо ва неча-неча фўйузоти жаҳоноро ҳам ошкорадир. Факат айнан руҳни кўрмак мумкин эмас. Зеро, рух жисм ва моддан иборат бўлмай, бир Раббоний амрдир. Масалан, куёшни ҳар кун кўрамиз. Унинг вужудидан асло шубҳамиз йўқ бўлса-да, таркиботини билмаймиз. Таркиботини билмаганимиз боисидан вужудини инкор этсак, бундан буюк кўрлик бўларми?

МАСНАВИЙ

*Оташ аст ин бонги ною, нест бод,
Хар, ки ин оташ надорад нест бод.*

ТАРЖИМА

*Най садоси оташедур, бод эмас,
Кимда оташ йўқ – у одамзод эмас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Най садоси авлиёуллоҳнинг иссиқ ва оловли қаломидир. У одам боласининг ҳаво ва ҳаваси эмас. Кимда-ким бу оловдан баҳрасиздир адами (йўклиги) вужудидан (борлигидан) афзал.

ШАРХ

«Маснавий»нинг дастлабки ўн саккиз байти бевосита «най» билан боғлиқлиги учун бу жузъга «Найнома» деб ном берганлар. Ривоятларнинг шаҳодат беришича, ҳазрат Мавлононинг энг суюкли шогирди Ҳусомуддин Чалабий ирфон ва тасаввуф усулини ўзида мужассам этган бир манзума яратмоқни ҳазрат Мавлонодан ўтинглар. Ҳусомуддин Чалабий бу манзума Саноййнинг «Илохийнома» ва Фаридуддин Атторнинг «Мантиқут тайр» достонлари усулида бўлмагани алоҳида таъкидлаганлар.

Комил муридининг бу таклифини эшитган ҳазрат Мавлоно ўша захоти дастор қатларига санчиб қўйилган қофозни қўлга оладилар-да, «Эй Чалабий, сизнинг қўнглигизга келган ўй менинг қўнглимдан аллақачон кечган эди. Мана, қулок тутинг!..» дейдилар ва ҳануз зоҳирий дунёга кўчмаган олти буюк жилдининг тўқис ва мукаммал мазмунини ўзига сингдирган машҳур ўн саккиз байти ўқиб берадилар.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий ўзларининг «Нафаҳотул унс» асарларида бу оламшумул воқеани қўйидаги зайлда баён қиласидар: «Қачонки шайх Салоҳиддин Ҳақ раҳматига қовушди, хулагалик хизмати Ҳусомуддин Чалабийнинг зиммасига юкланди,

«Маснавий»нинг сабаби назм бўлмоғи қуидаги холатда рўй берди. Ҳусомуддин Чалабий Мавлоно асҳоблари Ҳаким Саноййнинг «Илоҳийнома» ва Шайх Фаридуддин Атторнинг «Мантиқут тайр» ва «Мусибатнома» китобларига ортиқ майл кўргузгандарини сезиб қолгач, ҳазратга юқорида қайд қилинган асарлар услубида бир манзума яратсалар, дўст-ёрларга ёдгорлик бўлиб қоларди, деб мурожаат қиласи. Ҳазрат Мавлоно ўша заҳоти дасторидан бир коғозни олиб Ҳусомуддин Чалабийга берди. Унда «Маснавий» ибтиdosидан ўн саккиз байт ёзилган эди».

Асрлар оша бугунги кунда ҳам башарият ақлини ҳайратга солиб келаётган рухоният ва тафаккурнинг безавол обидаси «Маснавий» ана шу тарика ибтидо топди.

Башарият ўзининг бир жигаргўшаси, қандайдир бир сўфий, пўстакнишин, бир ҳакир ва хоксор банда Жалолиддин Румий унинг бор очувсиз саволларига жавоб ҳозирлаганини ва бу жавоб олти муқаммал жилд, йигирма олти минг саккиз юз қирқ байтнинг замирига пинхон этганини билмади.

Кимдир таҳлика билан «пахлавий тилида Куръон яратилди», деса, бир фарзона зот, «Мавлоно ҳақиқатда пайғамбар бўлмаган, бироқ китоби бор», дея бутун оламга ошкор қиласи.

Башарият фафлатда қолди. Йўқса, унинг адиллари бир калом сўз айтмоққа ор қилган бўларди...

Ўша ўн саккиз байт. Дастор қатидаги байт аслида «Маснавий» эди. Алломалар қолган олти жилдни шу байтларнинг шарҳи эди, дейдилар. Бу саноқли байтларнинг нечоғли буюк аҳамиятта молик эканлигини бир неча урфон акобирлари ва сўфия улуғлари ёлғиз шу ўн саккиз байтгагина шарҳ битганларидан ҳам англласа бўлади.

Урфоннинг икки буюк шахсияти Яъқуб Чархий ва Абдураҳмон Жомий «Най рисоласи»ни таълиф этдилар. Шаҳодат беришлирича, Яъқуб Чархийнинг «Най рисоласи» Хоразмийнинг «Жавоҳирул асрор»идан сўнг «Маснавий»нинг энг қадимги шарҳи хисобланади. Бироқ ҳазрат Абдураҳмон Жомий икки байтгагина шарҳ битганлар. Бу шарҳ ҳам Ибн Арабийнинг урфоний ва завқий қарашлари таҳлилида истифода этилган.

Бу зоти киромлардан сўнг шориҳларнинг буюк авлоди «Маснавий» асрорлари кулфини очмоққа киришганлар.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, най нолалари жудолик, фирор ва ҳижрон айёмидан ҳикоят қиласи. Яъни инсоннинг жудолик ва ҳижрон достонини ҳазин ва андуҳгин оҳангда сўйлайди.

Шубҳасиз айтиш мумкинки, Мавлононинг найга мурожаат этмагидан мақсади комил инсон – яъни валийи восил бўлган зот руҳидир.

Най тамсилининг инсон вужуди рамзи экани, сўфия адабиётида Мавлонога қадар ҳам ишланганлиги ҳақида маълумотлар бор. Чунончи, Шайх Ахмад Фаззолий «Рисолаи таворих» китобининг бир ўрнида найга ишора қилиб, уни инсон зотининг рамзи дейди.

«Маснавий» шориҳларининг қарийб ҳаммаси най рамзини комил инсон деб талқин қилганлар.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий ёзади: «Най ўзидан ва ҳалқдан фоний, Ҳақ ила бокий комил восиллар, мукаммал комиллардир... Най ўзидан буткул жудо ва ҳақиқатда унинг ноласи ўзиники эмас, соҳибига тааллуқлидир». Мавлоно Яъкуб Чархий найни «орифларнинг муборак нафаслари»дан иборат, деб таърифлайди. Рональд Аллан Никлсон «Маснавий тафсири» китобида ёзади: «Бу ўринда найдан мурод ё ҳазрат Мавлононинг ўзидан, ёхуд Ҳусомуддин Чалабийдан киноя». Най – илоҳий оҳанг билан лиммолим, оҳанг воситасида уни ташқарига сочади. Бу тоза истиора «Девони Шамс» ва «Маснавий»да кенг кўламда истеъмол қилинади. Аксарият шориҳлар най тимсолини таъвил қилганларида, ўз ақидаларида ғоят узоқ кетиб қолганлар. Чунончи, улар «най» образини «қалам», ёхуд «Муҳаммадий ҳақиқат»нинг рамзи дегандар. Мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Валий Муҳаммад Акбарободий бу нуқтаи назарларни ҳақиқатдан йироқ санаганлар.

«Маснавий» шориҳларидан Исломил Анқаравий най тимсолини қуйидагича таърифлаганлар: «Най комил инсонга зотан ушбу жиҳати билан ўхшашидир. Найнинг ичи турли ғилу ғашликдан тоза. Комил инсонлар ҳам шунингдек турли-туман ғашликдан мосуво. Уларнинг ботини илоҳий нағмалар ва Раббоний нафасга лиммолим.

Найга нисбат берилгувчи ҳар нечук илҳом ва оҳанг найнинг ўзига тегишли эмас. Демакки, авлиёларга нисбат берилгувчи тамомий камолот ва калимот, осор ва асрор аслида Буюк Оллоҳга хосдир. Санаб ўтилганидек, хислатлар эса бир восита, белги ёхуд бир асбобдир, холос».

Хулоса шуки, най ўз аслидан жудо бўлган инсон ҳақиқатининг буюклиги ва равшанлигининг рамзи. Най гўё одамий рухни батамом зухур этгувчи ойина. Ушбу нуқтада «комил инсон» истилоҳига алоҳида шарҳ бермасак бўлмайди: Комил инсон хусусидаги баҳс хийла мураккаб урфоний масалалардан бўлиб, буюк мутасаввуф Муҳийиддин ибн Арабийнинг урфоний ва тасаввуфий қарашлари асосида пайдо бўлди ва ривожланди. Шундан сўнг, бу тушунча урфон ва тасаввуф аҳли орасида кенг қулоч ёйди. Буюк ислом уламолари Азизиддин Насафий ва Абдулкарим Жийли ушбу унвон остида китоб таълиф этдилар ва «комил инсон» тушунчасини ривожлантиридилар.

Ибн Арабий «Фусусул ҳикам» китобида инсонни «борлиқнинг йигиндиси» деб билади. Борлиқ, орифлар истилоҳида тириклик олами. Инсон бутун борлиқнинг хулосаси ва асоси. Инсон, ҳақиқатда, олам рухи ва олам унинг жасади. Яъни инсонсиз олам жонсиз вужуд. Шундай қилиб, инсон бутун борлиқдан олинган мукаммал андоза. Азизиддин Насафий ёзади: «Билгил, олами кабирда (буюк олам) ҳар неки мавжуддир олами сафир (кичик олам)да ҳам ўша нарса борлигини исбот этади. Олами сафир олами кабирнинг нусхаси эканлиги ҳақидаги сўз ростдир».

Шабистарий ёзади:

*Бирор йўл ё ўзинг кавну макон бўл,
Жаҳон тарк қил, ўзинг ўзда жаҳон бўл.*

IX аср орифларидан Лоҳижий ҳам инсон муаммосига ўзига хос услугда ёндошади: «Билгилки, инсон жамий руҳоний ва жисмоний ҳодисаларнинг мумтозидир». Ибн Арабий ёзади: «Ва хува лил Ҳаққи биманзилати инсанил айни мин ал айнил лазий якуну биҳинназар». (Ҳазрат Ҳақ таънолога нисбатан инсон кўз қораҷуғининг кўзга нисбати кабидир. Кўрмоқ у (яъни қораҷуғ) орқали ҳосил бўлади).

Комил инсоннинг асосий белгилари ҳақида бундай ёзадилар: «Комил инсонда тўрт хусусият комил даражада бўлади: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф. Демак, комил инсон ботинан ва зоҳирлан амал ҳамда қобилияти камолоти билан Ҳақнинг мазҳари бўлиши керак.

Оллоҳ субҳонаҳу ва таъоло инсонни ҳалқ қилмоқдан илоҳий қудрати ва азаматини ошкора зоҳир қилди. Фақат инсонгина Оллоҳнинг чексиз қудрати ҳақида шаҳодат бермоғи мумкин. Тўғри, оламдаги жамийки мавжудот Оллоҳ зоти ва сифотини ўз ҳол тили орқали баён эта билади. Аммо шарафлироқ мақом фақат Инсон — Инсони комилгагина хос.

Буюк Куръон буюради: «Ва из қола Роббука лил малоикати инний жайлун фил арзи халийфатан». (Ёд эт, Парвардигоринг ул дам фаришталарга деди: «Мен ер юзида ўзимнинг халифамни (инсонни) яратгумдир». «Бақара» сураси, 29-оят). Тангри таъоло «халифалик» мақомини манзур этган инсонда чексиз-чегарасиз илоҳий асрор бор. Бу асрор бани башар ҳаёти давомида тадрижан кашф этилаётир. Ҳали бу асрорлар яна очилгусидир. Аммо, бу қадар олий онг билан зийнатланган инсон ўз Эгасини унугиб қўяёзгани ҳам сир эмас. Бу «хотираси чатоқ» халифа баъзан самимий ва холис огоҳлантиришни ҳам гожлик билан қабул қилмайди. Бироқ, бу худбинлик ва манманликнинг умри ғоят қисқа. Охират дарвозасидан ўзга дарвоза йўқ. Ҳаммамиз унинг очилишига интиқмиз.

Энди бевосита ушбу байтнинг шарҳига киришайлик:

*Най садоси оташедур, бод эмас,
Кимда оташ йўқ — у одамзод эмас.*

Юкорида айтганимиздек, най садоси авлиёуллоҳнинг оташин ва оловли қаломидир. У одам боласининг ҳаво ва ҳаваси эмас. Кимда-ким бу оловдан баҳрасиздир адами (йўқлиги) вужудидан (борлигидан) афзал.

Бу ўринда «Най садоси» «самоъ»га ишора. Бироқ, аслида, ҳар икки мисрада ҳам кўлланилган «нест бод» («нест бод» иборасининг биринчи маъноси — «бод эмас» ёки «ел, шамол эмас»). Иккинчи

маъноси «йўқолсин», ёки «йўқ бўлсин»). Бинобарин, бу форс тилига хос хусусият бўлиб, худди шу шаклда туркйга ўгиришнинг иложи йўқ. Баъзи дўстларимизнинг таржима хусусидаги ўринли-ўринисиз таъналарига жавобан шуни айтишим мумкин, ҳақиқатда бу юксак санъат асари, бу форсий тил мўъжизасини ўзбек тилига аслига монанд қилиб шеър йўлида таржима қилиш мумкин эмас. Агар мумкин бўлганда, каминадан минг чандон муктадирроқ пирларимиз бунинг уддасидан чиқкан бўлардилар. «Маснавий шариф»ни бевосита усмонли турк тилидан таржима қилаётган дўстларимиз эса, мазкур «таржима»ларини «Маснавий» деб аташлари шарт эмас, қолаверса, уни ҳазрат Мавлонога нисбат беришлари ҳам нораво. Зоро, аruz шеър тизимиға мансуб «Маснавий»ни бу биродарларимиз бармоқ вазнига согланлар ва, яна ҳам ажабланарлиси, турк тилидан ўгирмоқдалар. — Тарж.).

МАСНАВИЙ

*Оташи Ишқ аст қ-андар най фитод,
Жўшиши Ишқ аст қ-андар май фитод.*

ТАРЖИМА

*Ишқ оловидур тушибдур най аро,
Ишқ хурушидур тушибдур май аро.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Най оташин ва дилларга ўт солгувчи нолага тушар экан, унинг бу ҳазин навосига боис Ишқ оловидир. Май — боданинг ҳам жўшу хуруши Ишқ олови туфайлидир.

ШАРХ

Ушбу улур байтда «Ишқ» — бу буюк руҳоний иксир, бу олий субҳоний каломга алоҳида урғу берилмоқда.

Кўплаб шориҳлар ушбу байт муносабати билан «Ишқ» маънисини таъвил этганлар. Чунончи, лугатда «ишқ» сўзи, «ёпишмоқ, чирмашмоқ» маъноларини англатади. Шу сабабдан дараҳт ва бошқа нарсаларга чирмалиб ўсуви печак гиёхини араблар «ашака» дейдилар. Бироқ мумомала ёхуд истилоҳда «ишқ» бу мухабатда ҳаддан ошиш демакдир. Мулла Ҳусайн Кошифий ўзининг «Лаби любоби Маснавий» (31-саҳ.) асарида Ишқни бу зайл тавсиф этганлар: «Ишқ дарёси ўзининг жозиба курдати билан борлиқ (тириклиқ) қайдидан ўзиб, факр ва йўкликнинг чуқур денгизига қўшилади. Демишлар, ҳар неки бордир, унинг ё сувратан, ё маънан ўз қибласи бордир...

Пинҳон ва риёсиз Ишқ қиблалар балиғи — наҳангидир. Қаҷонки, ошиқ юзини бошқа бир томонга буар буран, Ишқ унинг

жони гирибонига чанг уриб, йўқлик йўлига тортиб кетади ва нигоҳини ғорат этади, номус ва фурурини «Норуллаҳил мувқадатуллатий таттолиъ ўалал афидати» (У) Оллоҳнинг ёқиб қўйилган бир оловидирки, (ўз алансаси билан баданларни тешиб ўтиб, юракларга қадар етур!) шуъласи билан куйдириб юборади. Мушиҳадага қўйилгувчи жамийки нурлар, иситма пайдо қилгувчи бу асрор Ишқнинг асаридир».

Азизиддин Насафий «Комил инсон» китобида (279-саҳ.) ёzáди: «Ишқ соликларнинг Буроки, йўловчилар маркабидир. Ақл эллик йил муттасил тиклаганин Ишқ бир дамда култепага айлантиради ва ошикни пок этади. Солик юз чилла билан тўйдиролмаган нигоҳини биргина назар билан қондиради». Исмоил Анқаравий ўзининг «Буюк шарҳ»ида келтиради: «Ишқ деб, ғоятда шиддаткор муҳаббатни дейдиларким, у ошикнинг кўз, жон, ботин ва қалбига дохил бўлиб, тамомий кудратини ўзига бўйинсундиради. Ошикнинг қалб ва тилидан маъшуқдан ўзга ҳамма нарсани куллиян мавҳ этади. Ҳазрат шайх Мухйиддин Арабий «Футухоти Маккийя» китобида Ишкни бундай таърифлайди: «Ал-ишқу иф-ротун фил-муҳаббати», яъни, Ишқ муҳаббатда ҳаддан ошишдир». Акбарободий юкоридаги байт муносабати билан бундай дейди: «Бу байтдан кўзланган мақсад жамийки мавжудотда Ишқнинг зуҳур этишини баён айламоқдир». (Вали Муҳаммад Акбарободийнинг «Маснавий»га шарҳи», 1-жилд, 7-саҳ.).

«Ишқ – дейилади «Ишоралар ва танбиҳлар шарҳи» китобида – ҳақиқий ва мажозий навъларига бўлинади».

МАСНАВИЙ

*Най ҳарифи ҳар кий аз ёри бурийд.
Пардаҳояш пардаҳои мо дарийд.*

ТАРЖИМА

*Дўстидир най ким кечиб ёрондан,
Пардаси йиртди ва ўтди жондан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Комил инсон ва ҳақиқий муршид, бамисоли най илоҳий навосоз зотнинг ҳаққоний ёри ва мусоҳиби бор ташвишлардан ва жамийки дунёга тааллукли машмашалардан юз бурган, уларга этак силккан кишидир.

ШАРҲ

Бежиз Шоҳ Машраб ёзмаган:

*Дунё ясаниб, жилва қилиб олдима келди,
Боргил нари, деб кетига мен шатталаб ўтдим.*

Авлиёуллохнинг маънавий мақомоти бизнинг зулмоний ва нуорний хижобларимизни йиртиб юборди. Яъни ул зотларнинг мусоҳибатлари соясида толиблар ва турфа-туман одамлар ўзларининг ботиний хижобларидан ҳалос бўладилар ва Ҳақ йўлини мушоҳада қиласидилар. (Агар найни маълум ва машхур соз, деб англайдиган бўлсак, у ҳолда унинг пардалари бошқа маънони ҳам ифодалайди. Мусика илмида парда муҳталиф маънога эга. Чунончи, қадими мусикада парда истилоҳи ифодалаган маъно бугунги мусиқадаги пардага мувофиқ эмас. Қадими мусикада пардани ўн икки тур мусиқага нисбатан кўллаганлар: ҳусайнин, роҳуйи, Ҳижоз, зангула, бусалийк, ушшоқ, сипоҳон, бузург ва бошқалар. Бугунги мусиқада парда истилоҳи чанг, рубоб, тор, сетор каби мусика асబоблари дастасидаги ноталарни белгиловчи нуқталарга айтилади. Бинобарин, парданинг қадими мусикада англатган маъносига асосланиб, байтнинг иккинчи мисрасини қуидагича тушуниш мумкин: най воситасида ижро этилгувчи оҳанг ва нағмалар одамзод жон ва рухини уйғотади, унинг нафсоний хижобларини бартараф айлади).

МАСНАВИЙ

*Ҳамчу най заҳрею тирёке кий дийд,
Ҳамчу най дамсозу муштоқе кий дийд.*

ТАРЖИМА

*Ким билур найдек заҳар, тарёкни,
Най каби дамсозу ҳам муштоқни.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Най каби заҳарни ва тарёкни, най каби дамсоз ва муштоқни ким кўрган? (Тарёк — турли хил жисмлардан тайёрлангувчи ҳайвон заҳрига қарши ва оғир беморлар истеъмол қилгувчи дори).

ШАРХ

Тангри таъоло қаҳр ва лутф сифатлари билан таърифлангани каби, комил инсонга ҳам қаҳр ва лутф сифатлари хосдир. Комил инсон фиск ахли, фужур арбобларига нисбатан заҳар бўлса, салоҳ ва маърифат аҳлига нисбатан тарёқдир. Албатта, якка бир шахсга нисбатан ҳам заҳар ёхуд тарёқ бўлиши мумкин. Яъқуб Чархий дейди: «Уларнинг (авлиёларнинг) виждан ва эътиқоддан йўғрилган муборак нафаслари муридлар учун тарёк ва мункирлар учун заҳардир. Чунончи, Нил дарёсининг суви қибтийлар (Фиръавн ахли) учун кон ва субтийлар (Мусо ахли) учун сув бўлгани каби». («Рисолаи ноийя», 12-сах.)

МАСНАВИЙ

*Най ҳадиси роҳи пурхун мекунад,
Киссаҳои ишқи Мажнун мекунад.*

ТАРЖИМА

*Най қаломи қонли йўллар тигидан,
Киссалар сўйлайди Мажнун ишқидан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Най хатарли ва қонли йўллар ҳақида ҳикоя қилади. Бу йўллар саросар ишқ қурбонларининг қонига тўла. Най Мажнуннинг ишқий достонларини ва унинг оворагарчиликларини сўйлаб беради.

ШАРХ

«Қонли йўл» таъбири «ихтиёрий ўлим»нинг рамзидир, яъни «Муту қобла ан тамуту» — ўлмасингиздан бурун ўлингиз, ҳадисига ишорадир. Ўлим икки навъдир. Биринчisi — ижборий ўлим. Бу аносирий ўлим бўлиб, ҳеч ким бундан мустасно эмас. Жисм ҳаёт билан тақдир килинган соатда видолашади. Иккинчи — ихтиёрий ўлим. Бу авлиёуллоҳ ва Ҳак мардларига хос ўлимдир. Бунда барча нафсий ҳою ҳавасларнинг оёғига тушов солинади ва бор дунёвий ҳодисаларга этак қокилади, яъни тарк килинади.

Исмоил Анқаравий дейди: «Ёр васлига етишмоқ ихтиёрий ўлим воситасида ҳосил бўлади. Шунингдек, муҳаббатнинг натижаси ўлим оқибатидир. Ҳарчанд бу йўл хатарли ва қонлидир, ушшоқ аҳли учун фоят неъмати мўлдир. Зоро, ҳақиқий ҳаёт аносирий ўлим билан бошланади». («Буюк шарҳ», 1-жилд, 27-саҳ.).

Никлсон ушбу байтдан «Мажнун» тимсолини шарҳларкан, бундай дейди:

«Сўфиёна адабиётда «Мажнун» ўз нафсига барҳам берган, нафсини буткул тарк этган ёхуд ўлдирган деган маъноларни билдиради». («Тафсири Маснавий Маънавий», 1 – 2-саҳ.).

Бинобарин, мазкур байт мазмунидан келиб чиқадиган холоса будир: Най (яъни ҳазрат Мавлоно) ошиқларнинг лоларанг қонига лиммо-лим йўллари ҳақида сўйларкан, ошиқ маъшук висолига етмоғи учун ўзини тарк айламоги керак, — дейди ва барча давру замонларнинг мажнунлари, ошиқлари ҳақида мунглиф-мунглиф нолалар чекади.

МАСНАВИЙ

*Маҳрами ин ҳуш жуз беҳуш нест,
Мар забонро муштарий жуз гӯш нест.*

ТАРЖИМА

*Маҳрами бул ҳүшнинг беҳӯшидир,
Ҳам забонга муштарий бир гӯшидир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу ҳүшнинг (акли қулл) маҳрами ақли маошдан бегона (бешуаш) кимсаладир.

ШАРХ

Яъни ҳакиқат асрорини Ҳақдан бошқа тамомий нарсадан узилган, жамийки илинжни тарк этган, ёхуд Оллоҳдан бошқа нарсага бехуш бўлган фано аҳилларигина дарк этадилар. Ноаҳиллар ва мункирлар бу асрор қошида кар ва гунгидирлар. Чунончи, тилнинг толиби ёлғиз қулоқ (гўш)дир ва бошқа ҳеч бир узв тил василасида ҳосил бўлган алфозни тинглашга қодир эмас.

Авлиё ва маърифат аҳли ҳам қулоқ бамисоли Ҳақнинг калом ва забонигагина сомеъ. Улар Ҳақнинг калом ва забонидан ўзгани эшиitmайдилар.

Валий Мухаммад Акбарободий ёзади: «Яъни ҳуш маҳрами ғайри кимсаларнинг ишқидир. «Ҳам забонга муштарий бир гӯшидир» сатри биринчи мисранинг тамсили...». («Шарҳи Маснавийи Акбарободий», 1-жилд, 8-саҳ.).

МАСНАВИЙ

*Дар гами мо рӯзҳо бегоҳ шуд,
Рӯзҳо бо сўзҳо ҳамроҳ шуд.*

ТАРЖИМА

*Ғуссамиэда кунлар ўтди тун бўлиб,
Кунлар ўтди ўт билан уйгун бўлиб.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бизнинг ишқимизда кунлар ўтди ва тунга айланди. Ўтган бу кунлар бизнинг ҳасратимиизда куйиб кетди.

ШАРХ

Оллоҳ ошиқларига дунё аҳли ошиқ бўлди. Оллоҳ ошиқларига Оллоҳдан бошқа ҳеч ким керак эмас. Бу буюк Ишқ соҳибини шу қадар юксакка кўтарадики,баногоҳ бу Ишқ қуёши халойик кўзини қамаштириб, уни бехуд айлади. Халқу халойик ўз насл-

лидан яралган бундай мунаввар қүёшга шайдо бўлади. Йўллар, чўллар, тоғу кўллар ошибб, Ошиқ ҳузурига йўл оладилар. Улар ҳамон «Ҳазрат султоним», деб Туркистонга, «Баҳоуддин балогардон», деб Бухорога, «Шайхи валийтарош», деб Хоразмга йўл солмоқдалар...

МАСНАВИЙ

*Рўзҳо гар рафт гў: «Рав, бок нест,
Ту бимон, эй он, ки чун ту пок нест».*

ТАРЖИМА

*Кунлар ўтди, де: «Ўтавер, бок иўқ,
Сен фақат қол, эйки, Сендеқ пок иўқ».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу кунлар ва умрлар пайдар-пой ўтаркан, дегил: «Ўтавер, ҳеч хавотирим иўқ. Фақат, Сен, эй Холиқим, пок ва муназзасан. Сен каби ҳеч бир зот пок ва беғубор эмас».

ШАРХ

Буюк имомлардан бири «Бизнинг Оллоҳдан бошка ҳеч кимимиз иўқ», дейди. Бу имом фанофиллоҳ эди. Акли ғолиб зотлар олами дунёда Оллоҳдан ўзга на дўст, на Ёр борлигини ҳис қила оладилар. Акли мағлуб, зехнисиз ва идроксиз кимсалар бандадан муттако ясадилар, бандадан хукмфармо яратадилар, бандадан хожа қашф қиласидилар, бандадан ҳамма-ҳамма нарсани умид киласидилар. Банда ҳамма ерда ва ҳар қачон бандадир. Банда барибир нафсдан мағлуб. Чунончи, шаҳват ва очлик хуружини енга олмайди. Банда барибир заиф ва кудрати маҳдуд. Зоро, у бетоб бўлади, кудрат олдида тиз чўқади, ёхуд тиз чўқтиради. Зотан, банда бандадир. Аксарият валийуллоҳлар бундан мустасно.

МАСНАВИЙ

*Хар кӣ, ҷуз мояҳ зи обаш сер шуд,
Хар кӣ берӯзист, рўзаш дер шуд.*

ТАРЖИМА

*Бир балиқдан ўзга сувга қонадир,
Кимки берӯз рўз анга бегонадир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Фақат балиқ сувга түймайды. Балиқдан бошқа нарса сувдан қониқиши ҳосил қиласы. Ким Ишқ ва урфон сувидан бенасиб экан, унинг умри малолчилик, қайғу ва ҳасратта тұла бұлади. (Мавлоно ошиқ ва толибиң мажозан балиққа қиёс этадилар).

ШАРХ

Мавлоно Яъкуб Чархий ёзади: «Балиқдан үзга ҳамма нарса сувдан қониқады, яъни сувга түяды. Балиқ ҳеч қачон сувга түймайды. Ошиқларни урфон обиҳаётига ташна балиқларға қиёс айла». («Рисолаи ноийя», 14-сах.).

МАСНАВИЙ

*Дар наёбад ҳоли пухта ҳеч хом,
Пас сухан күтөх бояд, вассалом.*

ТАРЖИМА

*Пухта ҳолин билмагайдир ҳеч хом,
Сўзни калта қилдик энди, вассалом.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Хом (яъни нокомил) шахс пухталар (комиллар) аҳволини англамайды. Зеро, уларнинг (комилларнинг) аҳволини алфоз ва калимотлар билан дарк қилиш мумкин эмас. Бас, аҳвол шундай экан, сўзни қисқа қилмоқ, нафасни ичга ютмоқ керак.

ШАРХ

Бу нұктада маърифат ҳосил қилмоқнинг шарти ва ҳақиқатни тубдан англаб етмоқ ҳол муносабати эканига ишора қилинади. Зеро, ҳақиқий маърифат идрок килювчининг идрок килинган ҳодиса билан муштараклиги асосида ҳосил бұлади. Мавлоно Яъкуб Чархий ёзади: «Мушоҳада ва муюйина воситасида асл мақсаддрага восил бұлған ахлуллоҳ (Оллоҳ таъюлонинг хос бандалари, валийлар)нинг ҳақиқий аҳволини тақлид аҳли ва нафси аммора-нинг асири бұлған шахслар англамаслар. Шунинг учун сўзни фақат ишорат ва киноят воситасидагина гапириш мумкин». («Рисолаи ноийя», 14-сах.).

МАСНАВИЙ

*Банд бигсал, бош озод, эй писар,
Чанд боши банди сийму банди зар.*

ТАРЖИМА

*Банд уз, озод бўлгил, эй ўеил,
Неча бўлгайсан зару зеварга қул.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй фарзанд, дунёнинг қайду бандини пора қил ва озод бўл.
Качонгача сийму зар занжирида туткун бўлурсен?

ШАРХ

«Эй фарзанд» — бу хитоб соликларга қаратилган. Дарвоқе, соликлар шайх ёхуд пирнинг маънавий фарзанди хисобланади. Тарийқатда мурид ва пир ўртасида файбий бир робита бор. Чунончи, мурид пир жисманинг бир жузъига айланади. Бу фарзанд жисмнинг бир парчаси эканига ўхшайди. Аммо тарийқатда бу оталик ва фарзандлик моҳиятнан маънавийдир. Озодлик ва хурриятнинг маъноси шуки, банданинг қалби Ҳақдан ўзгани тан олмаслиги, бу дунёнинг жамийки ёлғон макрларидан, устамонлик билан курилган устқурмаларидан халос бўлмоғи керак.

МАСНАВИЙ

*Гар бирезӣ баҳрро дар кӯзае,
Чанд гунчад? Қисмати як рӯзае.*

ТАРЖИМА

*Кӯзага қўйсанг-да уммон сувини,
Қанча сиггай? Ризқнинг имконидир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Мисол учун дарё сувини кӯзага қўйсанг, қанча сув жамъ бўлади? Табиийки, бир кунлик ризқу насибанг андозасича сув ола биласан, холос.

ШАРХ

Бу байт инсон ҳирсу ҳавасининг бепоёнлигига аёвсиз бир ташбихдир. Нафснинг исёнкор хусусияти, унинг тизгинсизлиги, қудрат ва вахшонияти ҳақида ҳар қанча возех фикрлар билдирилмаса-да, инсон тафаккури ва иродаси аксарият ҳолларда унинг олдида забундир. Нега? Нега ҳамма-ҳаммасига фаҳм-фаросати етиб турган одамзод нафснинг қаршисида ожизлигини намойиш этаверади? Бу жумбоқ одам фарзанди қаршисида бугун пайдо бўлган эмас ва унга жавоб ҳам янгилик бўлмайди. Табиийки,

бандасини яратган Холик унинг феъл-хўйини, заиф ва қудратли томонларини яхши билади. Модомики, бутун борлиқни унинг ўзи яратган экан, яширин нима ҳам бўлиши мумкин. Қуръони мажийд буюради:

«...Эъламу аннамал ҳаятад дуня лаъибун ва лаъвун ва зийнатун ва тафахуру байнакум ва такасурун фил амвали вал авлади. Камасали фойсин аъжабал куффаро набатуху, сумма яхийжу фатароҳу мусфаррон. Ва фил ахироту азобун шадийдун ва мағфиратун миналлоҳи ва ризванун. Ва мал ҳаятад дуня илла матаъул руурп».

«...Билингларки, бу ҳаётий дунё фақат (бир нафаслик) ўйин-кулги, зеб-зийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мактаниш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни қўпайтиришдир, холос. (У) худди бир ёмғирга ўхшарки, унинг (ёғиши сабабли униб чиққан) ўт-ўлани коғирларни ҳайратга солиб (аклларини банд қилиб кўяр). Сўнгра у қурир, бас уни сарғайган холда кўурсиз. Сўнгра у қурук чўп бўлиб қолур. (Ҳаётий дунёнинг ҳоли ҳам шундан ўзга эмасдир). Охиратда эса (ўша тўрт кунлик дунёга алданиб қолганлар учун) қаттиқ азоб ва (иймон-эътиқод билан ўтганлар учун) Оллоҳ томонидан мағфират ва ризолик бордир. Ҳаётий дунё эса фақат алдагувчи матодир». («Ҳадид» сураси, 20-оят. Аълоуддин Мансур таржимаси).

МАСНАВИЙ

*Кўзай чашми ҳарисон пур нашуд,
То садаф қониъ нашуд, пурдур нашуд.*

ТАРЖИМА

*Ҳеч ҳарис кўз кўзаси тўлган эмас,
То садаф қонеъ эмас, пурдур эмас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳарис, очофат, қаноатсиз кимсаларнинг назари ҳеч қачон тўймайди. Инчунун, садаф ҳам қаноат ҳосил қилмагунча бағри дурга тўлмайди.

ШАРХ

Ҳарисларнинг назари ҳарчанд тор ва маҳдуд бўлмасин, бу ишкан кўзнинг тубсиз ибрики, яъни кўзаси тўлмайди. Бу тоифа зотлар ҳар қанча сийму зар, «ахлат»ини жамъ қилсалар-да, хотирлари паришон бўлаверади. Ҳарчанд «семирган» сайин бетоқат ва беҳаловат бўлаверадилар. Ичига кириб олган ҳирс жини уларнинг руҳини мутеъ ва тобеъ қиласиди. Атрофингиздаги боёнлар, сарватмандларга боқинг. Бу ҳолга зумда икror бўласиз. Бойлик

баали ошиб-тошиб кетган зотлар дарвозасининг ғичирлашидан тортиб итининг ғингшишигача алланечук ғайритабий бўлади. Яъни бу оддий ашё ва маҳлук ҳам ўзгаради. Уларнинг бола-чақа, хотин-халажларигача одамлик хуружидан чиқишади, демак, одамликни унугдадилар.

Мавлоно ҳазратлари байтнинг иккинчи сатрида садафни мисол келтирайтилар. Садаф ичи ёмрир томчиларига тўлмагунча қоникмас экан. Демак, садаф ёмғир қатраларига тўлгандан сўнггина унинг ичи марваридга тўларкан. Салафлар «марварид доналари ёмғир томчиларидан хосил бўлади», демишлар. Чунончи, Ҳожа Носир ўзининг «Ийлахоний» китобида ёзди: «Найсон ёмғири ёға бошлагач, садаф оғзини очиб, ёмғир қатраларини юта бошлайди. Качонки томчилар садаф ботинига кирадилар, вужудига кудрати азалий жо этган хосияти билан садаф томчиларни марваридга айлантиради».

Инсонни инсон қилгувчи, унинг Оллоҳга ёвуқ этгувчи ва охиратда ўксалтиргувчи ягона фазилат қаноатдир. Дарёни ҳавас килганинг билан бир коса сув билан чанқоғинг қонса, эгнингдаги бир шапалоқ мато титилиб кетгунча, умри азизинг адо бўлса, нима қилдинг дунёни бузиб, умрингни тўзиб, кекирдагингни чўзиб, эй бандай хок!..

МАСНАВИЙ

*Ҳар киро жома зи шиқе чок шуд,
Ў зи ҳирсу жумла айбе пок шуд.*

ТАРЖИМА

*Кимса эгни шиқдин гар чокдир,
Покдир у, ҳирсу айбдин покдир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳар кимнинг либоси ишқ туфайли пора-пора бўлган эса, демак, у жамийки ҳирсу ҳаводан, айбу нуқсондан покдир.

ШАРХ

Кимсанингким худбинлик ва нафсоний либоси Ҳакка бўлган ишқ шиддатидан чок-чок бўлган эса, у ҳар нечук ҳирсу ҳавасдан, журму хатодан покдир. Ишқ у хоҳ ҳақиқий, хоҳ мажозий бўлсин, ахлоқни табдил килгувчи қудратга эга. Ҳали севмасдан бурун киши мумсик, молдўст, баддил ва қўрқоқ бўлиши мумкин. Качонки, ишқ унинг вужудини истило килди, унинг ботинида муҳрланган туйғулар қопқаси ланг очилди ва маъшук хузурига жонини кафтида туттганча йўл олди. У ҳар нечук хатарга кўкрак оча бошлади.

Бу — мажозий ишқ. Яъни илоҳий Ишқнинг суврати.

Ҳақиқий Ишқ хос зотлар ишқи. Банда мажозий ишқ мусибатларини торта-торта покланади. Кеча кўзига балодек кўринган ходисаларни севиб қолади.

Маъшуқанинг ўзи эмас, унинг эшигидаги ит ҳам қандайдир хислатли туюла боради. Маъшуқанинг қўшниси унга туғишганидан зиёд.

Бу — ҳақиқий Ишқ суврати.

Аммо бу йўл ҳам ҳалокатли, хавф-хатарли. Бу йўлларда ҳам коннинг, қиличнинг излари бор...

Бироқ ҳақиқий Ишқ-чи? Мажози — суврати шундай бўлса, асли нечук? Захарни эшитган билан билиб бўлмагани каби, ҳақиқий Ишқни қандай қилиб ҳис қилса бўлади?

Бу Ишқ, бу илоҳий, буюк ва мисоли йўқ ишқ Оллоҳнинг асл бандаларида бўлади. Бу банда энг аввало ўзининг бандалигини теран ҳис қилган ва қошида Оллоҳ, факат Оллоҳ ва ёлғиз Оллоҳгина қойим ва муқим эканини ҳамиша ҳар сония идрок этиб турган зотдир. Бу банданинг қалби — ойинаи жаҳоннамо. Унда бу олам ўзининг бор гўзаллиги, одам эса буткул комиллиги ва жамийки нуқсонлари билан акс этиб туради. Бу банда ердан ҳеч қачон комил инсонни топа билмайди. Унинг заминда ҳақиқий Дўст, ҳақиқий Ёри йўқ. Қўксига дўст деб босгани, унга ханжар ботиришга тайёр. Ёр дегани арзимас дон-дун учун уни эшикдан чикариб юборишга шай. Ён-веридагиларга фарқи йўқ. У ӯладими-қоладими?.. Банда биргина Оллоҳдан бошқа ҳақиқий Дўстни ҳам, ҳақиқий Ёрни ҳам тополмайди. Сиз бу фикрларни англайдингизми? Умрингизнинг teng ярми уйқу, ярми ошу маош талошида, қолган бир чимдими нарда суриш ва хузурхоналарда айшу ишрат билан ўтган бўлса, Оллоҳни танимабсиз. Бу сўзларни эса англай олмадингиз. Аммо, ноумид — шайтон...

МАСНАВИЙ

*Шод бош, эй ишқи хуш савдо¹ мо,
Эй табиби жумла иллатҳои мо.*

ТАРЖИМА

*Шод бўл, эй ишқи хушсавдоийимиз,
Жумла иллатлар табиби — жонимиз.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй, бизнинг хуш савдо ишқимиз, шод бўл. Ва эй, барча дарду иллатларимизнинг табиби, обод бўл.

¹ Инсон вужудидаги тўрт муҳим модданинг бири (сафро, савдо, балгам, қон). Улардан бирининг ғалаба килиши, яъни зиёда бўлиши хаёл ва асабининг бузилишига олиб келади. Шу сабабдан молихулёни ҳам «савдо» демишлар.

ШАРХ

Никлсон ёзади: «Менинг назаримда, «савдо» бу ўринда «фикр» маъносига яқин». Бироқ, «савдо»нинг Мавлоно мақсадига муносибрөк маъноси бу Ишқ асорати бўлмиш шиддатли рухий ҳаяжондир.

Агар рухий ҳаяжон моддий ёхуд суварий ишқдан хосил бўлган эса, бу нохуш ва бад савдодир. Бироқ рухий ҳаяжон ҳақиқий илохий ишқдан хосил бўлса, фойдали ва хуш савдодир.

МАСНАВИЙ

*Эй, давойи нахвату номуси мо,
Эй, ту Афлотуну Жолинуси мо.*

ТАРЖИМА

*Эй, давойи нахвату номусимиз.
Эй, сен Афлотуну Жолинусимиз.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй ишқ, сен бизнинг худбинлик ва ору номусимизнинг давосисан. Эй ишқ, сен бизнинг Афлотун ва Жолинусимизсан.

ШАРХ

Мажозий ва ҳақиқий ишқ инсон руҳидаги жамийки иллатларни даволайди.

Ишқ, қандай бўлмасин, Оллоҳ неъмати. Бу туйғу ҳақида ҳар қанча китоб ёзилиб, ҳар қанча таъриф ва тавсиф этилмасин, у банданинг кўнглида ўз-ўзича уруғ отиб, нашъу намо топаверади. Ҳар бир кўнгил бу туйғуни Оллоҳ инояти билан яшайди. Бу – мажозий ишқ. Ҳақиқий Ишқнинг мазмун ва моҳияти ўзгача. Юқорида қисман таърифланди.

Иккинчи мисрада тилга олинган олимлар ҳақида.

Афлотун – машҳур юонон олими. Милоддан аввалги 427 йилда таваллуд топди. Қарийб саксон йил умр кўрди. Афлотун ишрокий ҳакимлар силсиласига мансуб бўлиб, ҳақиқатта восил бўлиш йўлларини нафсдан кечиш ва мукошифа деб билган. Бинобарин, у рухий табиб тамсилига айланди.

Жолинус қадимги юонон табибларининг энг машҳури бўлиб, Бурғалиш шаҳрида таваллуд топди. У фоятда машҳур сайёҳ, кўп шахарларни кезиб чиқкан солик эди. Ҳали ўн етти ёшидаёт тибб, фалсафа, риёзиёт фанларида комиллик даражасига етди. 24 ёшда бу илмда ижтиход мақомига эришди.

МАСНАВИЙ

*Жисми хок аз ишқ бар афлок шуд,
Күх дар раңс омаду чолок шуд.*

ТАРЖИМА

*Хок жисм ишқдин ўлиб афлоклар,
Ишқдин раңс айлабон чүнг тоглар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Жисм — тупроқдан. Бирок илохий ишқ асари билан у осмонлар қадар күтарилиди. Ишқ туфайли тоғ ҳаракатга келди.

ШАРХ

Биринчи мисра — ҳазрат Пайғамбар соллаллоху алайхи васалламнинг меърожлари ва ҳазрат Масиҳ алайҳиссаломнинг нуроний колбадлари (жисмлари) уружига ишора.

Иккинчи мисрада Қуръони каримнинг «Аъроф» сураси, 143-оятига ишора қилинмоқда.

МАСНАВИЙ

*Ишқ, жони Тур омад ошиқо,
Тур маству «хорро Мусо соиқо».*

ТАРЖИМА

*Тур жони ишқ туфайли ошиқо,
Тур маству «хорро Мусо соиқо».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Тур тоғига ишқ ҳаёт ва жон бахш айлади. Ишқ асари эдиким, Тур тоғи бадмастлик қилди ва Худованднинг танланган бандаси ҳазрат Мусо алайҳиссалом бу ишқнинг азамати ва жалолати туфайли беҳуш бўлиб йиқилди.

ШАРХ

«Валамма жаа Муса ли мийқотина вакалламаху Роббуху, кола Робби ариний анзур илайка. Қола: лан тароний валакинизур илал жабали фаниистақорро маканаҳу, фасавфа тароний. Фаламма тажалла Роббуху лил жабали жаъалаҳу даккан ва хорро Муса соиқан. Фаллама афоқа қола субҳанака тубту илайка ва ана аввалул мўъминийн».

Маъноси: Качонки Мусо (ваъдалашган) вактимизда (Тур тоғига) келиб, Парвардигори унга (бевосита) сўзлагач, у: «Парвардигорим, менга (жамолингни) кўрсатгин. Сенга бир қарай», деди. (Оллоҳ) айтди: «Сен Мени (бу дунёда) ҳаргиз кўролмайсан. Аммо, мана бу токқа боқ. (Мен унга кўринурман) ўрнашган жойида тура олса, сен ҳам Мени кўражаксан».

Качонки, Парвардигори у токқа кўринган эди, уни майдамайда килиб ташлади ва (бу ҳолни кўрган Мусо ҳушсиз ҳолда йикилди. Ўзига келганидан сўнг эса деди: «Пок Парвардигоро (ноўрин савол сўрашдан), Ўзингга тавба қилдим. Энди мен (Сенинг нақадар буюк зот эканингга) иймон келтирувчиларнинг аввали – пешқадамиман». («Аъроф» сураси, 143-оят. Аълоуддин Мансур таржимаси).

МАСНАВИЙ

*Бо лаби дамсози худ гар жуфтаме,
Ҳамчу най ман гуфтаниҳо гуфтаме.*

ТАРЖИМА

*Гар ўша дамсоз лабига ёрмен,
Най каби хушрозу хушгуфтормен.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар ўша дамсоз ёrim лабига етганимда эди, най мисоли ажиб қиссалар сўйлар эдим.

ШАРХ

Юкоридаги байтлар шарҳида тупроқдан яралган жисмнинг Ишқ туфайли фалакларга парвоз қилганини, Тур тогининг Ишқ туфайли майда-майда бўлганини кузатган эдик.

Ҳақ висолига етмоқнинг машакқати ҳақида «Аъроф» сурасининг юкорида келтирилган 143-оятида ғоят таъсирли воеа баён этилди.

Ҳақ висолига етиш қийин. Аммо Ҳақ бу билан ўз васлини ошиқларидан батамом маҳрум қилди, дейиш хато.

Ҳақ ўз гирифторларини сужди, садоқатли ошиқларини кўкларга кўтаради. Ҳақ шайдоси бу буюк муҳаббат туфайли ер билан яксон бўлади, ҳар зарра тупрок, ҳар сарик япроқ, ҳар бир гиёҳ унга Ёнинг нишонаси бўлиб туюлади. Ошиқ ана шу ашёлар жисмига сингиб кетгудек бўлади. У ҳамма нарсага ўзини фано қилиш йўли билан бақога томон, яъни ҳақиқий Ёр сари ёвук келаберади.

Одим ба одим, қарич ба қарич Ёрга томон уруж килади.

Ошиқ учун бирдан-бир тўсиқ девор — бу унинг жисми. Жисм риёзатларга дош бера олмайди. Қаттиқ совуққа чидамсиз бўлганидек, қаттиқ иссиққа ҳам дош беролмайди. Жисм ошиқнинг душмани. Вужуд ошиқнинг қотили. Тана ошиқни жами нарсадан маҳрум этади. Дам-бадам ариллаб очлигини, лаҳза сайин чанқаб, ўт олиб кетаётганини эслатаверади. Тана — исёнкор. Ухлайман, дейди наъра тортиб. Айш қиласман, дейди бўзлаб, рух ва вужуд тимсолидаги нафс ўзаро олиша-олиша соҳибининг ҳаётини барбод қиласидилар. Ҳарчанд охир-оқибат Рух ғолиб келсада, вужуд уни бир умр мисли кўрилмаган балойи бадларга гирифтор қиласиди.

Атрофинингизга бокинг. Бир замон жуда диёнатли, камтар ва адолатпеша бўлган зотлар фурсат ўтиб, нафсдан мағлуб бўлишгач, батамом ўзгарадилар. Энди уларни сиз эмас, ўзлари ҳам танимайдилар...

Одам фожиаси шу нуктадан бошланади. Шу нуктада одам Яратганини ва ўзини йўқотиб қўяди...

МАСНАВИЙ

*Ҳар кий ўз ҳамзабоне шуд жудо,
Безабон шуд, гарчи дорад сад наво.*

ТАРЖИМА

*Ҳамзабонидан бўлибдир ким жудо,
Безабондур, гар чалар юз бир наво.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ким ўз кўнглига яқин бўлган ҳамзабонидан айрилса, агарчи юз навоси бўлса-да, безабон бўлиб қолаверади.

ШАРХ

Орифлар одобидан бири самт (жимжитлик) ва сукутдир. Хомушлиқ ёки сукут икки хил бўлади. Бири авомнинг сукути. Яъни ҳақиқий солик босиб ўтиши лозим бўлган муқаррар руҳий масофа-ни ўтамаган муриднинг сукути. Зоро, у хали пишиб етилмаган. Тил эса саркаш ҳайвондир. Ў боғлаб қўйилмаса, зарар етказади. Иккинчиси — хослар сукути. Бу комил орифларга хос бўлиб, ҳақиқий сир-асрорини дуч келган ҳангоматалабларга сўйлашларираво эмасдир. Бу ўринда уларнинг хомушлиги афзал.

Мавлоно Яъкуб Чархий ёзадилар: «Тасаввуф ахлида шундай суханлар бордирки, уни оддий тил билан баён қилиб бўлмайди. Орифлар ҳақиқат асрорини ўзлари англайдиган алфозда бир-бирларига етказадилар. Бошқалар буни ҳеч қачон англашомайди. Чунончи, авомнинг адам ва фано, укр ва бақо, жамъ ва тафрика, самоъ ва важд каби тасаввуф истилоҳларини тушунмоғи душвор».

Ибн Арабий «самт» (сукунат) асрори хусусида бундай дейдилар: «Мутлақ самт дуруст эмас. Зеро, банда Худонинг зикрини қилишга амр этилгандир. Хомушлик унинг зоҳирида бўлади, ботинида эмас». («Футухоти Маккийя» 21-саҳ.).

МАСНАВИЙ

*Чунки гул рафту гулистон даргузашт,
Нашнавӣ зон пас зи булбул саргузашт.*

ТАРЖИМА

*Чунки гул ўтди, ўтиб бўстонлар,
Зор булбул сўйламас достонлар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Качон гул фасли ўтди ва гулистон айёми ҳам ўтиб кетди, энди булбулдан саргузашт тингламассан.

ШАРХ

Мавлоно Яъкуб Чархий ёзадилар: «Булбул гул юзини кўргач, ўз навосини бошлайди. Аммо зимистон ва тиканзорда хомуш бўлади. Яъни илоҳий хукмни ахлуллоҳга айти билурсан. Аммо, жоҳиллар ва мункирлар наздида бу хусусда оғиз очолмайсан. Амиралмўъминин Али бин Абутолиб дедилар: «Кўнглимда илмим шу қадар кўпки, уни кимга айтмоқни билмайман...» («Рисолаи ноийя», 21-саҳ.).

Бу дунёда ҳамманинг ўз жуфти бор. Моддий жуфтларни акл хис қиласи, кўз кўради. Руҳоний жуфтларни англаш хийла душвор иш. Фолу қол, буржномаю мучал китобларини варақлаб, ўз руҳий жуфтларини қидириб юрган авом узоқдаги мозору марқадни эмас, кўксидаги кўнглини таҳқиқ этса эди, ўзининг ботинига бандалик назари билан боқса эди, ҳаммаси жуда енгил ҳал бўларди. «Куш тилини куш билади», деб турганда ҳам қуш билан қиргий тилида «тиллашмоқчи» бўладилар, балиқни тошлоқда яшашга кўнигирамиз, деб аҳмоқона тажрибалар ўтказадилар, ниначидан ўргимчак, оққушдан ит яратмоқни «илм» қиласидилар. Таассуфларки, борлиқ оламни фасодга, руҳониятни ҳасадга қориб ташлаётган бу жамоа нечук нажот топа билур? Бузилган мезонни ислоҳ қилмокқа кимнинг кудрати етур?..

МАСНАВИЙ

*Жумла маъшуқ асту ошиқ пардае,
Зинда маъшуқ асту ошиқ мурдае.*

ТАРЖИМА

*Жумла маъшуқдир ва ошиқ пардадир,
Зинда маъшуқдир ва ошиқ мурдадир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу оламда неки бор — маъшук.
Ошиқ пардадан ўзга нарса эмас. Тирик — маъшуқнинг ўзи.
Маъшуқсиз ошиқ — рухсиз жисм.

ШАРХ

Аксарият «Маснавий» шориҳлари бу байтни «Ваҳдатул вужуд» ғоясига нисбат берганлар.

Ушбу байт «Қуръони каримнинг «Қасас» сураси, 77-оятига, «Ар-Рахмон» сурасининг 26—27-оятларига ишорадир: «Куллу шайъин ҳалиқун илла важҳаҳу». (Худонинг зотидан ўзга ҳамма нарса ҳалок бўлгуси).

«Куллу ман алайҳа фанин ва ябқо важҳу Роббака зулжалали вал икром. (Ҳамма нарса фанога юз туттувчи, Танҳо сенинг Парвардигоринг зоти бокийдир. Парвардигоринг азамат ва улуглик соҳибидир).

Орифлар наздида шахснинг борлиғи — ҳижоб. Бу ҳижоб ошикни Раббоний маъшуқдан жудо қиласи. Ориф Ҳаққа ковушган маҳалда ўзининг тафаккур ва вужудидан айрилиб, ваҳдат оламига фарқ бўлади.

МАСНАВИЙ

*Чун набошад ишқро парвои ў,
У чу мурғе монд бе пар, вои ў.*

ТАРЖИМА

*Ишқ агар қилмас эса парво анга,
Бепару бол мурғдур ў, вои анга!*

(Ушбу байт юқоридаги байтнинг мукаммал мазмуни, яъни ишқ ошиқка томон таважҷуҳ қилмаса, у парсиз қуш кабидир).

МАСНАВИЙ

*Ман чи гуна ҳуш дорам пешу пас,
Чун набошад нури Ёрам, пешу пас.*

ТАРЖИМА

*Ер нури бўлмаса сўл-согда
Хуш қаёқда? Хушимиз қай ёқда?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар Ҳақ таълонинг ботиний нури менинг орқа-олдимда, сўл-соримда бўлмаса, бу жузъий ақл ва маҳдуд идроким воситасида қандай қилиб йўлимни топишим мумкин? Мавлоно ҳазратлари ушбу байтда тамомий маънавий ва руҳоний идрокнинг сарчашмаси, Ҳақ таъоло асрорининг асоси деб, ботиний нурни биладилар.

Шунингдек, бу байт «Ҳадид» сурасининг 12-оятига ишора қиласи: «Явма тарол мўъминийна валимўъминоти ясья нуурухум байна айдиҳим ва би айманиҳим».

Маъноси: «Мўмин ва мўминаларнинг олдиларида ва ўнг томонларида нурлар (яъни, қилган яхши амаллари ва номаи аъмоллари йўлларини ёритиб) кетаётганини кўрадиган Кунни (эсланг)!...» (Аълоуддин Мансур таржимаси).

МАСНАВИЙ

*Ишқ ҳоҳад к-ин сухан берун бувад,
Ойина гаммоз¹ набуда чун бувад?*

ТАРЖИМА

*Истаюр ишқ ким бу сўз ошкор эса,
Не керак ойина гаммоз бўлмаса?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ишқ маъно ва асрорнинг ошкор бўлишини истайди. Нечук ойина ўзида акс этган ашёни кўрсатмасин?

ШАРҲ

Агар илоҳий Ишқ одамзод жонида шуъла урса, унинг асари одам ҳаракатларида ва феъл-хўйида намоён бўлади. Бинобарин, айтиш мумкинки, Ишқ ойинага ўхшайди. Бу ойинада ошиқ аҳволи намоён бўлади.

МАСНАВИЙ

*Ойинаат дониј чаро гаммоз нест?
Зон ки, зангор аз руҳаш мумтоз нест.*

¹ Гаммоз бу ўринда ошкор қалгувчи, кўрсатувчи.

ТАРЖИМА

*Ойинанг билгил нечун гаммоз эмас,
Чунки занг бор юзида, мумтоз эмас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Биласанми, нима учун қалб ва руҳинг ойинаси маънавий асрор ва ҳақиқатларни акс эттирмайди? Чунки сен унинг юзидан ҳою ҳавас зангларини тозаламагансан.

ШАРХ

Агар дил соф ва шахс замири равшан бўлса, урфоний асрор ва Раббоний ҳақиқат унда акс этади. Агар кўнгилда занг бўлса, токи ушбу занг тозаланмагунча ҳеч вақо ҳосил бўлмайди.

«Қалб — Худонинг назаргоҳи», дейдилар. Худонинг назари тушадиган саҳнни тозаланг! Бу шиша ва темирларни ялаб-юлқаганингиз билан, унга бирорвинг назари ё тушади, ё тушмайди. Худонинг назари тушадиган «бир парча эт»ни (ҳадис) соф килинг! Эгнингиздаги бир парча матони ҳар кун тозаламоқдан чарчамайсиз! Худонинг назари тушадиган бирдан-бир жойни тоза тутинг! Бунча ўзингиз ва қасру равоқингизга оро берасиз!

Биродарлар, қалб Оллоҳ мулки. Уни йўқотиб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Йўқотсангиз, одам қавмидан чиқасиз. Дунёда маҳлукот қавми бисёр. Аммо одам қавми бир. Одамни йўқотиб қўйманг.

МАСНАВИЙ

*Бишнавед, эй дўстон, ин достон,
Худ ҳақиқат, нақди ҳоли мост он.*

ТАРЖИМА

*Тинглангиз, бу қиссани, эй дўст-ёр,
Бу – ҳақиқат, ҳолимиздан ошкор.*

ШАРХ

Эй дўстлар, ушбу ҳикоятга қулоқ тутинг. Бу ҳикоят ҳолимизга ғоят муносибдир.

ПОДШОҲНИНГ КАНИЗАККА ОШИҚ БЎЛИШИ ВА УНИ СОТИБ ОЛИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

ДОСТОН ХУЛОСАСИ

Бир подшоҳ ов қасдида-хизматкорлари билан шаҳар ташқарисига йўл олди. Йўл ярмида гўзал бир канизакка кўзи тушди. Шоҳ канизакка қаттиқ ошиқ бўлиб қолди ва катта мол-дунё эвазига уни сотиб олди. Кўп ўтмай канизак бетоб бўлди. Шоҳ чор атрофдан табибларни ҳузурига чорлади. Табибларнинг ҳар бири ўз билим ва заколарига мағрур бўлиб, канизакни даволаш пайига тушдилар. Табиблар худбинлик ва ғуурлари оқибатидага Оллоҳ иродасини унтиб қўйгандилар. Улар ҳарчанд уринмасинлар, беморнинг ахволи тобора оғирлашди. Шоҳ жамийки табиий даво ва усуллардан толди ва начор Ҳудога тавба-тазарру билан дуо қилди.

Шоҳни уйқу элтди. У туш кўрди. Тушида бир пири муршид унга деди: «Ҳақиқий табиб ҳозик эртага сенинг ҳузурингга келади!...» Эртаси кун тунда Шоҳ ўша табибни топди ва канизакнинг олдига олиб келди. Доно табиб бемор канизакка разм солиб, сездики унинг дарди жисмоний иллат бўлмай, Ишқ касалидир. Канизак самарқандлик бир заргарга қаттиқ ошиқ эди. Шоҳ Самарқандга одам юборди. Заргарни Самарқанддан топиб келтирдилар. Шоҳ табиб ҳукмига кўра уни канизак ихтиёрига топширди. Канизак ва заргар роппа-роса олти ой саодат ва осойишталикда яшадилар. Олти ойдан сўнг табиб Оллоҳ таъоло ишорати билан заргарга заҳар берди. Заргар заҳар таъсирида ўз чирой ва жозибасидан маҳрум бўла бошлади. Шундай қилиб, заргар кун сайин канизак олдидаги эътиборини йўқота борди. Бу илоҳий дастур Иброҳим алайхиссалом ўғли Исмоилни қурбон қилиш ҳақидаги дастурга ўхшайди...

Бу дастурнинг зоҳирий суврати. Унинг ботини билан «Маснавий»нинг давомида танишамиз.

ҲИКОЯТ МАНБАЛАРИ

Ушбу ҳикоятнинг манбалари «Фирдавсул ҳикма» ва «Чаҳор мақола» китобларидир. Охирги китобда ҳикоятдаги муолажа усули Абу Али ибн Синога нисбат берилади. Шоҳ Қобус Вашмирнинг ишқ касалига чалинган қариндошларидан бирини Ибн Сино шу усулда даволайди.

Сайид Исмоил Журжоний ўзининг «Захираи Хоразмшоҳий» китобида ишқ касалининг муолажаси хусусида бундай ёзади: «Кимки ишқ дардига чалинган бўлса ва маъшуқининг номини пинхон тутса, ушбу тартибда билиш мумкин. Беморнинг бош томирига бармоғингизни босасиз ва гумон қилинган кимсаларнинг номини, ахволини, манзилини бир-бир санай бошлайсиз: ошиқ дардига сабаби бўлган кимсанинг номи тилга олиниши заҳоти bemorning кон харакатида ўзгариш сезилади».

Мавлоно бу ҳикоятни ўз мақсадларини баён этмакка восита сифатида қўллаганлар.

Ушбу ҳикоятда шоҳ — ақл ва руҳдир. Канизак — нафси аммора. Унинг заргарга майли — дунёвий лаззатга гирифтторлик. Файбий табиб нафснинг дардини англайди ва уни шифолайди.

Ақлни шаҳват домидан қутқаради. Асл мақсадни эса байтлар шархда билиб оламиз.

МАСНАВИЙ

*Буд шоҳе дар замоне пеш аз ин,
Мулки дунё будашу ҳам мулки дин.*

ТАРЖИМА

*Подшоҳ ўтган эди бундан бурун.
Илкида ҳам мулки дунё, ҳамда дин.*

ШАРХ

Қадим замонларда бир подшоҳ ўтган эди. Бу подшоҳ дунёни бошқариш билан бирга, динни ҳам маҳкам тутган. Яъни икки сарой саодатига ноил эди.

МАСНАВИЙ

*Иттифоқан, шоҳ рӯзе шуд савор,
Бо ҳавоси хеш аз баҳри шикор.*

ТАРЖИМА

*Иттифоқо, бир қуни отланди шоҳ,
Хосса аҳбоби билан ов қилса то.*

ШАРХ

Кунларнинг бирида шоҳ ўзининг мумтоз аҳли, яъни хос хизматкорлари билан овга отланди.

МАСНАВИЙ

*Як канизак дид шаҳ бар шоҳроҳ,
Шуд гуломи он канизак жони шоҳ.*

ТАРЖИМА

*Бир канизак кўрди шаҳроҳ узра хон,
Жони қул бўлди ўшанга ногаҳон.*

Шохроҳ — катта йўл бўйлаб кетаётган шоҳнинг нигоҳи бир канизакка тушди ва ўша лахзада шоҳ ўз жонидан жудо бўлди, яъни унинг жони ўша соҳибжамол канизакка кул бўлди.

МАСНАВИЙ

*Мурғи жонаш дар қафас чун метапид,
Дод молу он канизакро харид.*

ТАРЖИМА

*Жон қуши жон узди ул султоннинг,
Мол бериб, олди сотиб жононни.*

ШАРХ

Шоҳ жони тан қафасида қуш каби потирлай бошлади. Молдунё ҳарж қилиб, канизакни сотиб олди. Бошқача қилиб айтганди, шоҳ канизакка ошик бўлди, бинобарин, доролиги, яъни молдунёси туфайли уни ўзиники қилди.

МАСНАВИЙ

*Чун харид ўрову бархурдор шуд,
Он канизак аз қазо бемор шуд.*

ТАРЖИМА

*Шоҳ сотиб олди уни, рўй берди васл,
Сўнг қазодан бўлди бемор ул гўзал.*

ШАРХ

Шоҳ канизакни сотиб олди ва унинг васлига муюссар бўлди. Иттифоқо, қазо ҳукми билан канизак оғир дардга чалинди.

МАСНАВИЙ

*Ин яке ҳар доишту полонаш набуд,
Ёфт полон, гург ҳарро даррабуд.*

ТАРЖИМА

*Кимса эшаклик ва жабдуг ийӯқ эди,
Келди жабдуг, бўри эшишакни еди.*

ШАРХ

Бир кимсаннинг эшаги бор эди. Бироқ эгар-жабдуғи йўқ. Бечора эшак сохиби минг машаққатлар билан эгар-жабдугни қўлга киригач, бўри эшакни еб кетди.

МАСНАВИЙ

*Кўза будаш, об меномад ба даст,
Обро чун ёфт, худ кўза шикаст.*

ТАРЖИМА

*Кўзаси бор эрди-ю, сув қайдадир,
Сув топилгач, кўза майда-майдадир.*

ШАРХ

Бир бечоранинг кўзаси бор эди-ю, сув йўқ эди. Сув топилган чоғда кўза синди.

Ушбу икки байт мазмуни замирида қуйидаги ҳикмат бор: одамзод бу дунёда ҳеч қачон ўз мақсадига тўгал-тўқис эриша олмайди. Ҳар бир лаззат ранжга қариндошдир. «Фотихул абёт» китобида келишича, эшак жисмоний ҳодиса бўлиб, яъни маҳлукдир. Эгар-жабдуқ – дунё матоҳи. Бўри – касаллик ё ўлим.

МАСНАВИЙ

*Шоҳ табибон жамъ кард аз чаппу рост,
Гуфт: «Жони ҳар ду дар дасти шумост.*

ТАРЖИМА

*Шоҳ табиб жамлаб деюрким: «Шоҳмиз,
Лек, сизнинг илкингизда жонимиз!..*

ШАРХ

Шоҳ тўрт томондан табибларни саройга чорлади ва деди: «Менинг жоним ва бу канизакнинг жони сизнинг қўлингизда». Ушбу байтда табиблардан мақсад Ҳақ йўлига иршод ва раҳнамолик қилишни даъво қилган кимсалардир.

МАСНАВИЙ

*Жони ман саҳл аст, жони жонам ўст,
Дарманду хастаам, дармонам ўст.*

ТАРЖИМА

*Менда жон йўқ, жоним у, жонимдур у,
Дардмандмен хаста, дармонимдур у.*

ШАРҲ

Шоҳ ҳакимларга деди: «Менинг жоним канизакнинг жони олдида ҳеч нарса эмас. Ҳақиқатда, жонимнинг жони ўшадур. Мен бир дардманд ва хастаман. Ёлғиз дардимга дармон ҳам ўша.

МАСНАВИЙ

*Хар кий дармон кард, мар жони маро,
Бурд ганжу дурру маржони маро.*

ТАРЖИМА

*Кимса дармон бўлса жоним жонига,
Соҳиб ўлгай ганжу дур, маржонима.*

ШАРҲ

Агар сизлар менинг жоним дардига дармон бахш этсангиз, хазинадаги бойлик, дур ва маржонлар сохиби бўласиз».

МАСНАВИЙ

*Жумла гуфтаңдаш, ки жон бозй кунем,
Фаҳм жуд орему анбозй кунем.*

ТАРЖИМА

*Дедиларким, жон бўлайлик жонига,
Фаҳм этаилик жам бўлиб дармонига.*

ШАРҲ

Ҳакимлар иттифок бўлиб дедилар: «Канизакнинг жонига дармон бўлишимиз учун жонимиз борича харакат қиласиз».

МАСНАВИЙ

*Хар яке аз мо Масиҳи оламист,
Хар аламро дар кори мо марҳамест.*

ТАРЖИМА

*Биз бу оламда Масиҳо сонимиз,
Хар аламга бор даво-дармонимиз.*

ШАРХ

Ҳакимлар шохга далда бердилар: «Хар биримиз бу олам Масихимиз. Кўлимиизда ҳар қандай дарднинг давоси бор».

МАСНАВИЙ

*Гар Худо хоҳад нағуфтанад, аз батар,
Бас Худо бинмудишон ажзи башар.*

ТАРЖИМА

*Гар Худо хоҳлар эса, демай батар,
Айлади Ҳақ барчасин ожиз башар.*

ШАРХ

Ўз иқтидорига маҳлиё бўлган ҳакимлар шохнинг кўнглини қўтариш учун ўзларини «Масих» дедилар. Улар «Худо хоҳласа, канизакнинг дардига даво топамиз», деб Оллоҳга суюнмадилар, аксинча, ўзларининг қудратига инондилар.

МАСНАВИЙ

*Тарки истисновъ мар одам қасватист,
Не ҳамин гуфтан, ки ориз ҳолатест.*

ТАРЖИМА

*Тарки истисновъ¹ қилар ким тошдил,
Тошдил не, кўп тубан бир ҳолдир.*

ШАРХ

Оллоҳ ҳохишига эътиборсизлик қалб фафлатига далолат қиласиди. Мудом Оллоҳ ҳохишига аҳамият бермаган ҳолда яшаш инсон қалбини такир айладиди. Ҳар лаҳза ёдда тургувчи бу таслимият тил билангина мұяссар бўлмайди. Зеро, орифлар наздида зоҳирий аъмолдан кўра қалбий ҳол ва ният мўътабарроқдир.

МАСНАВИЙ

*Эй басо новарда истисновъ бигўфт,
Жони ў бо жони истисност жуфт.*

¹ Истисновъ — «Иншаоллоҳ», яъни «Худо хоҳласа» демок.

ТАРЖИМА

Эй, неча билмайди истисноъни,
Жони истисноъ била жуфт они.

ШАРХ

Неча-неча одамлар «иншаоллоҳ» — «Худо хоҳласа» калимасини оғизга олмайдилар. Балки хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Бирок бу худбин ва жоҳил хаёлга келтирмагани билан «Иншаоллоҳ» ҳақиқатидан қочиб бўладими? Илоҳий иродадан чекинишнинг йўли борми? Жонинг ва қисматинг унинг қўлида турган бўлса, сен «иншаоллоҳ» демаганинг билан унинг хоҳиши доирасидан ўзиб кетолмайсан.

Ориф зот Оллоҳни шу қадар каттиқ севадики, «фанофиллоҳ», яъни Худо учун ўзини батамом йўқ қиласди. Ўз иродасини Оллоҳ иродаси йўлида ҳалок айлади. Шу йўл билан «истисноъ» ҳақиқатига эришади. Худди шундай зоттина Оллоҳ бутун коинотнинг омили эканини хис этади. Демак, ориф Оллоҳга факат тил ва лафз орқали таслим бўлмайди, балки қалб ва ботин билан мутаважжих бўлади.

Мавлоно «Фийҳи ма фийҳи» («Ичиндаги ичиндадир») китобида ёзадилар: «Ҳазрат Расул (с.а.в) буюрадилар: «Рубба талил Куръани вал Куръану ялъануҳу» (Таржимаси: «Қанчадан-қанча одамлар Куръон уларни лаънатлаб турган ҳолатда Куръон тиловат қиласдилар»). Бу сўзлар Куръоннинг маъносини англамасдан, энг ёмони, унга амал қиласдан қуруқдан-куруқ тиловат қилгувчилар хусусида.

МАСНАВИЙ

Ҳар чи карданд аз иложу аз даво,
Гашт ранж афзуны ҳожат нораво.

ТАРЖИМА

Қилдилар ҳар не иложу ҳар даво,
Ранж ортди, бўлди ҳожат нораво.

ШАРХ

Ҳакимлар ҳарчанд ҳаракат қиласинлар, канизакнинг дарди кун сайин оғирлаша борди.

МАСНАВИЙ

Он канизак аз мариз чун мўй шуд,
Чашми шаҳ аз ашки хун чун жўй шуд.

ТАРЖИМА

*Ул канизак дарддан соч толаси,
Шоҳ қўзи қон ёшидан дарё каби.*

ШАРХ

Канизак дарднинг шиддатидан шу қадар оғир ахволда эдики, вужуди «соҳ толаси»га айланади. Шоҳнинг кўзлари эса ёшдан дарёга менгзарди.

МАСНАВИЙ

*Аз қазо, сиркангбин сафро намуд,
Равгани бодом хушк мифузуд.*

ТАРЖИМА

*Ҳақ иши, саркангбин¹ сафро² бўлиб,
Ҳам бодом ёғи³ қуруқликка⁴ дўниб.*

ШАРХ

Парвардигорнинг иродаси билан табибларнинг канизакка қилган жамийки даволари акс таъсир кўрсата бошлади.

МАСНАВИЙ

*Аз ҳалийла қабз шуд, итлоқ рафт,
Об оташро мадад шуд ҳамчу нафт.*

ТАРЖИМА

*Ҳам ҳалийла⁵ қабз⁶ этиб, итлоқ⁷ кетиб,
Сув оловга нафт каби таъсир этиб.*

ШАРХ

Ҳалийла (изоҳга қаранг) ошқозонни мулоим ва равон қилишнинг ўрнига мизожнинг қуриб қолишига сабаб бўлди. Сув эса олов тафтини босиши ўрнига нафт (нефт) каби унинг янада гурос солиб ёнишига туртки берди.

¹ Сиркангбин — шакар ва сиркадан тайёрланган шарбат. Шакар ва асал ўринда ҳам кўлланилади. Қадимги табиблар уни «сафро»ни йўқ килувчи дори сифатида кўллаганилар.

² Сафро — гоҳ тиник қизил, гоҳ кўкимтири тусдаги модда бўлиб сафро ҳалтасига йигилади. Овқатни тез ҳазм килдиради.

³ Бодом ёғи — ширин бодомдан олинадиган ёғ. Мижоздаги қуруқликни даф килиш учун кўлланилади.

⁴ Қуруқлик ёғи «юбуст» — мизожнинг қуриб қолиши. Қадимги табиблар бу касалликни бодом ёғи билан даволаганлар.

⁵ Ҳалийла — жуда улкан дарраҳт меваси. Япроқлари йирик ва нозик. Меваси шингил шаклида бўлиб, ранг-барсан. Ҳалийла тафтини қайтаради, ични мулоим, ошқозонни равон килади.

⁶ Қабз — рўдаларнинг сикилиши, қуриб қолиши.

⁷ Итлоқ — ошқозоннинг равон бўлиши.

ҲАКИМЛАРНИНГ КАНИЗАКНИ ДАВОЛАШДАН ОЖИЗ ҚОЛИШЛАРИ, ПОДШОХНИНГ ХУДОВАНД ДАРГОҲИГА ЮЗ БУРИШИ ВА БИР ВАЛИЙУЛЛОХНИ ТУШ КҮРИШИ

МАСНАВИЙ

*Шаҳ чу ажзи он ҳакиймонро бидийд,
По бараҳна жониби масжид давийд.*

ТАРЖИМА

*Шоҳ ҳакимлар ажзини кўргач тамом,
Чонди оёги яланг масжид томон.*

ШАРХ

Шоҳ кўрдики, худбин ва худсар ҳакимлар канизакни даволамоқдан ожиздирлар, оёқ яланг масжид даргоҳига югурди. (Исмоил Анқаравий бу хусусда дейди: «Оёқ яланг» иборасидан мақсад дунёни тарк этмоқ, охират, маҳв ва фано мартабасига эришмоқ. Устод Фуруzonфар бу ҳақда шундай ёзади: «Оёқ яланг юурмомоқ» изтироб шиддатидандир. Бу холатда шахс ҳатто ковуш киймоққа ҳам фурсат тополмайди).

МАСНАВИЙ

*Рафт дар масжид, сўй меҳроб шуд,
Саждагоҳ аз ашики шоҳ пуроб шуд.*

ТАРЖИМА

*Борди масжид, юз буриб меҳробга,
Саждагоҳ ёшдан дўниб ҳалқобга.*

ШАРХ

Шоҳ оёқ яланг масжидга етиб келди ва меҳробга юз бурди. Саждагоҳ унинг кўз ёшлиридан жикқа ҳўл бўлди.

МАСНАВИЙ

*Чун ба хеш омад зи гарқоби фано,
Хуш забон бикшод дар мадҳу сано.*

ТАРЖИМА

Чун фано¹ гарқобида² очди нигоҳ,
Хуш разон тил бирла келтирди сано.

ШАРХ

Қачонки, шоҳ «фано гарқоби»дан ўзига келди, яъни маҳв мартабасидан (бехудлик ва бехушлик) саҳв ҳолига (хушёрик, ўзига келиш) қайтди. Ҳак мадҳу саносига оғиз очди. («Фано гарқоби» ибораси ташbihдир. Фано хушёрикнинг акси ёхуд феъл (харакат)нинг тескариси. Чунончи, гарийк (яъни гарқ бўлган одам ё ҳайвон) хушидан кетади ва ҳаракатдан тўхтайди. У энди тўлқиннинг мулки... Дуо хушёрикнинг асари бўлиб, банда унинг воситасида Ҳак таъология ёвуқ келади. Бехудлик ҳолатида бу ҳол рўй бермайди.

Мавлоно «Фийхи ма фийхи» («Ичиндаги ичиндадур») китобларида «истигроқ» ва «фано гарқоби» истилоҳларига шарҳ берадилар: «Истигроқ ҳолатида у (яъни одам) бўлмайди. Унда жаҳд, феъл-ҳаракат тўхтайди. «Гарқоб» ҳар нечук ҳаракат қилмасин, бу унинг феъли бўлмай, сувнинг феълидир. Сув бағрида оёқ-қўлларини ишлатиб турган ҳодисага «гарқ бўлган» ёки «гарийқ» деб бўлмайди. Ёхуд «Оҳ, чўкиб кетаяпман» деб бонг урганини «истигроқ» дейиш мумкин эмас».

Фанонинг сифати – башарият сифатининг инкори. Бу инкор Ҳак таъело иродасига боғлиқ.

МАСНАВИЙ

К-эй камина, баҳашашат мулки жаҳон,
Ман чай гўям? Чун ту медонӣ ниҳон.

ТАРЖИМА

Эй, жаҳон мулки Сенинг, борлиқ Сенинг,
Сен билурсан. Ваҳ, не ҳолим бор менинг?

ШАРХ

Эй, энг камтарин баҳшишинг, яъни ато қилган ҳодисанг мулки жаҳон бўлган Худойи мутаъол, мен нима ҳам дейин? Ахир, Сен жамийки яширин ва ошкор нарсаларни бошдан-оёқ билурсан. Мен арзу ниёз қилмасам-да барчаси Сенга аёндир.

¹ *Фано* – Оллоҳ сари сайдининг никояси. Зоҳирий борликий истилоҳи килиш оқибатида шуурният йўқ бўлиши. Соликнинг ўзига хос жамийки лавозиматлар баҳридан ўтиши ва шууридан бегона бўлиши.

² *Гарқоб* – ҳалокатли сув.

МАСНАВИЙ

Эй, ҳамиша ҳожати моро паноҳ,
Бори дигар мо галат кардем роҳ.

ТАРЖИМА

Эй, ҳамиша ҳожатимизга паноҳ,
Ваҳ, яна йўлдан озид, қилдик хато.

ШАРХ

Эй, ҳамиша ҳожатимизга паноҳ бўлган Парвардигор. Биз қайта йўлдан оздик, адашдик. Яъни сендан ҳожатларимизни право қилишни сўраш, сенга илтижо ва тазарру қилишнинг ўрнига, ожиз ва худбин ҳакимлардан нажот истадик. «Маснавий» шориҳи Валий Муҳаммад Акбарободий ёзади: «Биринчи хато канизакка ошиқ бўлиш эди, иккинчи хато ҳакимларга мурожаат қилиш».

МАСНАВИЙ

Лек, гуфтӣ гарчӣ медонам сират,
Зуд ҳам пайдо кунаш бар зоҳират.

ТАРЖИМА

Лек, дейсан, гар биларман сирларинг,
Сўйласин, майли, уни зоҳирларинг.

ШАРХ

Парвардигоро, гарчи барча яширин ва ошкор сирларингни биламан, деган бўлсанг-да, биз бандаларинг замиримиздаги ниятларимизни тил билан ошкор қилишимизни истайсан. Зеро, сўзлар такори ва тил воситасида айтилган зикр қалбга таъсир қиласди. «Удъуний астажиб лакум». (Мазмуни: «Менга дуо қилинг, қабул қиласман», «Мўъминин» сураси, 4-оят).

МАСНАВИЙ

Чун баровард аз миёни жон хуруш,
Андар омад баҳри баҳшойиш ба жӯш.

ТАРЖИМАСИ

Жон билан чун подшоҳ қилди хуруш,
Урди раҳмат, мағфират дарёси жӯш.

ШАРХ

Шоҳ жону дилдан Тангри таъоло даргохига зору нола қилди.
Худованднинг раҳмат ва қарам дарёси жўш урди ва унинг дуоси-
ни қабул айлади.

МАСНАВИЙ

*Дар миёни гиря хобаш даррабуд,
Дид дар хоб у, ки пийре рӯ намуд.*

ТАРЖИМА

*Йиглар эрди уйқу элтди ногаҳон,
Тушларига кирди бир пири замон.*

ШАРХ

Подшоҳ зор-зор йиғлаб, ногоҳ уйқуга кетди. Рӯё олами, яъни тушда бир нуроний мўйсафид унга юз кўрсатди. (Орифлар ва ҳакимлар инсоннинг турли машғулотлардан холи бўлган чоғдаги рухоний қувватининг ҳосиласи — туш ҳакида фикр юритарканлар, уни «кичик ўлим» ва ҳашри асгар (кичик маҳшар) дейдилар. Чунончи, уйғониш ҳам қиёматнинг намудор бўлиши ва буюк ҳашрdir. Инсон руҳи уйқу асносида вақтингча моддий жисмдан озод бўлади. Ўз-ўзидан унинг (руҳнинг) сафо ва азалий нуронияти ёришади. Шундан сўнг файб олами ё осмон фаришталари ёхуд муқарраб малоикалар билан мулоқоти бошланади. Худди шу ҳолатда мумкиндирики, «рӯёни содик» (рост туш) суратида унга илҳом этилган ҳақиқат ўнгида зинхор ошкор ва намоён бўлмайди. Ёхуд ҳали рўй бермаган воқеа кашф этилади, эҳтимол, бир қанча вактдан сўнг хушёрикда содир бўлгувчи ҳодиса юз кўрсатади.

Мұхийиддин Арабий ёзади: «Туш шундай ҳолатдирики, бандани хиссиёт олами мушоҳадасидан баразах (абадий дунё) олами мушоҳадасига боғлайди». («Футуҳоти Маккийа», 2-жилд, 183-саҳ.). Яна бир ривоятда келадирким, туш пайғамбарликнинг (нубувват) кирқ олти жузъидан биридир. Бир ривоятда эса етмиш жузъ дейилган. Лекин асосий мақсад миқдорда эмас.

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Эй шаҳ! Мужда! Ҳожотат равост,
Гар гарибе оядат фардо зи мост».*

ТАРЖИМА

*Деди: «Эй шоҳ! Мужда! Ҳожотинг право,
Бир гариб келгайдир эрта, қарши ол!..»*

ШАРХ

Шоҳнинг тушида зуҳур этган пир деди: «Эй шоҳ, қутлуғ бўлсин! Сенинг ҳожатинг раво бўлди. Эрта қошингга биз томондан бир гариб келади. Уни хушнудлик билан қарши ол. Зеро, у ҳақдир».

МАСНАВИЙ

*Чунки, ояд ў ҳакими ҳозиқ аст,
Содиқат дон, к-ў амину содиқаст.*

ТАРЖИМА

*Чунки келгай бир ҳакими ҳозиқ, у,
Ростгўй, билким, амину содиқ, у.*

ШАРХ

Қошингга келувчи гариб, мўъжизакор ҳаким ҳозиқдир. У ростгўй, амин ва содиқдир.

МАСНАВИЙ

*Дар иложаш сеҳри мутлақро бубин,
Дар мизожаш құдрати Ҳақро бубин.*

ТАРЖИМА

*Мутлақ сеҳр¹ ошкор имконида,
Құдрати Ҳақ ҳам мизожу² жонида.*

ШАРХ

Сен ўша табибга оддий нигоҳ билан бокма. Унинг амаллари ғоятда фавқулодда. Унинг мизожида Ҳақ құдрати намоён.

МАСНАВИЙ

*Чун расид он ваъдагоҳ ва рӯз шуд,
Офтоб аз Шарқ ахтарсўз шуд.*

ТАРЖИМА

*Етти ваъда чоги, тун ҳам ўтди,
Офтоб Шарқдан чиқиб, юз тутди.*

¹ Мутлақ сеҳр – фавқулодда ҳолат. Ҳеч қандай кайд ва шартсиз рўй бергувчи гайритабии ҳолат.

² Мизож – аслий унсурлар ва моддалар воситасида вужудда пайдо бўлгувчи кайфият.

ШАРХ

Шундай қилиб, тун ҳам кечди. Ваъда маҳали ёвук келди.
Шарқдан қуёш чиқиб, юлдузлар бир-бир кӯздан йитдилар.

МАСНАВИЙ

*Буд андар манзара шаҳ мунтазир,
То бубинад он чӣ бинмуданد сир.*

ТАРЖИМА

*Шоҳ манзар узра бўлди мунтазир,
Кош, ошкор бўлса эрди тунги сир.*

ШАРХ

Шоҳ сарой кўшкида кеча тушида унга берилган мужда — бир фариб зотнинг йўлига интиқлик билан кўз тутарди.

МАСНАВИЙ

*Дид шахсе фозиле, пурмояе,
Офтобе дар миёни сояе.*

ТАРЖИМА

*Кўрди бир шахс фозилу пурмоя¹ у,
Гўйе офтобу тўрт ён соя у.*

ШАРХ

Бир донишманд зот соя қаъридаги офтобдек намоён бўлди.

МАСНАВИЙ

*Мерасид аз дур монанди ҳилол,
Нест буду ҳаст монанди хаёл.*

ТАРЖИМА

*Ташланарди кўзга худди бир ҳилол,
Гоҳ хувайдо, гоҳ ниҳон мисли хаёл.*

ШАРХ

Ўша пир олисдан ҳилолдек нозик ва нурли бўлиб назарга ташланарди. Пинҳон, яъни унинг мартабаси одамлар назаридан

¹ Пурмоя — хирадмандин, донишмандин, фарзона.

яширин эди. Хаёлнинг хорижий вужуди йўқ. Яъни хаёлни зоҳиран кўриш мумкин эмас. Бироқ унинг ботиний вужуди бор. Зеро, хаёл таъсир ва ҳаракатга туртки беради.

МАСНАВИЙ

*Нестваши бошад хаёл андар равон,
Ту жаҳоне бар хаёле бин, равон.*

ТАРЖИМА

*Аслида йўқдек бу жон ичра хаёл,
Бошқарар лек бу жаҳонни безавол.*

ШАРҲ

Хаёл аслида мавжуд эмасдек туюлади. Зеро, юқорида таъкидланганидек, хаёлнинг зоҳирий вужуди йўқ. Лекин бокки, оламни ҳаракатга келтиради. Яъни оламнинг ҳамма ерида хаёл тасарруф ва ҳокимият қудратига эга.

МАСНАВИЙ

*Бар хаёле сулҳашон ва жангашон,
В-аз хаёле фахришон ва нангашон.*

ТАРЖИМА

*Бил, хаёлдандир омонлик, жанглари,
Ҳам хаёлдандир фахр, ор-нанглари.*

ШАРҲ

Одамларнинг уруш ва талошлари, сулҳу омонликлари ҳам хаёл туфайли. Фахр ва ор-номуслари ҳам аслида хаёлдан. Хаёл воситасида сулҳ тузиб, бир-бирларига кучоқ очадилар, хаёл туфайли жанг оловини ланғиллатадилар.

МАСНАВИЙ

*Он хаёлоте, ки доми авлиёст,
Акси маҳрӯёни бўстони Худост.*

ТАРЖИМА

*Ул хаёлким авлиёнинг домидир,
Гулшани Ҳақ ойюзин андомидир.*

ШАРХ

Худонинг дўстлари — авлиёлар, каромат ва асрор ахлига насиб қилган хаёл Худованд бўстони ойюзлиларининг акс — сувратидир. Юқорида одам хаёлининг фавқулодда қурдати ҳакида сўз юритдик. Демак, хаёлнинг қурдати шу қадарки, бутун дунё ҳалқларининг омонлиқда ёхуд жанг ҳолатида бўлмоқлари ҳам хаёлга вобаста, одамларнинг руҳий ҳаракат ва сукунатлари ҳам хаёлдан бошланади. Шундай экан, у ҳолда Худо авлиёларининг ахволи қандай? Улар ҳам олам аҳли каби ўз хаёлларига асирми? Мавлоно юқоридаги байт орқали авлиёларни ушбу қоидадан мустасно этади. Валий Муҳаммад Акбарободий мазкур байтни шундай шарҳлайди: «Валийларнинг хаёли Ҳақ зоти маълумотининг чехрасидир. Бу тоифанинг хаёли айни ҳақиқат. Уларнинг хаёлида неки намудор бўлса, худди ўша ҳолатда хиссий сувратга айланади».

Аммо «ойюзли»лар иборасига шарх берган Никлсон бундай ёзади: «Бундан мурод Мутлақ жамолининг тажаллийсидир. Ҳақ мардлари, унинг дўстлари қалбida рӯё ёхуд тасаввур шаклида акс этади».

Баъзи бир «Маснавий» шорихлари «Ҳақ гулшанининг ойюзлилари» иборасида ғайбий маъно бор, деганлар. У хоҳ қалбий ахволот ёхуд кашф бўлсин, ёки каромат ва қурб бўлсин, барчаси Ҳақ фазлининг файзидир.

Исмоил Анқаравий ёзади: «Ойюзлилардан мурод буюк анбиёлардир. Улар Худонинг нуридан мунавардирлар».

МАСНАВИЙ

*Он хаёле, ки шаҳ андар хоб дид,
Дар руҳи меҳмон ҳаме омад падид.*

ТАРЖИМА

*Ул хаёлким шоҳ кўриб уйқусида,
Келди меҳмондек аниңг ўтрусига.*

ШАРХ

Подшоҳ тушида кўрган хаёл, ғайбий меҳмон шаклида намоён бўлди.

МАСНАВИЙ

*Шаҳ ба жой ҳожибон то пеш рафт,
Пеши он меҳмони гайби хеш рафт.*

ТАРЖИМА

*Шоҳ чиқиб пешвоз дарбондан бурун,
Гайб меҳмонин кутиб олмоқ учун.*

ШАРХ

Шох ҳаяжон ва хушҳоллик шиддатидан ўз қўриқчиларидан ўзиб, файб меҳмонининг ҳузурига ошиқди.

МАСНАВИЙ

*Ҳар ду баҳре ошно омӯхта,
Ҳар ду жон бедӯхтан бардӯхта.*

ТАРЖИМА

*Икки дарё ошнодир, шубҳасиз,
Икки жонким боғламишилар ришиласиз.*

ШАРХ

Улар гўё бир ўзанга келиб қўшилган икки ирмоқ мисоли эдилар. Гўё зохирда бир-биридан жудо бўлсалар-да, маъно оламида бир-бирига пайванд этилган жондирлар.

МАСНАВИЙ

*Гуфт маъшуқам ту будастй, на он,
Лек, кор аз кор хезад дар жаҳон.*

ТАРЖИМА

*Деди: «Маъшуқам ўзинг, ул қиз эмас,
Лек, дунё ишлари бежиз эмас».*

ШАРХ

Шох одоб риояти билан файбдан келган меҳмонга деди: «Ҳакиқий маъшуқим ул канизак эмас, сен экансан. Лекин бу дунёда бир ишнинг рўёбга чиқиши учун бошка бир иш сабаб бўлади».

Бу ўткинчи дунёда Худованд бир ишни турли баҳона ва сабаблар воситасида амалга оширади. Подшохнинг канизакка нисбатан майли унинг ранж ва роҳатсизлигига сабаб бўлди. Бироқ, айни ҳолда мажозий ишқдан ҳакиқий ишққа томон йўл очилди. Яъни шу ишқ туфайли бир Худонинг дўстини топмоқка муюссар бўлди.

МАСНАВИЙ

*Эй, маро ту Мустафо, ман чун Умар,
Аз барои хизматат бандам камар.*

ТАРЖИМА

*Мен учун сен – Мустафо, менман – Умар,
Хизматингга боғладим белга камар.*

ШАРХ

Эй муршид, сен мен учун гўё Мустафосан. Мен сен учун гўё
химмат камарини боғлаган Умармен.

МАСНАВИЙ

*Аз Худо жўям тавфиқи адаб,
Беадаб маҳрум шуд аз лутфи Раб.*

ТАРЖИМА

*Иста Оллоҳдан тавфиқи адаб,
Беадабга лутф қилмас ҳеч Раб.*

ШАРХ

Худо даргоҳидан одоб тавфиқини сўраймиз. Зоро, беадаб Оллоҳ лутфидан маҳрумдир. Одоб жамийки ҳамийда хулкларнинг ҳосиласи. Мухйиддин ибн Арабий дейди: «Адаб яхши хислатлар ва эзгуликларнинг мажмуидир. Бинобарин, одобли шахс макорим ахлоқнинг жамъидир».

Ибн Арабий давом этади: «Одоб аҳлуллоҳ (Оллоҳ дўстлари) истилоҳида тўрт кисмдан иборат: 1 – Шариат одоби. 2 – Хизмат одоби. 3 – Ҳақ одоби. 4 – Ҳакиқат одоби».

Мавлоно юкоридаги байтда шоҳнинг илоҳий ҳакимга нисбатан эҳтиромини халифа Умарнинг (р. а.) Муҳаммад Мустафога (с.а.в.) нисбатан чексиз эҳтиромига қиёс этади. Соликнинг ўз муршидига ва атрофидагиларга ҳам бекиёс одоб ва эҳтиром кўрсатиши лозимлиги ҳақидаги тасаввуфий масала ойдинлашади.

МАСНАВИЙ

*Беадаб танҳо на ҳудро дошт бад,
Балки оташ дар ҳама оғоқ зад.*

ТАРЖИМА

*Беадаб бир ўзни солмас чоҳга,
Балки ўт қўйгай бутун оғоққа.*

ШАРХ

Беадаб танҳо ўзинигина балога гирифтор қилмайди, балки бутун оламни фитна олови билан ёқиб юборади.

МАСНАВИЙ

*Моида аз осмон дармерасид,
Бесудошу бефўрухту бехариid.*

ТАРЖИМА

*Осмондан инди дастурхонлари,
Тотдилар ҳеч оғримасдан жонлари.*

ШАРХ

Илоҳий ризқ-рўз ҳеч ранжисиз, олди-сотдисиз осмондан Мусо (а.с.) қавмига туширилди. «Бақара» сурасининг 57-оятида буюрилади: «Ва анзална алайкумул манна вас-салво». «Осмондан ширинлик ва беданалар ёғдирдик».

МАСНАВИЙ

*Дар миёни қавми Мусо чанд кас,
Беадаб гуфтанд: «Ку сиру адас?»*

ТАРЖИМА

*Беадаблар чиқди Мусо қавмидан:
«Бер, таомнинг бизга турли нағъидан!..»*

ШАРХ

Ҳазрат Мусо қавмидан шундай беадаблар хуруж қилдиларки, улар Оллоҳ ёзган дастурхонга қаноат қилмай заминий неъматларни сўрадилар. Улар Оллоҳнинг неъматларига ношукур бўлдилар ва мункирлик қила бошладилар. «Ва из култума я Муса, лан насира ъала таъомин воҳидин, фадъулана Раббака юхрижлана мимма тунбитул арзу мин бақлиҳа ва қиссаиҳа ва фумиха ва адасиҳа ва басалиҳа». («Эсланг: «Эй Мусо, бир хил таомга ҳеч қаноат қила олмаяпмиз. Парвардигорингга дуо қил, бизга ерда униб-ӯсадиган сабзвотлардан, бодринг, саримсок, мош, пиёзга ўҳшаган ўсимликлардан чиқариб берсин», деганингиз...») (Аълоуддин Мансур таржимаси).

МАСНАВИЙ

*Мунқатиъ шуд нону хони осмон,
Монд ранжи заръу белу досмон.*

ТАРЖИМА

*Битди осмон нони, дастурхони ҳам,
Колди белнинг ранжию, меҳнат, алам.*

ШАРХ

Осмоннинг нон ва дастурхони узилди. Яъни тўрт-беш бсадаб-нинг баднафслиги, меъёрни бузганлиги боисидан Оллоҳ ўз неъматлари чашмасини бани Йсройлдан тўсди. Осмондан хеч нарса атоқилинмади. Бу ёғига ранжу алам, меҳнат, мاشақат қолди.

МАСНАВИЙ

*Боз Ийсо ҷун шафоат кард, Ҳақ
Хон фиристоду ганимат бар табақ.*

ТАРЖИМА

*Сунг шафоат қилди Ийсо, кўкда Ҳақ
Тузди дастурхон, иниб келди табақ.*

ШАРХ

Иккинчи дафъа ҳазрат Ийсо алайҳиссалом шафоат қилди. Оллоҳ марҳамати билан кўқдан ноз-неъмат тўла дастурхон ва табақлар иниб тушди.

МАСНАВИЙ

*Боз гўстохон адаб бигзоштанд,
Чун гадоён заллаҳо бардоштанд.*

ТАРЖИМА

*Боз густохлар адабни қўйдилар,
Не ажабки, оч гадога дўндишлар.*

ШАРХ

Яна бепарво густохлар одоб доирасини буздилар. Гадолар каби дастурхонда қолган неъматларга чанг солдилар. Бурунда сўфийларда ҳам шундай одат бўлган экан.

МАСНАВИЙ

*Лоба карда Ийсо ийшонро, ки ин,
Доим аст ва кам нагардад аз замин.*

ТАРЖИМА

*Илтижо қилди пайгамбар аҳлига
Ким түгәнмас бу таом, ийүк таҳлика.*

ШАРХ

Ийсо алайхиссалом ўз қавмига осмондан индирилаётган бу дастурхон тұла ноз-неъматлар тугаб қолмаслигини, бинобарин, зиёда ҳарис бўлмасликларини илтижо қилди.

МАСНАВИЙ

*Бадгумоний кардану ҳирсоварӣ,
Куфр бошад пеши хони меҳтариӣ.*

ТАРЖИМА

*Бадгумонлик қилдилар, ҳирсу ҳаво,
Куфрдир пир нонига бул иддао.*

ШАРХ

Бир буюк зот ёзған дастурхон тепасида ҳарислик ва бадгумонлик билан ношоён амаллар килмок куфрдан баттардир.

МАСНАВИЙ

*Зон гадорёни нодида зи оз,
Он дари раҳмат бир ийшон шуд фароз.*

ТАРЖИМА

*Бул гадолар дастидан раҳматнишон
Қопқалар қарс-қарс ёпилди бегумон.*

ШАРХ

Ҳарис, очофат, жоҳил кимсаларнинг бу зайл ҳаракатлари туфайли раҳмат эшиклари тақа-тақ ёпилди. Ношукурчиликнинг оқибати мана шу!

МАСНАВИЙ

*Абр барнояд пайи манъи закот,
Ваз зино афтад вабо андар жиҳот.*

ТАРЖИМА

*Гар закот манъ бўлса, юзмайдир булут,
Ҳам зинодан қолди офат ичра юрт.*

ШАРХ

Одамлар закот нималигини унутсалар, ўз бисотларидан ниёз-мандлар учун ҳисса чиқармасалар, ўша юрт устида буулутлар юзмас, раҳмат ёмғирлари ёғмас экан. Зино сабабли дунёда вабо касаллиги тарқалади. Ушбу ҳадисга ишора қилинмоқда: «Ма ҳабаса қовмун заката илла ҳабасаллоху анҳумул қотро». «Қай бир қавм закотдан қўл узмаса (тарқ қилмаса), Оллох ўша қавмдан раҳмат ёмғирини манъ этмайди».

МАСНАВИЙ

*Ҳар чи бар ту ояд аз зулмоту гам,
Онзи бебокӣ ва гӯстоҳист ҳам.*

ТАРЖИМА

*Ҳар не зулмат, гусса солса сенга дом,
Бул сенинг густоҳлигингдандир тамом.*

ШАРХ

Бошингга неки мусибат, ғам-гусса тушадиган бўлса, шубҳа-сиз, улар сенинг густоҳлигинг ва бепарволигинг оқибатидир. «Нисо» сурасининг 78-оятида буюрилади: «Ва ма асобака мин саййиатин фа мин нафсиқа». «Ҳар қандай кўргилик бошингта ўзинг туфайли келади».

МАСНАВИЙ

*Ҳар кий бебокӣ кунад дар роҳи дўст,
Раҳзани мардон шуд ў, номард ўст.*

ТАРЖИМА

*Кимки дўстин йўлида бедард ў,
Мардни шилган ўғридир, номард ў.*

ШАРХ

Кимда-ким дўст йўлида густоҳлик қиласар экан, илоҳий мардларни тунаган номард кароқчи ҳисобидадир. Яъни ҳам гумроҳдир ва ҳам гумроҳ этгувчиидир.

МАСНАВИЙ

*Аз адаб пурнур гашаст ин фалак,
В-аз адаб маъсуму пок омад малак.*

ТАРЖИМА

*Ҳам адабдан нурга тўлди бу фалак,
Ул сабаб маъсум ва пок бўлди малак.*

ШАРХ

Бу фалак адаб туфайли нурга тўлди. Яъни қачонки бу айлангувчи олам бино бўлди, унинг меҳвару мадори одоб доирасидан заррача тажовуз қилган эмас, Оллоҳ амрини бир лаҳза тарк қилгани йўқ. Масалан, қуёш одам табиатига кириб, хоҳлаган пайтида отиб, қўнгли тусаган пайтида ботиб кетаверса эги, унда томошани қўринг эди.

МАСНАВИЙ

*Буд зи гўстоҳӣ, қусуфи офтоб,
Шуд Азозиле зи журъат радди боб.*

ТАРЖИМА

*Офтобни тутди густоҳлик – қусуф.
Рад этилди ҳаддидан шайтон ўтиб.*

ШАРХ

Биринчи мисрани икки хил маънода шарҳлаш мумкин.

Биринчидан, одамларнинг айбу гунохи, густоҳлиги ва битмас-туганмас маъсиятлари қуёшга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Кабоҳат қуёш юзига ҳижоб бўлди. Бу илохий танbih ғўлиб, одамлар қуёш тутилган бир неча соат давомида тавба қилмоққа шошилдилар.

Иккинчидан, қуёш тўртинчи осмонда якка-ёлғиз бўлгани учун кибрга кетди. Шу боисдан Оллоҳ мағрур қуёшга танbih ғўлсин учун бир неча соат давомида унинг нурларини кетказди. Ҳожи Мулла Ҳодий Сабзаворий бундай дейди: «Густоҳлик аслида ойдан содир бўлди. У қуёшнинг олдини тўсди ва қусуф рўй берди».

Иккинчи мисранинг мазмуни барчага ойдек равшан. Иблис Одам алайҳиссалом қошида густоҳлик, худбинлик ва такаббурлик қилди. Оқибатда жаннат юзи унга ҳаром қилинди.

ШОҲНИНГ ТУШДА БАШОРАТ БЕРИЛГАН ИЛОХИЙ ТАБИБ БИЛАН МУЛОҚОТИ

МАСНАВИЙ

*Даст бикшууду каноронаш гирифт,
Хамчу ишқ андар дилу жонаш гирифт.*

ТАРЖИМА

*Шоҳ қучоқ очди, табибим, кел дебон,
Жону дилни ишқинг ўртабдир ёмон.*

ШАРХ

Шоҳ илохий табиб хузурига қучоқ очиб борди ва уни бағрига олди. Бу жону дилга қаттик ўрнашган ишқ мисоли эди. Шоҳ бир кўришдаёқ табибга эътиқод қўйди.

МАСНАВИЙ

*Дасту пешонии бўсидан гирифт,
Аз мақому роҳ пурсидан гирифт.*

ТАРЖИМА

*Қўлларидан, манглайидан ўпди шоҳ,
Хам мақому йўлидан қилди савол.*

ШАРХ

Шоҳ илохий табибининг қўллари ва пешонасидан ўпиб, ўз меҳру муҳаббатини изҳор этди. Гайбий меҳмоннинг қандай равиш ва мақомда экани, йўл ва сулуки, ҳол-аҳволидан саволлар килди.

МАСНАВИЙ

*Пурсу пурсон мекашидаш то ба садр,
Гуфт: «Ганж ёфтам охир бо сабр».*

ТАРЖИМА

*Ҳол сўраб шоҳ они элтди садрига,
«Ганж топдим», – таҳсин айтар сабрига.*

ШАРХ

Шоҳ йўл-йўлакай табибдан ҳол-аҳвол сўраркан, ниҳоят сабр-таҳаммул оқибатида ганж — хазина топдим, дерди. Шодлик ва ҳаяжонининг чегараси йўқ эди. Шоҳ табибни садр мажлисига бошлаб борди.

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Эй, ҳадяи Ҳаққу дафъи хараж,
Маънии «Ас-собру мифтоҳул фараж».*

ТАРЖИМА

*Деди: «Эй, Ҳақ ҳадяси, дафъи хараж,
Маъни бу: «Ас-собру мифтоҳул фараж».*

ШАРХ

Шоҳ илохий табибга хитобан деди: «Эй, Худойимнинг менга юборган армуғони, ҳар нечук танглик, зулм ва зуғумни дафъ айлагувчи зот. Мен ушбунинг маънисига етдим. Ҳақиқатан, «Сабру таҳаммул кушоишишларнинг қалити» экан.

МАСНАВИЙ

*Эй, лиқои ту жавоби ҳар суюл,
Мушкул аз ту ҳал шавад беқийлу қол.*

ТАРЖИМА

*Эй, юзинг минг бир саволга Ҳақ жавоб,
Ҳар не мушкул ҳал қилурсан беитоб.*

ШАРХ

Эй илохий ҳаким, сенинг дийдоринг ҳар нечук саволга ош-кора жавобдир. Ҳар нечук мушкулот сен туфайли қийлу қолсиз ҳал бўлади. «Лико» сўзи тилимизда дийдор маъносини англатади. Сўфийлар шайх лиқои, яъни дийдорга бениҳоят катта эътибор қаратадилар. Зоро, улар қалбларидағи яширин фикрларни шайх билиб туришига ишонадилар.

МАСНАВИЙ

*Таржумони ҳар чи моро дар дил аст,
Дастгирӣ, ҳар ки пояш дар гил аст.*

ТАРЖИМА

*Калбимизда неки бор тилмочи сен,
Ким оёги лойдадир, құлловчи сен.*

ШАРХ

Эй, пинхон сирларни билгувчи, неки дилимизда яширинdir, билурсен. Кимнинг жонин оёғи моддиёт ботқоғига ботиб қолган эса, құллагувчisen.

МАСНАВИЙ

*Марҳабо, ё мужтабо, ё муртазо,
Ин тагоб жаал қазо, зоқал фазо.*

ТАРЖИМА

Хуш келдинг, эй кенг бағирлик, эй танланган зот. Агар сен ғойиб бүлсанг, қазо ёвуқ келгай ва фазо танг бүлгай.

МАСНАВИЙ

*Анта мавлал қовми ман ла яштахий,
Қод родая калла лаһн лам янтахий.*

ТАРЖИМА

Сенсан (сулуклар) қавмининг суурии. Кимда-ким сени истаса, қидирмаса ва бу ишидан воз кечмаса, ҳақиқатда тубан кетади ёхуд ҳалок бүлади.

ШОХНИНГ ТАБИБНИ БЕМОР ҲУЗУРИГА ЭЛТГАНИ ХУСУСИДА

МАСНАВИЙ

*Чун гузашт он мажлису хони қарам,
Дасти ў бигрифту бурд андар ҳарам.*

ТАРЖИМА

*Үтди мажлис, үтди дастурхон, қарам,
Сүңг олиб илкин они элтди ҳарам.*

ШАРХ

Шоҳ ва илохий ҳакимнинг иссиқ дийдорлашуви тугагач, шоҳ унинг илкидан тутиб, ўз ҳарамига бошлади. Мавлоно ушбу байт орқали танbih беради: мурид ўз пирини маҳрами роз этмоғи лозим. Абадий саодат, қурб ва илохий ҳолга етмоқнинг йўли шу.

МАСНАВИЙ

*Қиссаи ранжуру ранжурй бихонд,
Пас аз он дар пеши ранжураш нишонд.*

ТАРЖИМА

*Сўйлади шоҳ ул париваш ҳолидан,
Бўлди воқиф ҳам табиб аҳволидан.*

ШАРХ

Шоҳ канизакнинг беморлик можаросини сўйлаб, табибни унинг қошига олиб келди.

МАСНАВИЙ

*Рангу рўву набзу қорура бидийд,
Ҳам аломоташ, ҳам асбобаш шуннийд.*

ТАРЖИМА

*Кўрди рангу рўю тутди набзини¹,
Тинглади асбоб², аломат³ – барини.*

ШАРХ

Табиб бемор канизакнинг аҳволидан огоҳ бўлиш мақсадида юқоридаги усулда уни текшириди ва гувоҳларнинг сўзларига қулоқ осди.

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Ҳар дору, ки ийшон кардаанд,
Он аморат нест, вайрон кардаанд».*

ТАРЖИМА

*Деди: «Неки анга дармон қилдилар,
Филҳақиқат, они вайрон қилдилар».*

¹ Кўлнинг бош бармок томонидаги уриб тургувчи томири. Табиблар бу томирни тутиб, бемор аҳволини билиб оладилар.

² Касалликнинг зохирий белгилари.

³ Беморликнинг бадаандаги асоратлари.

ШАРХ.

Илохий вакил деди: «Бу худбин ва худнамо табиблар беморга ҳар қанча дори-дармон қилганлари билан, уни соғайтириш ўрнига, аксинча аҳволини оғирлаштирилар».

МАСНАВИЙ

*Бехабар буданд аз ҳоли дарун,
«Астаъийизуллоҳа мимма яфтарун».*

ТАРЖИМА

*Билмас эрдилар ичинда ҳол нечун,
«Астаъийизуллоҳа мимма яфтарун».*

ШАРХ

Мағрур ҳакимлар канизакнинг ботиний аҳволидан бехабар эдилар. «Бундай такаббур ва жоҳиллар дастидан Худодан паноҳ сўрайман».

МАСНАВИЙ

*Дийд ранжу кашиф шуд бар вай нуҳуфт,
Лек, пинҳон карду бар султон нагуфт.*

ТАРЖИМА

*Кўрди ҳолин, кашиф бўлди барча сир,
Лек, пинҳон тутди шоҳдан баривир.*

ШАРХ

Илохий ҳаким канизак аҳволини мушоҳада қилди ва иллатнинг тагига етди. Бироқ бу ҳолни шоҳдан мутлақо сир тутди. Зеро, авлиёуллоҳ бирор кимсанинг ботиний сирини Оллоҳнинг изнисиз ҳеч кимга фош қилолмайди. Сир соҳибининг ўзига ҳам ошкор этмайди.

МАСНАВИЙ

*Ранжаш аз савдо ва аз сафро набуд,
Бўйи ҳар ҳезум падид ояд зи дуд.*

ТАРЖИМА

*Ранжи савдодан ва сафродан эмас,
Хар ўтининг бўйи дуд ичра алас.*



ШАРХ

Бемор канизакнинг дарди сафро ёхуд савдонинг зиёд бўлишидан эмас. Сафро ва савдодан бўлмаса, унда иллат қаёқда? Хар бир ўтиннинг хиди унинг тутунида яширган бўлади. Яъни хар бир нарсада мавжуд аломатлар унинг зотига далолат қиласди. Ишк дардига дучор бўлган инсон маъшуқ ҳажрида шодлик барқ урган чехрасидан жудо бўлади. Яъни, шоир айтганидек, «Хазон яфроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим...»

МАСНАВИЙ

*Дийд аз зориши к ўзори дил аст,
Тан хушаст ва ўгирифтори дил аст.*

ТАРЖИМА

*Курди зорин ким бу зор дил зоридир,
Тан саломат, бу фақат дил коридир.*

ШАРХ

Илоҳий табиб канизакнинг аҳволини қўздан кечиргач, билдики, унинг касали жисмоний бўлмай, қалб хасталигидир. Яъни канизакнинг жисмида ҳеч қандай иллат йўқ. Неки бўлса, унинг кўнглида пинхон.

МАСНАВИЙ

*Ошиқи пайдост аз зории дил,
Нест бемори чу бемории дил.*

ТАРЖИМА

*Ишқ пайдодир күнгилнинг зоридан,
Йўқ беморлик күнгил беморидай.*

ШАРХ

Канизакнинг дил зоридан унинг ошиқлиги зоҳир эди. Оламда ҳеч бир беморлик күнгил хасталигидек кучли эмас.

МАСНАВИЙ

*Иллати ошиқ зи иллатҳо жудост,
Ишқ устурлоби асрори Худост.*

ТАРЖИМА

*Айридир аҳволи ишқ беморининг,
Ишқ устурлоби' Ҳақ асрорининг.*

ШАРХ

Ишқ касаллиги барча жисмоний касалликлардан фарқ қиласди. Ишқ Оллоҳ зоти офтоби, унинг исм ва сифатлари юлдузларини кўрсатгувчи устурлоб кабидир. Маънавий осмон мунажжимлари ҳисобланмиш орифлар ишқ устурлоби воситасида Оллоҳ асрори, ботиний илмлар, юлдузлар ахволини ўрганадилар ва шу восита билан Ҳақиқатга эришадилар.

МАСНАВИЙ

*Ошиқи гар з-ин сару гар з-он сар аст,
Оқибат моро бадон сар раҳбараст.*

ТАРЖИМА

*Ишқ хоҳ ул бош, хоҳ бул бошдир,
Оқибат ҳар бош учун йўлбошчиидир.*

ШАРХ

Ишқ хоҳ мажозий, хоҳ ҳақиқий бўлсин, охир-оқибат одамни камолот манзилига элтади.

¹ Устурлоб — осмон жисмлари ҳаракатини ўрганувчи нужумий асбоб.

МАСНАВИЙ

*Хар чи гўям ишқро шарҳу баён,
Чун ба ишқ оям, хижил бошам аз он.*

ТАРЖИМА

*Неча қилдим ишқни шарҳу баён,
Ишққа дуч келгач бўлибмен нотавон.*

ШАРҲ

Ишқ ҳакида ҳар қанча шарҳу баён берганим билан, унга дучор бўлгач, ўзимнинг нақадар ожиз ва нотавонлигимни ҳис қиласман. Зоро, ишқ Ҳақнинг сифатидир. Бу сифат шу қадар поёнсизки, шарҳлашнинг имкони йўқ. Аклу тил ожиз. Ушбу байтда ҳар икки маънодаги ишққа ишорат қилинмоқда.

МАСНАВИЙ

*Гарчи тафсири забон равшангараст,
Лек, ишқи безабон равшантараст.*

ТАРЖИМА

*Гарчи тилнинг тафсири ёргуғ эрур,
Тилсиз ишқ андин валие ортуқ эрур.*

ШАРҲ

Маълумки, бир маъно ёхуд моҳият тил воситасида тафсир қилинади. Ҳар нечук маъно тил воситасида ошкор этилса-да, аммо, ишқ ҳеч қандай тафсир ва баёнга сифмайди. Ишқ келгач ҳамма сир-асрор ўз-ўзидан очилади. Ишқ ўзи ҳакида ўзи сўзлайди. Бирор-бир тил ишқни унинг ўзидек тафсир ва баён қилиш қудратига молик эмас.

МАСНАВИЙ

*Чун қалам андар навиштан мешитофт,
Чун ба ишқ омад қалам бархуд шикофт.*

ТАРЖИМА

*Ул қаламким моҳир эрди ончунон,
Ишққа етгач лол бўлди бегумон.*

ШАРХ

Калам ҳар нечук мавзуни шиддат ва суръат билан ёзарди.
Қачонки ишқ мавзусига дуч келди, ночор бўлди.

МАСНАВИЙ

*Ақл дар шарҳаш чу ҳар дар гил бихуфт,
Шарҳи ишқу ошиқӣ ҳам ишқ гуфт.*

ТАРЖИМА

*Ақл ишқнинг шарҳида эшишак сиёқ,
Ишқу ошиқ шарҳида ишқ яхшироқ.*

ШАРХ

Ақлу тафаккур ишқ ва ошиқликни шарҳлаш қудратига эга
эмас. Ушбу бобда у тупроққа беланиб ётган эшакка ўхшайди.
Ишқ ва ошиқликнинг шарҳига ёлғиз ишқнинг ўзигина қодир.

МАСНАВИЙ

*Офтоб омад далили офтоб,
Гар далил бояд, аз вай рӯ матоб.*

ТАРЖИМА

*Офтобга офтоб бўлгай далил,
Гар далил даркор – ундан кечмагил.*

ШАРХ

Офтобнинг мавжудлигига далил офтобнинг ўзидир. Унинг
мавжудлиги хусусида далил лозим бўлса, офтобдан юз бурма.

МАСНАВИЙ

*Аз вай ар соя нишони медиҳад,
Шамс ҳар дам нури жонӣ медиҳад.*

ТАРЖИМА

*Гарчи соя офтобдандир нишон,
Шамсдир у – нур жони, нуржон.*

ШАРХ

Гарчи соя офтобнинг мавжудлигига далолат қиласа ҳам, ғойиб
бўлгач соя йитади. Хуллас, офтобнинг жонларга хузур ва шавқ

багишловчи нурлари унинг борлигига буюк бурхондир. Ушбу байтда зимнан нур ва соя мукояса килинмоқда.

Офтоб — ҳакиқат. Биз унга томон интилмогимиз керак. Сояда қолиб кетмоқ умринг заволи. Жохиллик ва зулмат.

МАСНАВИЙ

*Соя хоб орад туро ҳамчун самар,
Чун барояд шамс «иншаққул қамар».*

ТАРЖИМА

*Соя — эртак, уйқу элтгай беасар,
Офтоб чиққач, бўлур «шаққул қамар».*

ШАРХ

Тунги эртак ва афсоналар уйқуга элтгани каби ақлнинг сояси ҳам сени ҳакиқатдан узоқлаштиради ва ғафлат уйқусига чўмасан. Қачонки, оламларни чароғон этгувчи Ҳакиқат офтоби чараклаб бош кўтарса, ақл маҳтоби ўз тароватини йўқотади, унинг нурларидан шукух кетади. «Қамар» сурасининг 1-оятида келади: «Ик-таробатис саату ван-шаққол қомар». («Ўша лаҳза ёвуқ келди ва ой парчаланди»).

МАСНАВИЙ

*Худ гарibe дар жаҳон чун шамс нест,
Шамси жон боқист, ўро амс нест.*

ТАРЖИМА

*Офтоб янглиғ гариб дунёда ийқ,
Жон қуёши бардавом, рӯёда ийқ.*

ШАРХ

Оламда қуёшдек ҳайратга сазовор жисм йўқ. Жон қуёши ҳам шундай. Унинг бугуни, эрта-индини мавжуд эмас. У бирдек боқий, бардавом. Инсон рухи бу моддий оламда фариб. Зоро, у асл ватанидан жудо бўлган. Инчунин, жон ёхуд рухни ҳамма ҳам англайвермайди. Шунинг учун у мужаррад — ёлғиз. Макони файб оламидир.

МАСНАВИЙ

*Шамс дар хориж агарчи ҳаст фард,
Метавон ҳам мисли ўтасвир кард.*

ТАРЖИМА

*Офтоб хорижда гар танҳо эрур,
Лек хаёлда офтоб пайдо эрур.*

ШАРХ

Офтоб оламда агарчи танҳо ва назири йўқдир. Барибир, сиз уни офтобдек тасаввур қила оласиз.

МАСНАВИЙ

*Шамси жон к-ў хориж омад аз асир,
Набвадаи дар зеҳну дар хориж назир.*

ТАРЖИМА

*Жон қуёши хориж ул афлоқдан,
Ҳамда хориждир зеҳн-идрокдан.*

ШАРХ

Жон қуёши, ҳакиқат офтоби моддиёт оламидан ташқарида. О'зам ақл-идроқи тасаввур этолмайдиган манзил-маконда. Унинг ўхшалий йўқ.

МАСНАВИЙ

*Дар тасаввур зоти ўро гунж кў?
То дарояд дар тасаввур мисли ў.*

ТАРЖИМА

*Хеч тасаввур сиздиролмас зотини,
То тасаввур қилсалар зарротини.*

ШАРХ

Ҳакиқат қуёши инсон тафаккурига сиғадими? Унинг бир заррасининг ҳам сиғиши даргумон...

МАСНАВИЙ

*Чун ҳадиси рўй Шамсиддин расид,
Шамси чорум осмон сар даркашид.*

ТАРЖИМА

*Оди Шамсиддин юзидан парда то,
Тортди тўртнинчи фалак шамси қаро.*

ШАРҲ

Сўз Шамсиддин Табризий ҳазратларига етгач, тўртнинчи осмон қуёши хижил торти ва уятдан уфқ ортига яширинди. (Бу ўринда офтоб Мавлоно ҳазратларининг хаёлини ошуфта айлаб, муршиди Шамс Табризий томон етаклади).

МАСНАВИЙ

*Вожиб ояд чунки омад номи ў,
Шарҳи рамзе гўфтан аз инъоми ў.*

ТАРЖИМА

*Вожиб ўлди, чунки номин эсладик,
Нематидан рамз шарҳин айлайик.*

ШАРҲ

Шамс Табризийнинг номи тилга олинди. Бинобарин, унинг инъомларидан бир шингил сўйлаб ўтмоғимиз лозим бўлади.

МАСНАВИЙ

*Ин нафас жон доманам бартофтаст,
Бўйи пироҳани Юсуф ёфтаст.*

ТАРЖИМА

*Бул нафас жон доманим тутди ёмон,
Килди Юсуф кўйлагин бўйи гумон.*

ШАРҲ

Бу дам жони жонимга пайванд Хусомуддин менинг асроримни билмак истайди. У гўё Юсуф алайҳиссаломни кўйлаги ҳидидан пайқаган Яъкуб алайҳиссаломга менгзайди.

МАСНАВИЙ

*Аз барои ҳаққи суҳбат солҳо,
Боз гў ҳоле аз он хуашхолҳо.*

ТАРЖИМА

*Нече йиллик сүхбатимиз ҳурмати,
Кел, у хушхол ҳолидин бир сүйлагил.*

ШАРХ

Ушбу байт юқоридаги байтнинг жавоби. Мазкур байтда Ҳусомуддин ҳазрат Мавлонодан нима ҳақда сўрамоқчи эди? Ҳусомуддин — ҳазрат Мавлононинг садоқатли ҳалифларидан бири — зоти шарифдан ўтияпти: «Узок йиллар сиз билан кечган хушдамлар, кўнгилли сүхбатлар ҳаққи-хурмати ўша хушхоллар (яъни Шамс Табризий) ҳолидан бизга бир нелар сўйланг!..»

МАСНАВИЙ

*То замину осмон ҳандон шавад,
Ақлу руху дийда сад ҷандон шавад.*

ТАРЖИМА

*Шод ўлсин токи осмону замин,
Ақлу руху дийда ҳам бул муждадин.*

ШАРХ

Токи Шамс Табризий ҳақидаги ҳикоятдан замину осмон шодмон, ақл, рух ва нигоҳларимиз унинг ҳақидаги муждадан баҳтиёр ва масрур бўлсин.

МАСНАВИЙ

*Ла тукаллифний файнний филфана,
Куллат афҳамий фа ла уҳсий сана.*

ТАРЖИМА

Ҳазрат Мавлоно дейди: «Мен фано ҳолатидаман. Мени тақаллуп (сўзламоққа) ва захматга ундама. Зотан, ақл-идроким ҳам фано ҳолатида бўлиб, ҳамду сано айтмоққа қодир эмасман».

ШАРХ

Сано айтмоқ ҳушёр кишиларнинг амали. Масти мустафарик ҳолдаги киши, яъни фано ҳолатидаги шахснинг ақл-шуури ўзига тобеъ эмас. Рух эса ундан мустасно.

Мавлоно ўз руҳий ахволидан огоҳ этаркан, Ҳақ ишқида фонийлигидан ҳам хабар бермоқда. Бу — валийларга хос ҳолат.

МАСНАВИЙ

*Куллу шайъин қолаҳу гайрул муфийқ,
Ин тақаллағ� ағ тақаллағ� ла ялийқ.*

ТАРЖИМА

Инсон ҳүшсизлик ҳолатида нимани сўйламасин, уни ҳушёр ҳолатида эслолмайди ва идрок этолмайди. Демак, бу ҳолда сўзламоқ, нимагадир ружу қилмоқ, ненидир ният ва иддао қилмоқ лозим эмас.

МАСНАВИЙ

*Ман чи гўям, як рагам ҳушёр нест,
Шарҳи он ёре, ки ўро ёр нест.*

ТАРЖИМА

*Мен не дердим, томирим ҳушёр эмас,
Ёрким, ул ёра ҳеч ким ёр эмас.*

ШАРҲ

Ақалли биргина томирим ҳам ҳушёр бўлмаган ҳолда ул ёр хақида нечук сўйлай? Ёримнинг бу оламда ҳеч ўхшashi йўқ. Унинг на муносиб дўсти, на ёри бор. У — ягона.

МАСНАВИЙ

*Шарҳи ин ҳижрон ва ин хуни жигар,
Ин замон бигзор то вақти дигар.*

ТАРЖИМА

*Бул жигар қонин ва ҳижрон шарҳини
Кўй, кейин сўзлаб берурман барини.*

ШАРҲ

Эй Ҳусомуддин Чалабий!

Жигарларни қонга қорган аламли ҳижрон шарҳини бу замон мендан сўрма. Мен залворли фурқат қиссанини сўйламоқка ожизман. Лекин бошимдан кечётган бу ҳүшсизлик, ғайрихтиёрий ҳолат хотима топса, мен ул ягона, ёрсиз ёр ҳақида сенга сўйлаб бераман.

МАСНАВИЙ

*Қола атъимний файнний жайиъун,
Ваътажил фалуқоту сайфун қотиъун.*

ТАРЖИМА

Хусомуддин Чалабий Мавлонога деди: «Менга таом бергил, мен очман (ул Ёрнинг ботиний ҳақиқати таомидан менга насиба бер, мен ул ҳақиқатга очман). Бунинг учун шитоб қилгилки, вакт ва замон кескир қиличдир, тез ўтгувчиdir. (Вакт бу ўринда орифлар тушунчаси орқали ифодаланмоқда. Яъни, шундай вакткни, бу лаҳзада инсон илоҳий имтиҳон майдонида бўлади).»

МАСНАВИЙ

*«Сўфий – ибнул вақт» бошад, эй Рафиий,
Нест «фардо» гуфтан аз шарти тарийқ.*

ТАРЖИМА

*«Сўфий – ибнул вақт» эрур, эй Ошно,
«Эрта» деб айтмоқ тарийқатда хато.*

ШАРХ

Хусомуддин Чалабий деди: «Эй биродар, сўфий вақтнинг фарзандидир. Яъни у ҳар лаҳза билан тирик. У бир нафасни ҳам бехуда сарфламайди. «Эрта», «индин» демоқ тарийқат сулукининг шартига хилоф. Бу маънавий манзил ва мароҳилни босиб ўтиш мумкин эмас. Орада бўшлиқ ёхуд вақт йўқ. Айни дам – бор. Эрта – эртадур.

МАСНАВИЙ

*Ту магар худ марди сўфий нестий?
Ҳастро аз нася хезад нестий.*

ТАРЖИМА

*Сўфисан, сен мардким, олам билар,
Насядан бор йўқ бўлар, бор йўқ бўлар.*

ШАРХ

Сен, (эй Мавлоно) ахир, мард, сўфий эмасмисан? Нега «бу вақтни қўйиб тур, бошқа бир замонда сўйлаб бераман», дейсан? Зотан, бор нарса вақтида берилмас экан, у албатта йўқ бўлади.

МАСНАВИЙ

*Гуфтамаш: «Пүшида хүштар сирри ёр,
Худ тү дар зинни ҳикоят гүш дор.*

ТАРЖИМА

*Дедим: «Хүшдир бүлса пинхон ёр сири,
Сен ҳикоят зиннида тингла буни.*

ШАРХ

Мен Хусомуддин Чалабийга дедим: «Ёрлар сирининг пинхон бўлмаги яхшидир. Токи номаҳрамларнинг назари унга тушмасин. Сен эса, ҳикоят қатига яшринган ёр сирларини ҳушёрик қулоги билан эшишт, англа». (Сирни пинхон саклаш урфоний авлиёларнинг шарти. Кимки ўзини таниса, у хомушликни ихтиёр қилади).

МАСНАВИЙ

*Хүштар он бошад, ки сирри дилбарон,
Гуфта ояд дар ҳадиси дигарон».*

ТАРЖИМА

*Хүшдир улким, ёрлар асроридан
Бўлсанг огоҳ ўзгалар гуфторидан».*

ШАРХ

Илохий ҳарам маҳбуналарининг асрорини ўзгалардан эшигтан маъқулроқ. Зеро, номаҳрамлар ва бегоналар уларнинг ёрлик сир-синоатидан воказиф бўлмасинлар. Ҳақиқий тасаввув ютмоқ эмас, топмоқдир. Кимларки сўйламишдир тасаввув Ҳақиқати эмас, унинг одоби ҳақида сўйламишлар».

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Макшуфу бараҳна, беғулул,
Бозгў дафъам мадеҳ, эй булфузул».*

ТАРЖИМА

*Деди: «Сўйла ошкора, бениқоб,
Килма инкор, соҳиби фазл, эй жаноб».*

ШАРХ

Хусомуддин деди: «Эй фазилат соҳиби, ёр сирини яширмасдан ошкор баён айла».

МАСНАВИЙ

*Парда бардору бараҳна гў. ки ман
Менахусбам бо санам бо пераҳан.*

ТАРЖИМА

*Парда торт, урён гапир, рад айлама,
Мен санам бирла либосда ухламам.*

ШАРХ

Ёр сири юзидан пардани кўттар. Урён ва ошкора сўйла. Мен хижобда бўлган Ҳақиқат маҳбубаси билан ётмайман. Мен ошко-ра Ҳақиқатни истайман.

МАСНАВИЙ

*Гуфтам: «Ар урён шавад ў дар аён,
Не ту монй, не канорат, не миён».*

ТАРЖИМА

*Дедим: «Урён бўлса у ёхуд аён,
На қолурсан сен, на қолгай тўрт томон».*

ШАРХ

Хусомуддинга дедим: «Агар ул Ҳақиқий маҳбубимнинг Зоти ошкор намоён бўлса ва ўз Зоти билан тажаллий қилса, на сен қолурсан, на сенинг атроф-тегранг ва на ўртадагилар қолади. Буткул маҳв ва фано бўласан. Ҳақ таъоло парда ортидадир. Аҳли башар унга тоб берсин учун ўзини намоён килмайди».

Мавлоно ушбу ҳолатни шарҳларкан, шундай дейди: «Ҳақ таъо-ло бу никобларни жумла жоннинг омонлиги учун яратди. Ҳақ ўз жамолини ниқобсиз намоён этса, биз унга тоб беролмаймиз ва баҳра ололмаймиз. Бу никоб ва пардалар воситасида мадад ва манфаат оламиз. Офтобга боққил. Унинг нурлари таъсирида, унамиз, кўрамиз, яхшини ёмондан, окни корадан ажратамиз, унинг тафтида роҳатланамиз. Дараҳтларга назар солгин. Хом, туруш мевалар қўёш нуридан баҳра олиб, ширин шарбатга тўлади, пишиб етилади. Олтин, кумуш, лаъл ва ёкут каби маъданлар унинг таъсирида намоён бўлади. Шу қадар буюқ манфаат баҳш этувчи офтоб масофадан туриб таъсир кўрсатади. Ёвуқрок келса, хеч қандай манфаат ҳосил бўлмайди. Балки тамомий жаҳон, инсо-ният куйиб кулга айланади. Ҳақ таъоло тоқقا хижоб ортидан тажаллий этади, натижада тоғ дараҳтзор, гулзор ва сабзазорга мубаддал бўлади. Хижобсиз юз кўрсатса, тоғ зеру забар бўлиб, зарраларга айланади». («Фийхи ма фийхи», 35—36-сах.)

МАСНАВИЙ

*Орзу меҳоҳ, лек андоза ҳоҳ,
Барнатобад кӯҳро як барги коҳ.*

ТАРЖИМА

*Орзу қил, лек бил андозасин,
Тог гумон этма сомоннинг парчасин.*

ШАРХ

Эй Ҳусомуддин, орзу-матлаб яхши, бироқ унинг ҳам андазасини унутма. Яъни истеъдоднинг талабига мувофиқ умид қил. Сомон парчасида тогнинг сабр-тоқати не килсин.

МАСНАВИЙ

*Офтобе к аз вай ин олам фурухт,
Андаке гар пеш ояд, жумла сўхт.*

ТАРЖИМА

*Офтобким ушбу олам шамъидур,
Зарра ёвук келса, бас, мотамдуур.*

ШАРХ

Маълумки, офтоб бутун оламларга нур, иссиқлик, ҳаёт ва ҳарорат баҳш этади. Бироқ ана шу ҳаётбахш офтоб арзимас даражада яқинроқ келса ҳам борлиқ оламни кул-кукунга айлантиради. Худди шунингдек, Ҳақиқат қўёши ҳам ақл-идрок, тафаккур ва ҳиссиятнинг тоқатидан ошироқ тарзда намоён бўлса, ёхуд таъсир қўрсатса, башарият фожиага гирифтор бўлади. Жумладан, бугун инсониятнинг бир гурухи Оллох белгилаб берган ҳадсарҳадни бузиб, у рози бўлмаган ақлий ва моддий амалларни бажармоқда. Натижалари кўз ўнгимизда. Оллоҳнинг қўрсатмасидан тажовуз этган ҳолда мақсадга эришиб бўлмайди. Эришилган натижанинг оқибати фоят кўнгилсизdir. Ҳамма нарсада тоқат мезонини тутмоқ жоиз.

МАСНАВИЙ

*Фитнаву ошубу хунрезӣ мажӯ,
Беш аз ин аз Шамси Табрезӣ магӯ.*

ТАРЖИМА

*Фитна, хунрезлик ва исён истама,
Шамс Табризиидан ортиқ сўзлами.*

ШАРХ

Эй Ҳусомуддин, Ҳақиқат Шамси (қуёши) хақида бундан зиёд билмоқни истама. Фитна, исён ва хунрезлик рўй беради. Ҳазир бўл!

МАСНАВИЙ

*Ин надорад охир, аз оғоз гӯ,
Рӯ тамоми ин ҳикоят бозгӯ.*

ТАРЖИМА

*Охир ийғодир унинг, бошдан гапир,
Бул ҳикоятни тўкиб сол бирма-бир.*

ШАРХ

Шамс асрорининг баён ва шархи поёнсиз. Бинобарин, ҳикояни бошдан бошла. Ва канизак қисматига юз бур.

ВАЛИЙНИНГ ШОХДАН ИЗН СЎРАШИ ВА БЕМОР КАНИЗАК БИЛАН ХИЛВАТДА ҚОЛИШИ

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Эй шаҳ, хилвате кун хонаро,
Дур кун ҳам хеш ва ҳам бегонаро.*

ТАРЖИМА

*Деди: «Эй шоҳ, хилват айла хонани,
Хайда бундан ўзни, ҳам бегонани.*

ШАРХ

Илохий ҳаким деди: «Эй шоҳ! Хонани мутлақо ҳоли қил. Мен ва канизақдан бошқа маҳрам ва номаҳрамлардан ҳеч ким бу ерда қолмасин».

МАСНАВИЙ

*Кас надорад гӯш дар даҳлизҳо,
То бипурсам з-ин канизак чизҳо.*

ТАРЖИМА

*Осласин ҳеч ким қулоқ даҳлизда,
То сўрай ул-булни мен каниздан.*

ШАРХ

Ҳеч ким, ҳатто әшик ортида — даҳлизда турғанлар ҳам бизнинг
канизак билан сұхбатимизни әшитмасликлари лозим.

МАСНАВИЙ

*Хона холи монд ва як даййор на,
Жүз табибу жузъ ҳамон бемор на.*

ТАРЖИМА

*Хона холи қолди, бир даййор иүқ,
Бир табибу бир каниз — агәр иүқ.*

ШАРХ

Хонани зумда бүштадилар. У ерда на бир номаҳрам, на бир
даййор (хона соҳиби) қолди. Хилватда — табиб ва бемор.

МАСНАВИЙ

*Нарм-нармак гуфт: «Шаҳри ту кужост?
Ки иложи аҳли ҳар шаҳре жудост.*

ТАРЖИМА

*Сўрди аста-аста: «Айт, шаҳринг қаён?
Ҳар шаҳарнинг аҳли ҳар хилдир аён.*

ШАРХ

Илоҳий Ҳаким воят самимий ва мулойимлик билан канизакка
деди: «Ўз она шаҳринг ҳақида сўйлаб бер. Зеро, ҳар бир шаҳар
аҳлининг феъл ва табиати турлича». Бир шаҳарнинг экватор
чизиги ва кутбларга нисбатан мавқеи, паст-баландлиги, дарё ва
тоғлардан олис-яқинлиги, тупроғи, ҳавоси ва бошқа жиҳатларига
катта эътибор берганлар.

МАСНАВИЙ

*Вон дар он шаҳр аз қаробат кистат?
Хешій ва пайвастаги бо чистат?»*

ТАРЖИМА

*Ул шаҳарда борми қондошинг сенинг?
Ақрабо ҳам хеш, жондошинг сенинг?»*

ШАРХ

Илохий ҳаким деди: «Эй канизак, ўша шахарда қариндош-уруғинг, дўст-ҳабибинг, ёр-биродаринг борми?

МАСНАВИЙ

*Даст бар набзаш ниҳоду як ба як,
Боз менурсид аз жаври фалак.*

ТАРЖИМА

*Томирин тутди канизнинг, сўнг табиб
Сўрди: «Айтиб бер менга ҳолинг, гариб».*

ШАРХ

Илохий ҳаким канизакнинг қон томирига бармоғини қўйди ва: «Борини ошкора менга айтиб бер», — деди. Табибининг канизак қўл томирини тутган ҳолатда саволлар беришдан муддаоси хикоя жараёнида қай ҳолатда томир урушида ўзгариш содир бўлишини билиб олиш эди.

МАСНАВИЙ

*Чун касеро хор дар поящ жаҳад,
Пойи худро дар сари зону ниҳад.*

ТАРЖИМА

*Ботса хор товонига гар кимсанинг,
Елкасига ортгай они тиззанинг.*

ШАРХ

Маълумки, оёқ товонига нишми, тиканми — нима ботмасин, уни олиб ташлаш учун оёқ дархол тиз устига қўйилади.

МАСНАВИЙ

*В аз сари сўзан ҳаме чўяд сараиш,
В ар наёбад мекунад бо лаб тараиш.*

ТАРЖИМА

*Ахтарар игна учи-ла ўрнини,
Топмаса лаб бирла ҳўл қилгай уни.*

ШАРХ

Оёғига тикан кирган кимса игна учи билан уни қидира бошлайди. Агар тополмаса, ниш ботган ўринни ҳўллади.

МАСНАВИЙ

*Хор дар по шуд чунин душворёб,
Хор дар дил чун бувад? Во, дех жавоб?*

ТАРЖИМА

*Бир тикан ботса оёққа шунчалар,
Не бўлар, айт, қалбга ботса у агар?*

ШАРХ

Товонга ботган биргина тиканни топмоқ шу қадар душвор эса, юракка санчилган тиканинг аҳволи қандай бўларкан? Уни топиб бўлармикан?

МАСНАВИЙ

*Хори дилро гар бидиий ҳар хасе,
Даст кай будй гамонро ҳар касе.*

ТАРЖИМА

*Қалбга ботган хорни кўрса ҳар ҳашак,
Кимда гам бор? Гам ўзи кимга керак?*

ШАРХ

Юракка санчилган тиканин ҳар қандай одам англаёлмайди. Қалбга ботган нишга ҳар касу нокаснинг назари тушавермайди. Агар, ҳақиқатда, бу ботин тифларини ҳамма кўра олса эди, дунёда ғам-ғусса қолармиди? Бу руҳоний ханжарларни валийлардан ўзга ҳеч ким кўра билмайди. Хулоса, ҳамма ҳам одамларнинг ботиний табиби бўла олмайди.

МАСНАВИЙ

*Кас ба зери думми ҳар хоре ниҳад.
Ҳар надонад дафъи он, бармежаҳад.*

ТАРЖИМА

*Кимса эшишак ортига санчса тикан,
Они олмак келмас эшишак илкидан.*

ШАРХ

Масалан, кимдир эшак думининг остига тикан санчиб қўйса, бечора жонвор уни суғуриб ташлай оладими? Табиийки, йўқ. Эшак у ёқдан бу ёққа шаталоқ отиб, чопмокдан бошқа нима ҳам қила оларди.

МАСНАВИЙ

*Баржаҳад вон хор маҳкамтар занад,
Оқиле бояд, ки хоре барканд.*

ТАРЖИМА

*Чопгай эшишак, ул тикан қаттиқ ботар,
Шубҳасиз, бир ақли бор тортиб олар.*

ШАРХ

Табиийки, жисмига тикан ботган жонвор оғрикка чидаёлмай у ёқдан бу ёққа чопади, ирғишлайди. Натижада, тикан унинг тана-сига чуқуррок сингиб боради. Албатта, бир оқил одам тиканни суғуриб олмаса, эшак уни минг йилда ҳам суғуролмайди.

МАСНАВИЙ

*Хар зи баҳри дафъи хор аз сўзу дард,
Жуфта меандоҳт сад жо заҳм кард.*

ТАРЖИМА

*Ул тиканнинг захмидан эшишак чунон
Шатта отгай жисмин айлаб жиққа қон.*

ШАРХ

Эшак тиканнинг зарбидан ўзини ҳар ёнга отади, уради. Оки-батда бир тикан захми қолиб, юз ерини моматалоқ айлайди.

МАСНАВИЙ

*Он ҳакими хорчин устод буд,
Даст мезад жо ба жо меозмуд.*

ТАРЖИМА

*Ул ҳаким устод эди ҳар бобда,
Қўл билан дардин уқиб бетобдан.*

ШАРХ

Рухий дардни чүкүр англагувчи илохий ҳаким канизакнинг кўлидан тутган кўйи касаллик сабабларини қидирарди.

МАСНАВИЙ

*Зон канизак бар тарийки достон,
Боз мепурсид ҳоли дўстон.*

ТАРЖИМА

*Ул канизакдан гўзал достон каби
Сўрди кимдир жонга пайванд дўстлари.*

ШАРХ

Илохий ҳаким бемор канизак билан қиссагўйлик қилган каби унинг яқин дўстлари ҳақида сўрай бошлади.

МАСНАВИЙ

*Бо ҳаким ў қиссаҳо мегуфт фош,
Аз мақому хожагону шаҳри тош.*

ТАРЖИМА

*Фош айлаб сирларин сўйларди лол,
Ҳам мақому хожасин соҳибжамол.*

ШАРХ

Канизак она шаҳри, ҳамشاҳарлари ва кўнглига яқин кишилар ҳақида ҳакимга ҳикоя қила бошлади.

МАСНАВИЙ

*Сўй қисса гўфтанаш медошт гўш,
Сўй набзу жустанаш медошт ҳуш.*

ТАРЖИМА

*Қиссасин тингларди диққат бирла у,
Ҳамда томир зарбин айлаб жустужў.*

ШАРХ

Илохий ҳаким бир томондан канизак ҳикояларига қулоқ тутар эди, ўз навбатида бутун эътибори унинг томир ҳаракати меъёрига қаратилганди.

МАСНАВИЙ

*Токи набз аз номи, ки гардад жаҳон,
Ў бувад мақсуди жонаш дар жаҳон.*

ТАРЖИМА

*Набзи кимнинг исмидан бот урса гар,
Ул эрур мақсуди жони мухтасар.*

ШАРХ

Илохий ҳаким канизакнинг набзи (томири) қайси исем талаф-фузидан сўнг шиддатлирок урушини мушоҳада эта бошлади. Муайян бир ном талаффуз қилинганидан сўнг, томир зарбининг меъёри шиддатли тус олса, демак, ўша исм соҳиби канизак жонининг мақсуди экани маълум бўлади.

МАСНАВИЙ

*Дўстони шаҳри ўро баршумурд,
Баъд аз он шаҳри дигарро ном бурд.*

ТАРЖИМА

*Шаҳрининг дўст-ёрларидан сўйлади,
Неча ёру, не диёрдан бўйлади.*

ШАРХ

Илохий ҳаким канизак яшаган шаҳарга кўнгил қўйган кимсалар ҳақида саволлар берар, ундан сўнг яна бошқа шаҳру диёрлар хусусида сұхбатни давом эттиради.

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Чун берун шудӣ аз шаҳри хеш,
Дар қадомин шаҳр будасти ту пеш?»*

ТАРЖИМА

*Деди: «Тарк этгач диёрингни бутун,
Кай шаҳарда кўпроқ ўлдинг, не учун?»*

ШАРХ

Илохий ҳаким канизакка деди: «Эй канизак, ўз она шаҳрингни тарк этганингдан сўнг, қай бир шаҳарда узоқ вақт туриб қолдинг?»

МАСНАВИЙ

*Номи шаҳре гӯфт ва э он ҳам даргузашт,
Рангу рӯ ва набзи ў дигар нағашт.*

ТАРЖИМА

*Бир шаҳарни эслади, сўнг як-баяк
Бошқасин, қиз эрса парвойи палак.*

ШАРХ

Илоҳий ҳаким бир шаҳарнинг номини тилга олгач, яна бошқа шаҳарларни санашида давом этди. Канизакнинг на ранг-рӯйида, на томир зарбида ҳеч қандай ўзгариш сезилмасди.

МАСНАВИЙ

*Хўжагону шаҳрҳоро як-баяк
Боз гуфт аз жою аз нону намак.*

ТАРЖИМА

*Хўжалар ҳам шаҳарларни бирма бир,
Сўйлади, нон-туз, мамолик, қир-адир.*

ШАРХ

Илоҳий ҳаким бемор канизак боши устида шаҳарлар, уларнинг аҳолиси, нон-тузи ҳакида сўзлар эди.

МАСНАВИЙ

*Шаҳр-шаҳр, хона-хона қисса кард,
На рагаиш жунбид-у, на рух гашт зард.*

ТАРЖИМА

*Шаҳарлардан, хоналардан сўйлади,
Томири қилт этмади, дам урмади.*

ШАРХ

Илоҳий ҳаким кўрдики, бу иш билан мурод ҳосил бўлмайди. Энди у ҳар бир шаҳарни, ундаги хонадонларни алоҳида санай бошлади. Бироқ бу тадбир ҳам самарасиз чиқди. Канизакнинг на томири қилт этди, на ранг-рӯйи учди?

МАСНАВИЙ

*Набзи у бар ҳоли худ буд бегазанд,
То бипурсид аз Самарқанди чу қанд.*

ТАРЖИМА

*Токи қанддек Самарқанд ёд бўлмади,
Кизнинг аҳволи тамом ўзгармади.*

ШАРХ

Илохий ҳаким канизакнинг ширин ва дардли хотиралари қат-
тиқ боғланган Самарқанд шаҳри эсланмагунча унинг томирида
хеч қандай ўзгаришни пайқамади.

МАСНАВИЙ

*Набз жасбу рўй сурху зард шуд,
К-аз Самарқандии заргар фард шуд.*

ТАРЖИМА

*Томири жазб бўлди, юзлар аргувон,
Ул Самарқанд заргари эсланган он.*

ШАРХ

Қачонки илохий ҳаким Самарқанд шаҳрини ва у ерда сокин
бўлган заргарни тилга олди, канизакнинг аҳволи тафийр топди.
Томир зарблари шиддатли тусга кирди, юзлари қизариб кетди.

МАСНАВИЙ

*Чун зи ранжур он ҳакийм ин роз ёфт,
Асли он дарду балоро боз ёфт.*

ТАРЖИМА

*Ранж бирла топди у бу розни,
Неча дарду не балога хосни.*

ШАРХ

Илохий ҳаким канизак дарди юзидан пардани кўтаргач, бил-
дики бу дарду бало, ранжу хасталикларнинг асосий сабабчиси
ИШҚ экан.

МАСНАВИЙ

*Гүфт: «Гүй ү кадом андар гузар,
У «Сарипул» гүфт ва күй «Фотфар».*

ТАРЖИМА

*Деди: «Айтгил, қай маҳаллотдан бўлар?»
У «Сарипул»¹, деди ҳамда «Фотфар»².*

ШАРХ

Илоҳий ҳаким канизакдан сўрди: «Заргарнинг манзили қайси гузар ва қай маҳаллада эканини айтгил?!» Канизак: «Сарипул гузари, Фотфар маҳалласи», деб жавоб берди.

МАСНАВИЙ

*Гүфт: «Донийам, ки ранжат чист зуд,
Дар халосат сеҳрҳо хоҳам намуд.*

ТАРЖИМА

*Деди: «Билдим бот ранжинг недурур,
Сеҳр қилгумким бу ранжлар йўқ бўлур.*

ШАРХ

Илоҳий ҳаким деди: «Беморлигинг ва ранжларинг сабабини англадим. Энди зудлик билан бу касалликдан қутқариш пайига тушиб, сеҳрлар кўрсатаман ва сени халос этаман. (Ҳар қандай ботиний ва жисмоний ҳаким bemорга ташхис қўйгач, унинг кўнглини кўтаради, тезлик билан оёқка туриб кетишини умид қилади. Шу тариқа bemорга далда беради, уни ўз иродасига ишонтиради, юпатади).

МАСНАВИЙ

*Шод бош ва форигу эмин, ки ман,
Он кунам бо ту ки борон бо чаман.*

ТАРЖИМА

*Шод бўлгил, мен қилай бир корни,
Ким қилур ёмғир чаман, гулзорни.*

^{1,2} Самарқанддаги обод маҳалла ва гузарнинг номи.

ШАРХ

Илохий ҳаким деди: Шодмон, осуда ва роҳатда бўл. Ёмғир сувлари чаманзор учун нечук асар қилса, менинг давою дармоним ҳам сенга шундай асар қилади.

МАСНАВИЙ

*Ман гами ту меҳӯрам, ту гам маҳӯр,
Бар ту ман мушфиқтарам аз сад падар.*

ТАРЖИМА

*Мен чекай гам, асло гам чекма, қизим,
Юз атодан меҳрибонроқман ўзим.*

ШАРХ.

Илохий ҳаким деди: Мен сенинг ғамингдаман. Сен ҳаргиз ғам чекма. Юз отадан ҳам меҳрибонроқдурман.

МАСНАВИЙ

*Хону ҳон ин розро бо кас магу,
Гарчи аз ту шаҳ кунад бас жустужу.*

ТАРЖИМА

*Сўйлама бу розни ҳеч зотга,
Сурса айтма, майлига, шаҳзодга.*

ШАРХ

Илохий ҳаким деди: Ҳушёр бўл, бу сирни зинҳор-базинҳор бирорвга ошкор қила кўрма. Агарчи шоҳнинг ўзи суриштираса-да, сўйлама.

МАСНАВИЙ

*Гўрхони рози ту чун дил шавад,
Он муродат зудтар ҳосил шавад.*

ТАРЖИМА

*Сирларинг мозори гар кўнгил эрур,
Не муродинг бор, бот ҳосил эрур.*

ШАРХ

Агар сир-асоринг қабристони кўнглинг бўлса, яъни энг азиз розларинг яширин бўлса, ўшанда муродинг тезлик билан ҳосил бўлади. «Сир қабри» ибораси машҳур араб ҳикматига ишора: «Кулубул ахори кубурул асрори». «Ахорлар (солих зотлар) қалби сирлар қабристонидир».

МАСНАВИЙ

*Гуфт пайгамбар, ки: «Ҳар кас сир нуҳуфт,
Зуд гардад бо муроди хеш жуфт».*

ТАРЖИМА

*Дер Расулуллоҳ: «Ким сир сақлади,
Зумда ҳосил бўлди онинг матлаби».*

ШАРХ

Ҳазрат Хотамий (с. а. в.) буюрадиларки, ким ўз матлабини сир сақласа, зумда муродига етади. (Ушбу ҳадиси шарифга ишопра килингатпи: «Истъянинув зала инжакил ҳаваижи бил китмани. Файнна кулла зий ниъматин маҳсудун». Таржимаси: «Ўз розу ниёзларингизни пинҳон ҳолатда саклангиз. Ҳақиқатда, ҳар бир неъмат соҳибига ҳасад қиласидар».

МАСНАВИЙ

*Донаҳо чун бар замин пинҳон шавад,
Сирри онининг ям яшил бўстон шавад.*

ТАРЖИМА

*Гар уруг ер остида — пинҳонадир,
Сирри онининг ям яшил бўстондадир.*

ШАРХ

Мисол учун урувлар тупроқ бағрида яширин бўлгани, яъни ана шу сир туфайли бўстонлар вужудга келади. Кўзларимизни қувнаттган ям-яшил ўсимликлар аслида тупроқ бағрида яширин бўлган урувлар ҳосиласидир.

МАСНАВИЙ

*Зарр ва нуқра гар набудандй ниҳон,
Парвариш кай ёфтанди зери кон?*

ТАРЖИМА

*Тилла ҳам зар бўлмаса эрди ниҳон,
Парвариш қилгаймиди онларни көн.*

ШАРХ

Бошқа бир мисол: агар тилла, кумуш ва бошқа қимматли жисмлар ер остида пинхон бўлмаса эди, у маъдан бағрида парвариш топа билармиди. (Мавлоно ҳазратлари мазкур байт орқали ушбу қадимий ақидага урғу беради: қадимги ҳукамо фикрига кўра ер ости мавжудотлари юлдузлар таъсири остида бўларкан).

МАСНАВИЙ

*Ваъдаҳо ва лутфҳои он ҳакийм,
Кард он ранжурро эмин зи бим.*

ТАРЖИМА

*Ул ҳакимнинг лутфи ҳамда ваъдаси
Хаста дилга бўлди кўнгил далдаси.*

ШАРХ

Илохий ҳакимнинг самимий лутф ва ваъдалари хаста канизакнинг кўксидаги ҳавотирни қувиб ҳайдади.

МАСНАВИЙ

*Ваъдаҳо бошад ҳақиқий дилпазир,
Ваъдаҳо бошад мажозӣ, тоғасир.*

ТАРЖИМА

*Ваъдалар бордир ҳақиқий, дилпазир,
Ваъдалар бордир мажозӣ, дил гажир...*

ШАРХ

Ҳақиқий ваъдалар кўнгилларга ором беради. Ёлғон, мажозий ваъдалар дилларни паришон қилади.

МАСНАВИЙ

*Ваъдаи аҳли қарам нақди равон,
Ваъдаи ноаҳл шуд ранжи равон.*

ТАРЖИМА

*Ваъдаси аҳли карамнинг руҳ, нақд,
Ваъдаси ноаҳларнинг руҳга дард.*

ШАРХ

Бузруквор ва каромат аҳли бўлган зотларнинг ваъда ва сўзлари нақд руҳнинг ўзи. Бироқ ноаҳл, бесубут кимсаларнинг ваъда-бозлиги, белафэлиги руҳларни эзгувчи бир фардdir.

ВАЛИЙНИНГ КАНИЗАК ДАРДИНИ АНГЛАМОФИ ВА УНИ ПОДШОҲГА БИЛДИРМОФИ

МАСНАВИЙ

*Баъд аз он бархосту азми шоҳ кард,
Шоҳро зон шаммае огоҳ кард.*

ТАРЖИМА

*Сўнг ҳаким қўзгалди-да, ул шоҳга
Сўйламак-чун олди йўл даргоҳга.*

ШАРХ

Илоҳий ҳаким канизак дардига ташхис қўйгач қўзгалди-да шоҳни огоҳ қилмоқ мақсадида олий даргоҳга йўл олди.

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Тадбир ин бувад к-он мардро,
Хозир ором аз пайи ин дардро.*

ТАРЖИМА

*Деди: «Тадбиру давоси дарднинг
Хозир этмоқ, вассалом, ул мардни.*

ШАРХ

Илохий ҳаким подшоҳ ҳузурига бориб, қанизакнинг дардидан огоҳ этади. Подшоҳ дарднинг давосини сўраганда, ҳаким, дарднинг ягона давоси олис Самарқанд шаҳридан заргар йигитни топиб бу ерга келтирмоқ, деб жавоб беради.

МАСНАВИЙ

*Марди заргарро бихон зон шаҳри дур,
Бо зару хилъат бидеҳ ўро дурур».*

ТАРЖИМА

*Ул шаҳардан чорла заргарни бу ён,
Зар ва хилъат бирла макр айла чунон».*

ШАРХ

Ўша олис шаҳардан (Самарқанд) ҳар нечук фириб, ҳийла ва найранг билан бўлса-да заргарни келтиргил.

ШОҲНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИГА ЭЛЧИ ЮБОРМОФИ ВА ЗАРГАРНИ КЕЛТИРМОФИ

МАСНАВИЙ

*Шаҳ фиристод он тараф як-ду расул,
Хозиқону кофиёни бас удул.*

ТАРЖИМА

*Шоҳ юборди ул томонга элчилар,
Ким жуда ҳозиқ ва одил эрдилар.*

ШАРХ

Шоҳ илохий ҳакимнинг таклифини қабул қилди ва олис Самарқанд шаҳрига ғоятда тадбиркор, одил ва ҳақгўй элчиларини зудлик билан жўнатди.

МАСНАВИЙ

*То Самарқанд омаданд он ду расул,
Аз барои заргари шанги фузул.*

ТАРЖИМА

*То Самарқанд келдилар икки расул,
Шоҳу шӯҳ заргар аросинда вакил.*

ШАРХ

Икки нафар элчи Самарқанд шаҳрига дохил бўлдилар. Ўша шӯҳ ва раъно заргарни истаб топдилар. Сўнг подшохнинг ваъдаларидан унга мужда етказдилар.

МАСНАВИЙ

*«К-эй, латиф устоди комил маърифат,
Фош андар шаҳрҳо аз ту сифат.*

ТАРЖИМА

*«Эй латиф устод, комил маърифат,
Фош ўлмиши шаҳр аро сендан сифат.*

ШАРХ

Эй, маърифатда комил, мохир устоз, сенинг эзгу сифатинг ҳақида шаҳарлар аро турли овозалар ёйилгандир.

МАСНАВИЙ

*Нак фалон шаҳ аз барои заргарӣ,
Иҳтиёрат кард, зоро маҳтари.*

ТАРЖИМА

*Сен каби заргарни чорлар шоҳимиз,
Бори заргарларга бўл ишбошимиз.*

ШАРХ

Шоҳимиз заргарлик соҳасидаги сенинг шуҳратингни эшитиб қолди. Заргарларга бош этиш учун сени ҳузурига чорлаётир.

МАСНАВИЙ

*Ийнак ин хилъат бигириу зарру сийм,
Чун биёй хос боши ва надим».*

ТАРЖИМА

*Энди бул хильятни ол ҳам зарру сийм,
Рози бўлсанг хос бўлурсан ва надим»¹.*

ШАРХ

Энди бу сарпо ва кумуш, тиллаларни олгил-да биз билан юр.
Шох саройида хослардан бўлурсан.

МАСНАВИЙ

*Мард молу хильати бисёр дийд,
Fappa шуд аз шаҳру фарзандон бурийд.*

ТАРЖИМА

*Кўрди хильат ҳамда дунё молини,
Ташлади шаҳру шажар, авлодини.*

ШАРХ

Заргар бу қадар бойлик-бисот, молу давлатни кўргач, ўзидан кетди, дунёга маҳлиё бўлди. Оқибат тугилган шаҳри ва болачақасини ташлаб йўлга чиқди.

МАСНАВИЙ

*Андар омад шодмон дар роҳ мард,
Бехатар к-он шоҳ қасди жон кард.*

ТАРЖИМА

*Йўлга тушди шод ўлиб заргар чунон.
Бехабарким, шоҳ қилибдир қасди жон.*

ШАРХ

Заргар бу пайғомдан шод бўлиб, йўлга тушди. Ҳолбуки, шоҳ унинг жонига қасд қилганидан хабари йўқ.

МАСНАВИЙ

*Аспи тозӣ барнишаст ва шод тоҳт,
Хунбаҳои хешра хильат шиноҳт.*

¹ Надим — мусоҳиб, ҳамнишин.

ТАРЖИМА

*Остида аъробий от чақнар эди,
Конини хилъат гумон айлар эди.*

ШАРХ

Заргар аъробий тулпорни ўйнатиб борар, эгнидаги хилъат, унинг қони эканини тасаввур қилолмасди.

МАСНАВИЙ

*«Эй, шуда андар сафар бо сад ризо,
Худ ба поии хеш то суулқазо».*

ТАРЖИМА

*«Эй йўловчи, бўлдинг-у юз бор ризо,
Бординг ўз пойинг ила суулқазо».*

ШАРХ

«Камоли ихтиёр, розичилик ва рағбат билан сафарга отланган йўловчи, сен ўз оёғинг билан шум кўргилигинг сари бормокдасан».

МАСНАВИЙ

*Дар хаёлаш мулку иззу меҳтарӣ,
Гӯфт Азроил: «Рав, оре, барӣ!..»*

ТАРЖИМА

*Кўнглида мол-мулк, иззат беписанд,
Дерди Азроил: «Кел-эй, сен яхшисан!..»*

ШАРХ

Заргарнинг хаёлида мол-дунё, ҳукмронлик ҳисси жўш уриб, ўз хаёлларидан мамнун олға босиб бормоқда. Оқибат қоронғу. Аммо Азроил (а. с.) уни шум кўргилик сари чорлаёттанидан бехабар.

МАСНАВИЙ

*Чун расид аз роҳ он марди гариб,
Андар овордаш ба пеши шаҳ табиб.*

ТАРЖИМА

*Йүл босиб, манзилга етгач ул гарыб,
Элти подшох қошига они табиб.*

ШАРХ

Заргар шаҳарга етиб келганидан сүнг, илохий ҳаким уни шоҳ хузурига олиб борди.

МАСНАВИЙ

*Сүн шоҳаншоҳ бурдандаш ба ноз,
То бисүзад бар сари шамъи Тароз.*

ТАРЖИМА

*Элтдилар шоҳ сори они ноз ила,
Токи кул бўлсин куйиб шамъ қошида.*

ШАРХ

Заргарни иззат-эҳтиром билан шоҳ хузурига олиб бордилар. Шоҳ — Тароз шамъининг шу қадар порлокки ҳар нечук парвона куйиб кул бўлади. Заргар олов қошига келиб қолганидан ғоғил.

МАСНАВИЙ

*Шоҳ дийд ўро басо таъзим кард,
Махзани зарро дод-у таслим кард.*

ТАРЖИМА

*Шоҳ кўриб қилди анга таъзимлар,
Махзани зарни бериб таслимлар.*

ШАРХ

Шоҳ заргарни кўргач, унга таъзим бажо қилди, олтин дағинани унга қуллук қилди.

МАСНАВИЙ

*Пас ҳакимаш гуфт: «К-эй султони меҳ,
Он канизакро бадин хожа бидеҳ!»*

ТАРЖИМА

*Сүнг ҳаким дерким: «Эй, султони замон,
Ул канизни хожага бергил тамом.*

ШАРХ

Илохий ҳаким шохга деди: «Эй, буюк султон, бемор канизакни бу хожага (заргар) бергил!..

МАСНАВИЙ

*То канизак дар висолаш хуш шавад,
Оби васлаш дафъи он оташ шавад»*

ТАРЖИМА

*То висоли бирла хуш ўлсин унинг,
Хамда сўндирисин оловин кўнглининг»*

ШАРХ

Заргарнинг висолига етгач, канизак дарддан фориғ бўлади. Шу дамгача унинг рух ва жисмини исканжага олган ҳижрон азобидан қутулади».

МАСНАВИЙ

*Шоҳ бад ў бахшид он маҳрӯйро,
Жуфт кард он ҳар ду сұҳбатжұйро.*

ТАРЖИМА

*Шоҳ бахш этди анга маҳрӯйни,
Жуфт қилди икки сұҳбатжұйни.*

ШАРХ

Шоҳ ойчехра канизакни заргарга тақдим қилди. Бир-бириннинг висолига интиқ бўлган икки дилхоҳни жуфт айлади.

МАСНАВИЙ

*Муддати шаш моҳ меронданд гом,
То ба сиҳҳат омад он дұхтар тамом.*

ТАРЖИМА

*Олти ой бир тан бўлиб ул иккиси,
Топди сиҳҳат оқибат осмон қизи.*

ШАРХ

Ул иккиси олти ой шод-хуррамлик ва комронлиқда ҳамқадам бўлиб турмуш кечирдилар. Нихоят қизнинг исканжага олган дард уни батамом тарк этди.

МАСНАВИЙ

*Баъд аз он аз баҳри ў шарбат бисоҳт,
То бихӯрду пеши дуҳтар мегудоҳт.*

ТАРЖИМА

*Сўнг йигит-чун созлади шарбат табиб,
Ичди-ю ўт кетди унга чирмашиб.*

ШАРХ

Олти ой ўтгач, илохий ҳаким заргар йигит учун шарбат тайёрлади. Шарбатни ичган йигитнинг ахволи ўзгара бошлади. Вужудида хасталик, ранж пайдо бўлди.

МАСНАВИЙ

*Чун зи ранжурӣ жамоли ў намонд,
Жони дуҳтар дар вуболи ў намонд.*

ТАРЖИМА

*Ранждин заъф ўлди, сўнди ҳусни ҳам,
Жондан айриб тамоми қизни ҳам.*

ШАРХ

Беморлик, дарду ранж исканжасида заргар йигитнинг кўрктаровати, ҳусн-жамоли тўкилди. Бу ҳолни кўрган канизакнинг жони азобда қолди.

МАСНАВИЙ

*Чунки, зишту ноҳушу ранг зард шуд,
Андак-андак дар дили ў сард шуд.*

ТАРЖИМА

*Бўлди заргар ҳоли танг ҳам рўйи зард,
Киз дилин муз босди аста қат-бақат.*

ШАРХ

Шарбатни истеъмол қилган йигит аҳволи оғирлашиб, ранг-рўйи сарғая бошлади. Бу ҳолни кўрган канизакнинг кўнгли ҳам секин-аста ундан совий борди.

МАСНАВИЙ

*Ишқчое к-аз пайи ранге бувад,
Ишқ набвад, оқибат нанге бувад.*

ТАРЖИМА

*Ишқ агар ранг ишқидир у ишқ эмас,
Ишқ эмас у, ишқ эмас у, бир ҳавас.*

ШАРХ

Зоҳирий ҳусн туфайли вужудга келган ўзаро муносабатни ишқ дейиш мумкин эмас. Зероки, ҳусн-тароват фоят ўткинчи ҳодиса. Мавлоно Жалолиддин Румий «Маснавий»нинг бошидан-сўнгигача инсонни комиллик даражасига қўтартган ботиний-маънавий ишқни тараним қиласди.

МАСНАВИЙ

*Кош к-он ҳам нанг будй яксарӣ,
То нарафтӣ бар вай он бад доварӣ.*

ТАРЖИМА

*Кош, ул ҳам бўлса эрди нангли,
Бўлмас эрди дардманд ҳам ранжли.*

ШАРХ

Ушбу байт икки хил маънода шарҳланиши мумкин. Биринчидан, агар байт заргар ҳусусида бўлса: кошки, заргар ҳам бошдан-оёқ айб-нуқсонли ва заррача ҳусн-таровати бўлмаса эди. Шунда унинг тақдирни бу қадар фожиали бўлмасмиди? Иккинчи маъноси: канизакнинг ишқи заволга учради ва у бошқага насиб этди. Унинг шайдоси қатл қилинди. Зоро, унинг ишқи ҳою ҳавасдан ўзга нарса эмас эди.

МАСНАВИЙ

*Хун давид аз чашми ҳамчун жўй ў,
Душмани жони вай омад рўй ў.*

ТАРЖИМА

*Кон оқиб дарё каби кўздан равон,
Хусни бўлди душмани жони тамом.*

ШАРХ

Заргарнинг нигохидан қон дарё бамисоли оқарди. Унинг гўзлал чехраси жонининг душманига айланди. Заргарнинг хусн-малоҳати уни ҳалок қилди.

МАСНАВИЙ

*Душмани товус омад парри ў,
Эй басо, шаҳро бикунта фарри ў.*

ТАРЖИМА

*Душмани товуснинг ўлди парлари,
Неча шоҳни ўлдирив шавкатлари.*

ШАРХ

Товуснинг пари унинг жонига душман бўлди. Неча-неча сultonлар шон-шавкатлари туфайли ҳалок бўлдилар.

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Ман он охувам, к-аз нофи ман
Рехт он сайёд хуни софи ман.*

ТАРЖИМА

*Деди: «Оҳу эрдим ул сайёди жон,
Киндигимдан тўқди қонимни равон.*

ШАРХ

Заргар ўлими олдидан деди: «Мен оҳу эдим. Овчилар менинг гўзаллигимга ҳасад қилдилар, киндигим учун покиза қонимни тўқдилар.

МАСНАВИЙ

*Эй, ман ор рўбоҳи сахро к-аз камин,
Сар буридандаш барои пўстин.*

ТАРЖИМА

*Мен ўша саҳрода гүё тулкиман,
Не бало бошига келса – пўстидан.*

ШАРХ

Мен сахродаги тулкига менгзайман. Азбаройи пўстим учун ҳар ерда мени қатл этадилар.

МАСНАВИЙ

*Эй, ман он пиле, ки захми филбон,
Рехт хунам аз барои устухон.*

ТАРЖИМА

*Фил эдим соҳиб тӯкиб қонимни соф
Устухоним деб мени қилди хароб.*

ШАРХ

Мен гүё филман. Сохибим сўнгагим ишқида қонимни тўқди.

МАСНАВИЙ

*Он, ки күштастам пайи модуни ман,
Менадонад, ки нахуспад хуни ман.*

ТАРЖИМА

*Ким мени қатл айласа дунём учун,
Билмагайки, ўлмагай қоним бутун.*

ШАРХ

Мени мол-дунё ёхуд бирор-бир тамаъ умидида ўлдирган кимса, қоним зоеъ кетмаслигини, балки абадий домангир бўлиб қолишини билмайди.

МАСНАВИЙ

*Бар ман аст имрўзу фардо бар вай аст,
Хуни чун ман кас чунин зоеъ каяст?*

ТАРЖИМА

*Менга – бул кун, эрта кун – қотилники,
Эрта зоеъ кетмагай – қонимники.*

ШАРХ

Бу кун мен зиён кўрдим. Эрта кун қотилим зиён кўради. Қотилнинг бошига тушадиган қасос муқаррардир. Зеро, мен каби мазлумнинг қони хеч қачон ҳайф кетмайди.

МАСНАВИЙ

*Гарчи девор афканад соя дароз,
Боз гардад сўй ў он соя боз.*

ТАРЖИМА

*Гарчи девор соя ташлайдир узун,
Лек, яна тортар ўзига соясин.*

ШАРХ

Мисол учун, девор муайян бир пайтда аслидан бир неча карпа улканроқ соясини ёйиб юборади. Кейин эса, яна ўша соясини қайтариб, ҳақиқий ҳолатига келтиради. Демак, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмайди. Яхшилик қилган ўз ҳосилини олади, ёмон ҳам ўз жавобини. Илоҳий низом — шу. Илоҳий адолат — шу.

МАСНАВИЙ

*Ин жаҳон кӯҳ асту феъли мо — нидо,
Сўй мо ояд нидоҳоро садо».*

ТАРЖИМА

*Бу жаҳон — тог, феълимиз гўё нидо,
Бизга қайтар бу нидолардан садо».*

ШАРХ

Дунё төғ кабидир. Тоғда янграган садоларимиз акси ўзимизга қайтиб келади». Хулоса, бу дунёда ким нима қилмасин — кўради. Иккинчи дафтарнинг 2188-байтида ўқиймиз:

*Бу жаҳон — тог, сўйлаган ҳар бир сўзинг,
Сенга қайтар, тинглагайсан сен ўзинг.*

МАСНАВИЙ

*Ин бигуфту рафт дар дам зери хок,
Он канизак шуд зи ранжу ишқ пок.*

ТАРЖИМА

*Сүйлади заргар бунию берди жон,
Киз қутулди шиқу ранжалардан, тамом.*

ШАРХ

Заргар юқорида баён этилганларни сўзлаб бўлгач, жон таслим қилди. Ўша лаҳзада канизак унинг ишқидан ва бу ишқ туфайли чеккан заҳматларидан биратўла халос бўлди.

МАСНАВИЙ

*Зон, ки шиқи мурдагон поянда нест,
Зон, ки мурда сўй мо оянда нест.*

ТАРЖИМА

*Чунки, марҳумга муҳаббат бу – фано,
Чунки, марҳум қайтмагайдир ҳеч қачон.*

ШАРХ

Марҳум ва маъшуқларга нисбатан муҳаббат бокий эмас. Биз ўтганларни узоқ вакт севмоқ қудратига эга эмасмиз. Хотира бошка нарса. Марҳумлар ҳам дунёга қайтиб келолмайдилар. Бу ўринда гап одамнинг одамга бўлган мажозий ишқи ҳақида бормоқда. Ҳақиқий ишқ ва ҳақиқий маъшук бокийдир.

МАСНАВИЙ

*Ишқи зинда дар равону дар басар,
Ҳар даме бошад зи гунча тозатар.*

ТАРЖИМА

*Бу – тирик ишқ; руҳимизда, ўзدادир,
Лаҳза-лаҳза гунчадан покизадир.*

ШАРХ

Тирик ишқ (ҳақиқий ишқ) ҳар лаҳза руҳимиз ва ботинимиз нигоҳида ғунчадек покдир.

МАСНАВИЙ

*Ишқи он зинда гузин, к-ў боқияст,
К-аз шароби жонғизоят соқияст.*

ТАРЖИМА

*Ул тирикка ошиқ ўлким, бокий у,
Жон шаробин ичгизуучи соқий у.*

ШАРХ

Шундай зотнинг ишқини танлагилки, жамий анбиёлар ва авлиёлар бир умр Унинг ишқида маст-мустафариқ әдилар.

МАСНАВИЙ

*Ту магү моро бадон шаҳ бор нест,
Бо каримон корҳо душвор нест.*

ТАРЖИМА

*Дема: «Ул шоҳ сори йўл қай ёндири?»
Бу каримлар наздида осондир.*

ШАРХ

Сен ул шохнинг хузурига бизга йўл бўлсин, дема. Зеро, буюклар учун мушкул иш йўқ. Яъни кимки ҳақиқий Ёрга валий (дўст) экан, унинг учун ҳал бўлмайдиган ҳеч нарса йўқ. Ҳақ таъоло ўз васлига етмок йўл ва усулларини ҳақиқий солик ва ошиқларга кўрсатиб туради. Уларни Ҳақ таъолонинг ўзи висолига етказади. Бу иш хос зотлар учун душвор эмас.

ЗАРГАРНИНГ ҲАВОЙИ НАФС ВА ФОСИДЛИК ТУФАЙЛИ ЭМАС, ИЛОҲИЙ ИШОРАТ БИЛАН ЗАҲАРЛАНГАНЛИГИ ХУСУСИДА

МАСНАВИЙ

*Куштани ин мард бар дасти ҳаким,
На пайи уммад буду на зи бим.*

ТАРЖИМА

*Ул ҳаким заргарни ўлдирганди, бас,
На умидворлик, на қўрқувдан эмас.*

ШАРХ

Илоҳий ҳакимнинг заргар йигитни заҳарлаб ўлдириши, унинг шоҳдан ниманидир умид қилгани ёхуд шоҳдан кўрқанлиги боисидан эмас.

МАСНАВИЙ

*Ў накуштиш аз барои табъи шоҳ,
То наёмад амру илҳоми Илоҳ.*

ТАРЖИМА

*То Худодан амру илҳом бўлмади,
Шоҳ табъи деб уни ўлдирмади.*

ШАРХ

Илохий ҳаким заргарни шоҳга хуш келиш учун ўлдирмади, балки Худодан амр ва илҳом келмагунча бу ишга қўл урмади.

МАСНАВИЙ

*Он писарро каиш Хизр бубрид ҳалқ,
Сирри онро дарнаёбад омм ҳалқ.*

ТАРЖИМА

*Ул ўғилни Хизр ўлдирди, тамом,
Лек, ушбу сирни билмайдир авом.*

ШАРХ

Бу ўринда ҳазрат Мавлоно яна мисолга мурожаат қиласилар. Хизр алайҳиссалом болакайни ўлдирди. Авом бу ишнинг сир ва ҳикматини билмайди. Ҳазрат Хизр алайҳиссалом ва ҳазрат Мусо алайҳиссалом хикояти «Кахф» сурасининг 63 – 84-оятларида баён қилинади. Албатта, бу сурада ҳазрат Хизр алайҳиссаломнинг исм-шарифлари очиқ айтилмаган. Лекин жуда кўплаб ривоятларда бу шахсият Хизр (а.с.) дейилган. Зоҳиран унинг исми Булё бин Малкон бўлиб, Хизр лақабидир. Зеро, у қаёққа оёқ қўйса, замин унинг қадамлари баракотидан ям-яшил ва хуррам бўлади. Ривоятга кўра, у хаёт сувидан нўш этади ва абадий ҳаётга мушарраф бўлади. Хизр (а.с.) хозиргача барҳаётдир. («Тафсирул мийzon», 13-жилд, 597 – 600-сах.)

Куръони карим ривоят қилишича, ҳазрат Мусо (а.с.) Хизрдан (а.с.) таълим беришни сўрайди. Мусога (а.с.) жавобан Хизр (а.с.) таълим-тарбия тарийқида менинг амалларимни таҳаммул қилмайсан, бунга сенинг сабр-бардошинг етмайди, деб жавоб беради. Лекин Мусо (а.с.) ҳар нечук ҳаракатингга сабр-тоқат қиласман, дейди. Улар бир кемага чиқадилар. Хизр (а.с.) кемани тешишга киришади. Мусо (а.с.) бу холдан жунбушга келади ва унга эътироз билдиради. Улар яна йўлга тушадилар. Йўлда бир ёш йигитчага дуч келадилар. Хизр (а.с.) уни ўлдиради. Мусо (а.с.) иккинчи

дафъа) Хизрга (а.с.) эътиroz билдиради. Ниҳоят бир қишлоққа дохил бўладилар-да, қишлоқ аҳлидан егулик таом сўрайдилар. Қишлоқ аҳли инкор қилгач, ҳар иккиси ҳам афсус чекдилар. Ҳудди шу ерда бир валангор деворга дуч келишди. Хизр (а.с.) деворни таъмирлашга киришди. Мусо (а.с.) унинг бу ҳаракатидан ҳайрати ошиб, учинчи бор эътиroz билдириб, деди: «Сен баҳил қишлоқ аҳлидан бу хизматинг эвазига нега ҳеч нарса сўрамайсан?..»

Мазкур уч воқеадан сўнг, сабри буткул тугаган Мусога (а.с.) Хизр (а.с.) деди: «Энди биз ажралишамиз, аммо ўша ҳар уч воқеада ҳам ҳикмат бор эди: «Аввало, мен кемани нима учун тешдим. Кема бечораҳол одамларга тегишли бўлиб, уларнинг тирикчилиги асосан, шу кема оркали ўтарди; улар луқма нонни шу кема туфайли топишарди. Уша юртда ҳукмронлик қилаётган золим шоҳ турли сайёр кемаларни зўрлик билан тортиб оларди. Мен кемани тешиб, уни майиб қилдим. Золим шоҳ энди бу яроқсиз кемага тажовуз қилмайди. Йигитчани ўлдирдим. Сабаби шундаки, у улғайиб, куфр йўлига тушарди ва ўзининг мўмин ота-онасини ҳам куфр йўлига бошларди. Ҳақ таъоло амри билан уни ўлдирдим, токи кейинча уларга солих фарзанд насиб қилсин. Мен бузилган деворни таъмир қилдим. Чунки, унинг остида икки етимга тегишли бўлган хазина бор эди. Агар девор буткул тўкилиб кетса, хазина фош бўлиб, икки етим ундан бенасиб қоларди. Илоҳий ҳикмат бу хазинанинг етимларга етишини тақозо қиласди, бирвларга эмас...» Хизр (а.с.) Мусога (а.с.) шундай жавоб қилди.

МАСНАВИЙ

*Он, ки аз Ҳақ ёбад ў ваҳю жавоб,
Ҳар чи фармояд бувад айни савоб.*

ТАРЖИМА

*Кимки Ҳақдан олгай у ваҳю жавоб,
Неники амр айласа – айни савоб.*

ШАРХ

Ҳақ даргоҳидан ваҳй етгувчи ва ўз саволларига ёлғиз Худодан жавоб олгувчи пир муршиднинг ҳар нечук амр-фармони айни савобдир.

МАСНАВИЙ

*Он, ки жон баҳшад, агар бикишад равост,
Нойиб аст ў, дасти ў – дасти Худост.*

ТАРЖИМА

*Ким берар жон, олмак ҳаққи оники,
Нойиб ўлдир, дасти ҳам Оллоҳники.*

ШАРХ

Кимки одамларга жон бағишиласа, жон олмок ҳам үшанга раво. Зеро, у Худонинг нойиби ва валийси (дүсти)дир. У не иш қилмасин оқибати — тұғрилик. Дарвоқе, у айни Оллохнинг күлидир.

МАСНАВИЙ

*Ҳамчу Исмоил пешаш сар бинеҳ,
Шоду хандон пеши тегаш жон бидеҳ.*

ТАРЖИМА

*Сен-да Исмоил каби бош тик аён,
Шоду хандон тигига қыл садқа жон.*

ШАРХ

Исмоил алайхиссалом оталари Иброҳим алайхиссаломнинг хурзуларида нечук бош тикканидек, сенда ўз муршидинг қошида итоат ва таслим бошини этти, амр-фармонининг тиғига шоду хандонлик билан бор.

ИСМОИЛ АЛАЙХИССАЛОМ ҚИССАСИ

... Иброҳим алайхиссалом ўз аёли Ҳожар ва фарзанди Исмоилдан навбатдаги ҳол сұраш учун келганида тушида Оллоҳ таъюло Исмоилни (а.с.) курбон килишга буюрди. Иброҳим (а.с.) пайғамбарлар туши илохий вахий эканлигини яхши биларди. Шунинг учун Парвардигори амрига итоат этиб, қариган қофиды күрган ёлғиз фарзандини Оллоҳ йўлида курбон килишга азму карор қилди.

Фарзанди Исмоилнинг (а.с.) иймонини синааб кўриш мақсадида кўрган туши ва ўз қарорини унга айтди. Қалбини Оллоҳ иймон нури билан безаган Исмоил (а.с.) отасига қаратади:

— Эй ота! Оллоҳ сизга нимани буюрган бўлса, бажаринг. Мен сабрли кишилардан эканлигимга ишонч ҳосил қиласиз, — деди. Ота ва фарзанд Оллоҳ таъюло амрини бажариш учун белгиланган жойга келишиди. Исмоилни (а.с.) сўйишдан олдин, фарзандим юзини кўрмайин, деб унинг юзини ерга қаратиб, бўйнига пичоқ тортди. Лекин пичоқ илохий амрга итоат этиб, Исмоилнинг (а.с.) бўйини кесмади. Шу вақт Оллоҳ таъюло нидо қилиб:

— Эй Иброҳим! Фарзандингни сўйишдан тўхтагин. Сен синовдан ўтдинг. Парвардигоринг амрини бажаришга нечоғлик ихлосли ва итоатли эканлигинг синалди. Сен нажот топгувчилардан бўлдинг. Фарзандинг эвазига мана бу қўчкорни курбонлик қилгин, — деди. («Пайғамбарлар қиссаси» китобидан).

МАСНАВИЙ

*То бимонанд жонат хандон то абад,
Хамчу жони поки Аҳмад бо Аҳад.*

ТАРЖИМА

*Токи шод бўлсин бу жонинг то абад,
Мисли Аҳмад пок жони-ла Аҳад.*

ШАРҲ

Токи жонинг абадул-абад шоду хуррам бўлсин. Ҳазрат Мұхаммад Мустафонинг (с. а. в.) покиза жонлари ҳазрат Аҳадият билангина шоду хандон бўлгани каби.

МАСНАВИЙ

*Ошиқон жоми фараҳ он гаҳ кашанд,
Ки, ба дасти хеш хўбоншон кушанд.*

ТАРЖИМА

*Хўбларнинг тигида жон узсалар,
Шунда ошиқлар фараҳ базмин тузар.*

ШАРҲ

Бу байтни икки важҳ билан шарҳлаш мумкин:

Биринчи, ҳақиқий ошиқлар маъшуқа илкида қурбон бўлганидан сўнг, шодмонлик жомини сипкорадилар.

Иккинчи, ошиқ ўз маъшуқаси руҳини жисмидан жудо қилиб, ўз руҳи билан батамом кўшиб юборганидан сўнг, шодмонлик бодасидан сармаст бўлади.

МАСНАВИЙ

*Шоҳ он хун аз пай шаҳват накард,
Ту раҳо кун бадгумоний ва набард.*

ТАРЖИМА

*Бадгумонлик ҳамда ёзгирмоқ нечун?
Шоҳ уни ўлдирмади шаҳват учун.*

ШАРҲ

Шоҳ тўккан қон шахват ё хирс-ҳаво учун эмасди. Шундай экан, сен ҳам бадгумонлик билан ёзғириб юрма.



МАСНАВИЙ

*Ту гумон будай, ки кард олудагай,
Дар сафо гиш кай ҳилд полуудагай.*

ТАРЖИМА

*Сен гумон қилдинки, шоҳ нодон-да,
Пок нопок бўлмагай ҳеч чогда.*

ШАРХ

Сен гумон қилдингки, шоҳ ҳавои нафс ва ҳирси туфайли ўзини булғади. Йўқ. У ҳеч қачон бундай хаёлга бормади, унинг хаёллари маъсум ва гидирсиз эди. Шоҳ бундай қабоҳатга журъат қила олмасди.

МАСНАВИЙ

*Баҳри он аст ин риёзат, в-ин жафо,
То барорад кўра аз нуқра жудо.*

ТАРЖИМА

*Бу риёзат, бу машаққат, бу жафо
Айлагай тиллани ахлатдан жудо.*

ШАРХ

Бу риёзат ва ранж-машаққат нафсни поклаш учун. Риёзат кўрасига ўт ёқкувчилар кумуш, сийм ва тиллани хас-хашакдан тозалайдилар. (Тарийқат ва сулуқдаги риёзат рух гавҳарини ҳайвоний ва жисмоний занглардан, тийралиқдан пок этади).

МАСНАВИЙ

*Баҳри он аст имтиҳони неку бад,
То бижӯшад бар сар орад зар забад.*

ТАРЖИМА

*Кайнаса зарнинг чиқар зангорлари,
Имтиҳон — яхши-ёмон кирдорлари.*

ШАРХ

Яхшилик ва ёмонликнинг имтиҳони, тилла қайнатилгач, филлу ғашлари, кир-чирлари сатҳга қалқиб чиққанга ўхшаш бир ҳолдир. Тилла ана шу зайл қайнаб, риёзат чекиб пок, яъни соғ олтинга айланади.

МАСНАВИЙ

*Гар набудй кораш илҳоми Илоҳ,
Ў саге будй дарранда, на шоҳ.*

ТАРЖИМА

*Шоҳга бу илҳом Худодан эрди, бас,
Акс ҳолда ит эди, подшоҳ эмас.*

ШАРХ

Бу иш Оллоҳнинг шоҳга юборган илҳоми эди. Акс ҳолда, у дарранда итдан ўзга нарса бўлмай қоларди.

МАСНАВИЙ

*Пок буд аз шаҳвату ҳирсу ҳаво,
Нек кард ў, лек неки баднамо.*

ТАРЖИМА

*Йўқ эди унда на шаҳват, на ҳаво,
Яхшилик қилиди ва лекин баднамо.*

ШАРХ

Шоҳ шаҳват, ҳирсу ҳаводан йирок. Аслида у яхшилик қилди.
Аммо бу яхшилик зоҳирان баднамо, яъни хунук эди.

МАСНАВИЙ

*Гар Хизр дар баҳр қишитиро шикаст,
Сад дурустӣ дар шикасти Хизр ҳаст.*

ТАРЖИМА

*Гар Хизр дарёда тешди кемани,
Яхшиликдир Хизрнинг бу билгани.*

ШАРХ

Мисол тариқасида, Хизр соппа-соғ кемани дарёда синдириди.
Билингки, унинг бу амалида зиёда яхшиликлар бор эди.

МАСНАВИЙ

*Ваҳми Мусо бо ҳама нурӯ ҳунар,
Шуд аз он маҳҷуб, ту бепар, мапар.*

ТАРЖИМА

*Ҳазрати Мусо ҳунар ва нурлари,
Эй ҳавоийи, бўлдилар бекор бари.*

ШАРХ

Ҳатто ҳазрат Мусо (а.с.) шу қадар ақлу хирад ва нуроний мақомоти билан Хизрнинг (а.с.) асроридан огоҳ бўлолмади. Сен эса ишқ ва ҳимматдан қанот боғламай туриб, маъоний оламига парвоз қилмоқчи бўлдингми?

МАСНАВИЙ

*Он гули сурҳ аст, ту хунаш маҳон,
Масти ақл аст ў, ту мажнунаш маҳон.*

ТАРЖИМА

*Бу қизил гулдир, уни сен хун дема,
У ақлдан мастдир, Мажнун дема.*

ШАРХ

Заргарнинг қони ҳам маъноли, ҳам воқеан «қизил гул» эди. Сен уни «кон» дема. Яъни, заргарга нисбатан зулм бўлди, деб гумон қилма. Шоҳ эса, ақлдан мастдир, сенинг уни девона деморинг нораво. Иккинчи сатр сўфия ахлидан бўлган мажзублар ва Ҳак шайдолари ҳақида. Улар зохирда девонасифат бўлсалар-да, ботинан теран идрокли, халқ алами ва дунё ишларидан юз бурган зотлардир. Назари паст кимсалар уларни девона деб биладилар.

МАСНАВИЙ

*Гар будй хуни мусалмон коми ў,
Кофирам гар бурдаме ман номи ў.*

ТАРЖИМА

*Гар мусулмон қони эрса мақсади,
Номини тутсам бўлай кофир каби.*

ШАРХ

Агар шоҳнинг муроди бир мусулмоннинг қонини тўқмак бўлса, кофир бўлай, агар унинг номини тилга олсан...

МАСНАВИЙ

*Мебиларзад ариш аз мадҳи шақий,
Бадгумон гардад зи мадҳаи муттақий.*

ТАРЖИМА

*Ариш титрар мақталар эрса шақий,
Бадгумон бўлгай бу ҳолдан муттақий.*

ШАРХ

Тубан ва пастарин зотлар шаънига ҳамду санолар тўқилиб, мақтovлар сели ёғдирилса, арш титроққа тушади. Иккинчи сатрдаги пархезкор ва муттақийнинг бадгумонлиги хусусидаги фикр икки хил шархланади:

Биринчидан. Пархезкор ва муттақий зотлар таърифлагувчига нисбатан гумонли бўлиб қолишлари эҳтимолдан холи эмас. Зеро, пастарин кимсани мадҳ этаётган маддоҳ у тўккан қондан хушнуд эканини ифодалаётган бўлади.

Иккинчидан. Мадҳу маддоҳликнинг нафсга жиддий алоқаси бор. Зеро, кўнгилга ориз ва қулоқ орқали йўл бўлгани каби, кўнгилдан қулоқ ва оғизга ҳам йўл бор. Ва бу иккиси бир-бирига

ўзаро таъсир килади. Шу боисдан одамзод ҳар қанча покдил ва парҳезкор бўлмасин, турли сўзу сухандондан таъсиrlаниши, бу, ўз навбатида, бадгумонликка сабаб бўлиши мумкин. Мазкур байт қўйидаги муборак ҳадисга ишорат қилади: «Иза мудихал фасику ғозибар Роббу ваҳтаззали золикал аршу». (Ҳар қачон тубан кимсалар мадҳ этилса, Ҳудо ғазабга келади. Унинг ғазабидан арш титроққа тушади).

МАСНАВИЙ

*Шоҳ буду шоҳи бас огоҳ буд,
Хос буду хосаи Оллоҳ буд.*

ТАРЖИМА

*Шоҳ эди у, шоҳким огоҳ эди,
Хос эди у, хосаи Оллоҳ эди.*

ШАРХ

У шоҳ эди. Бироқ бафоят доно ва огоҳ шод эди. У Оллоҳнинг дўстларидан, хос бандаларидан эди.

МАСНАВИЙ

*Он касеро каш чунин шоҳе кушад,
Сўй баҳту беҳтарин жоҳе кашад.*

ТАРЖИМА

*Гар сени ўлдирса шундай подшоҳ,
Толеинг шул, шул эрур омад ва жоҳ.*

ШАРХ

Шундай доно ва хос шоҳнинг илкида қурбон бўлган кимса, ҳақиқатда омадлидир. Зоро, бундай «қотил» мақтулни некбахтлик ва олий макомга томон элтади.

МАСНАВИЙ

*Гар наидий суди ў дар қаҳри ў,
Кай шудй он лутфи мутлақ, қаҳржў?*

ТАРЖИМА

*Қаҳрида гар кўрмаганда манфаат.
Қилмас эрди бу латиф зот унга қасд.*

ШАРХ

Агар-да шох унинг қатлида айни унинг ўзи учун нафъ ва манфаат борлигини билмагандан, фоятда латиф ва холис табиатли ҳукмдор шубҳасиз унинг жонига қасд қилмаган бўларди. Хулоса шулки, Ҳақ таъоло буюк лутф соҳибидир, унинг қаҳр-ғазаби сабабсиз эмас ва қачонки бандага нисбатан қаҳр-ғазаб қилса, бу қаҳр лутф-марҳаматдан холи эмас.

МАСНАВИЙ

*Бачча меларзад аз он неши ҳажом,
Модари мушфиқ дар он гам шодком.*

ТАРЖИМА

*Титрагай мургак табибнинг нишидан,
Мушфиқ она шоддир бул ишидан.*

ШАРХ

Бемор бола табиб ё бирор нажоткорнинг унга санчмоқчи бўлган нишидан кўрқиб титрайди. Мехрибон онаси эса бетоб боласининг ахволини кўриб туриб қайғуга ботган бўлса, унинг сиҳат топиши умидида шод бўлади. Хулоса шулки, агар Ҳақ таъоло даргоҳидан бирор шахсга бало келса, у кўрқади ва ўзини йўқотиб қўяди. Бироқ боланинг сир-асоридан огоҳ муршид ё закий зот балога сабр қилиш билан бирга қайғуга ўрин қолдирмайди, аксинча, хушҳол бўлади.

МАСНАВИЙ

*Нийм жон бистонаду сад жон диҳад,
Он, ки дар ваҳмат наёяд он диҳат.*

ТАРЖИМА

*Олгач у яримта жон, юз жон берар,
Сигмагай ақлингга юз чандон берар.*

ШАРХ

Ҳақ таъоло сенинг заиф жонингни олади ва унинг эвазига юз жон беради. Ақлингга сира сифмаган нарсаларни насиба-рӯзи айлайди. Иккинчи мисра қуйидаги ҳадисга ишоратдир: «Қолаллоҳу таъоло: «Аъдадту лиибадияс-солихийна мала айнун раат ва ла узунун самиат ва ла хоторо ўала қалби башарин». («Ҳақ таъоло буюрмишдир: «Ўзимнинг солиҳ ва хос бандаларимга шундай мукофотлар ҳозирлагандирманки, на бирор кўз уни кўрибди, на бирор қулок уни эшитибди, на бирор кўнгилдан у кечибди»).

МАСНАВИЙ

*Ту қиёс аз хеш мегирй ва лек,
Дур-дур афтодай, бингар ту нек.*

ТАРЖИМА

*Бир ўзингдан сен қиёс қилдинг, бироқ,
Кўп ишроқдирсан, ишроқдирсан, ишроқ...*

ШАРХ

Сен Оллоҳ ва унинг валийлари амалини ўз амалинг, кирдиқорингга қиёс қилмоқчи бўласан. Аслида ҳақиқатдан жуда-жуда ишроқдирсан. Кимки моддиёт ва башарият зиндонида қолган экан, у Ҳакқа етишган зотлар ва ҳақиқий комилларнинг сир-асрорини билишга қодир эмасдир.

БАҚКОЛ, УНИНГ ТЎТИСИ ВА ТЎТИНИНГ ДЎКОНГА МОЙ ТЎКИБ ҚЎЙИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

ХУЛОСА

Бир баққолнинг чиройли ва хушнаво тўтиси бор эди. Тўти муштариylар билан инжа тилда сўзлашар ва уларни хурсанд қиласди. Ҳар гал баққол дўконни тарк этганда тўти дўконга соҳиб бўларди. Қунларнинг бирида тўти дўкон ичидаги парвоз қилди ва гул мойи шишаларини синдириб юборди. Ер билан битта бўлиб мой тўкилди. Дўконга қайтган баққол бу ҳолни кўриб шу қадар фазабландики, тўтининг нақ бошига зарб билан уриб, парларини тўзгитиб юборди. Шўрлик тўти бу зарбдан бир неча кун ўзига келолмади ва ҳатто нутқини ҳам фаромуш қилди.

Бир кун дўкон наэзидан боши пўстланган тухумдек тос (кал) одам ўтиб қолди. Шунда тўти тилга кириб бояги кишидан сўради: «Сен ҳам мой шишасини синдириб қўйдингми?» Тўтининг бу гапини эшитган кишилар унинг соддаларча қиёсидан мириқиб кулдилар. Тўти парлари тўкилган бошини бояти кишининг туксиз бошига қиёс қилган эди.

Никлсон дейди: «Бу достон (ҳикоят) Шарқ ҳалқлари, хусусан, араб адабиётига хос «Маснавий»даги биринчи ривоят. Омма орасида хийла машҳурдир».

Мавлоно ушбу ҳикоят давомида ғоят зариф урфоний нукталар, гўзал ўхшатишлардан мохирона фойдаланади.

МАСНАВИЙ

*Буд баққолеву вайро тўтие,
Хушнавое, сабз, гўё тўтие.*

ТАРЖИМА

*Бор эди баққол ва онинг тұтиси,
Хушнаво, гүё ва зангордир туси.*

ШАРХ

Бурунги замонда бир баққол бўлиб, унинг ғоят хушнаво, зангор тусли тұтиси бор эди.

МАСНАВИЙ

*Дар дўкон бўдӣ нигаҳбони дўкон,
Нукта гуфтӣ бо ҳама савдогарон.*

ТАРЖИМА

*Эрди огоҳ ул дўконнинг ҳолидан,
Сўйлашарди аҳли савдолар билан.*

ШАРХ

Тўти дўконнинг қўриқчиси эди. Муштариylар билан латиф ва зариф тилда сухбат қуарди.

МАСНАВИЙ

*Дар хитоби одами нотиқ будӣ,
Дар навой тўтиён ҳозиқ будӣ.*

ТАРЖИМА

*Одамий зот лафзида нотиқ эди,
Тўтилар оҳангизда ҳозиқ эди.*

ШАРХ

Тўти одамлар билан уларнинг тилида муколама килса, тўтилар билан «сўйлашув»да ҳам ғоят мохир эди.

МАСНАВИЙ

*Жаст аз сўй дўкон, сўе гурехт,
Шишаҳои равғани гулро бирехт.*

ТАРЖИМА

*Бир куни тўти дўконда учди гир,
Гул мойин шишаларин синдириди чил.*

ШАРХ

Кунларнинг бирида баққол дўконда тўтини ёлғиз қолдириб, уйига кетди. Шунда тўти назарида гўё мушук ҳамла қилаётгандек туюлиб, дўкон ичида гир айланиб уча бошлади ва оқибатда гул мойи шишалари ерга тушиб, чил-чил синди.

МАСНАВИЙ

*Аз сўи хона биёмад хўжааш,
Бар дўкон биниаст фориг, хўжаваш.*

ТАРЖИМА

*Хўжа қайтиб келди уйдан хўжадек,
Келди-ю, ўлтириди дўкон ичра тек.*

ШАРХ

Тўтининг соҳиби уйидан осудалик билан қайтиб келди ва хўжаларга хос улуғворлик билан дўконга кириб, ўз ўрнига ўтириди.

МАСНАВИЙ

*Дид пурравган дўкон ва жома чарб,
Бар сарашиб зад, гашт тўти кал зи зарб.*

ТАРЖИМА

*Кўрди жиққа мой дўкону жомалар,
Бошига зарб бирла урди, қилди кал.*

ШАРХ

Баққол кўрдикси, дўкон ва энгил-боши жиққа мойга беланган. Фазабга минди ва тўтининг бошига зарб билан муштлади. Бечора тўтининг бошидаги туклари тўзиб, кал бўлиб қолди. Бу ўринда «кал» сўзининг иккинчи маъноси ҳам бор: араб тилида тилдан қолмоқ, хомуш бўлмоқ ҳолатига «калилул лисон» ибораси қўлланилади.

МАСНАВИЙ

*Рўз, ки чанде сухан кумтоҳ кард,
Марди баққол аз надомат оҳ кард.*

ТАРЖИМА

*Неча кун тилдан қолиб бечора қуш,
Оҳ уриб, баққол бошидан учди ҳуш.*

ШАРХ

Бечора тұты тилдан қолиб, бир неча күн хомуш бўлди. Унинг бу ахволини кўриб, баққол қаттиқ пушаймон бўлди.

МАСНАВИЙ

*Риши бармеканду мегуфт: «Ҳай, дариг!
К-офтоби неъматам шуд зери мег.*

ТАРЖИМА

*«Ҳай, дариг! — деб юлди соқол, сочини, —
Тунд булут синдириди офтоб жомини.*

ШАРХ

Баққол қилган ишидан пушаймон бўлиб, соч-соқолини юлиб, фарёд чекди. Тилдан қолган тұтинг ҳолати унга қаттиқ таъсир қилди. Улур бир неъматим зойил бўлди, дерди баққол.

МАСНАВИЙ

*Дасти ман бишкаста будй он замон,
Чун задам ман бар сари он хушзабон».*

ТАРЖИМА

*Кошки синса эрди илким ул замон,
Колмас эрди шояд тилдан хушзабон».*

ШАРХ

«Эҳ, кошки — дерди шўрлик баққол — уни ургунимча қўлим синса бўлмасмиди...»

МАСНАВИЙ

*Ҳадяҳо медод ҳар дарвешро,
То биёбад нутқи мурги хешро.*

ТАРЖИМА

*Тұты нутқын қайтараі деб аслига,
Ҳадялар берди қаландар аҳлига.*

ШАРХ

Баққол тұтими тилга қайтариш учун дарвешлар, бева-бечора-ларга ҳадя тақсим этди.

МАСНАВИЙ

*Баъди се рўзу се шаб ҳайрону зор,
Бар дўкон бинишаста бун навмедвор.*

ТАРЖИМА

*Уч туну кун ўтди, лек ҳайрону зор,
Чўкди дўкон ичра баққол бекарор.*

ШАРХ

Уч кеча-кундуз ўтди. Тўтининг ахволида ўзгариш бўлмади.
Умидсиз баққол хомуш дўкон ичига чўкди.

МАСНАВИЙ

*Менамуд он мурғро ҳар гун шугуфт,
То, ки бошад к-он дарояд ў багуфт.*

ТАРЖИМА

*Кошки сўзлай қолса қуш деб бекадар,
Хайратангиз нарсаларни кўрсатар.*

ШАРХ

Баққол хомуш тортиб қолган шакарзабон тўтисини яна тилга киритиш мақсадида уни хурушга келтириб, сайратиб юборадиган нақш-нигор, манзара ва турли ҳайратомуз нарсаларни кўрсатар эди.

МАСНАВИЙ

*Жавлиқое сарбараҳна мегузашт,
Бо сари бемў чу пушти тосу ташт.*

ТАРЖИМА

*Бир қаландар ўтди бу ердан шу чоқ,
Тос каби кал эрди боши ялтироқ.*

ШАРХ

Кунларнинг бирида дўконнинг ёнидан боши тосдек йилтилла-
ган кал дарвеш ўтиб қолди.

МАСНАВИЙ

*Тұты андар гүфт омад дар замон,
Бонг бар дарвеш зад, ки: «Хей, фалон...»*

ТАРЖИМА

*Тұты ногоҳ тилга кирди шул замон,
Бонг урди: «Хей фалончи, ҳей фалон!..»*

ШАРХ

Дүкөн ёнидан үтиб бораётган тепакал дарвешни күриб қолған
тұты ногаҳон тилга кириб деди: «Хей, фалончи!..

МАСНАВИЙ

*Аз чи, эй кал, бо калон омехті?
Ту магар аз шиша равған рехті?»*

ТАРЖИМА

*Нечун, эй кал, сен да каллар ичрасен?
Еки синдириңгіш гүлмой шишиасин?»*

ШАРХ

Нима сабабдан, эй кал, сен каллар сафига қүшилдинг? Іхуд
сен ҳам мой шишиасини синдириңгіш?»

МАСНАВИЙ

*Аз қиёсдан ханда омад халқро,
К-ү, чу худ пиндошт соғыбдалқро.*

ТАРЖИМА

*Бу қиёсдан халқ келди күлгига,
Тұты үхшатғанди кални үзига.*

ШАРХ

Шүрлик тұты кални үзига қиёс қылғани учун теварак-атроф-
даги халойиқ күлдилар. (Хулоса шуки, ҳодисаларнинг бир-
бировига монандлиги уларнинг ягоналигига далил бўла олмай-
ди).

МАСНАВИЙ

*Кори поконро қиёс аз худ магир,
Гарчи монад дар набиштан шеру шир.*

ТАРЖИМА

*Покларга ўзни қиёс айлама,
«Шер»у «шир»ни нуктада бирдир дема.*

ШАРХ

Авлиёуллохнинг амалини ўз касб-корингга қиёс қилма. Агарчи «шер» (хайвон) ва «шир» (сут) сўзлари бир хил ёзилса-да. Мавлоно ҳазратлари араб ёзувида бир хил шаклда ифодаланувчи иккита айрича маъноли сўзларни қиёс этмоқда. «شیر» ёзуви йиртқич хайвонни ва сутни ифода этади. Шаклан улар бир хил, аммо мутлако қиёс қилиб бўлмас даражада бир-биридан узок ҳодисалардир.

МАСНАВИЙ

*Жумла олам з-ин сабаб гумроҳ шуд,
Кам касе з-абдоли Ҳақ огоҳ шуд.*

ТАРЖИМА

*Халқи олам шул сабаб гумроҳдир,
Кам киши абдолдан огоҳдир.*

ШАРХ

Дунё аҳли ўз амаллари ва нафсларини пок зотларнинг афъолига қиёс этганлари боисидан гумроҳ бўлдилар. Камдан-кам зотлар Ҳақ таъоло абдолларидан огоҳ. Шайхул акбар Мухайддин Арабий «Футухоти Маккийя» китобларида ёзадилар: «**Абдол** авлиёларнинг шундай бир тоифасики Оллоҳ етти иқлимни улардан етти нафарнинг покиза вужуди воситасида хифз-химоят қилиб туради. Ба улар етти иқлимдиirlар. Бири – Халилуллоҳ; иккинчиси – Калим; учинчиси – Хорун; тўртингчиси – Идрис; бешинчиси – Юсуф; олтинчиси – Ийсо; еттинчиси – Одам алайхиссалом. Улар шунинг учун абдол дейиладиларки, бордию улардан бири ўз жойларини тарк этсалар, ўринларига бадалларини қолдирадилар». Бу ўринда гап мутлако авлиёуллоҳ хусусида бормоқда. Баъзи муҳакқиқлар «абдол»ни қуидагича шарҳлаганлар. Абдоллар инсониятга зарар етказувчи жамийки қабиҳ хислатларни эзгу улухий сифатлар воситасида бадал қилганлар.

МАСНАВИЙ

*Хамсарий бо анбиё бартоштанд,
Авлиёро ҳамчу худ пиндоштанд.*

ТАРЖИМА

*Анбиёга ўзни тенглар эдилар,
Авлиёга ўзни менгзар эдилар.*

ШАРХ

Авом ўзини авлиёга қиёслашни хуш күради. Ўзининг наслу насаби, иззатли боболари билан талтаймаган одамни учратганмисиз?

МАСНАВИЙ

*Пас чу ваҳший шуд аз он дам одамий
Кай бувад маъзур, эй Ёри самий.*

ТАРЖИМАСИ

*Чунки ваҳший ўлди ул дам одамий
Ким, нечук маъзур ўлур, Ёри самий.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чунки одам фарзанди ваҳшийга айланди. Эй олижаноб дүст, энди уни кечириб бўлмайди.

ШАРХ

Анбиёи азом ва авлиёи киром воситасида таблиғ ва эълон бўлган (яъни маълум-муқаррар бўлган. — Тарж.) Раббоний иродотга (конуниятга) қарши қўзгалган кимса қандай қилиб Оллоҳ таъоло мағфиратига умид қилиши мумкин? Бундай ваҳшоний ва гайриодамийликка ружу қилган кимса маъзур тутилса, (Оллоҳ асрасин) ҳар касу нокас исталган ожизни қатл этиши, қўнгли тусаган ёвузликларга кўл уриши, турли-туман маъсиятларни тап тортмай адо этиши муқаррар. Оқибати хол, инсоният жамоасида ҳукм сурган осойишталик ва интизомга жиддий путур етади.

МАСНАВИЙ

*Ложарам куффорро шуд хун мабоҳ,
Ҳамчу ваҳший пеши нишобу рамоҳ.*

ТАРЖИМА

*Бўлди куффор қони лобуддин ҳалол,
Тийгу нишоб ўнгидა ваҳший мисол.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ночорликдан, балки зарурат ёхуд шароит тақозоси ила куффорнинг қони исканжада қолган ваҳший ҳайвоннинг қони янглиғ ҳалол бўлди, у баайни заҳарли ўқ ёхуд найза тифи рўпарасида турган даррандадир.

ШАРХ

Қони мубоҳ (яъни заруратан ҳалол) бўлган ҳайвондан мурод — ваҳший ҳайвон каби одамзод қонини тўккан, катл ва ғазабнинг сўқир отига мингган госиблар, мухориб ва жонийлардир. Йўқса, инсониятга зарар етказмайдиган, келишув ва аҳднома, балки итоатда бўлганлар шаръян ва аклан катлу қазодан қуллиян маҳфуздирлар. Ҳатто Оллоҳ мукаррам ва азиз бир маҳлук қилиб яратган инсонгина эмас, балки оддий бир марқаб ва ҳар навъ ҳайвон юқорида қайд этилган каби ваҳший ва зараркунанда бўлмаган тақдирда мўътабар шаръ қонунлари тақозосига биноан ҳоли ҳаётлик чоғида амн ва омонлик доирасига дахлдордирлар.

МАСНАВИЙ

*Жуфту фарзандонашон жумла сабил,
Зонки беақланд, мардуду залил.*

ТАРЖИМА

*Жуфту авлоди эрур жумла сабил,
Боиси беақлдир, мардуд, залил.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Уларнинг завжалари (хотинлари) ва авлодлари комилан ҳалолдир, зеро, улар ақлсиз, мардуд ва залилдирлар.

ШАРХ

Инсонларни қатл ва хароб этувчи, итоатдан хориждаги ёвуз кимсалардан башарият жамиятини муҳофаза қилмоқ, кўпчилик маъқул кўрган фикр асосида машруъ суратда (яъни шариат қонунлари билан) уларни жазоламоқ ва жавобгар этмоқ, ниҳоят бу тоифадан аёллар ва болаларни ҳалос айламоқ ҳалолдир.

МАСНАВИЙ

*Боз ақл кү? Рамид аз ақл ақл,
Кард аз ақл ба ҳайвонот нақл.*

ТАРЖИМА

*Ақл қайды? Ақлдан озды ақл,
Айлади ҳайвонга ақлдан нақл.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ақл қаёқда дейсиз? Ақлнинг ўзи ақлдан озды. Ақлдан ақл кетди. Агар унинг ақллиги чин бўлганда ҳайвонга ақлдан нақл айлармиди?

ШАРХ

Ҳар нечук зот ақли кулл сохиби бўлган Ҳақ таъоло ҳазратларининг фармон ва буйруклари доирасидан тажовуз этса, ёхуд билиб туриб, ақлдан ё қасддан бу доира ҳудудларини тарк этса, ҳайвон қавмига дохил бўлади. Яъни у мартабай олияи ақлия ва даражай жалилияи инсониядан сокит бўлиб, ҳайвон мисоли бир инсони мазарратмоилга айланади.

ХОРУТ ВА МОРУТ НОМЛИ ИККИ ФАРИШТАНИНГ ЎЗ ИСМАТ ВА ИФФАТЛАРИГА ЭЪТИМОД ЭТИБ, АҲЛИ ДУНЁГА РАЁСАТ ЭТМАК Даъволари ва ФИТНАГА ГИРИФТОР БЎЛГАНЛИКЛАРИ БАЁНИДА

МАСНАВИЙ

*Ҳамчу Хоруту чу Морутни шаҳиyr,
Аз батур хурданд заҳролуд тиyr.*

ТАРЖИМА

*Мисли Хорут, мисли Морутким шаҳиyr,
Кибрдан хўб топдилар огули тиyr.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Фоятда машхур бўлган фаришталар Ҳорут ва Морут кибру турурлари туфайлидан заҳарли ўқка гирифторм бўлдилар, яъни уларнинг такаббурлиги ўз жонларига жазо бўлди.

ШАРХ

Куръони каримнинг «Бақара» сурасидаги 102-оятда номлари эслатилган малаклар Ҳорут ва Морут Арш Аълодаги суюкли маҳлуқлардан эди. Бу икки малак хусусида қуйидаги ривоят машҳурдир. Икки фаришта ҳануз олами малакутда истиқомат этар эканлар, инсонларнинг баъзи ахволи номарзияларини кўриб, камоли кибр ва фуур билан шундай дедилар: «Бизлар дунёда бўлсан эдик, бундай гайрилойик харакатни қилмасдик...»

Бу кибру даъволари узра Ҳақ таъоло ҳазратлари уларни ер юзига юборди. Зухра исмли ҳусн-малоҳатда тенгсиз, кўрганларга фалокатнома ва бало бўлгувчи бир аёл бор эди.

Икки малак бу оғатангиз маҳлук ишқига асир бўлиб, унинг ҳар нечук амрига бўйсунадилар. Ишрат, зино ва турли маъсият балчиғига булғаниб, ким ва қаёқдан эканликларин ҳам батамом унугдилар. Муқаддам инсонларга таънаандоз бўлган Ҳорут ва Морут жаноби Ҳакнинг марҳаматидан мардуд, бир фалокат чохи ичинда маслуб ва бенаво бўлдилар.

МАСНАВИЙ

*Эътимод буд-шон бар қуддуси хеш,
Чист бар шер эътимоди гови меш?*

ТАРЖИМА

*Эътимод қилди улар «покмиз» дебон
Шерга говмиши эътимод этиди қачон?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Уларнинг ўз қуддусият ва таҳоратларига (яъни покликларига, бенуқсон ва беайб эканликларига) теран ишонч-эътимодлари бор эди. Бироқ говмишнинг (сигирнинг) арслонга нечук эътимоди бўлмоғи мумкин?

ШАРХ

Қазо – тақдир шерига нисбатан говмиш каби мағлуб бўлган фаришта ва соир маҳлуқотнинг ўз қудрат ва таҳоратларига эътимод этмоқлари буюк хато, шоёни уқубат ва доъий жазодир. Бинобарин, бирор кимса ўз иқтидорига мағрур бўлмасдан, саломат, саодат ва иффатни ҳамиша лутфи Самадонийдан (илохий лутф) умид қилиб, ана шу тариқа муроду муддаоси ҳосил бўлсин.

МАСНАВИЙ

*Гарчи у бо шох сад чора кунад,
Шохи шохаши шери нар пора кунад.*

ТАРЖИМА

*Гарчи шохи бирла юз чора қилар,
Наррашер шох-шохини пора қилар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Гарчи говмиш шохи билан юз чора айлар бүлса-да, лекин эркак арслон унинг минг шохи бүлса ҳам пора-пора айлайди.

ШАРХ

Инсон жузъий акл ва турфа ҳайвонот уларга Яраттувчи инъом эттан иқтидорлари билан ўзларига оид дунёвий ва ухравий ишларда юз навъ чора-тадбирни кўрсалар-да Оллоҳ тақдири қазосининг шери ўз қудратини намоён эттан маҳалда жузъий инсоний акл маҳв ва фано бўлади ва ёлғиз Раббоний қудратнинг ҳукму муқтазоси майдонида қолади. Бинобарин, жузъий акл соҳиби бўлган кимса, ўз акл, иқтидор ва қуддусиятига эътиmod этмасдан, ҳамиша ожизлигини билиб, Ҳақ таъоло ҳазратларининг марҳматига истинод айлайди.

МАСНАВИЙ

*Бар заъифии гиёҳ он боди тунд,
Раҳм кард, эй дил, ту аз қувват малунд.*

ТАРЖИМА

*Бир гиёҳга раҳм этар бул бодни кўр,
Эй кўнгил, сен қувватингдан лоф ур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Фоятда тунд ва қавий бўлган бод — шамол гиёҳнинг табиий заифлиги боисдан унга раҳм айлади, сен, эй кўнгил, ўз қудратнинг хусусида лоф ур! (Байтнинг аслида Мавлоно ҳазратлари кўнгулга хитоб килганларида «малунд», яъни «лоф ур», ёхуд «сўйла» маъносига яқин сўзни қўллаганлар. Мушоҳирҳ Обиддин Пашшо «мундидан» феълига изоҳ берар эканлар, бу сўзни ҳам «сўйламоқ», «алжимоқ» маънолари борлигини қайд этганлар. — Тарж.).

ШАРХ

Табиат — Оллоҳнинг кудрат қўли яратган буюк мўъжиза. Унинг бағрида кечётган ҳодисалар илоҳий низом маҳсули бўлиб, хеч бир унсур бошқа бир жузънинг ҳаётига дахолат этмайди. Бу буюк низом фақат Яратганинг фармони олиясига тобеъдир. Уни бузиб-тузувчи ҳам кудрати Раббонийнинг ўзири. Байти шарифда кузатилган ҳодиса инсон учун бехад ибратлидир. Карангки, кудрати билан денгизларни ўз ўрнидан қўзғатувчи, улкан дараҳтлар ва биноларни таг-туби билан қўпорувчи тунд шамол оддий, заиф майсаларга шафқат ва мурувват кўрсатади. Табиатда бенихоя кудратли кучлар сафида бағоят ожиз унсурлар ҳам мўл-кўллар. Юқорида қайд этилган илоҳий низом бу ҳодисалар бир-бирови устидан мустабидларча ҳукмронлик ўрнатишига изн бермайди. Низом Раббининг иродаси илкида. Низом Ҳакнинг назари доирасида. Шундай экан, юқоридаги байт шарҳида айтилганидек, акли жузъ сохиби бўлган инсоннинг ўз кудрат қўли, тенгсиз қуввати хақидаги ҳом хаёллари пучдир.

МАСНАВИЙ

*Тешаро з-анбуҳии шохи дарахт
Кай ҳарос ояд, бибурад лахт-лахт.*

ТАРЖИМА

*Канча сершоҳ бўлмасин дову дарахт.
Теша қўрқмас, қилгай они лахт-лахт.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ёғоч ёхуд дарахт шохларининг касратидан тешага ҳеч қандай хавф етмайди. Билакс, теша дарахт шохларини парча-парча айлади.

ШАРХ

Инсон зотининг касрати, яъни қўплиги, ёхуд алоҳида бир сохибқудрат зот жорий этган тартиб-қавоиддан Тангри таъолонинг казо тешасига хавф ёки заифлик етмайди. Асло. Яратган Оллоҳ борлиқдаги жамийки маҳлукотни ўз ҳикмати — асбоби касираси билан маҳв ва фано айлади.

МАСНАВИЙ

*Лек, бар барга нагӯяд хешро,
Жуз, ки бар неше нагӯяд нешро.*

ТАРЖИМА

*Лек, ҳатто баргга ўздан сўйламас,
Нишга нишдан сўйламакни ўйламас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Оддий ва заиф бир япроққа ўзининг бетимсол қудрати ҳақида лофт урмайди. Оддий ва заиф бир япроқ у ёкда турсин, ҳатто ўзининг кескир дами хусусида чопқир ва синмас бошқа бир нишга сир бермайди, ўзининг беомон тиги билан даҳшат солмайди.

ШАРХ

Оллоҳнинг тақдирига нисбатан заковат ва қудрати даъвосини қилганлар ўз ожизлигини англасалар, қудрати илохий қошида ҳасдек ноҷиз эканликларини ҳис қиласалар, раҳмат ва саодатга ноил бўлғусидирлар.

МАСНАВИЙ

*Шўйларо аз анбуҳи ҳезум чи гам,
Кай рамад қассоб аз хайли ганам.*

ТАРЖИМА

*Ўт ўтиннинг касратидан гам емас,
Кўрқса қассоб подадан қассоб эмас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Олов шуъласи ёхуд ўт ўтиннинг нечоғли мўл эканидан ғам евъайди. Ўтин ҳар қанча кўп бўлмасин олов «еб» юборади. Инчунин, қассоб ҳар нечук жонлик тўдасидан ҳайикмайди.

ШАРХ

Бу нуктада гап илохий қаҳр ҳақида бормоқда: «Қаҳҳор» сифатли Оллоҳ учун ҳар қандай куч ё нарсанинг мўл-кўллиги хеч нарсани англатмайди. Илохий қудрат қошида азаматлар ожиз, қудратлар забун, кувватлар хордир. Шунингдек, инсонлар жамоаси ҳам Оллоҳ салтанати фуқароларириким, бу салтанат қулларининг исёни ҳам, ибодати ҳам Оллоҳ шукухига ҳасчалик таъсир этолмайди. «Ва ҳува ала қулли шайъин қодийр» ояти каримасида буюрилганидек, «У (Оллоҳ) ҳар нарсага кодирдир».

МАСНАВИЙ

*Пеши маъний чист суврат, бас забун,
Чархро маънияш медорад нигун.*

ТАРЖИМА

*Маъни наздида сувар не, бас, забун,
Чархни маъниси тутгайдир нигун.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Маънонинг наздида сувратнинг қиммати нечоғлик? Ҳеч. У тоғоятда забундир. Одатда чархнинг бош қисми – бошоги айланиши воситасида ип йигирилади, яъни чархнинг бош қисми – унинг маъно моҳияти бўлиб, у бутун чархни ҳаракатга келтиради.

ШАРХ

Ақл суврати унинг асарлари бўлиб, моддий сувратлардир. Қазойи илохий эса, жисман ва маънан кўзга кўринмасдир. Маънининг ёнида сувар ва моддиёт зоил хаёл каби бесубот бўлгани боисидан исбот талаб қилмасдир. Масалан, самовий жисмларга ҳаракатлари билан жисман иллат келтирган кўринмас маъни ва кудрати илохийдир. Агар сен оқил бўлсанг, асл ҳақиқат бўлган маънидан холий ва орий қолма!

МАСНАВИЙ

*Ту қиёс аз чархи дўлобий бигир,
Гардишааш аз кист? Аз ақли машир.*

ТАРЖИМА

*Сен чигир ё чархдан олгил қиёс,
Гардиши недан? Ақлдандир, холос.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сен чархга назар сол ва ундан қиёс ол. Хўш, унинг мунтазам бу ҳаракати недан? Ким туфайли? Оламларни ўз кудрат ва куввати Раббонийси билан яратган ақли куллдандир.

ШАРХ

Ақл ва идрокдан орий бўлган ажроми самовиянинг давру ҳаракатларига назар солгин-да, кудрати Раббониядан ҳайратда

кол. Зеро, у қудрат ва ҳикмати Худо мавжуд бўлмаса, самовий жисмларнинг бу қадар суръат ва интизом билан жараён ва даврони мумкин эмасдир.

МАСНАВИЙ

*Гардиши ин қолаби ҳамчу сипар,
Хаст аз руҳи мусаттар, эй писар.*

ТАРЖИМА

*Айни қалқондек баданинг гардиши,
Эй ўғил, пинҳона бир руҳнинг иши.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Қалқон каби инсон бадани қолипининг гардиши яширин руҳдандир, эй фарзандим!

ШАРХ

Инсон зоти айрича бир олам бўлиб, самовий жисмлар илохий амр воситасида нечук ҳаракат қиласа, маънавий руҳнинг файзи туфайли бадан ҳаракат қиласи. Бордию инсон маънавий руҳдан мосуво бўлса, яъни айрилса бадан лошга айланаб, ҳаракатсиз колади. Бу исбот лозим бўлмаган очик ҳакиқатдир.

МАСНАВИЙ

*Гардиши ин бод аз маъний ўст,
Ҳамчу чархе к-он асири оби жўст.*

ТАРЖИМА

*Боднинг гардишидир маънисидан,
Мисли чархким айланур сув измидан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу рўзгор гардиши ва ҳаракати жаноби Оллоҳнинг ҳикмат ва маънисидандир. У бир чарх каби ирмоқ сувидан ҳаракатланар ва айни шу сувга асиридир.

ШАРХ

Махлуқнинг кифоят этгулик ҳаракати учун жаноби Ҳақ сувратан кўзга кўринмас бир қудратли асбобни яратиб, ҳар бир

нарсани эхе айлади (яъни тирилтириди, харакатга келтирди). Бинобарин, ҳар бир харакатда маъни ва фармони Самадония бордир. Оқил инсоннинг суврати ичинда (яъни ботинида) ҳақиқати ошкора бўлади.

МАСНАВИЙ

*Жарру мадду дахлу ҳаржи ин нафас,
Аз кий бошад, жуз зи жони пурҳавас.*

ТАРЖИМА

*Пурҳавас жондан бўлак кимнинг иши,
Бу нафаснинг тандаги тинсиз гардиши.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу нафаснинг жарру мадди (чуқурлиги ва узунлиги), духули ва хуружи (кириши ва чиқиши) ҳавасга тўлик жондан ўзга кимнинг иши? Тандаги жондан ўзга ким нафасни ҳаракатга солади?

ШАРХ

Рух сохиби бўлган маҳлукотнинг ҳаёти, анбиёи зишон ва авлиёи киромнинг ҳаётбахш нафаслари, жумла кавну маконнинг ҳаракати Яраттuvчининг маънавий амр-фармони туфайли вужудга келади. Бу буюк ва тенгизиз ихтиродир. Ҳақ таъоло ҳазратлари ҳар бир маҳлукотнинг ҳаракати ва анвойи ахволи учун кўплаб асбобни яратди. Масалан, Ер куррасида бўлган унсурлардан бир микдори қуёш ҳарорати туфайли ҳавога сингиб, булут ва ёмғирга айланади. Жоҳиллар ва мункирлар ёмғирнинг вужуди нузулини мухтасаран зоҳирий сабаблар воситасида билса, оқил ва ориф, аввало, сувнинг қуёш каби кўплаб сабаблар или вужудга келиши, шундан сўнг ернинг тирилиши (эҳёи арз) учун ёмғирнинг ҳосил қилинишини Ҳақ таъолодан деб иймон келтиради. Бу ҳақиқат мувассаҳ (кенг) суратда англашилиши учун яна бир мисол келтириб ўтамиз. Бир камолотта етишган котиб ҳаёлангиз қалами воситасида кўплаб марварид ва дури ақиқни қофоз узра акс эттиради. Жоҳил ва ёш бола котибнинг бармоқлари ва хомасига таажжуб назари билан боқади. Оқил ва ориф эса бармоқ ва қаламга эмас, котибнинг файриоддий ва маънавий ақл-заковатига фикран назар этадилар. Алхосил, ҳаёт ва ҳаракат кўринимас рух ва маънидан бунёдга келади.

МАСНАВИЙ

*Гоҳ «жийм»аш мекунад гаҳ «ҳо»ю «дол»,
Гоҳ «сулҳ»аш мекунад гоҳо «жидол».*

ТАРЖИМА

Гоҳ «жийм» қылгайдир у, гоҳ «ҳо»ю «дол»,
Гоҳ «сулҳ» қылгайдир у гоҳи «жидол».

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Рух ва Раббоний амр нафс (жонни) баъзан «жийм», баъзан «ҳо», баъзан «дол», баъзан «сулҳ» ва баъзан «жидол» айлайди.

ШАРХ

«Исрө» сурасининг 85-ояти каримасидан («Қулир руҳу минамри Роббий...» Таржимаси: «Рұхнинг моҳиятини Парвардиғорим билади», — дегин) аён бүладики, инсонни ҳақиқатда ҳаракатга келтирған нарса айни моддиёт әмас, балки рух ва жаноб Раббулибоднинг амру марҳаматидир. Байти шарифдаги ҳарфларга келсак биринчи мисрадаги уч ҳарф баробар («жаҳд») қалб маъносига далолат қиласи. Инсон рух ва Раббоний амрга қарши ўлароқ баъзан инкор ва жанг жадалга юз буради, баъзан Ҳак лутфи билан иймон келтириб, сулху салоҳ истайди. Мазкур «Харфи муқатталь» хусусида шайхул акбар Мұхайдиддин Арабий (коддаса сиррухус сомий) «Футуҳоти Маккийя»да буюрадилар: «жийм» — олами шаҳодат ва жабарут; «ҳо» — олами ғайб; «дол» — олами мулк ва жабарутта далолат этади. Бинобарин, маънавий рух, яъни Раббоний амр инсонга гоҳ олами шаҳодат ва жабарут, гоҳ олами ғайб, гоҳ олами мулк ва жабарутнинг асрорини аён айлайди.

МАСНАВИЙ

Гоҳ яминаш мебарад, гоҳ ясор,
Гоҳ гулистон мекунад гоҳеши хор.

ТАРЖИМА

Гоҳи ўнгга, гоҳи сұлға әлтадир,
Гоҳ гулистон, гоҳида хор этадир.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Маънавий рух нафсни (жонни) баъзан ўнг томонга, баъзан сўл томонга бошлайди. Гоҳ гулистон этса, гоҳ тиканзор айлайди.

ШАРХ

Маънавият ўз хикмати билан баъзи инсонларни мұваффақ (яъни тўғри йўл ёхуд хидоятга ноил айлади), баъзисини ғайри-

муваффак (яъни эгри йўл ва залолатга солади), баъзисини гулистон каби мўътабар ва баъзисини хор каби ҳакийр ва бесар айлайди. Бу тағиирот инсонлар жамоасида воқеъ бўлгани каби баъзи алоҳида шахсда ҳам зухур этиши мумкин; бир инсон баъзан гўзал хатти-ҳаракатлар қиласа, тоҳ журм ва гуноҳга журъят этади.

МАСНАВИЙ

*Ҳамчунон ин бодро Яздони мо,
Карда бад бар Од ҳамчун аждаҳо.*

ТАРЖИМА

*Инчунин, ул бодни Қодир Худо
Қилди Од қавмига мисли аждаҳо.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Шунингдек, Оллоҳ ул шамолни Од қавми учун аждаҳо каби айламишдир.

ШАРХ

Аслида латофатбахш ва ҳаётафзо бўлган шамол Қаҳҳори Мутлақнинг фармони билан аждаҳога айланиб, уларни паришон қилди.

МАСНАВИЙ

*Боз ҳам он бодро бар мўъминон,
Карда буд сулҳу марооту амон.*

ТАРЖИМА

*Айлади ул бодни муслимлар учун
Ҳам омонлик, ҳам риоят бус-бутун.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Яна ўшал шамолни Ҳақ таъоло мўминлар учун омонлик, осойишталик ва фаровонлик рамзи айлади.

ШАРХ

Од қавмини саросар ҳалок ва тор-мор этган шамол, мўминларга зарар келтирмайди; худди шунингдек, шамолларга мушобих бўлган (ўхшаган) каломлар баъзи одамларни ҳалок, баъзиларини масъул ва бебок айлайди.

ОД ҚАВМИ ТАРИХИ

Оллох субҳонаху таъоло залолат сари юз тутаётган Од қавмини ҳидоятга бошлаш учун Ҳуд алайҳиссаломни улар ичидан танлаб, ўз қавмига пайғамбар бўлишини ирода этди.

Од қавми гавдали ва жисмонан бакувват кишилар бўлиб, Аҳко деган жойда, хозирги Яман билан Уммон ўрталиғида яшаб ўтишган. Бу қавм ёлғиз Оллоҳгагина ибодат қилиш ўрнига Садо, Самуд, Ҳабо аталиши бутларга сифинишни одат килиб олишганди. Ҳуд алайҳиссалом ўз қавмини фақат Оллоҳгагина сифинишга даъват эта бошлади. Бу ҳақда Куръони каримда бундай дейилган: «Ва ила Один аҳаҳум Ҳудан. Қола я қавму, иъбуд уллоҳа, ма лакум мин илаҳин фойруҳу. Афала таттақувн («Суратул Аъроғи», 65). Од қавмига ўз биродарлари Ҳудни пайғамбар қилиб юбордик. У айтди: «Эй қавмим! Оллоҳгагина ибодат қилингиз! Сизлар учун ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Унинг азобидан қўрқмайсизларми?» («Аъроғ» сураси, 65-оят). Йўлдан адашган қавм эса, ўзлари сифинаёттан бутлар Оллоҳнинг шериклари ва улар Оллоҳ ҳузурида бизга шафоатчи бўладилар, деган тасаввурда эдилар. Ҳуд алайҳиссалом уларни такрор ва такрор ёлғиз Оллоҳгагина сифинишга даъват этишига қарамай, улар ўз ботил эътиқодларида давом этаверадилар. Ҳудни камситиш, тажкирлаш, гоҳида эса ёлғончи ва акли заиф дейиш даражасигача бориб етдилар. Ҳуд алайҳиссалом эса, ўзига нисбатан қилинаётган муомалаларнинг барчасига сабр қилас, «Менда бундай сифатлар йўқ, мен Оллоҳнинг элчиси ҳамда сизларга панду насиҳат қилувчиман, холос», деб жавоб қайтарардилар.

Ўз қавмини ҳидоятга бошлаш ниятида уларга ўзларидан илгари ўтган Нух алайҳиссалом қавмининг саркашлиги туфайли улар бошига тушган тўфон балосини эслатиб, огоҳлантирас, фарзандлари, боғу роғлари, ширин сувлари, соғлом-бакувват жисмлари Парвардигор томонидан уларга берилган неъмат эканлигини уктирас, яратган Зот амрига итоат қилишликка чорлар эдилар. Қалбига залолат мухри босилган Од қавми, хусусан, уларнинг қабила бошлиқлари Ҳуд алайҳиссаломга: «Бизнинг бутларимиз сенга зарар етказибди. Сенинг бошинг айланиб қолганга ўхшайди, беҳуда гапларни кўп гапиряпсан», деб бутун қавмни унга бўйсун-масликка чакираради. Ўз ота-боболари сифиниб келаётган бутларни асло тарқ этмасликларини эслатиб, Ҳудга қаратади: «Эй Ҳуд! Оллоҳ томонидан азоб бўлади, деб бизни қўрқитма! Қани, ўша азобларингни келтир. Лекин биз бутларимизни сира тарқ этмаймиз!» деб қатъий туриб олдилар. Шундан сўнг Оллоҳ таъоло уч йил мобайнинда ёмғир ёғидирмай, курғоқчиликни ирода этди. Бу уларга бўлажак азобнинг дебочаси, уларни огоҳлантириш эди. Ҳуд алайҳиссалом ушбу фурсатни ғанимат билиб, яна ўз қавмини Оллоҳга тавба-тазарру қилиб, ибодат этишига, агар шундай қилинсагина Оллоҳ таъоло қурғоқчилик балосидан омон сақлашлигини уларга эслатди. Бу сафар ҳам Од қавми ўз билганидан

қолмай иш күраверди. Худ алайхиссалом ўз қавмининг иймон келтиришидан умидини узгач, ўзига иймон келтирган мүминлар билан бирга қолган қавмларни тарк этиб, Макка сари равона бўлдилар. У ерда маълум вақт хаёт кечиргач вафот этдилар. Хўш, Од қавмининг тақдирни нима бўлди?

Хидоятга юрмаган бутун бир қавм Оллоҳнинг қаттиқ азобига учради. Оллоҳ таъоло уларнинг устига етти кечаю саккиз кундуз давомида совук шамолни юборди. Уларнинг барчаси ҳалок бўлиб, жуссалари ер юзининг турли жойларига сочилиб кетди. Бу ҳақда Куръони каримнинг қўйидаги оятлари нозил бўлди: «Фанжайнаху вал лазийна маъҳу би роҳматин минна ва қатаъна дабирол лазийна каззабув би аятина ва ма канув мўъминийн («Суратул Аърофи», 72). «Бас, унга (Худга) ва у билан бирга бўлган (мўмин) зотларга Ўз раҳмат-марҳаматимиз билан нажот бердик ва бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсалтарнинг думларини кирқдик (ҳалок қилдик). Улар мўмин эмас эдилар» («Аъроф» сураси, 72-оят). «Ва амма Одун фауҳликув бирийхин сарсарин атиятин. Саххароҳа алайхим сабъа лайалин ва саманията аййамин. Ҳусувман фатарол қовма фий ҳасаръа. Кааннаҳум аъжазу нахлин ҳовиятин. («Суратул Ҳаақоти», 6, 7). «Энди Од (қабиласи)га келсак, бас, улар бир даҳшатли, кутурган бўрон билан ҳалок қилиндилар. У (бўронни Оллоҳ) уларнинг устига пайдар-пай етти кеча ва саккиз кундуз ҳоким қилиб қўйдики, энди у жойдаги қавмни худди чириб — ичи бўшаб қолган хурмо дараҳтининг танасидек, кулаб ҳалок бўлиб ётганларини кўурсиз» («Ал-Ҳааққо» сураси, 6—7-оятлар. «Пайғамбарлар қиссаси» китобидан).

МАСНАВИЙ

*Гуфт алмаъний «Хуваллоҳ» шайхи дин,
Баҳри маъниҳои Раббул Оламийн.*

ТАРЖИМА

*Раббул Олам маънисин уммониким,
Шайхи дин айтди «Хуваллоҳ» маънисин.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Оlamлар Парвардигори маъноларининг уммони бўлган Шайхи дин (маъниий) «У Оллоҳдир» демагининг маъноси моддий асбоблар бўлмай, балки Раббоний файздан ибтидо топган ва батамом Ҳақ нафаси бўлган Рухи файз демакдир. Юкоридаги байтлар

ШАРХ

Самадоний ҳикмат ва маърифат уммони бўлган Шайхи дин (маъниий)нинг «У Оллоҳдир» демагининг маъноси моддий асбоблар бўлмай, балки Раббоний файздан ибтидо топган ва батамом Ҳақ нафаси бўлган Рухи файз демакдир. Юкоридаги байтлар

шарҳида айтилгани каби жаноби Ҳақ ҳазрат Одам учун («Ва нафхат фийхи мин руҳий», яъни «Одамга руҳимдан нафас (дам) бердим, яъни дам урдим», деб буюрмишдир. Ҳақ таъоло ҳазратлари зоҳир кўзи билан ошкор бўлмайди, ёлғиз унинг осорлари (белгилари) намоён бўлади. Масалан, инсоний руҳ ҳам кўзга кўринмасдир, аммо ҳаракат ва ҳаёт арсасида бўлган баданинг осори кўринади.

Байти шарифда қайд этилган «Шайхи дин» (дин ёхуд маъни шайхи) ким? Баъзилар Садриддин Кунавий ҳазратларига ишорат қилингани, десалар, баъзилар шайхул акбар (буюк шайх) жаноб Мухйиддин Арабийга имо қилингани, дейдилар. Ҳақиқатини Оллоҳ билади. Факат юкорида зикр қилинган «хуруфи муқатталь» «Футухоти Маккийя»да зикр қилинишини инобатга олиб ва ҳазрат шайхул акбарнинг оламни тутган маънавий шуҳрати, илмий азамати ҳамда байтда ишорат бўлган «шайх» таъбирига биноан, эҳтимолки, Мавлоно ҳазратлари буюк шайх жаноб Мухйиддин Арабийни назарда тутган бўлсалар.¹

МАСНАВИЙ

*Жумла атбоқу замину осмон,
Хамчу хошoke дар он баҳри равон.*

ТАРЖИМА

*Ҳам замину осмон, жумла табоқ
Ул равон уммонида ҳасдир, бироқ.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Замин ва осмон табакларининг барчаси ул равон уммонда ҳас-ҳашак кабидир.

ШАРХ

«Баҳри равон», яъни юзгувчи уммондан мақсад олий уммони маънийдирки, ҳамиша ҳаракатда ва бир илоҳий низом доирасида-дир. Коинот эса ул Уммони маънида (яъни маъно уммонида) бир ҳашак баайни, у нечук ирова этар бўлса, коинот унсурлари итоат этмакка мажбурдиirlар. Оқил зот ул маънининг Қуръони азиймуш

¹ Мухйиддин Ибн Арабий (1165–1240) – буюк Ислом файласуфи. Бу буюк зотнинг иноми ва мероси атрофидаги баҳслар бутунга қадар шиддат билан давом этмоқда. Мусулмон уламоларигина эмас, бутун Шарқ ва Фарб мутаффакирлари эътиборини ўзига қаратган ва «аш шайх ал-акбара» (буюк шайх) макоми билан аклларни ларзага соглан зотни мусулмон ўкувчиларимиз «Шайтони лаъни хийлалар» китобчаси орқали биладилар.

Фаарон тадқиқотчилари Д. Грил, Ш. А. Жилис, М. Ходкевич, ниглиз ва амриколик тадқиқотчилари Р. Остин, У. Читтик, М. Сезла кабиларининг Ибн Арабий фалсафаси ҳакидаги изланишлари бирмуяча машҳур. Буюк Британиянда 1877 йилдан «Мухйиддин ибн Арабий» жамияти фаолият юргизалги. Жамиятнинг мақсади буюк шайх ғояларини Farbga ёйиш. Файласуфининг «Фусусул хикам» китоби ҳар бир тарикат аҳлининг дастурламали вазифасини ўтайди.

шашында келган ажкоми жалийласи (кудратли ҳукмлари) асосида харакат қилиб, уммон пүртанаңаларидан эмин ва саломат бүлади. Шундай қилиб, абадий суратда омонлик ва саодат касб этади.

МАСНАВИЙ

*Хамлаҳову рақси хошок андар об,
Хам зи об омад ба вакти изтироб.*

ТАРЖИМА

*Хас-хашакнинг сувда рақсу ҳамласи,
Сувдан эрди айни шиддат палласи.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Хас-хашакнинг сувдаги ҳамлалари ва рақси сувнинг шиддатли харакати ва изтироби туфайлидир.

ШАРХ

Зоҳиран ва моддатан харакатда бўлган ҳар бир жисмнинг маънавий ҳаёти борлигини таъкидлашдан мақсад бошқа бир ҳақиқати маънавийни исбот этиш учундир. Бу сир кейинги байтда ошкор бўлади.

МАСНАВИЙ

*Чунки, сокин хоҳише кард аз маро,
Сўни соҳил афканад хошокро.*

ТАРЖИМА

*Чунки, сокинликни истар сувдан у,
Сувда айлар соҳилига рӯбарў.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чунки, дарё хас-хашакни инод ва жидолдан (қайғу ва шиддатдан) осуда этмак истайди ва соҳил томонга улоқтиради.

ШАРХ

Кудрат ва хикмати Раббония мақбул бир инсонни дунёнинг жафо ва изосидан ҳалос айламакни ирода қилса, уни мавти табиий (табиий ўлим) ва ёхуд мавти маънавий (маънавий ўлим) воситасида воқелик дарёси, жаҳони носутдан (жисмоний оламдан) олами лоҳутга (руҳоний оламга) йўллайди.

МАСНАВИЙ

*Чун кашад аз соҳилаш дар мавж гоҳ,
Он кунад бо у, ки сар-сар бо гиёҳ.*

ТАРЖИМА

*Тортадир соҳилдин они мавжлари,
Тортганидек бод гиёҳнинг баргларин.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чунки, дарё соҳилда мавж ва талотум маҳалида хашакни ўз қаърига чўқтирмакни истайди. Сар-сари бод бир гиёҳ ёхуд япроқни тортқиласан каби.

ШАРХ

Қудрати Раббония бир инсоннинг сукунатини ирова қиласа, юқоридаги байтда зикр қилинганидек, мавти табиий (табиий ўлим) ёхуд мавти маънавий (маънавий ўлим) воситасида улувор воқелик бўлган бу дунёдан маҳрум этади ва, билакс, ул одамни турли дунёвий ҳодисалар ила имтиҳон ва нотавон этмоқни ирова этса, ул ҳолда уни ёруғ дунёга келтириб, сар-сари бод бир гиёҳ ё япроқни қандай харакатта солса ва музтар айласа, худди шундай қудрати Раббония воқелик шамоллари билан харакатга солади, бесуқун айлади, баъзан масур, гоҳи маҳзун этади.

МАСНАВИЙ

*Ин ҳадис охир надорад боз рон,
Жониби Ҳоруту Морут, эй жавон.*

ТАРЖИМА

*Бул ҳадиснинг сўнги ўйқ, ўғлим маним,
Қиссаи Ҳоруту Морутдек қадим.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу каломнинг ниҳояси йўқдир, бинобарин, Ҳорут ва Морут қиссасига тақрор юз бур! Эй ёш ўғлон, эй ўғлим!

«Жавон» (ўғлон) таъбиридан мақсад Мавлоно Румий (қоддаса сирруҳус сомий)нинг маънавий маҳдуми бўлган Мавлоно Хусомуддин Чалабий бўлса керак.



**(ХОРУТ ВА МОРУТ ҚИССАСИНИНГ ДАВОМИ,
УЛАРНИНГ ДУНЁДА АЗОБ-ҮҚУБАТТА ГИРИФТОР
БЎЛГАНЛАРИ ВА БОБИЛ ЧОҲИГА
ТАШЛАНГАНЛИКЛАРИ ХУСУСИДА).**

МАСНАВИЙ

*Чун гуноҳу фисқи ҳалқони жаҳон
Мешудй бар ҳар ду равшан он замон.*

ТАРЖИМА

*Чунки, дунё ҳалқларин ёзуглари
Бўлди ошкоро малакларга бари.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чунки, дунё ҳалқларидан содир бўлган барча фиск-фасод ва гуноҳ амаллар ул икки фариштага ошкор бўлди. (Байти шарифнинг маъноси унинг сарлавҳасида зикр этилгандир).

МАСНАВИЙ

*Даст хойидан гирифтанди зи хаашм,
Лек, айби худ надиданди ба чаашм.*

ТАРЖИМА

*Чайнаб илкин ул малоик қаҳридан,
Кўрмас эрди заррача ўз айбидан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Икки фаришта ғазабдан құлларини чайнадилар, лекин ўз айбларини құз ила күрмас әдилар.

ШАРХ

Малоиканинг құл ва құзлари йўқдир. Улар латиф жисм соҳиблари бўлиб, бошқа бир хилқатда яратилгандирлар. Фақат инсонлар ғазаб ва таажжублари замонида құлларини чайнашлари маълумдир. Мазкур икки малакнинг таажжуб ва ғазабини инсонга таъсирли бир тарзда таъриф этмоқ учун «құл чайнамок» ва «құз билан күрмок» таъбиrotи истеъмол этилди.

Хорут ва Морут ўз айбларини кўролмаганликлари ва дунёда содир этган бир неча қусурлари, журм ва хатога гирифтор бўлган инсонларнинг саломатлигини истаб жаноб Архамар Роҳимийнга дуо қилмаганликлари, аксинча, бани башар ҳаққига таъна ва дашном этганликлари учун мутааббир ва охир-оқибат жазога мустаҳиқ бўлдилар.

МАСНАВИЙ

*Хеш бин чун аз касе журме бидийд,
Оташе дар вай зи дўзах шуд падийд.*

ТАРЖИМА

*Кимса гар бир кимсанинг айбин кўрас,
Ул жаҳаннам ўтига юзин бурап.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Худбин ва худпараст бир кимса ўзганинг айбини қидирса, жаҳаннам ўтига рўпара бўлади.

ШАРХ

Сувратан муттақий, ҳақиқатда худбин ва бемаъни бўлган баъзи кимсалар ўз журмларин кўрмайдилар, балки ўзганинг жузъий бир хатосидан «тор» ясайдилар. Оллоҳ таборак ва таъолога ошикона сифинган бир кимсага нисбатан исён ва фасод айни гуноҳи азиймдир. Бундай кимсаларга дўзах олови мукаррар.

МАСНАВИЙ

*Оташи табъат агар гамгин кунад,
Сўзии аз амри малики дин кунад.*

ТАРЖИМА

*Табъинг ўти гар сени гамгин қилар,
Бул оловни подшоҳи дин қилар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй инсон! Агар табъинг олови сени ғамгин ва мукаддар айласа, унинг сўзиш ва ҳарорати дин шоҳи бўлган Ҳақ таъоло ҳазратларининг амридандир.

ШАРХ

Эй ғамга гирифтор инсон! Табъинг ғамгин ва нолон этар эса, гумон этмагилки, сени гирён ва нолон этган табъинг ҳадду зотида қандайдир курдат мавжуддир. Табъ ҳам соир маҳлукот каби курдати Раббонийнинг бир аломати бўлиб, Яздан (Оллоҳ) фармонига тобеъ ва Ҳаққа ромдир. Оқил бўлсанг, ҳамиша мусаббиби (сабабчи) кулл бўлган Оллоҳ таъоло ҳазратларига робти қалб билан, марҳаматидан умидвор бўлган ҳолда илтижо қил ҳамда анбиёлар, алалхусус, сиймои фаҳри олам, сайдидимиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайхи вассалламга иктидо эт. Бу айтилганлардан сабабларни тарқ айламак мумкин экан-да, деган хуносага келмаслик керак, зеро, бу ҳол шариатга мувофиқ эмас. Асбобни тарқ айламоқ айни ҳаром ва оғир макрухиятга элтгувчи йўлдир. Ушбу байти шарифда дикқат қилмоқ лозим бўлган нукта — қувват ва иктидор асбоб ичинда бўлмай, асбобнинг истельмолини инсонларга фарз қилган жаноби Кирдикордадир (яъни Оллоҳдадир). Фикримизни далиллаш учун икки мисол келтирамиз: бир одам иккинчи одамни тош билан урди, деб тасавур килайлик. Мазруб (яъни зарб еган одам) бу зарбни тош отган одамдан кўрадими, тошнинг ўзиданми? Ёхуд бир кимсага садақа қилинди, дейлик. Факир ўз ташаккурини кимга изхор қиласди? Ақчагами? Ақчани бергангами? Агар жинни ё аҳмоқ бўлмаса, зарбни тошдан эмас, тошни отгандан билади; шукрини эса, ақча хадя этган кимсага қиласди. Алҳосил, асбобга таважжух этмоқдан, убидият (бандалик) ва ташаккуримизни ҳақиқий мусаббиб бўлган жаноби Рабби иззатга арз айламоқдан айирмасин. Омин.

МАСНАВИЙ

*Оташи табъат агар шодӣ диҳад,
Андар ў шодӣ малики дин ниҳад.*

ТАРЖИМА

*Табъинг ўти гар сени шодмон этар,
Бул олов ҳам молики диндин етар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар табъинг олови сени шодмон ва масрур этар бўлса, бу ҳол ҳам дин Подшоҳи, яъни Оллоҳ таъоло туфайлидир.

ШАРХ

Юкорида тафсил бўлганидек, ғаму шодлик ва турфа-туман дунё ахволоти жаноби Моликул мулк ҳазратларининг қудрат дарёларидан зухур этади ва такрор ўшал дарёга қайтади. Бинобарин, инсон ҳар қачон ўзида қадар ва хузни ҳис этса, билсинки, кусур этгандир, демакки, қусурининг афви ва қадарининг дафъи учун истиғфорда давом этсин, қудрати етгунга қадар садақа килсин ва хайрли амалларни кўп ва хўб адо айласин.

МАСНАВИЙ

*Чунки гам бинй ту истиғфор кун,
Ғам ба амри Холиқ очад, кор кун.*

ТАРЖИМА

*Ғам етар бўлса тазарру айлагил,
Ғам Худодан келмагани англагил.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар бошингга ғам-қайғу тушса, истиғфор айла, тазарру кил, зеро, ғам Оллоҳ таъло ҳазратларининг амри билан содир бўлади. Ғамдан халос бўлмоқ учун шаръий ва мақбул амалларни ихтиёр қилгил ҳамда ижро этгил.

ШАРХ

Ғам ва қадар Оллоҳнинг амри билан зухур этади. Бинобарин, ғамнинг дафъи Оллоҳ розилигини топмоқ билан амалга ошади, яъни истиғфорнинг давомийлиги, инсоннинг иқтидорига яраша садақа қилмоғи ва хайрли амалларни рӯёбга чиқармоғи билан боғлиқ. Истиғфор келтириб, садақотлар ва хайрли ишларни амалга оширган кимсалар бу йўлда муттасил давом этсалар, Оллоҳ иродати билан номақбул ишлардан нафрат этмакка одат қиласидилар. Оллоҳ насиб этсин.

МАСНАВИЙ

*Чун бихоҳад айни ғам шодий шавад,
Айни банди пой озодий шавад.*

ТАРЖИМА

*Истаса Ҳақ айни ғам шодлик бўлур,
Бандиларга айни озодлик бўлур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Оллоҳ таъоло ҳазратлари ирода қилса, айни ғам шодликка айланади ва банди бўлганларга озодлик насиб этади.

ШАРХ

Қодири Мутлак ҳазратларининг ҳикмат ва қудрати Раббония-си ҳадсиз ва поёнсиз уммондир. Тарихан ва тажрибатан ориф бўлганларга маълумдирки, ғам ва қайғуга сабаб бўлган аҳвол Раббоний иродага тааллуклидир ва мазкур ҳолнинг хайриятга томон эврилиши ҳам Оллоҳ измидадир. Шунга кўра, инсон ҳар доим Қодири Мутлак ҳазратларига сидки дилдан иқтидори етгунча ибодат қилсин, хайрли амаларни вужудга келтирмоқ учун ҳиммат этсин, токи Ҳақ изни билан ноили тараққий ва сохиби саодати номутаноҳий бўлсин.

МАСНАВИЙ

*Боду ҳоку обу оташ – банданаңд,
Бо ману ту мурда – бо Ҳақ зиндаанаңд.*

ТАРЖИМА

*Боду тупроқ, сув ва оташ бандадир,
Мену сенга мурда – Ҳаққа зиндадир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Шамол тупроқ, сув ва олов Ҳақ таъоло ҳазратларига банда. Иккимизнинг назаримизда улар жонсиз, яъни ўлиқдирлар, аммо Тангрининг даргоҳида улар тирик ва барҳаёт.

ШАРХ

Ўлган одамнинг ҳолини ўзгартириб бўлмаганидек шамол, тупроқ, сув ва олов каби соир жамодот беиктидор бўлиб, барчаси Оллоҳ таъоло ҳазратлари томонидан уларнинг хилқатларига қайси йўсинда амр бўлса, ўша йўсинда ҳаракат этадилар. Аммо уларнинг табиатларида кузатилган адам (йўқлик)нинг тафиири мену сенга ва бошқа маҳлуклар учун имкони йўқ ҳол эса-да Қодири Мутлак бўлган Оллоҳ учун бундай эмас. Ўларнинг барча-барчаси Ҳақ таъолога тобеъ.

МАСНАВИЙ

*Пеши Ҳақ оташ ҳамиша дар қиём,
Ҳамчу ошиқ рӯзу шаб бежон мудом.*

ТАРЖИМА

*Хақ ҳузуринда олов доим қиём,
Мисли ошиқ туну күн бежон мудом.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Хақ таъоло ҳазратларининг ҳузурида олов доимо киёмдадир (яъни тирикдир). У ошиқ каби кечаю-кундуз жонсиздир ва ёхуд ошиқ каби доимо жон талошида.

ШАРХ

Хақ таъоло оловнинг табиатига сингдирган хосса: олов доимо қиёмда ёхуд ҳаракатда бўлиб, Оллоҳ ҳукмини ижро этади. Олов қиёмининг таъбири шундай шарҳланиши мумкин: ўз зиммасига бир амр ёхуд ирода олиб, уни бажараётган кимсалар камоли итоат билан оёқда турганилари каби олов ҳам Яратгувчининг амру фармонини адо этиб, кечаю кундуз бир бенаво ошиқ мисоли камоли таслимиятдан бежон бўлади.

МАСНАВИЙ

*Санг бар оҳан зани берун жаҳад,
Ҳам ба амри Ҳақ қадам берун ниҳад.*

ТАРЖИМА

*Ўт чиқар урсанг темирин тош билан,
Ҳақ иродга айлаган бардош билан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Тошни темирга ургудек бўлсанг, ўт-учкун чиқади ва Оллоҳ амри билан темирдан қочгандек улоқиб тушади.

ШАРХ

Чақмок тошни темирга уриб, учқун сачраганига гувоҳ бўлган инсон бу ҳолни ўз ҳаракатидан хосил бўлди, деб гумон қиласи ва ғофил қолади. Олов чиқармок хосиятини тош ва темирга Сонеъи Мутлақ ҳазратлари баҳш этганини билмайди. Ёлғиз жоҳил одам бу ҳакиқатни унугтиб, моддапараст ва зоҳирпайваст бўлади.

МАСНАВИЙ

*Оҳану санги ҳаво барҳам мазан,
К-ин ду мезоянд ҳамчу марду зан.*

ТАРЖИМА

*Урма нафс темир ва тошин ҳеч қачон
Бир-бирига, бу – зинодир, гап тамом.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Хою ҳаваснинг тош ва темирини бир-бирига урма, зеро, бу иккиси зинокор аёл ва эркакдек тугарлар.

ШАРХ

Нафсни темирга, ҳавою ҳавасни тошга ташбих қилиб, буюрурларки, нафси аммора ва орзу ҳавасни бирлаштирма. Зеро, зинокор эркак ва аёлнинг кўшилишидан туғилган боладек, нафс ва ҳавонинг қовушишидан фоятда даҳшатли ҳодисалар содир бўлади. Нафс ва ҳавонинг бу издивожи (яъни никоҳи) файри машруъ (шариатта хилоф) ва нораво бўлганидан улардан зухур этган кайфият доимо дилни кемирувчи, ҳамиша зулмкор ва ёзуглар маконидир.

МАСНАВИЙ

*Сангъ оҳан худ сабаб омад ва лек,
Ту ба болотар нигар, эй марди нек.*

ТАРЖИМАСИ

*Бир сабабдир тош ва темирдан баёт,
Сен баландроққа назар сол, яхши зот.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Тош ва темир учқун – аланганинг рӯёбга чиқишига бир сабабдир, холос. Яъни темир ва тошнинг ўзаро тўқиниши туфайли олов дунёга келди. Бу икки жамод (ашё) алангани туғдиради. Икки сабаб ва бир оқибат. Сен эса, эй яхши одам, пастга – майда-чуйдаларга эмас, юксакларга назар ташла.

ШАРХ

Ёруғ дунёда инсон туфайли зухур этадиган жамийки ёмонлик ва фаноликлар учун нафсу ҳаво бир юзаки ёхуд зоҳирий асбоб (сабаблар), оддий бир воситадир, холос. Бу ижтимоънинг, яъни нафсу ҳаво бирикувининг ҳақиқий сабабига юксак бир нуктадан, дурбинлик ила нигоҳ ташла! Нафс ва ҳавонинг кўшилмоғидан

фаноликлар зухур этса, маълуминг бўлсинки, бошқа қусурларинг боиси ҳам сендаги нафс ва ҳавонинг бирикувидандир. Сен фақат бу жуфтга бир мазҳарсан, яъни икки ҳодиса бирлашган нуқтасан. Ушбу ҳол сенинг бахтсизлигинг ва изтиробингга сабаб бўлади. Ҳақиқатда, ҳар бир амру амал жаноб Кирдикорга қайтгусидир. Шунинг учун хеч қачон ақлан ё феълан Раббоний иродадан ва илохий амрлардан юз бурма. Акс ҳолда, сен ҳалокат ёқасидасан...

МАСНАВИЙ

*К-ин сабабро он сабаб овард пеш,
Бесабаб қай шуд сабаб ҳаргиз зи хеш.*

ТАРЖИМА

*Бул сабабни ул сабаб келтиргуси,
Бесабаб қай бир сабаб келмии ўзи?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу сабаб зоҳирийдир. Уни ҳақиқий сабаб дунёга келтириди. Сабаби суварий, яъни юзаки, зоҳирий сабаб ҳақиқий сабабсиз ўз-ўзидан юзага чиқмайди.

ШАРХ

Ушбу байтда ҳам бир нозик фикр яширингандир: ёлғиз асбоб Раббоний иродага вобаста, унинг жамийки оқибати Самадоний амрга омухта. Баъзи зоҳирбинлар ҳар нарса бир зоҳирий сабаб туфайли майдонга келиб, намоён бўлади, деб даъво қиладилар. Байти шариф бундай муддайларга зимнан дейди: «Ҳа, ҳар бир нарса сабаб билан майдонга келади. Чунки сабабни сабаб истайди. Зоҳирий сабабларнинг ҳақиқий сабабсиз вужудга келиши мумкин эмас. Ҳақиқий сабаб эса Вожибул вужуднинг ҳикмати болиғасидан зоҳир этади. Бу ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди.

МАСНАВИЙ

*В-ин сабабҳо қ-анбиёро раҳбаранд,
Он сабабҳо з-ин сабабҳо бартаранд.*

ТАРЖИМА

*Ул сабабларким набийлар нақшидир,
Ул сабаблар бул сабабдин яхшидир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ул сабаблар анбиёй азом алайхимуссалоту вассаломга раҳбар бўлдилар. Ўша сабаблар бу сабаблардан (яъни зоҳирий-суварий сабаблардан) хам олий ва ҳам юксакдир.

ШАРХ

Анбиёй зишон алайхимуссалом ҳазратлари ҳақиқий сабабларга восил бўлиб, ҳамиша ва ҳар қачон Раббоний иродот ижроси учун сабот билан ҳаракат қилишлари туфайли улуг файзга ноил бўлдилар. Шул сабабдан ул ҳазратлар зоҳирий сабабларни ўзларидаги рисолайи кувваи ботина билан дарк этадилар.

МАСНАВИЙ

*Ин сабабро он сабаб омил кунад,
Боз гоҳе бебару ботил кунад.*

ТАРЖИМА

*Бул сабабни ул сабаб омил этар,
Гоҳи маъттал, гоҳида ботил этар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Зоҳирий сабабни ботиний сабаб омил этади, баъзида ҳақиқий сабаб зоҳирий сабабни самарасиз айлади.

ШАРХ

Ҳақиқий асбоб зоҳирий асбобни ҳаракатга солади, баъзан эса ботил ва самарасиз қилади. Масалан, бир табиби ҳозик ҳастанинг аҳволотига мос равища, яъни зоҳирий сабабга ҳақиқий сабаб мувофиқ келадиган даражада ташхис қўйса, ҳаста Оллоҳ изни билан шифо топади, акс ҳолда, бетоблик шиддат касб этмоғи шубҳасиз.

МАСНАВИЙ

*Ин сабабро маҳрам омад ақлҳо,
В-он сабабро рост маҳрам анбиё.*

ТАРЖИМА

*Бул сабабга маҳрам ўлди ақллар.
У сабабга рост маҳрам набийлар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Зохирий сабаб ақл ва тафаккурга маҳрам бўлиб, ошкора тус олди, ул, яъни рост ва ҳақиқий сабаб анбиёй зишон ҳузурларида маҳрам ва маълум.

ШАРХ

Зохирий ақл сохиби ошкора бир кайфият зухуроти сабабининг тафаккури ва ҳақиқатини унубтиб, хатога юз тутади. Анбиёй зишон алайхимуссалом эса, суварий сабабларга бир назар ташлаб, зухуроти сабабини ҳақиқатдан топадилар ва бу ҳақиқат билан зохирий сабабга боғланмокни фарз ва муктазо деб биладилар.

МАСНАВИЙ

*Ин сабаб чи? Бад ба тозӣ гӯ «расан»,
Андарин чи ин расан омад ба фан?*

ТАРЖИМА

*Гар сабабни десалар форсий — «расан»
Не сабаблар бу «расан»ни этди фан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Аслида араб лафзи бўлган «сабаб» форсийда не дейилур деб сўрасалар, «расан» (яъни «ип») деб жавоб бер. Хўш, бу «расан» («ип») не сабабларга кўра фан бўлди.

ШАРХ

Араб лугатида қудукдан сув олгувчи ипга «сабаб» дейилади. Форс тилида бу «расан»дир. Дунёни қудукқа ташбих қилиб, буюрадиларки, бу дунё қудуғига сувварий сабаб Раббоний санъатдир. Демак, дунё қудуғининг ихтироиси Оллоҳ таъюлодир. Бинобарин, сабаб лозим бўлса, мусаббиб (сабабчи) лозимдир. Яъни Оллоҳ таъоло.

МАСНАВИЙ

*Гардиши чарҳ расанро иллат аст,
Чарҳгардонро надидан зиллат аст.*

ТАРЖИМА

*Чарҳ гардиши расаннинг иллати,
Чарҳчини кўрмаслик одам зиллати.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чархнинг (чиғириқ) айланиши ип туфайли, яъни ипнинг иллатидандир, аммо, чархчи ёхуд «чархгардон»ни кўрмаслик хато ва зиллат.

ШАРХ

Баъзан вокелик сабабларни юзага келтиради. Аммо ўша аҳвол ва асбобни майдонга келтирган Раббоний қудрат ва болиғ Самадоний ҳикматни кўрмаслик ё англамаслик айни жаҳолат ва маҳзи ҳамоқат.

МАСНАВИЙ

*Ин расанҳои сабабҳо дар жаҳон,
Хону ҳон з-ин чархи саргардон мадон.*

ТАРЖИМА

*Бул сабаблар риштасин олам аро,
Билма саргардон фалакдан мутлақо.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Жаҳонда зинхор бу сабабларнинг ипини саргашта ва саргардон фалакдан гумон этма!

ШАРХ

Кавннинг (дунё) асбоб ва вуқоутини (борлигини) саргардон чархдан гумон килма. Чунки, бу вуқоутнинг асл зухури фармони жаноби Қирдикорга вобаста ва тажаллиёти илохия ила орастадир. Йўқса, саргардон ва сарсон бўлган бу суварий чархни, бу моддий табиатни жузъий ақл вукуга келтиромасди (яъни яратолмасди), жузъий ақл мазкур ҳодисотни майдонга келтира олади, дегувчи овсар дунё зиндонидан — моддийлик зиллатидан эмин (озод) эмас.

МАСНАВИЙ

*To намонӣ сифру саргардон чу чарх,
To насӯзӣ ту зи бемагзӣ чу марҳ.*

ТАРЖИМА

*Токи чархдек зору сарсон бўлмасанг,
Токи беақл оғочдек куймасанг.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Токи фалак чархидек зору саргардон, яъни доимий илохий амр гардишида қоим бўлган коинотдек ҳаракатда ва жараёнда бўлмагунингча; токи ақлсиз бир қуруқ оғочдек ёниб бўлмагунингча.

ШАРХ

Мусабиби ҳақиқий (ҳар бир нарсанинг ҳақиқий сабабчиси) Оллоҳ таъоло ҳазратларини кўра олмайсан, яъни Оллоҳнинг иорда қудратини зохиран кўриб турсанг-да, унинг ботинида ке-чаётган жидду жаҳд ва инқилобларини ҳис этолмайсан. Жузъий ақл соҳиби бўлган инсон Ақли куллни қандай қилиб англай олсин, тог оёғида турган чумоли бамисоли. Сен ўз зохирий хаётнинг катларида қандай фожиалар ғимиirlаётганини-да билмайсан. Унутувчан, тобеъ ва заифсан.

МАСНАВИЙ

*Бод оташ мешавад аз амри Ҳақ,
Ҳар ду сармасст омаданд аз амри Ҳақ.*

ТАРЖИМА

*Бод ўт ўлгай Ҳақ таъоло амри-ла,
Иккиси сармасст Оллоҳ амри-ла.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Шамол ва олов Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг амри тавассутида вужудият майдонига келади. Унинг амри-фармони боисидан боз шамол оловга дўнади. Иккиси Ҳақ шаробидан сармастидирлар.

ШАРХ

Ҳар бир маҳлуқ Оллоҳ таъоло ҳазратларининг амри ила мавжуд ва хосиятёб бўлдилар. Масалан, олов ва шамол Парвардигор ҳазратларининг баҳшу нисори ва фармони тажаллийси бўлиб, сармости Ишқтир. Улар гоҳ нур, гоҳ нор; гоҳ тӯфон, гоҳ эса сарсари елдир.

МАСНАВИЙ

*Об ҳалиму оташ аст ҳашм, эй писар,
Ҳам зи Ҳақ бинй, чу бикшой басар.*

ТАРЖИМА

*Сув ҳалимдир, ўт газабдир, эй ўғил,
Кўзларинг очким, Худованддир вакил.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сув ҳалим, яъни мулойимдир, олов эса кони ғазаб ва шиддат. Эй ўғлон, кўзларингни очсанг (маъни назари билан боксанг) хар иккиси ҳам Ҳақдан эканини билурсан.

ШАРХ

Ҳалимлик, зилол сувнинг латофатига ташбиҳ қилинмоқда. Ҳилм воситасида инсонлар қалбидаги неча-нечада шукуфай (чечак) жонфизо очилади. Ғазабнинг оловга тамсил этилмаги шунинг учунким, ғазаб алангаси неча диллар нашъаси ва неча хонумоннинг асбоби саодатини барбод этади. Бинобарин, ҳар иккиси ҳам Ҳақдандир. Соҳиби ҳилм ва викор бўлган баҳтиёр (Латиф), ғазаб ва муталоший бўлган бадбаҳт (Қаххор) асмосига (Оллоҳнинг исми ва сифатлари назарда тутилаяпти. — *Тарж.*) мазҳар бўладилар. Ахвол ва умрнинг (юмушларнинг) ҳусни идораси учун (бажо этмоқ) ғазаб фоят ёмон ва заарли. Викорсиз ҳилм ҳам соҳибига боиси зил ва залолат бўлади. Ҳар ҳол ва корда мақбул бўлган сийрати камол ва викор ҳилмдирким, бу айни ҳикматдир. Викорсиз бўлган ҳилм соҳибига эмас, фаразли золимларга нисбатан ҳақорат, билакс, мужиби риоятдир.

МАСНАВИЙ

*Гар набуди воқиф аз Ҳақ жони бод,
Фарқ қай кардӣ миёни қавми Од.*

ТАРЖИМА

*Бод жони Ҳақдан оғоҳ бўлмайин,
Од қавмин фарқлай олмасди тайин.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар шамолнинг жони (бу ўринда ақл англашилади. — *Тарж.*) Ҳақ таъоло ҳазратларидан воғик, унинг амри иродасидан ҳабардор бўлмаганда қандай қилиб Од қавмидан Оллоҳ пайғамбарини инкор қилган кимсаларни фарқ қила билур эди?

ШАРХ

Шамолнинг жони Оллоҳ таъоло ҳазратлари пок зоти улухиятидан ва Раббоний амрларидан ҳабардор, Кирдикор иродасига

тобеъ бўлмаса, Худ пайғамбар алайҳиссалом уммати — Од қавмини нечук фарқ қила олар эди. Албатта, фарқ этолмасди. Юкорида келган байтлар шархидан («Од қавми тарихи»га қаранг. — Тарж.) маълум бўлдики, шамол Ҳақ амри билан Од қавмини ҳалок ва тор-мор айлади, мўминларга эса ҳеч қандай заҳм-заҳмат етмади... Зикр этилган шамол сабаб бўлиб, мусаббиб жаноби Кирдикордир. Шамолнинг бу қадар даҳшатли тус олишига зоҳирӣ сабаб Од қавмида авж олган зулм ва адолатсизлик, куфр ва исёндир. Бинобарин, оқил зот ҳам сабаб ва ҳам мусабибни хайрли ибодатлар билан доимо ёд этади, зеро, ёлғиз ҳақиқий сабабларни тафаккур этиб, зоҳирӣ сабабларга назар солмаслик, ёхуд зоҳирӣ асбобни гумон қилиб, ҳақиқий асбобни танимаслик айни хато ва буюк адашишдир. Ушбу кайфият янада равшан бўлсин учун бир мисол келтирайлик: зоҳирӣ сабабни инсоннинг бадани деб тасаввур қилсак, ҳақиқий сабаб инсоннинг руҳидир. Бадансиз инсон бўлмагани каби руҳсиз бадан ҳам лоша (жасад) бўлишдан қўркар.

МАСНАВИЙ

*Худ гирди мўминон ҳатте қашид,
Нарм мешуд бод к-он жо мерасид.*

ТАРЖИМА

*Худ мўмин теграсига тортди ҳат,
Бод ёввош тортар эрди шул заҳот.*

ЛИСОННИЙ ТАРЖИМА

Ҳазрати Худ алайҳиссалом мўминларнинг атрофиға бир ҳат чекди, токим боди сарсар ул мўминларга зарар етказмасин. Бод эса ўша ҳат теграсига етган заҳоти юввош ва латиф бўлар эди.

ШАРХ

Ушбу муборак байтда ва бундан сўнг келадиган байти шарифларда баъзи мўъжизот ва қаромоти жалилияning төъдоди (маҳорати) ила жамодот ва табиат зоҳираларининг Ҳақ амрига бўйсимиши зикр этилади.

МАСНАВИЙ

*Ҳар кий берун буд аз он ҳат жумларо,
Пора-пора мешикаст андар ҳаво.*

ТАРЖИМА

*Кимсаким ҳатдан бурӯн эрди уни,
Бод ҳавода пора қилди жисмини.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Хар кимсаки ул хатдан ташқари эрди, уларнинг барини бод — шамол ҳавода пора-пора айлади. Од қавмидан мункир бўлган кимсалар шамол забтида ҳавога улоқиб, буткул қирилиб кетди.

ШАРХ

Хатдан мақсад: хат моддий ҳодиса бўлиши билан бир қаторда маънавий ҳад (чегара) бўла олади. Яъни ҳазрати Худ алайхиссалом Ҳақ таъоло амрига биноан мукаррар этган шароитнинг хат ва ҳадидан (чегарадан) ташқарига чиққан кимсаларни нафси аммора ва шайтони лаъин паришон ҳамда азоб ҷоҳида муқим этди.

МАСНАВИЙ

*Ҳамчунин Шайбон Роъий мекашид
Гирд бар гирди рама ҳатти палид.*

ТАРЖИМА

*Авлиё Шайбон Роъий гоҳида
Тортар эрди хат сурув атрофига.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳазрат Худ алайхиссалом каби Шайбон Роъий номли валийуллоҳ қўй сурувининг атрофига ошкора бир хат чекарди.

ШАРХ

Шайбон Роъий имом Шофиъий розияллоҳу анхунинг асрдоши ва муборак бир зоти ҳикматсифот эди. Ёлриз жума кунлари шаҳарга келиб, бу кунни муборак айлаб, шаҳар хорижида ибодат, Оллоҳ таборак ва таъолонинг ёди билан яшарди.

МАСНАВИЙ

*Чун ба жумъа мешуд он вақти намоз,
То наёбад гург он жо турк тоз.*

ТАРЖИМА

*То намози жумага юз бурдилар, —
Этмасин торож сурувни бўрилар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Шайбон Роъий ҳазратлари жума намози ила машғул бўлган чоғларида бўрилар сурувга хавф-хатар солмасликлари учун унинг теграсига хат тортардилар.

ШАРХ

Бу муборак байтнинг зоҳирий маъноси юқорида зикр этилди. Ботиний маъноси куйидагича: Шайх Шайбон Роъий ҳазратлари ўзларига тобеъ бўлган зотлардан бирор важх боисидан ё жисман, ё ҳолан жудо бўлган чоғларида, ханнос шайтон ибодат, ҳаракат ва воеъларида уларга бирор фанолик етказмаслиги учун бир мустақим чизик, яъни йўл, бир улуғ ташбих ва талқин этар эдилар. Токи ҳазрати шайхнинг тобеъийлари ул танбих ҳатининг ичидаги бўлиб, гаддор шайтон уларга фафлат ва зарап келтирмасин.

МАСНАВИЙ

*Ҳеч гурге дар нарафтӣ андар он,
Гӯсфанде ҳам нагашти з-он нишон.*

ТАРЖИМА

*Ҳеч бўри келмас эрди ул томон,
Ҳеч бир қўй ҳатни кесмасди тамом.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ул хат ҳеч бир бўрининг қўйларга тажовуз этмагига йўл бермасди ва ҳеч бир қўй ул хат нишонини босиб чиқиб кета олмасди.

ШАРХ

Муборак байтнинг зоҳирий маъносидан ташқари яна ботиний маъноси ҳам бордирки, будир: шайх ҳазратларининг ушбу амр ва ҳиммати боисидан на шайтоннинг иғвога мажоли колмас эди ва на муридларнинг пир хати ҳаддидан чиқишига мадори.

МАСНАВИЙ

*Боди ҳирси гўргу ҳирси гўсфанд
Доири марди Худоро буд банд.*

ТАРЖИМА

*Бўри ҳирсин боди, қўй ҳирси даги,
Ул Худонинг мардига бўлди асир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бўри хирсининг боди — шамоли ва қўйнинг хирсу тамаъи бир Орифнинг Оллоҳ таъоло изни билан чизган доирасига банд бўлиб, боғланиб қолдилар.

ШАРХ

Бир Орифнинг Ҳақ изни билан вазъ (пайдо) айлаган доира-сига на бўри каби йиртқич бўлган шайтоннинг хирсу хийласи, на қўй каби инсоннинг тамаъ ва ҳою ҳаваси тажовуз эта олмас эди. Мўмин-мусулмон бўлган одам ҳоҳ шайтондан, ҳоҳ нафси аммо-ранинг шарридан (ёмонлигидан) эмин бўлмоқ истаса, бир томон-дан Куръони азиймуш шаънда қатъий буюрилган хат ва ҳаддан тажовуз этмасликка дикқат ва файрат айламоги керак, иккинчи томондан шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ топмоқ учун бир оқил мард ё шайхи комилнинг панд ва насиҳатига тобеъ бўлмоғи ло-зимдир.

Изоҳ: Бу ерда ва юқорида қайта-қайта таъкид бўлаётган «Нафси аммора» ҳақида «Ламаот» китобларида ва бошқа тасаввуфга доир адабиётларда қарийб бир хил тафсиллар берилган. Авва-лан, нафс уч сифатга эга бўлади:

1. *Нафси аммора* — бу нафс ўз соҳибини унинг маъсияти учун маломат қиласи, яъни бирор бир гуноҳ иш содир этилса, кетидан пушаймонлик келади.

2. *Нафси лаввома* — бу нафс ўз соҳибини унинг маъсияти учун маломат қиласи, яъни бирор бир гуноҳ иш содир этилса, кетидан пушаймонлик келади.

3. *Нафси мутмаинна* — бу анбиёлар нафси. Айтиш керакки, авлиёлар нафси лаввома бўлиб, у тадрижан мутмаиннага айланади. Нафси аммора эса, авомнинг нафси. Бас, шундай экан, нафс билан жанг қилмоқ керак. Буюрмишлар: «Мухолифатун нафси раъсул ибадати ва мувафиқатун нафси асасул куфри» (Нафс билан мухолифат, яъни зиддиятда бўлмоқ ибодатларнинг боши-дир, нафс билан мувофиқлашмоқ (келишмоқ) куфрнинг асоси-дир). Билгилки, тан фиръавни ана шу нафсдирким, Худолик даъвосини қилди: «Ва ана Роббукумул аъло». (Мен сизларнинг олий Парвардигорларингман).

МАСНАВИЙ

*Ҳамчунон боди ажал бо орифон
Нарму хуш ҳамчун насими гулситон.*

ТАРЖИМА

*Пок зотлар-чун ажал боди азал,
Бўлди хуш гулзор насимидек гўзал.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ажал боди (яъни ўлим шамоли) орифлар учун гүё гулистон насимиdek (шабодасидек) юмшоқ ва латиф бўлди.

ШАРХ

Чунончи, олов аслида ғоят даҳшатли бир ҳодиса эса-да, Оллоҳ таъоло ҳазратларининг амири билан — ҳазрат Иброҳим алайхиссаломга воқеъ бўлгани каби — ҳарорат ва аслий сифотини тарк айлаб, ошиқларга гулзор бўлди. Шунингдек, ажал ҳам аслида шиддаткор ва изтироббахш бўлса-да, Ҳақ амири воқеъ бўлгач, гулистон шабадаси каби орифларга латофатафзо, саодат мабдаи ва бокийлик боиси бўлади.

МАСНАВИЙ

*Оташ Иброҳиймро дандон назад,
Чун гузийди Ҳақ буд, чунаш газад?!*

ТАРЖИМАСИ

*Ўт Ҳалиуллоҳга тиш санчмади,
Не учун санчсин, уни Ҳақ танлади.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Олов Иброҳийм алайхиссалоту вассаломга ўз тишларини урмади. Ҳазрат Иброҳийм Ҳақ таъоло ҳазратларининг макбул ва танланган бандаси — пайғамбари. Шундай экан, олов ул зотга нечук асорат етказсин? Асло.

ШАРХ

Ҳилкат ва табиати олов каби аёвсиз ва шиддатли бўлган анвойи нарса ва ҳодисалар Ҳақ таъоло иродасига мутеъдир. Масалан, ажал зотига мувофиқ изтиробли бўлса-да, Раббоний амр-фармон воқеъ бўлгач сафо ва саодатбахш бўлади.

МАСНАВИЙ

*З-оташи шаҳват насӯзад аҳли дин,
Боқиёнро бурда то қаъри замин.*

ТАРЖИМА

*Куймагай шаҳват ўтидан аҳли дин,
Ғайрларни тортди то қаъри замин.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Дин ахли, яьни иймон-диёнатли зотларни шаҳват олови ёндира олмайди. Бошқаларни бу олов (шаҳват олови) замин қаърига тортади (яьни уларни залил ва тубан қилади, охир-оқибат дўзах қаърига итқитади).

ШАРХ

Дин ахли ва асҳоби якийн (ҳақиқат ахли, покиза зотлар) шаҳват ўтида яьни, хирсу ҳаво ва тубанлик оловида ёнмайдилар. Зеро, улар учун шаҳват олови азоб ва зиллат боиси бўлажаги Раббоний иродат билан событдир. Аммо, иймонга ноил бўлмаган мункирлар бу ҳақиқатни англай олмаганлари сабабидан ниҳоят замин қаърига ва Оллоҳ таъоло қаҳрига дучор бўладилар.

МАСНАВИЙ

*Мавжи дарё чун ба амри Ҳақ битоҳт,
Аҳли Мусоро зи қибтий вошиноҳт.*

ТАРЖИМА

*Ўзди дарё тўлқини Ҳақ амри-ла,
Қавми Мусони қибтийдан фарқ қила.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чунки дарёнинг тўлқини Ҳақ таъоло ҳазратларининг амри ила тез суръатда оқа бошлади. Ҳазрати Мусо алайҳиссалом ахлини қибтийлардан (Фиръавн ахлидан) фарқ айлади.

ШАРХ

Қайик ёхуд кемасиз дарё ичига киргандарни фарқ этмоқ дарё хилқатининг иқтизосидан эди, лекин Оллоҳ таъоло ҳазратларидан воқеъ бўлган амр ила дарё Мусо алайҳиссалом ахлини муҳофаза қилди ва Фиръавнни тобеълари ила ҳалок айлади. Алхосил, амвож (мавжлар) ва акдар (кадарлар) Ҳақ ахлига зарар заҳмат етказа олмайди, бирок мункирларни тор-мор этади.

МАСНАВИЙ

*Хок Корунро чу фармон даррасид,
Бо зару таҳтани ба қаъри худ кашид.*

ТАРЖИМА

*Амри Ҳақ еткач замин Корунни
Ютди таҳту бойлигу зар — борини.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Раббоний қаҳрнинг фармони Корунга етишгач, тупроқ уни тожу тахти, зару зевари билан ўз қаърига тортиб кетди.

ШАРХ

Корун бойлик ва суварий (яъни зоҳирий) иззат боисидан кибрга берилди. Оллоҳнинг покиза бир расулига қарши исён кўттарди ва Оллоҳ таъолонинг қаҳрига дучор бўлди. Окибат хилқатан ҳалим бўлган тупрок Корунни бойлик ва тахту тожи билан ўз домига тортиб ҳалок айлади.

МАСНАВИЙ

*Обу гил чун аз дами Ийсо чарид,
Болу пар бикишод, мурге шуд парид.*

ТАРЖИМА

*Сув ва тупроқ тотгач Ийсонинг дамин,
Күшга дўнди, пар қоқиб, учди маин.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сув ва тупроқ ҳазрат Ийсо алайҳиссаломнинг нафаси таъсир этгач, қанот очди, күшга айланиб парвоз қилди.

ШАРХ

Ҳақ таъолонинг изни билан ҳазрат Ийсо алайҳиссаломнинг тупроққа дам уриши ва тупроқнинг қүшга айланиши азиймуш шаън Куръонда баён этилгандир. Бундан маълум бўладики, тупроқ жамодат турига мансуб экан, Ҳақ таъоло унга жон бағишлайди, у эса ҳатто парвоз этмоққа қобил бўлади.

МАСНАВИЙ

*Ҳаст тасбеҳат буҳору обу гил,
Мурги жаннат шуд эи нафхи сидқи дил.*

ТАРЖИМА

*Тасбиҳинг сув, гил, буҳордир – сидқи дил
Дамларинг жаннат қушига дўнди, бил.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сенинг тасбиҳинг (яни Оллоҳ субҳонаху ва таъолони поклаб ёд этмоқ, зикр айламок) сув, тупроқ ва бухордир (хаво, буғ). Кўнгил сидқининг нафасидан ул бухор жаннат қушига айланди.

ШАРХ

Ориф ва содикнинг сидқи диллари баракоти билан тасбиҳ ва таҳлилларнинг қушга айланиши аходиси набавийя ила событидир. Гўзал ва маҳз хайр бўлган калом маҳв бўлмасдан, қанотли қуш каби доимо ҳар тарафга парвоз этади ва инсониятга нечаче саломатликлар эшигини очади. Юонон анъаналарига мувофиқ, бирор-бир йигинда сўз сўзламоқлик тақозо этилса, мазкур сўз ёхуд калом «қанотли сўз» ибораси билан тавсир этилган. Каломнинг кутлуг ва фоятда олий мақомга ноиллиги азиймуш шаън Куръоннинг «Фотир» сураси, 10-ояти каримасида қўйидаги тарзда зикр этилади. «Ман кана юрийдул ъиззата фалиллаҳил ъиззати жамийъан илайхи ясъадул қалимут тойибувал ъамалус солиҳу ярфаъуҳу, валлазийна ямкурунас сайиати лаҳум ъазабун шадийдун. Ва макру улаика ҳува ябуvr» («Суратул Фотири», 10).

Маъноси: «Ҳар кимки иззат истар эса, итоат билан Оллоҳ таъюлодан истасин. Жамийки иззатлар Оллоҳ таъоло учундир: тойиб ва гўзал калом ва амали солиҳни Оллоҳ таъоло ўз даргоҳида қабул айлади. Ул кимсаларким (макр-хийлани) фикр этадилар, улар учун қаттиқ азоб бордир. Хийлакорларнинг макру хийласи фосид бўлғуси». («Фотир» сураси, 10-оят).

Калом, яни сўз маънавият ва маданият оламида нечук аҳамиятга эга эканлиги барчага аён.

МАСНАВИЙ

*Қўҳи Тур аз нури Мусо шуд ба рақс,
Сўғии комил шуду раст ўзи нақс.*

ТАРЖИМА

*Рақс тушди Тур Мусо нуридан,
Комил ўлди сўғиваш ўз қусридан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Тур тоғи ҳазрат Мусо алайҳиссалом (Роббининг) нуридан рақсга тушди. Ва ушбу важҳ ила Тур тоғи комил бир сўфийга айланиб, нуқсондан пок бўлди.

ШАРХ

Оллоҳ таъюлонинг нури ҳазрат Мусо алайҳиссаломга тажалий этганидан сўнг, Тур тоғи рақсга тушиб, комил ва бекусур бўлди. Инсон эса Тур каби жамодот эмас, шу боисдан Оллоҳ таъюлонинг суюмли бандаси бўлган бир муршиди комилга интисоб этса, унинг машруъ насиҳатларини адо этмоққа шитоб айласа, олий бир саодатга ноил бўлади. Муборак байт ана шу ҳолга ишорат этајпти.

МАСНАВИЙ

*Чи ажаб, гар кўҳ сўфий шуд азиз,
Жисми Мусо аз кулуҳе буд низ.*

ТАРЖИМА

*Тоғ сўфий бўлса, бул не бокдир,
Ҳазрати Мусо тани тупроқдир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар Тур тоғи сўфий каби азиз ва мукаррам бўлса, не ажаб. Мусо алайҳиссаломнинг пок жисми туфроқдан эди, холос.

ШАРХ

Тур тоғи рақсга тушиб, шараф қозонганига таажжубланманг, зеро, ҳазрати Мусо алайҳиссаломнинг ва филжумла инсонларнинг ҳам асли туфроқдан экан, Борий таъюлонинг файз ва рахмати бир дам (нафас) билан Одам алайҳиссаломни тирилтириб, шарафга ноил айлаганидек («Ва лакод карромна...»), Одам фарзандлари кадр ва шонини юксакликка кўтаради. Бинобарин, инсон ожиз ва нотовон экан, қандай қилиб олий руҳоний мартабага ноил бўлади деб, умидсиз бўлмасин ва ушбу ваҳм билан ўз-ўзига футур келтирмасин. Зеро, одам фарзандининг лафзи тарақкий ва юксаклик билан чамбарчасдир.

ЖУХУД ШОХИНИНГ ТАЪН ВА ИНКОРИ, ЎЗ НОСИҲЛАРИ НАСИҲАТИНИ ҚАБУЛ ЭТМАГАНЛИГИ БАЁНИДА

МАСНАВИЙ

*Ин ажоиб дид он шоҳи Жуҳуд,
Жуз, ки танзу жузъ, ки инкорати набуд.*

ТАРЖИМА

*Ул Жуҳуд шоҳким шиши инкор эди,
Бул ажоиб ҳолга беикрор эди.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Юкорида зикр этилган ажоиб ҳодисаларга гувоҳ бўлса-да, Жуҳуд шоҳи икрор бўлмади. Унинг қилмиши таъна ва инкордангина иборат эди.

ШАРХ

Дунёда шундай бир навъ жазога гирифтор бўлган телба инсонлар бордирки, ҳар нечук азим балолар ва кулфатлар, ҳар нечук одилона бурхон ва насиҳатлар ҳам уларнинг кўзларини очолмайди. Улар ўз даъволари ва инкорларида бардавом бўладилар.

МАСНАВИЙ

*Носиҳон гуфтанд, аз ҳад магзарон,
Маркаби истезаро чандон марон.*

ТАРЖИМА

*Айтди носиҳларким ҳаддан ошмагил,
Зулм тулпорида чандон шошмагил.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Носиҳлар Жуҳуд шоҳига дедилар: «Ҳаддан тажовуз айлама, зулму манманлик маркабини бу қадар сурма».

ШАРХ

Жуҳуд шоҳи мўминларга нисбатан авж олдирган зулми туфайли Оллоҳ таборак ва таълонинг ғазабига дучор бўлмасдан

бурун, насиҳатгўйлар уни зулм ва жаҳолат йўлидан қайтармокчи бўлиб огоҳлантирилар. Шу пайтга қадар қилган жабр-ситамларга хотима бериб, минбаъд зулм тулпорини олға сурмаслигини таъкидлаб, танbih берадилар. Таассуфлар бўлсинки, фанолиг майдонида йўлсиз бир ишга қўл урган кимса оқибати хайрсиз, маънилиз ва ҳатто залолат бўлса-да, бу йўлда давом этаверади. Ҳолбуки, хайрсиз амалда бардавом бўлмоқ сабот бўлмай, балоҳат ва фасоддир.

МАСНАВИЙ

*Носиҳонро дасту басту банд кард,
Зулмро пайванд дар пайванд кард.*

ТАРЖИМА

*Айлади банд шоҳ ўз носиҳларин,
Авж олдириди зулм, ёзугларин.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Жуҳуд шоҳи носиҳларининг (насиҳат қилувчилар) оёқ-кўлларин банд этди ва зулмни авж олдириди.

ШАРХ

Золимларга хизмат қилмоқ айни ҳамоқат ва қабих балоҳатдир, чунки ҳам панд ва насиҳатнинг самарасидан маҳрумият ҳосил бўлади, ҳам бундай тунд ва қаттиқўл золимга насиҳат қилмоқдан ҳар қандай киши юз буради.

МАСНАВИЙ

*Бонг омад кор чун ин жо расид:
«Пой дор, эй сак, ки қаҳри мо расид!»*

ТАРЖИМА

*Оқибат бонг урди Аъло Аришимиз:
«Бўлди, эй ит, келди энди қаҳримиз!»*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Шоҳнинг зулми ҳаддидан ошгач, руҳоният оламидан садо келди: «Оёғингни тий энди, эй ит, бизнинг сабримиз тугади, қаҳримизга нишон бўлдинг!...»

ШАРХ

Баъзан марҳаматли Парвардигор золимлар учун тавбага шурӯй қилишлари ва тарийқи мустақиймга ружуъ қилишлари учун имконият, фурсат ва вайда беради. Аммо золимлар зулмда давом этсалар, халойик бу зулм ва таъадди остида хор ва хақир бўлса, Оллохнинг қаҳри юз очади ва золимларга муносиб жазо юборади. Фофил бўлган золимлар бир карра қилган ёмонлик ва фанолигидан хосил бўлган «самара»га мойил бўлиб, ҳар доим жазодан эминман, деб гумон қиласи ва шу йўл билан ўзини балога гирифтор айлади. Холбуки, Оллоҳ таъоло ҳазратлари «Сатторул ъуюб» (гуноҳларни яширувчи)дир ва қанчадан-қанча осийлар ўз гуноҳларига истиғфор қилсин, деб жазони маълум муддатга кечикириади. Бирок, Оллоҳ таъоло Одил ва Қаҳхор бўлгани учун тавба даргоҳига юқуниб келмаган фосиқларнинг бошига балолар ёмгирини ёғдирали.

Кунлардан бир кун ҳазрат Умар разияллоҳу анху бир осий зотни қатлга ҳукм айлади. Жаллод қиличининг ҳайбати ва даҳшатидан ваҳмга тушган осий ҳазрат Умарга нолаю зори қилди: «Ё амиралмўминийн! Мени афу эт! Ҳаётимда танҳо бир марта гуноҳга кўл урганимга ишон!» Ҳазрат Умар жавобан буюрдилар: «Хошо! Сен ёлғон гапираётиссан. Чунки, Оллоҳ таъоло «Сатторул ъуюб»дир. У сенинг неча-неча ёлғонларингни кўриб туриб, кечирди. Пинхон этди. Оқибат Оллоҳ адолати сени жаллод панжаларига тутқазди!..»

МАСНАВИЙ

*Баъд аз он оташ чиҳил газ барфурухт,
Ҳалқа гашту он жуҳудонро бисўхт.*

ТАРЖИМА

*Сўнг олов қирқ газга ёйиб бағрини,
Чирмаб олди шоҳ Жуҳуднинг қавмини.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Шундан сўнг олов қирқ газ юқорига шуълаланиб, ҳалқа бўлди-да, ул жуҳудларни қаърига тортди.

ШАРХ

Маълумки, олов мўминларга гулистоннинг рамзиdir. Бирок, У Оллоҳ ва унинг сиддиқ бандаларини инкор этган жуҳудлар учун жаҳаннамга айланди. «Буруж» сурасининг 10-ояти каримасида буюрилади: «Инналазийна фатанул мўминийна вал мўминоти сумма лам ятубу фалаҳум ўазабу жаҳаннама, валаҳум ўаза-

бул ҳарийк». (Маъноси: «Мўмин ва мўминалар зиёнкашлик қилганидан кейин куфрдан қайтмасалар, шубҳасизки, жаҳаннам азобига гирифтор бўладилар. Уларга қаттиқ олов азоби берилади»). Ушбу ояти карима юқорида зикр этилган жуҳуд золимлари устидан воқеъ бўлганлиги ҳақида ривоят қиладилар.

МАСНАВИЙ

*Асли эшон буд оташ з-ибтидо,
Сўи асли хеш рафтанд интиҳо.*

ТАРЖИМА

*Ибтидода ўт эди ул зотлар.
Интиҳо ўт айлади барбодлар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Уларнинг асли ибтидода олов эди; оқибат асл наслига тортиб, ўтга айландилар, яъни ниҳоят уларни олов ҳалок қилди.

ШАРХ

Қайсар Жуҳуд шоҳидек насиҳатга қулоқ тутмаган барча золимларнинг асли оташдир, ушбу хукм улар ҳақида: «Кулли шайъин яржиъу или аслихи», яъни «Ҳар бир нарса ўз аслига қайтади».

МАСНАВИЙ

*Ҳам зи оташ зода буданд он фарийк,
Жузъхоро сўи Кулл бошад тарийк.*

ТАРЖИМА

*Ул гурӯҳ ўтдан яралди аслида,
Жузъларнинг йўли Куллнинг наздида.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу жуҳудлар фирмаси (гурӯҳи) бўлиб, уларнинг асл зоти ўтдир. Бинобарин, ҳар бир жузънинг (бўлак) йўли аслида Кулл (бутун) томонга йўналгандир.

ШАРХ

Илоҳий қавоиддан маълумдирки, ҳар бир жузъ (яъни бутуннинг бир бўлаги) ўзининг асл зоти бўлган Куллга мойилдир. Инсон боласи Оллоҳ таълононинг фармони тақозоси билан феъл

ва табиатнинг аслини табдил этиш жарабенида бир мукаммал Куллга (яъни, бир бутун вужуд ёхуд ҳар бир ҳодисанинг мукаммал ҳолати маъносига тушуниш мумкин) айланади. Шу тариқа саодат мақомига восил бўлади. Масалан, ҳилқати зулм ва фаноликка мойил бўлган, ёхуд айрим бир ҳолатда ёвузликка журъат этган одамнинг асли оловдир. Бундай табиат сохиби бўлган кимса нечук йўл тутмоғи мумкин? Аввало, азиймуш шаън Куръоннинг Раббоний амрига мутаважжих ва сомеъ бўлмоғи, сониян, бир пири комилга ноил бўлмоғи шарт. Шу йўл билан залолатпеша бўлган ул зот марҳамати Раббоний ила аслини тарк айлаб, саломат бир тарийқнинг (йўл) солики бўлади.

Асл зати олов ва зулм бўлган кимса мутлок оловга рожеъдир (яъни оловлиги — золимлигича қолади) деб тасаввур қилмоқ, маслакнинг (яъни тарийқатнинг) жабри, Оллоҳ таъоло ҳазратлари амр-иродасининг инкори билан баробардир. Юқоридаги байтнинг куйи сатрида келган «Жузълар Куллга томон қайтади» таъбирининг маъноси — Раббоний амрини қабул қилмоққа сайди-харакат этмоқ лозимлигини тасдиқлайди. Демак, Оллоҳ таъоло амрини қабул этиб, машруъ амалларга кўшиш қилган кимса асли оловлик хилқатини маҳв айлаб, бир салоҳ ва тохир йўлнинг солики бўлиши мумкин.

МАСНАВИЙ

*Оташе буданд мўминсўз, бас,
Сўхт худро оташи эшон чу хас.*

ТАРЖИМА

*Бир мусулмонсўз олов эрди улар,
Хас каби ўз ўтларида куйдилар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ул золимлар неча бир мусулмонларни ёқдилар, яъни ҳалок қилдилар, аммо ниҳоят ўз оловларида ўзлари хас-хашак баайни куйиб, кулга айландилар.

ШАРҲ

Ўз хилқатларини табдил этмоқ учун (яъни яхшиликка томон ўзгартирмасдан) Оллоҳ таъоло ҳазратларининг амрига итоат этмақдан бош тортган золим жуҳуд қавми мўмин-мусулмонлар бошига қанчадан-қанча бало селини ёғдирдилар. Уларнинг олов ва зулмлари охир-оқибат илоҳий саодатдан маҳрум этди. Жуҳудларнинг бир олов каби мўминларни ёққанликлари таъбиридан мақсад оловнинг фойдали бўлган баъзи хислатларини тарк ва маҳв этганларини таъкид этмоқ учундир. Масалан, олов аслида

хавфли ҳодисадир, бирок қаҳратонда инсоннинг исинимоги ёхуд неъматларнинг пишиб етилмоғи, шунингдек, темирга ўхшаш маъданларни эритмоқ учун кони фойдадир. Демак, олов ўз хилқатини ўзгаририб, Раббоний амрга тобеъ бўлса, хайрли амалларга восита бўла билади.

МАСНАВИЙ

*Он, ки будаст «Уммуҳул ҳавияҳ»
«Ҳавияҳ» бошад мар ўро зовияҳ.*

ТАРЖИМА

*Улки эрди «Уммуҳул ҳавияҳ»
«Ҳавияҳ» ўлгайдир анга зовияҳ.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар ул золимнинг асли «ҳавияҳ», яъни фоят шиддатли олов эса, худди шу олов унга зовияҳ — макон бўлади.

ШАРХ

Бу ҳол азиймуш шаън Куръоннинг «Кориъа» сурасининг 6—11-ояти каримларида мазкурдир: «Фаамма ман сакулат мавазийнуҳу (6). Фаҳува фий ъийшатин розияҳ (7). Ваамма ман хоффат мавазийнуҳу (8). Фауммуҳул ҳавияҳ (9). Ва ма адрака ма ҳияҳ (10). Нарун ҳамияҳ (11)».

Маъноси: «Бас, аммо кимнинг аъмоллари (амаллари) вазни оғир бўлди (6). Бас, у тириклигидаёқ розилик (Оллоҳ розилигини) топди (7). Ва аммо кимнинг аъмоллари вазни енгил бўлди (8). Бас, унинг жойи ҳавиядир (9). Ва нима англатади сенга недир у (ҳовия нима демак) (10). Оловдир фоят шиддатли (11)». Бу ояти карималардан шу нарса ошкор бўладики, ҳар бир одамнинг ҳасаноти (ѓўзал амаллари) саййиотидан (ёмон амалларидан) зиёд бўлса, унинг учун жаннат эшиклари очикдир. Ва агар кимнинг саййиоти (ёмон амаллари) кўп бўлса, унинг маскани дўзах қаъридир. Бинобарин, саййиот дафъи ва ҳасанотнинг таҳсили учун ҳамиша саъбу жиход этмоқ инсониятнинг муқтазиётидир (яъни одамлик талаблариданadir).

МАСНАВИЙ

*Модари фарзанд жўёни вай аст,
Аслҳо мар фаръҳоро дар пай аст.*

ТАРЖИМА

*Онаизор истаюр фарзандини,
Асллар истар ўзин пайвандини.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Волида фарзандининг талабида. Асллар ўз фаръларининг (аслининг бир узви ёхуд аслидан иккинчи даражали нарса) пайида.

ШАРХ

Ҳар нечук волида ўз жигарбандини ардоқлаган ва мудом йўқлагани каби, асллар ҳам ўз узвларини қидиради. Фарълар (узвлар) маънан табдил бўлса, яъни ўзининг аслидан жудо бўлиб, бошқа бир аслга қовушса, охир-оқибат мубаддаллар (яъни табдил бўлган ходисалар) ўз аслини талаб этади. Халқона таъбир билан изоҳласак, «асл наслига тортади».

Масалан, хилқати оловдан яралган золимни асли — ўт ва қадар ўзига қайта чорлайди. Аммо мазкур золим зулмни тарк этиб, ҳакикат тарийқига (йўлига) солик бўлса, унинг зоти хайрга мубаддал бўлиб, талаби жаннат, рағбати жаноби Кирдикорнинг (Оллоҳнинг) лутфига айланади.

МАСНАВИЙ

*Обҳо дар ҳавз агар зиндонияст,
Бод нашфаш мекунад к-арконияст.*

ТАРЖИМА

*Сув агар ҳавз ичра зиндонбанд эрур,
Бод арконий эрур, шийдам этур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сувлар ҳовузда гарчи зиндонбанд, маҳбус эса-да, бод — шамол уни ўз домига тортади. Зеро, шамол хилқатан «аносири арбаъа» дандир.

ИЗОХ

Аносири арбаъа — тўрт унсур — сув, олов, тупроқ ва шамол. Борлиқ мавжудот ана шу тўрт унсурдан таркиб топган.

ШАРХ

Маълумки, шамол ва «атмосфера» деб аталмиш ҳаво кислород, азот ва суюқликдан таркиб топгандир. Булутсиз осмонда кўринган ранг бу ҳаводир. Шамол ўз таркиботи, табиатига мувафиқ сув ва рутубатни қуритади. Чунончи, йўлларда жамланган сувлар қаттиқ шамол таъсирида қурийди.

МАСНАВИЙ

*Мераҳонад, мебарад то маъданаш,
Андақ-андак то набинӣ бурданаш.*

ТАРЖИМА

*Тортадир бод сувни то маъдан қадар,
Кӯрмагайсан, оз-оз элтар беасар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Шамол сувни халос айлаб, маъданга қадар жуда секин, охис-та-охиста тортиб кетади. Сен бу жараённи кӯра билмассан.

ШАРХ

Сувнинг ўргадан қалқиб, ниҳоят бир улкан таҳвилотдан (ўз-гаришдан) сўнг асл маъдани бўлган денгизга ружуъ айлаши (қайтиши) кўз билан кўриб бўлмас тадрижий жараён. Бинобарин, инсон ҳайтининг тугаши, ниҳоят топишини ҳам кузатиш имкондан ташқари ҳолдир.

МАСНАВИЙ

*В-ин нафас жонҳои моро ҳамчунон,
Андақ-андак дуздад аз ҳабси жаҳон.*

ТАРЖИМА

*Жонни даҳр зиндонида шу сингари,
Ўғирлар оз-оз нафас ўғирлари.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Худди шунингдек, жонимизни бу нафас жаҳон хибсонасидан (қамоқхона) оз-оздан ўғирлайди.

ШАРХ

Сув шамол туфайли қуритилгани каби жонимизнинг тириклик суви ҳам нафас воситасида оз-оз ва талошсиз бу дассос дунёдан айрилади. Ёлғиз Худонинг мардлари абадий саодатга ноил бўладилар. Бу ўринда нафасдан икки муддао назарда тутилади. Биринчидан, оқ жигар назарда тутимоқдаким, унинг воситасида бир томондан бадан ҳавони қабул айлади ва тирилади: иккинчи томондан замон зайлар билан кўзга кўринмас суратда фано бўлади. Бошқа жиҳати калом — сўзга ишоратдир. Яъни

бизнинг каломимиз хайр, яхшилик томонга равона бўлса, гўзал оқибатларга мушарраф айлайди, аксинча, ёзуғлик бўлса, поймол этади.

МАСНАВИЙ

*To «илаїҳи ясъаду атъабул калим»,
Соъидан минна ила ҳайсу алим.*

ТАРЖИМА

*Пок каломлар Ҳаққа умтилди мудом,
Ҳақ муаллимдир, гўзал сўз топди ком.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Фоят буюк ва пок бўлган каломлар бизнинг хузуримиздан Ҳақ жонибига интилади (кўтарилади). Бу каломлар шу қадар юксак мақомга етадики, Оллоҳ таъоло ҳазратлари «Алийм» сифати билан уларни тинглайди.

ШАРХ

Буюк ва пок каломлардан мақсад — таҳлил, турли тоат-ибодатлар, адл ва инсоф демакдир. Бу байтда «Фотир» сурасининг 10-оятига ишора қилинмоқда ва ояти карима шу байтлар тахлилида келтирилди.

МАСНАВИЙ

*Тартақий анфасуна билмунтақо,
Мутҳафан минна ила дорилбақо.*

ТАРЖИМА

*Феъл, нафаслар қудс ила бўлди расо,
Ҳадя қилдик то дами дорилбақо.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Нафасларимиз ва феълларимиз поклик билан тарақкий этади. Бу солих амаллар биздан бир ҳадя тарзида то дорилбакога қадар этади.

ШАРХ

Гўзал феъл ва каломлар шоён бир тухфа янглиғ лоҳут оламига чиқади ва сохибини жаноб Парвардигор даргоҳида мақбул айлайди.



МАСНАВИЙ

*Сүмма таътийна мукафатул мақол,
Зиъфи зака раҳматан мин Зулжалол.*

ТАРЖИМА

*Сүнг қаломларким нисор этдик ҳалол,
Икки ҳисса раҳмат айлар Зулжалол.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Биздан хадя бўлган қалому амаллар эвазига жалол ва азamat сохиби бўлган Оллоҳ таъюло ўз раҳматини икки ҳисса қилиб қайтаради.

ШАРХ

Инсон мақбул калимот, ҳамийда амалларни рӯёбга келтирганидан сўнг, Ҳудойи таъюло марҳамати ва раҳмати унга қат-қат намоён бўлади. Иккинчи мисрада қуидаги мазмунга ишорат килинади: ҳар бир инсон Оллоҳ таъюлодан келадиган мукофотга зинҳор ўз ҳунарим ва қобилиятим билангина ноил бўла оламан, деб гумон килмасин. Зеро, хайр-саодат, иноят жаноб Раббул оламийнандир. Фақат покиза қаломлар ва яхши амаллар Раббоний марҳаматни жалб ва даъват этмоққа гўзал бир васила бўлади.

МАСНАВИЙ

*Сүмма юлийна ила амсалиҳа,
Ка яналал ъабду мимма налаҳа.*

ТАРЖИМА

*Сүнгра Оллоҳ айлагай эҳсонини,
Кулларим олсин дея инъомини.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бизнинг Оллоҳ таборок ва таъоло даргохидан мақбул бўлган каломимиз ва солих амалларимиз эвазига ўзининг чексиз раҳматини ноил айлади.

ШАРХ

Оллоҳ бизнинг хайрли каломимиз ва солих амалларимиз эвазига берган неъматларидан ташқари яна бир чўнг Раббоний марҳаматини нисор айлади. Бу қулнинг хайрли калом ва амалда событқадамлик билан давом этишидир. Токи банда фаровон Раббоний марҳаматта ва жадид неъматларга мушарраф бўлгай.

Муборак байт маънисидан чиқадиган хулоса шулки, Оллоҳ таъоло бандаларининг фоний (яъни вактинчалик ёхуд зарурат юзасидан) хайрли каломи ва мувакқат солих амаллари учун ниёзманд эмас. Зеро, Оллоҳ имтихон тарзида берган ҳаётини унинг қонун-қавоиди асосига қурган бандасини севади. Ул бандани ўз жамолига ва марҳаматига мушарраф этаркан, маҳтал қилмайди (яъни куттирмайди). Чунки, кимсани маҳтал қилмоқ айни мусибат ва маъсият.

МАСНАВИЙ

*Ҳаказа таъружу ва танзилу доиман,
Зафала зилта алаӣҳи қоиман.*

ТАРЖИМА

*Бўйла раҳматлар ёғур Ҳақдан мудом,
Зоеъ ўлма икки ҳолда, вассалом.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Юқорида зикр этилган афъол ва каломлар эвазига бандаларга Раббоний марҳамат даргохидан мукофот нозил бўлади. Бинобарин, эй яхшилик истовчи одам, сен ушбу икки ҳолдан зоеъ бўлма: ҳамиша каломинг хуш, амалинг хайрли бўлсин!

МАСНАВИЙ

*Порсигүйяям, яъни ин қашаш,
Зон тараф ояд, ки омад он қашаш.*

ТАРЖИМА

*Форсий сўйлайман десам чиқди нидо:
«Ул тарафдан келганин том доимо».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Юқоридаги бир қанча муборак байтлар араб тилида баён қилинди. Шу боисдан форсий сўйламакка ихтиёр этган Мавлоно ҳазратлари бу байтлар руҳнинг иши ўлароқ, коинотдан инаётган садоларга қулоқ тутади: у ердан келган садолар лаззатлидир, сен ана шу лаззатбахш руҳоний нидоларга қалбинг тутгил, демокдалар.

ШАРХ

Солих амал ва тойийб (эзгу) қаломларнинг олий мақомга жазб бўлиши, Оллоҳ субҳонаҳунинг ўзиандир. Худойи мутаъюл бу йўсингдаги қалом ва хайрли амаллар учун инсон руҳига лаззат ва жозиба ҳавола буюргандир.

МАСНАВИЙ

*Чашми ҳар қавме ба сўе монда аст,
Кон тараф як рӯз завқе ронда аст.*

ТАРЖИМА

*Ҳар қавм ул ёнга кўз тутгайки бот,
Ул тарафдин ҳосил этмишдир мурод.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳар бир қавмнинг нигоҳи ўша қавм бир куни завқ ва сафо сурған томонга қадалган бўлади.

ШАРХ

Башар фарзанди нечук бир нарса билан улфат касб этса, не бир нарсадан завқ олар бўлса, ҳамиша ўшал нарсага рағбат ва муҳаббатда бўлади.

МАСНАВИЙ

*Завқи жинс аз жинс бошад худ яқиён,
Завқи жузъ аз Кулли худ бошад яқиён.*

ТАРЖИМА

*Хақ будурким, жинс завқи жинс үлур,
Жузъаларнинг завқи асли Куллидур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Яқийн ва мухакқак будурки, ҳар бир жинснинг завқи унинг ўз жинсидандир; жузъаларнинг (узв, аъзоларнинг) завқи унинг ўз Кулли (яъни ўша узвларни хосил этган бутунлик)данdir.

ШАРХ

Мустаҳкам завқ ва майл ўзи мойил бўлган нарсага маънавий ҳамжинсият каби бир маҳфий иртибот (яқинлик, алокамандлик)дан пайдо бўлади. Жузънинг ўз Куллига иртиботи зарурат бўлгани боис ҳамиша унга музтар ва бекарордир. Бинобарин, дўзахий зот зулм, қаҳр ва оловга; жаннатий эса адл ва гўзал амалларга мойил. Жузъ ўз Куллига оқар сувдек илҳақдир.

МАСНАВИЙ

*Ё магар он қобили жинсे бувад,
Чун банд пайваст жинси ў шавад.*

ТАРЖИМА

*Ё магар бу бошқа бир жинс ахтарар,
Пайванд ўлгач, унга ҳамжинс айланар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бир жинс бошқа бирига қобил, яъни унга жинсдош бўлиш хусусияти боис пайванд бўлади, демак, бошқа бир жинснинг ажралмас узвига айланади ва таркибиға дохил бўлади.

ШАРХ

Жинс жинсни ахтаради. Зоҳиран зулмга мойил, бирок тараққиётда бўлган жузъ зулмоний жинсиятини тарқ этиб, нажот тариқатига йўлдош ва истиқоматга солик бўла олади. Аксинча, шаклан мутаққий кимса зулм на шақоват йўлига тушиши оқибатида хуср ва балога гирифтор бўлади.

МАСНАВИЙ

*Ҳамчу обу нон, ки жинси мо набуд,
Гашт жинси мову андар мо фузуд.*

ТАРЖИМА

*Сув ва нондекким, эмас жинсдошимиз,
Жинсимиз бүлгай бүларкан ошилиз.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Масалан, сув ва нон бизнинг жинсимиздан эмас. Качонки биз улардан истифода этсак, улар жинсимизга айланади.

ШАРХ

Табиийки, инсоннинг бадани қайд қилинган сув ва нон каби Оллох таъоло неъматларидан айрича. Аммо, бу неъматлар одам жинсига (бу ўринда баданига) дохил бўлгач, унинг бир жузъига айланади. Бу илохий неъматлар туфайли одам боласи соғлом ва саодатга ноил бўлади. Жинсларнинг бу ҳолатдаги табдили бошқа наборот, жамодот ва ҳайвонот турларига ҳам хос. Инсон азиймуш шаън Куръон ҳукмига биноан «аҳсанни тақвим», яъни Оллоҳнинг суюмли, гўзал яратилган халифаси. Бинобарин, инсон хамиша, ҳар нечук ҳолда Раббоний ирода ижросига жидду жаҳд айласа, Ҳак нури унинг қалбида тажаллий этади ва зулмоний жинсиятини тарк этиб, икки жаҳон фарогати, эминлик ва омонлик соҳиби бўлади.

МАСНАВИЙ

*Нақши жинсият надорад обу нон,
З эътибори охир онро жинс дон.*

ТАРЖИМА

*Сув ва нонда йўқ эрур жинсдан нишон,
Жинс эрур охир — пировард бегумон.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сув ва нон нақш ва суврат жиҳатидан инсон билан жинсият тутмаса-да, охир эътиборда сен уларни инсон билан ҳамжинс бил.

ШАРХ

Суврат ва нақш эътиборига кўра сув билан нон инсон баданига файри мушобих, аммо баданга дохил бўлиши ва бадан жузълағиға кувват, зиёдалик баҳш эта олиши қобилиятига кўра жамодотдан табдил бўлиб, инсон билан жинсият, ҳаёт ва қобилият қасб этади. Бу мисолдан намоён бўладики, қуддусиятта шоён урфон ахли билан ҳамхол ва ҳамзабон бўлган зот ҳақиқат зоҳиргоҳи ва илохий маромга ноил бўлади.

МАСНАВИЙ

*Варзи гайри жинс бошад завқи мо,
Он магар монанд бошад жинстро.*

ТАРЖИМА

*Жинсдан ўзга бўлса бизнинг завқимиз,
Не ажаб, ул завқ жинсин аҳлимииз.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар бизнинг завқ ва фараҳмандлигимиз ғайри бир жинсдан хосил бўлса, бу ҳол ўша ғайри жинснинг бизнинг жинсимизга монандлиги ва мушобихи туфайли.

ШАРХ

Жинс ўз жинсидан завқ ола билади. Агар жинси бошқа бўлган бирор нарсадан завқ олса, завқ берган нарса майл этган нарса жинсига менгазиши оқибатидандир. Масалан, мустакийм (тўғри) бир одам ғайри мустакийм (эгри) одам билан улфат тутиниб, гоҳ-гоҳ завқлана билса, зоҳиран ғайри мустакийм мустакиймига менгзashi мумкин. Аммо, бу хато тасаввур хосиласи. Дастреб бир-бировига монанд бўлган хисларнинг охир-оқибатда ғайри мушобих экани ҳакиқат. Масалан, лаззатли шингилга томган заҳар, муҳаббатдек туюлган адоват, эҳсонга ўхшаш қаҳр ёхуд одам юзли ҳайвон, сувратан ва сийратан муттақий бўлган риёкор каби жинсият козибадир (ёлғон).

МАСНАВИЙ

*Онки монанд аст – бошад орият.
Орият боқий намонанд оқибат.*

ТАРЖИМА

*Неки монанд бўлса улдир орият,
Орият боқий қололмас оқибат.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳар бир нарса ҳакиқий бўлмасдан, мушобих, яъни ўхшаш бўлса бу – орият. Орият эса оқибатда бокий қолмайди.

ШАРХ

Юқорида гувоҳ бўлганимиз, ғайри мустакийм бир одамнинг мустакиймларга хос ахвол ва атворда бўлиши мувакқат. Бундай

хол охир-окибатда завол ва зойилга гирифтор бўлади. Аксинча, сувратан файри солих одамни бадахлок кимсалар ўзларига ҳамжинс билиб, унга эътимод қилсалар, сўнгра уларнинг нолойик ҳаракатларига тобеъ бўлмаётганини кўрсалар, ҳамжинс эмасликларини англаб, бир-бирларидан йироқлашадилар.

МАСНАВИЙ

*Мурғро гар завқ ояд аз сафиёр,
Чунки, жинси худ наёбад, шуд нафиёр.*

ТАРЖИМА

*Қуш агар ёлғон садодан завқланар,
Жинси эрмаскан яна нафраланар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Куш ўз сасига монанд бир садодан (яни ёлғон садодан) завқланиши мумкин. Аммо, бу ўз ҳамжинсининг товуши эмаслигини пайқаб қолгач нафраланади.

ШАРХ

Яширинган бир овчининг куш тутмоқ учун тақлидан чиқарган ёлғон сасидан куш завқ олади ва ўша садо чиқкан ерга яқин келади, аммо бу ҳамжинсининг товуши эмаслигини англағач, унинг завқи нафратга мубаддал бўлади. Чунончи, ора-сира куш овчи домига тутилгани каби баъзи бир инсон ҳам бир муқаллид (тақлидчи) ва риёкорнинг домига гирифтор бўлиши шубҳасиздир. Бинобарин, ақл ва фаросат сохиби бўлган киши доимо эҳтиёт бўлмоғи лозим.

МАСНАВИЙ

*Ташнаро гар завқ ояд аз сароб,
Чун расад дар вай гурезад, жўяд об.*

ТАРЖИМА

*Ташна завқланса саробдан, не ажаб,
Етса, қочтай, сув қидиргай ташналаб.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сувсаган одам саробдан завқланиди. Сароб кўринган ерга етиб боргач, сув ҳалқаларига ўхшаш шакллар йўқолади. Шундан сўнг, ташна одам яна сув қидиришда давом этади.

ШАРХ

Сароб саратон кунларида олисдан назарга сув каби ташланувчи бухордир. Чанқаган йўловчи камоли ҳароратдан сув бўлса керак, деб ўша томонга шитоб этади. Аммо етдим дегунча, сароб ундан чекинаверади, йўловчининг ташналиги чандон зўраяди.

Алхосил, ҳақиқий бўлмаган ва ёлғиз сувратдан иборат жинсият саробга монанд. Бинобарин, ундан туғилган завқ ва саодат охир-оқибат зарар ва нафрат, зулмат ва надоматдир.

МАСНАВИЙ

*Муфлисон ҳам хуш шаванд аз зарри қалб.
Лек, он расво шавад дар дори зарб.*

ТАРЖИМА

*Хуш этар муфлисни зарким қалб эрур,
Лек, уни зарбхоналар расво этур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Муфлислар қалбаки олтиндан хушхол бўладилар, лекин зарбхонада ўша қалбаки олтиннинг расвоси чикади.

ШАРХ

Ҳақиқий бўлмаган суварий жинсият ва латофатнинг оқибати расволикдир. Масалан, бадахлоқ ва тамаъгар ва ё сармоясиз қолган баъзи муфсид ва беор қалбаки олтин ясади. Улар бундан мувакқатан завқ ва лаззат суришлари ҳам мумкин. Аммо натижада тажрибалардан сўнг олтиннинг қалб ва қийматсизлиги ошкор бўлгач, сохтакор турли жазоларга гирифтор бўлади. Бинобарин, ҳар калом ва амалда қабих феъл, фасод сўзлардан парҳез этиб, адл ва истиқомат тарийқига дохил бўлмоқлик одамийлик фазоилидандир.

МАСНАВИЙ

*То зарандудият аз роҳ нафканад,
То хаёли каж туро чаҳ нафканад.*

ТАРЖИМА

*То зарандудлик йўлингни тўсмасин,
То гараз ўй чоҳ ичида кўммасин.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй, Ҳақ талабида бўлган инсон! Дикқат эт! Бу зарандудлик, яни қалбаки бўлган бу суварий жаҳон, бу зеб-зийнат ва ҳою ҳашамга ботган ҳаром дунё сени йўлдан оздирмасин! Дикқат айла! То эгри ва ботил хаёллар сени чоҳ қаърига улоқтирмасин!

ШАРХ

Эй инсон! Нафс ва шайтоннинг ҳамда ҳийлакор одамларнинг сенга завкли қилиб кўрсатган номашруъ амалларига рағбат этма! Ҳийлакорлар билан улфатда ва унсиятда бўлма! Зеро, улар айни сароб ва сафийр, гирдobi зулматмасийдир. Оқибат сени бало ва қазоларга рўбарў этадилар, сўнгра саломатлик ва сафо ўрнига жабру азобга ташлайдилар. Бинобарин, бу ўткинчи умрда шариати гарродан ва асрлар бўйича чуқур тажрибаю таҳқиқдан ўтиб, инсоният олами қабул этган низомдан айрилиб, сафийл ва саргардон бўлма!

МАСНАВИЙ

*Аз «Калийла» боз хон он қиссанро,
В-андар он қисса талаб кун ҳиссанро.*

ТАРЖИМА

*Сен ўқи тақрор «Калийла» қиссанасин,
Сўнг талаб қил қиссанинг ул ҳиссанин.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

«Калийла ва Димна» номли ҳикоялардан («Хумоюннома» китобидан) бу қиссани ўқигил ва ул қиссадан ҳисса талаб қил.

ШАРХ

Бу қисса муносабати билан қутбул орифийн Мавлоно Жалолиддин Румий қоддаса сиррухус сомий ҳазратлари бир неча тегран ҳукм, ҳақоики олия ва нукоти жалилияни баён буюрадилар. Иншаоллоҳ таъоло, қуйида таҳrir ва урфон нури билан танвир қилинади.

НАХЧИЙРЛАР (ОВ ҚИЛИНАДИГАН БИР ТУРЛИ ХАЙВОН)НИНГ ШЕРНИ ТАВАККУЛ ҚИЛИБ, ЖАХДНИ ТАРК ЭТМОФИГА ДАЬВАТ ҚИЛМОҚЛАРИ ХУСУСИДА ХИКОЯТ

Нахчийрлар ўзларига талофат етказувчи шернинг наздига келиб, таваккулни ихтиёр этмоққа ва бинобарин, жаҳдни тарк этиб, саъй айламасликка чакирадилар. Бунинг зимнида арслонни унга хуш келадиган сўзлар билан сийлайдилар. Ушбу ҳикоятда нахчийрлар ва шер ўртасидаги ғоят жиддий баҳс зътиборга сазовордир.

ИЗОҲ

Бу ҳикоятда шер — арслондан мақсад соҳибкудрат золим ва хунрез инсон; нахчийрлар тоифасидан маром авомунносдан баъзи заиф ва бедармон кимсалар. Яна бир тавжеҳда арслондан мақсад — акл; нахчийлардан маром — афкор ва васваса. Лекин, хикмат билан мутолаа қилинса, гўзал тавжех биринчи баён этилган тавжеҳдир. Яъни арслон — соҳибкувват, хунрез ва золим инсон; нахчийрлар тоифаси авомунносдан баъзи заиф ва бедармон кимсалардир. Арслон — акл ё нафс; нахчийрлар — афкор ё васваса каби ҳодисаларга нечоғли тааллуқли экани ҳикоят шевасидан ва ҳикоя сўнгига муборак «Маснавий»нинг баъзи байтлари мазмунидан ошкор бўлади.

МАСНАВИЙ

*Тоифаи нахчийр давр водии хеш,
Будашон аз шер доим кешима-кеши.*

ТАРЖИМА

*Бир гўзал водий эди, нахчийрлар
Шер туфайли кашима-каш айлардилар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сўлим ва латофатли водийда бир гурух хайвонот яшар эди. Бирок ҳудди шу водийда яшовчи ва уларнинг изтиробига сабаб бўлгувчи арслон туфайли уларнинг орасида доимо баҳсу талош рўй бериб турарди.

ШАРХ

Бир гүзәл водий ахолиси гүзәл мавкеъда умргузаронлик қил-салар-да, қудрат сохиби, хунрез ва золим бир инсондан ҳамиша изтиробда эдилар. Шу боис камоли хавфдан муталоший ва ғарип бир ҳолда кун күрардилар.

МАСНАВИЙ

*Бас, ки он шер аз камийн дар мерубуд,
Он чаро бар жумла нохуш гашта буд.*

ТАРЖИМА

*Баски ул шер ўрнидан қўпган замон,
Хар на жон бор ўлдирапди беомон.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Арслон ўз камийнидан (яъни пистирма)дан қўпган захоти, гўзәл водий нохуш ва даҳшатзорга айланарди.

ШАРХ

Юкорида зикр этилган зулм ва зўр сохиби — хунрез яширин маконидан чиқиб, водий ахолисини талар, мол-манолларини ро-рат, ўзларини зулмга нишон этарди. Шу сабабли водий ахли ўз манзилларидан нафратда, шер хаввидан бехузур эдилар.

МАСНАВИЙ

*Ҳийла карданд, омаданд эшон ба шер,
Каз вазифа мо туро дорем сер.*

ТАРЖИМА

*Ҳийла айлаб, келдилар шер наздига,
Айлашиб манзур вазифа нафсига.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳайвонлар ҳийла этиб, арслоннинг қошига келдилар ва дедилар: «Эй арслон, биз сени вазифадан тўқ тутармиз!»

ШАРХ

Фоят безор ва бекарор бўлгандар учун унинг наздига чор-ночор, мутёёна ташриф буюриб, дедилар: «Эй қудрат сохиби,

сен ўз маконингни тарк этмасанг, бизга зиён-захмат етказмасанг ва бошимизга қатлу қирон селини ёғдирмасанг, кўнглингга хуш келадиган бир вазифани таклиф қиласиз. Яъни ҳар куни наздингга ўз қўлларимиз билан семиз бир жонликни келтириб берамиз. Шу билан ҳирсинг олови ва фазабинг осойиш топади. Аммо гарчи бу ишни ўзинг foят аъло даражада эпласанг-да, биз сенга хушнуд эта оладиган қурбонлик келтирамиз. Бинобарин, захмат чекмасдан роҳатта ноил бўласан».

МАСНАВИЙ

*Жуз вазифа дар пайи сайде маё,
То нагардад талх бар мо ин гиёҳ.*

ТАРЖИМА

*Сен фақат сайд этма, ўз корингни бил,
Бўлмасин бизга гиёҳ заҳру залил.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Биз сенга таклиф этган вазифадан ғайри иш билан ҳузури мизга келма (яъни ов ёхуд талон-торож мақсадида), токи бизнинг озуқамиз бўлган гиёҳ, майсалар захарга айланмасин.

ШАРХ

Сенинг роҳат-фароғатингни кўзлаб келтирадиган жонлигимиз кифоят қилсин. Ушбу вазифадан ғайри бир кор билан бизнинг ҳузуримизга оёқ босма. Сайду шикор айламоқдан воз кеч. Ёлгиз ваъдамизга эътибор этиб роҳат ихтиёр қил. Биз сенга доимий таом етказиб берадиган вазифадан ва хушхол этмоқликдан қаноатда бўл. Зоро, сен бизнинг ихтилофимиз учун ҳар гал хавф солар эсанг ва беомон бўлсанг, сенга емиш бўладиган бадандан путур кетади.

АРСЛОННИНГ ҲАЙВОНЛАРГА ЖАВОБИ ВА ЖАХДУ САЙНИНГ ФОЙДАСИ ҲАҚИДА СҮЗЛАГАНЛАРИ

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Оре, гар вафо бинам, на макр,
Макрҳо бас дийдаам аз зайду бакр».*

ТАРЖИМА

*Деди: «Майли, гар вафо кўрсам, на макр,
Чўх макр кўрсатди менга зайду бакр».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Арслон ҳайвонларга жавобан деди: «Майли, агар сўзингиз макр-хийла эмас, чин бўлса, розиман. Лекин мен дунёда зайд (ёлғончи) ва бакрдан (покиза) жуда кўп хийла ва ёлғонларни кўрдим».

ШАРХ

Золим водий ахлига деди: «Сиз менга вазифа тайин этиб, уни хузуримга келтириб кўйдингиз. Демак, сизнинг таклифингизга кўра мен саъй-харакатсиз роҳатга ноил бўламан ва ҳар нечук машакқатлар зоёйдир. Лекин сезиб турибманки, бу айни хийла ва филофга василадир. Алалхусус, мен дунёда одамлардан жуда кўп хийла-найранг, макр ва ёлғонларни кўрдим. Бинобарин, ишимни ўз билганимча қилмоғим фойдали эканлигини англадим».

МАСНАВИЙ

*Ман ҳалоки феълу макри мардумам,
Ман газийда захми мору гаждумам.*

ТАРЖИМА

*Мен одамзод феъль ва макридан ҳалок,
Ҳам чаёну ҳам илондан захмнок.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Мен инсонларнинг ҳийлали ишларидан ҳалокман. Мен илон ва чаён захмини татиб кўрганман.

ШАРХ

Шу чоққа қадар мен одамларнинг сўзларига эътиимод этдим, илон ва чаён табиатидаги кимсаларга узок вақт сидк кўрсатдим, бироқ уларнинг шартидан ҳалок бўларга етдим. Бу сўнгиз тажрибалардан сўнг ҳам унинг ё бунинг раъйига юриб, зарар топдим ва надомат чекмоғим носазо ва айни хато.

МАСНАВИЙ

*Мардуми нафс аз дарунам дар камин,
Аз ҳама мардум батар дар макру кийн.*

ТАРЖИМА

*Нафс мардуми ичим этмиш камийн,
Макру кинда барча элдан баттарин.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ичимда пўсиб олган нафс мардуми менга ҳийла ва зиён етказмакда жумлайи одамдан баттардир.

ШАРХ

Золим водий ахлига дейди: «Мен инсонларнинг ҳийласидан кўп зиён кўрдим, хўп пушаймон бўлдим, уларнинг менга ишлатган макр ва хиёнатларидан нолон бўлдим. Алалхусус, ўз нафсим билан ботинимдаги камингоҳда (пистирмада) яширинган бир улуғ фаним роҳат-фароғатни ихтиёр этиб, саъй ва жиҳоднинг адами бўлмиш зиёнлар манбаъини менга тавсия айламоқдаларки, улар ҳар нечук кимсалардан зиёда мени ёзувлар гирдобига итқитмоқда. Сизлар эса, маккор нафс каби менга нисбатан кин тутмоқдасиз ва найранг билан гўё роҳат-фароғат ваъда айлаб, ҳалокатга дучор этајпсиз».

МАСНАВИЙ

*Гуши ман «Ла йулдагул мўмин» шунид,
Қавли пайғамбар ба жону дил гузид».*

ТАРЖИМА

*Тингладим «Ла йулдагул мўмин»ни,
Жону дил бирла паямбар ҳукмини».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Мен пайғамбар алайҳиссалоту вассаломнинг ҳадиси шарифларини эшитдим. Жаноб пайғамбар сўзларини жону дил бирла ихтиёр ва қабул айладим».

ШАРХ

Золим водий аҳлига баён айлаган ҳадиси шариф ушбудир: «Ла йулдағул мӯъмина мин жуҳрин воҳидин мэрратайни». Маъноси: «Мӯмин бир индан икки карра чақилмайди». Яъни уни бир газанда икки марта чақмайди. Мӯмин киши бирор юмушда бир дафъя зиён ва зарар кўрса, хоҳ тажриба учун бўлсин, хоҳ фойда илинжида бўлсин, қайтиб ўша ишга қўл урмайди. Зеро, сабоқ бўлган зарарли бир ишнинг зиёда зарарли эканлиги очик ҳакиқатдир. Бинобарин, эй водий аҳли, бу ғафлатга бошловчи сўзларингизга аҳамият бермайман, ўзимни машаққат ва надоматга дучор қилмайман».

НАХЧИЙРЛАРНИНГ САЪЙ-КАСБГА ҚАРШИ ЎЛАРОҚ ТАВАККУЛГА Даъват ЭТМОҚЛАРИ БАЁНИДА

МАСНАВИЙ

*Жумла гуфтанд, эй ҳакиими боҳабар,
«Ал ҳазар даъ лайса югна ъан қодар».*

ТАРЖИМА

*Жумла дерлар: «Сен ҳакимсен нуктадон,
Лек, қадар авло ҳазардан бегумон».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Арслоннинг наздига келган ҳайвонларнинг барчаси дедилар: «Эй, ҳамма нарсадан огоҳ бўлган ҳаким! Ҳазар ва эҳтиёткорликни тарқ эт, зеро, ҳазар қадардан зиёда фойда бермайди».

ШАРХ

Водий аҳли ўз ожизликлари туфайли арслонга қарши ҳийла ва макр тузогини қўймокқа келишганлари юқорида айтилди. Бинобарин, золим хунрезнинг панжасидан мумкин қадар халос бўлмоқ учун саъй ва ҳаракатсиз таваккулнинг ўзи биланоқ манфаат хосил қилиш мумкинлигини зўр бериб ташвиқ этдилар.

МАСНАВИЙ

*Дар ҳазар шўриданни шўру шар аст,
Рӯ таваккул кун, таваккул беҳтар аст.*

ТАРЖИМА

*Бил, ҳазар исёну шўру шардуур,.
Кил таваккулким, таваккул яхшидур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳазарда исён ва шўру ғавғо бор. Юзингни таваккулга бур. Таваккул аълодир.

ШАРХ

Водий ахлининг золим ва қаттол бўлган бир одамнинг саъю жаҳдни тарқ қилмоққа даъват этмаклари ўзлари учун айни саъю жаҳддир. Фақат ғарид ҳолат будурки, саъи-ҳаракат ва жидду жаҳд учун бу қадар умури Раббония (илохий амрлар) булишига қарамасдан, диллари заиф бўлган танпарварларнинг фарази ниҳоят шубҳали ва уларни вайрон этгувчидир. Аслида таваккул ғоят мўътабар бир кайфият. Аммо шу шарт биланким, таваккул ахли саъи-ҳаракат, машруъ иқдомот ва мақбул ижроотдан айри қолмасалар. Зоро, ҳақиқат оламида саъи-ҳаракатсиз ва жидду жаҳдсиз таваккул бўлмайди.

МАСНАВИЙ

*Бо қазо панжа мазан, эй тунду тез,
То нагирад ҳам қазо бо ту ситеz.*

ТАРЖИМА

*Сен қазога панжа урма, бесабр,
Интиқом олай қазо ҳам барибир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй, ғазабли ва бесабр инсон! Сен қазога панжа урма! То қазо сенга қасд ва хусумат тутмасин!

ШАРХ

Водий ахли хунрэз одамга нисбатан ўз маромларига мувофиқ ушбу ғафлатрасо бир лисонни истеъмол қилдилар. Аммо, қазо билан мадора этмаслик қазога панжа урмоқ бўлмасдан, балки, Ҳак амрига итоат айламоқдир. Зоро, илохий ҳукм ва амр тақозоси билан инсонлар учун ақл-заковат, қўл-оёқ каби соир аъзолар эҳсон ва ато этилгандир. Оллоҳ таъоло ҳазратлари икки дунёнинг раҳбари, шон-шуҳрат сохиби бўлган набийлар маърифати, алалхусус, Ислом ахлига азиймуш шаън Куръон воситасида жаҳд ва касбни қатъий фармон этиб юборди. Инсоннинг рӯзгор ва тирикчилик синовлари ҳам саъй-ҳаракатнинг фойдали ва афзалликларини кун каби равшан исбот этади. Саъй-кўшиш этмаслик, муросаю мадорада забун ва паришон ҳолда яшаш буюк ҳамоқат. Бинобарин, қазога панжа урмоқ ва Раббоний неъматни феълан инкор этмоқ гумроҳликдир. Улуг коинот тасарруфидаги ҳар жисм, аъзо ҳаракатда. Ҳатто инсоннинг моддий ҳаётини ташкил этган нафас ва аъсоб ҳам худди шундай Раббул оламийн фармонига мувофиқ доимий ҳаракат этар экан. Оллоҳ қудратига мункир бўлганлар аъзойи баданидан ибрат олсинлар-да, хижолат ва на-домат этсинлар!

МАСНАВИЙ

*Мурда бояд буд пеши ҳукми Ҳақ,
То ноёяд захм аз Раббул фалақ.*

ТАРЖИМА

*Мурда бўл Оллоҳ ҳукмин наздида,
Етмасин Раббул фалақнинг захми-да.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Оллоҳ таъоло ҳазратларининг ҳукми ва фармойиши қошида ўлмоқ лозим. Токи тонглар Раббидан сенга зиён ва заҳмат етмасин.

ШАРХ

Ушбу кайфият ҳам водий ахли тафаккурининг ғафлатидан бир аломат — белгидир. Оллоҳ таъоло ҳазратларининг ҳукм-фармонлари наздида ўлмок, Оллоҳ таъолога куллиян тобеъ бўлмоқ, демакдир. Бу амр — айни ҳақиқат. Чунки, Оллоҳ таъоло ҳазратлари жидду жаҳд ва саъй-ҳаракатга буюради. Инсон қазо-қадар ва Ҳак амрига тобеъдир. Бинобарин, доимо тасли-миятни бажо айлади. Аксинча, жаҳд ва саъй айламас эса, Ҳак таъолога тобеъ эмас, балки унинг фармонига мункир ва осий

саналади. Бир оила соҳиби ўз болаларига «ишлангиз» амрини қилган заҳоти болалар қалқиб, фармон ижросига киришар эканлар, таслимият ва итоат исботини бажо айладилар. Аксинча, ушбу фармонга итоат этмаган қайсар танипарварлар мухолифат кўрсатиб, ижрога ружуъ қилмасалар оиласишига мункир хисобланадилар.

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Оре, дар таваккул раҳбар аст,
Ин сабаб ҳам суннати пайғамбар аст».*

ТАРЖИМА

*Деди: «Барҳақдир таваккул ибрати,
Бул сабаб ҳам Ҳақ Расулин суннати».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Арслон ҳайвонларга жавобан деди: «Ха, таваккул раҳбар ва далилдур. Аммо, сабаб ва саъй ҳам пайғамбар алайҳиссалоту вассаломнинг суннати санияси ва одати жамийласидир».

ШАРХ

Гарчи хунрез золимнинг водий ахлига нисбатан муомаласи зулм бўлса-да, ушбу баҳсдаги фикрлари мусбат. Масалан, бир золим Оллоҳ таъоло ҳазратлари бирдур, деса, ваҳдониятга мутааллуқ бўлган ифодаси ҳақдир. Бинобарин, таваккул фарз ва маъқул амал. Фақат ҳайрли амалга тааллукли таваккулга золимларнинг бўйсунмаслиги исбот этилгандир.

МАСНАВИЙ

*Гуфт пайғамбар ба овози баланд:
«Бо таваккул зонуи уштур бубанд».*

ТАРЖИМА

*Деди пайғамбар баланд овозда:
«Боғла норни, сўнг таваккул созла».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Пайғамбар алайҳиссалом юксак садо ила буюрдилар: «Оллоҳ таъолога таваккул этмак баробарида туяниング оёридан боғла!»

ШАРХ

Арслонга ташбих қилинган золим водий ахлига деди: «Хунарнинг асли таваккул ила чамбарчас ишламоқдир. Бир зот оламлар фахри пайғамбар алайҳиссалоту вассалом ҳузурларига келиб деди: «Е Расулуллоҳ! Туянинг оёкларини боғлаб, муҳофаза этайму ёхуд уни ўз холига қўйиб, мутаваккул бўлайми?» Маъоз бин Жабал розияллоҳу анху ривоят қилишича, пайғамбар алайҳиссалоту вассалом жавоб бердилар: «Туянгни маҳкам боғла, сўнгра Оллоҳ таъюлога таваккул қил». Бу ҳадиси шарифдан кун каби маълум бўладики, саъй ва таваккулнинг ўзаро боғлиқлиги мақбул кайфиятдир. Уларни бир-биридан жудо қилмоқ айни хато ва Раббоний иродага хилоф.

МАСНАВИЙ

*Рамзи «ал-косиб ҳабибуллоҳ», шунав,
Аз таваккул дар сабаб коҳил машав.*

ТАРЖИМА

*«Косиб – Оллоҳ дўсти» рамзин англагил,
Ҳам таваккул бирла маҳтал бўлмагил.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

«Косиб – Оллоҳнинг дўстидир». Ҳадиси шарифнинг рамз ва ишоратини тинглагил-да, таваккул василасига маҳтал бўлма.

ШАРХ

Бу ҳадис сахиҳдир: «Ал-касибу ҳабибаллоҳи» (косиб – Оллоҳнинг дўсти), яъни косиб, умуман меҳнаткаш одам Оллоҳ таъюлонинг суюмли қулидир. Жаҳд ва саънинг фойдаси исботга муҳтоҷ эмас. Бинобарин, гафлат аҳли ботил қарашларини собит этмоқ учун ҳар қанча далил ва таъвил келтирмасинлар, ўзларинигина барбод этадилар.

НАХЧИЙРЛАРНИНГ ИЖТИҲОДДАН ТАВАККУЛНИ УСТУН ҚЎЙМАКЛАРИ БАЁНИДА

МАСНАВИЙ

*Қавм гуфтандаш, ки қасб аз заъфи ҳалқ,
Луқмай тазвийр дон миқдори ҳалқ.*

ТАРЖИМА

*Қавм дерлар: қасб — ҳалқнинг заъфидан,
Билки, тазвийр луқмаси ҳалқ қаъридан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Қавм арслонга жавобан деди: Қасб ва саъй-ҳаракат ҳалқнинг заифлигидан. Қасб тазвийр (ов) луқмасидирки, ҳарисларнинг бўёзи баробаридадир.

ШАРХ

Водий ахли арслонга ташбих бўлган одамга дейдилар: Инсонларнинг қасб ва саъий, қазо ва қадари камоли қудрати Раббонийдан воеъ бўлади. Алалхусус, жаҳд ва саъий бир хато ҳаракатдир. Ҳарис кимсанинг хирси яна талай гуноҳлар эвазига зиёда бўлиб, ўз соҳибига заҳмат ва изтироблар келтиради. Бинобарин, бундан сўнг наздимизга келма, сенга тегишли нарсаларни ўзимиз хузурингта келтириб берамиз.

МАСНАВИЙ

*Нест қасбе аз таваккул ҳубтар,
Чист аз таслим худ маҳбубтар.*

ТАРЖИМА

*Йўқ таваккулдан зиёда қасбу кор,
Борми таслимдан гўзалроқ ҳасбу ҳол.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳақ таъолога таваккул этмоқдан гўзал қасб йўқ. Таслим бўлмоқдан кўра маҳбуброқ не бор?

ШАРХ

Бечора қавм таваккулни ҳамд айлаб, саъй-ҳаракатга нисбатан таъна ва истехзә қилас эканлар, бунинг зимнида ўзлари қаттиқ ҳаракат, яъни саъй-кўшиш қилаётганларини билмайдилар.

МАСНАВИЙ

*Бас гурезанд аз бало сўи бало,
Бас жаҳанд аз мор сўи аждаҳо.*

ТАРЖИМА

*Хўп балолардан балога қочдилар,
Ким илондан аждаҳога қочдилар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кўплаб одамлар балодан қочаман деб, яна балоларга томон юз бурадилар. Талай зотлар илондан қочиб, аждаҳо домига илинадилар.

ШАРХ

Одамлар ҳақиқатни мукаммал англамокка қодир эмасликлари важхидан ўз касб ва ҳаракатларида тақозо этилган ҳодисанинг аксини бажо келтирадилар ва ҳақиқатдан бу зайл эврилишлари оқибатида ўзларини хароб этадилар. Масалан, бир одам фаровон ва саодатманд бўлмоқ умидида тижоратга ўзини уради. Холбуки, тижорат гумон қилганидек, айни баҳт ё комронлик мояси бўлмай, эҳтимол, ўша кимсанинг фалокати боисига айлангай. Чунки, барча маълум сабабларга кўра, саъй-ҳаракат этганларнинг юздан беши изтиробга дучор бўлса, саъй-ҳаракат этмаганларнинг юздан тўқсон тўқизи факр ва азобга гирифтор бўладилар.

МАСНАВИЙ

*Ҳийла кард инсону ҳийлаш дом буд,
Он, ки жон пиндош хуношом буд.*

ТАРЖИМА

*Ҳийла қилди кимсаким, тўр бўлди,
Улки жоним дерди, қонхўр бўлди.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Инсон бирор мақсад илинжида макр-ҳийла қилди, унинг макри ўзига тўр, яъни дом бўлди. Жонга қиёс айлагани охир конхўрга айланди.

ШАРХ

Водий ахли дедилар: Инсон саъй ва хийла билан бир муродга ноил бўлмоқ истайди, окибатда хийласи бўйнига занжир ва шахси зиллатга асир бўлади. Масалан, ўғри хийла билан бир кимсанинг оқчасини форат этмак учун ақл ва қувватини сарф этар экан, охири қўлга илиниб, зинданга ташланади, номус ва фароғати поймол бўлади. Филҳақиқат, номақбул, файри машруъ амалларда хийлали саъй зиёнлидир, машруъ амалларни ихтиёр этмак айни саломат ва иззатдир. Оламда бир манфаатли амал билан шуғулланган кимсалар ўз касбларига қаноат этадилар. Аксинча, танпарварлар ўзлари дучор бўлган факр ва захматни даф қилмоқ умидида ўғрилик ва соир фазоҳатни ихтиёр этадилар. Окибатда ўзларини турли балоларга гирифтор қиласидилар.

МАСНАВИЙ

*Дар бубасту душман андар хона буд,
Хийлаи Фиръавн з-ин афсонада буд.*

ТАРЖИМА

*Копқани ёпди-ю душман хонада,
Ҳамда Фиръавн макри бул афсонада.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эшикни маҳкам ёпди, ҳолбуки ўғри хонанинг ичкарисида эди. Фиръавннинг макри-хийласи ҳам саҳв ва саъй ҳакидаги мазкур афсонага тааллуклидир.

ШАРХ

Ўғридан эмин бўлмоқ учун хона эшикларини маҳкам ёпгандар, бирок, саҳван ўғри уларнинг хонадонида бўлганлиги ҳакидаги мисолни водий ахли арслонга ҳикоя қилдилар. Барчага маълумки, хона эшикларини ёпгандар амн ва омон соҳиби бўлганлари холда, очик колдиргандар анжом ва ашёларини ўйирлатиб, надомат чекадилар. Фиръавн Ҳазрат Мусони (а.с.) ўлдирмоқ учун бани Исройл болаларини қатл ва фано этар экан, Ҳазрат Мусо (а.с.) Фиръавннинг ёнида нашъу намо топди. Филҳақиқат, Фиръавннинг ҳаракати касб ва жиход эмас, зулм эканлиги боисидан барбод бўлди.

МАСНАВИЙ

*Сад ҳазарон тифл күшт он кийнакаш,
В-он, ки ў межуст андар хонааш.*



ТАРЖИМА

Катл этиб юз минг зиёд гўдакни у,
Ахтариб ўз уйида юрганинни у.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Интиком чекувчи Фиръавн юз минг болани қатл этди, ҳолбуки у қидирган гўдак (Ҳазрат Мусо алайҳиссалом) унинг уйида эди.

ШАРХ

Ушбу қисса Куръони азиймуш шаъннинг «Қасас» сураси еттинчи ояти каримасидан ибтидо топиб, қуидагича баён этилади: «Ва авҳайна ила умми Муса ан арзиъийҳи фоиза, хифти ъалайҳи фаалқийҳи филямми ва ла тахофий ва ла таҳзаний, инна роддувху илайки ва жаъилувху минал мурсалийна». Маъноси: Мусонинг онасига илҳом билдирилди, «Мусони эмизгин, зиёнга учрашидан кўрксанг, уни (сандикқа солиб), дарёга (яъни, Нил дарёсига) ташлагин. Уни (ҳалок бўлармикан деб) кўркмагин, (фирогида) қайғурмагин, уни сенинг жонибингта қайтарамиз ва пайғамбарлардан қиласиз». «Фалтақотоҳу олу Фиръавна лиякувна лаҳум ъадувван ва ҳазанан. Инна Фиръавна ва Ҳамана ва жунувдаҳума канув хотиийн». Маъноси: «Мусо (а.с.) дарёга ташлангандан сўнг Фиръавн оиласи уни тутиб олди. Оқибатда Мусо (а.с.) уларга душман ва фам-қайғуларининг боисига айланди. Ҳакиқатда, Фиръавн, Ҳомон ва уларнинг лашқарлари хато қилгувчилардан бўлдилар. «Ва қолатимроату Фиръавна қурроту айнин лий ва лака ла тактулувху ўаса ан янфаана ав наттахизаҳу валадан ва ҳум ла яшъуурвна». Маъноси: «Фоят обида аёл бўлган Фиръавннинг завжаси Осиё эрига деди: «Бу бола иккимиз-

нинг кўзимиз нуридир. Уни ўлдирма. У бизга манфаат келтиради. Ёхуд ўғил қилиб олармиз». Фиръавн ва унинг завжаси Мусодан (а.с.) қандай натижалар ҳосил бўлишини билмайдилар. «Ва асбаха фуаду умми Муса фориган. Ин кодат латубдий бихи лавла ан робатна аъла қолбиха литакувна минал мўъминийна». Маъноси: «Мусонинг (а.с.) онаси (унинг Фиръавн кўлига тушиб қолганини англаб) эс-хушини йўқотди. Унинг (Оллоҳнинг болани қайтариш ваъдасига) ишонувчилардан бўлиши учун кўнглига хотиржамлик солмаганимизда, у барча сирларни ошкор этар эди». «Ва қолатли ухтиҳи куссийҳи фабасурот бихи ан жунубин ва хум ла яшъурувн». Маъноси: «Онаси Мусонинг (а.с.) ҳамширасига (изини йўқотмаслик максадида): «Мусога (а.с.) эргашгин», — деди. Ҳамшираси Мусони (а.с.) йироқдан кўриб турди. Фиръавн оиласи қизни кўрсалар-да, унинг ким эканлигини билмадилар». «Ва ҳарромна ъалайхил марозиъа мин қоблу, факолат ҳал адуллукум ъала ахли байтин якфулувнаҳу лакум ва хум лаҳу носиҳун». Маъноси: «(онаси келишидан) илгари Мусони (а.с.) сут эмизгувчи аёллардан тўйсик. Мусонинг (а.с.) ҳамшираси: «Сизларга Мусони (а.с.) обдон парвариш этадиган оиласи кўрсатайми? Улар Мусони (а.с.) ихлос билан боқадилар», — деди». «Фародаднаҳу ила уммихи кай такорра ъайнуха ва ла таҳзана ва литаълама анна ваъдаллоҳи ҳаккун ва лакинна аксароҳум ла яъаламувна». Маъноси: онасининг хушхол бўлиши, қайғурмаслиги ва Оллоҳ ваъдаси эканлигини билиши учун биз Мусони (а.с.) унга қайтардик. Лекин инсонларнинг аксарияти (Оллоҳ ваъдаси ҳақ эканини) билмайдилар».

Бу ояти карималарда Раббоний амрга итоат ва сабр этганлар ҳакида буюк табашшийрот ва азим танбеҳот бордир. Муборак байтда водий ахли арслонга ташбих бўлган одамга дедилар: «Фиръавннинг жаҳду саъига бок, бир гўдакдан ҳалок бўлажагини ҳис қилмагани ҳолда, ҳалокатдан ҳалос бўлмоқнинг муфсидона хаёли билан бутун Миср болаларини қатл ва нест айлади ва ўзини абадий бадном қилди. Ҳолбуки, Оллоҳ таъоло ҳазратларининг амри воеъ бўлганидан сўнгра Фиръавнни таҳликаға соглан гўдак қатл этилмай, аксинча, Фиръавн ва қавмининг ҳалокатига сабаб бўлди». Водий ахлининг жаҳду саъига қарши баён қилинган ифода ва мисоллари ноўриндир. Зоро, юқорида зикр этилгани қаби, Фиръавннинг ҳаракати машруъ саъӣ эмаслиги боисидан аҳвол ва омоли бizzарура ўзи қаби паришон ва беному нишон бўлди.

МАСНАВИЙ

*Дийдаи мо чун басе иллат дар ўст,
Рав, фано кун, дийди худ дар дийди дўст.*

ТАРЖИМА

*Дийдамизким унда иллат кўп жуда,
Бор, фано қил дийда дўст дийдасида.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чунки бизнинг кўзимиз кўп иллатлидир. Бор, ўз кўзингни дўст кўзларида маҳв ва фано айла.

ШАРХ

Яъни инсоннинг кўз ва акли доимий хатолар илкида бўлганидан бундай хатокор ақл ва назарни тарк эт, Оллоҳ таъоло ҳазратларининг қудрат ва илмига илтижо айла, қудратнамо саъй-харакатдан бош торт.

Бу танбех ҳам водий ахлининг ё саҳвларидан ва ёхуд арслонга ташбих бўлган душманларини ғофил этмок фикридан келиб чиқади. Филҳақиқат, инсон ўз ихтиёрини Раббоний амрга фано этсин. Беҳамто Холик ўз Каломи мажийдидага инсонни саъй ва харакатга буюради. Инсонга лойик бўлган кайфият будирки, ўз хаёлоти, фафлат ва чорасизлигини тарк айлаб, машруъ суратда харакат қилсан, хайрли ишларда давом этсин. Шунингдек ҳар бир ишда Оллоҳ таъолога таваккул айлаб, таслимиятни буюк неъмат деб билсин.

МАСНАВИЙ

*Дийди моро дийди ў нимал иваз,
Ёбй андар дийди ў кулли гараз.*

ТАРЖИМА

*Дийдамизга дийдадаси кўркам бадал,
Бор эрур кулли гараз унда азал.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бизнинг нигоҳимиз учун Оллоҳ таъоло ҳазратлари назари гўзал бир бадалдир. Оллоҳ таъоло назаридан мақсадлар, аъмол ва ниятларининг жамулжамини топарсан.

ШАРХ

Хуллас, Оллоҳ таъоло назари гўзал бадал ва буюк неъматдир. Инсон бу бадал ва неъматга ноил бўлмоқ учун танпарварлик ва лоқайдликнинг ўрнига жаҳд, саъй ва ҳимматини қоим этсин.

МАСНАВИЙ

*Тифл то гайрову, то пўё набуд,
Маркабаш жуз гардапи бобо набуд.*

ТАРЖИМА

*Тифл то момосининг қўйнидадир,
Маркаби бобосининг бўйнидадир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Модомики, гўдак ҳали заиф ва қувватсиз бўлиб, юра билмас экан, унинг маркаби, яъни улови бобосининг гарданидан ўзга нарса эмас.

ШАРХ

Водий ахли дерлар: Гўдак бола ҳали ўз қувват ва иқтидорига суюниб ҳаракат қила билмас экан, унинг бобою момолари, отонаси қўллари ва кифтларида кўтариб, заҳматдан халос этадилар. Ҳали-ҳануз жужуқлик палласида у ўз жигаргўшаларига фоятда суюмли ва анис бўлади. Сен ҳам (яъни арслон) бу ҳақиқат узра касби итминон этсанг, саъй ва жаҳд манбаъи аҳzon (фам-фусса манбаъи) эканини англасанг, Оллоҳ таъоло ҳазратларининг марҳамати сени заҳмат, фақр ва изтиробдан кўтқарап ва наъми молонихоя (бенихоят неъмат) или кўзингни тўқ айлар. Водий ахлининг бу мисоллари уларнинг даъволарини исботламай, аксинча, ўзларини мулзам ва рад этади. Зеро, гўдак ҳали гўдак экан, онанинг тутума шафқати унинг заҳмат ва жафодан озод айлайди, лекин ўша гўдакнинг қўл-оёқларига куч-қувват тўлганидан сўнг, айтайлик, вояж етиб, эр етилгач, ота-онаси учун суюмли бўлиб қолаверсада, бир замонлардаги каби уларнинг кифтига миниб олмайди. Бу паллада ота-она уларга иш буюради, уларнинг бўйин товламай адо этишлари шарт бўлади.

МАСНАВИЙ

*Чун фузулий гашту дасту по намуд,
Дар фано афтод, дар кўру кабуд.*

ТАРЖИМА

*Чун замин узра оёқ қўйди тамом,
Гушди ҳар турли фанога нотамом.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бола эр етиб, қувват соҳиби бўлгач, заҳмат ва балолар, бебабрлик ва фаноликларга юзма-юз келди.

ШАРХ

Бу ҳам водий ахлининг арслонга қилаётган даъволаридан. Ҳақиқатда, бола ҳали жужуқлик асносида ҳам заҳмат ва балога гирифтор бўлиши мүкаффар. Бордию ота ва онаси ундан-да нота-

вон ва заифхол бўлсалар иймон-инсофли бола жисман яроқсиз ҳолга тушган волидайнларига меҳрибон ва шафқатли бўлади. У, Оллоҳ таъоло иродаси билан ҳаёти дунё фавзоларидан, ўткинчи рўзгор савдоларидан толиккан заиф, нотавон ота ва онасини эъзозлаб, бошига кўтаради. Шундай қилиб, Оллоҳ, унинг Расулидан (с.а.в.) кейинги мақомда тургувчи ота-онасининг розичи-лигини топиб, жаннати аднга дохил бўлади. Иншаоллоҳ.

МАСНАВИЙ

*Жонҳои халқ пеш аз дасту по,
Мепариданд аз вафо андар сафо.*

ТАРЖИМА

*Халқ жони қўл-оёқ битмай бурун,
Чарх ураг эрди вафодан бесукун.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Халойиқнинг жонлари (руҳлари) ҳануз қўл-оёқ битмасдан, яъни одам жисмига дохил бўлмасдан илгари вафо ва сафо марта-басида парвоз қиласи эди.

ШАРХ

Водий ахли такрор дерларки, руҳлар арвоҳ оламида бўлиб, кулликка мутааллукдир, бинобарин, саъй-харакат тарийқати ва жидду жаҳдда солик эмас экан, ҳамиша вафо ва сафода эдилар. Бугун ҳам инсонлар тарки касб ва саъй этсалар яна вафо ва сафода, иззат ва роҳатда яшайдилар. Ҳолбуки, арвоҳ олами бошқа, вужуд олами бошқадир. Алалхусус, арвоҳ жисмга нисбатан қудратда устувор бўлиб, руҳият оламида жаноб Вожибул вужудга итоат ва ибодат айламаги беиштибоҳдир. Жабарийлар гумон этгандари каби ёлғиз арвоҳ вафо ва сафода экан гуноҳлардан узок бўлади, бинобарин, сахв ва қусурдан озод эканликлари фам-ғуссага лиммо-лим дунёга, кину кадарга тўла вужудга банди бўлмасликларини тақозо этади. Ҳолбуки, улар бу ношониста ҳолатга банди бўлдилар. Арвоҳнинг сафода қололмаслиги, саъй-амал ва муҳоҳидийн Каломи Илоҳийда мадҳу сано бўлинмагидан кун каби зоҳир ва яқийн бўлурки, олами арвоҳдан бошқа олами носут, яъни олами суварийнинг вужуди, ундаги (олами суварийда) саъй-харакатнинг зухури ва вуқуъи муктазийдир.

ИЗОХ

Жабария — исломий фирмалардан бири. Фояси — инсоннинг жамайики амаллари унинг ихтиёр ва иродасисиз, фақат Тангрининг хоҳиши билан рўй беради.

МАСНАВИЙ

*Чун ба амри «иҳбиту» банди шуданд,
Хабси хаши хирсу хурсанди шуданд.*

ТАРЖИМА

*«Иҳбиту» амри ила банд бўлдилар,
Хашму ҳирс ҳабсида хурсанд бўлдилар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чунки, «иҳбиту» «энингиз» (тушингиз) амри билан арвоҳ банди бўлди, оқибатда бу жисм оламида фазаб ва ҳирс, тамаъ ва масаррат ҳамда қаноат каби кайфиятда хибс бўлдилар.

ШАРХ

«Иҳбиту» — «тушингиз» ибораси, «Бакара» сурасининг 31 – 34-ояти карималарида зикр этилган воқеалар муносабати билан Оллоҳ таълонинг Одам алайхиссалом ва Момо Ҳавога қаратса айтган сўзи — амридир. Мазкур ояти карималар билан танишиб чиқайлик: «Ва из кулна лил малаикат исжудув ли Адама фасажадув илла иблийса аба вастакбара ва кана минал кафирйина». (Таржимаси: Ул вақтеки, малоикаларга дедикки, Одамга сажда этингиз, малоика Одамга сажда этдилар, илло, иблис сажда этмаюб, ибо ва такаббур этди ва кофирилардан бўлди). «Ва кулна: я Адам, ускун анта ва завжукал жанната ва кула минҳа роғодан хайсу шиътума ва ла тақроба ҳазиҳи шажарота фатакувна мин аз золимиин». (Таржимаси: Ва Одамга дедик: Ё Одам! Сен ва завжанг жаннатда сокин бўлингиз ва ундан хоҳланган жойларингизда фарофат билан озиқланинг. Факат мана бу дарахтга ёвук келманг. Акс ҳолда золимлардан бўлиб қоласиз). «Фаазаллахумаш-шайтону анҳа фаахроjaxум мимма кана фийхи. Ва қулнахбиту баъзукум либаъзин адуввун ва лакум фил арзи мустақаррун ва матаъун ила хийн». (Таржимаси: Шайтон иккисининг ҳам оёғини жаннатдан узди. У (шайтон) ноил бўлажак неъматларидан бенасиб этди. Ва уларга дедик: Бир-бирингизга душман бўлароқ ерга энингиз. Ерда сиз учун бир вақтга қадар қарор бўладиган маҳал, матоъ ва манфаат бордир). «Фаталакқо Адаму мин Роббихи калиматин фатаба алайҳи. Иннаху хуваттаввабур роҳийм». (Таржимаси: Сўнгра Одам Роббидан бир неча сўзлар қабул қилиб олгандан кейин Оллоҳ унинг тавбасини қабул қилди. Албатта, у тавбаларни қабул қилувчи, шафқатли Зотдир). Шундай қилиб, водий аҳли арслонга ташбих бўлган инсонга бу машҳур воқеани далил учун ийрод этдилар. Ҳолбуки, диккат билан назар солинса, уларнинг даъволари пучга чиқади. Зеро, «Иҳбиту» — «энингиз» (тушингиз) ибораси ҳамон жаҳд ва

саъйга фармон ва баён буюради. Зеро, «Ихбиту» — «энингиз» (тушингиз) иродасига мазҳар бўлганлар ҳаракат этмоққа мажбур. Ва агар аксинча ҳаракатни ихтиёр этмай, маътал қолмоқ (яъни ҳаракатсиз) афкорига тушсалар ижбор ва зиёда гуноҳкор бўлар эдилар.

МАСНАВИЙ

*Мо иёли ҳазратему шийрҳоҳ,
Гуфт: «Ал ҳалқу иялун лилилоҳ.*

ТАРЖИМА

*Бизлар ул Ҳазрат аёли, аҳлимиз,
«Халқ – Худонинг аҳли», дебдур Фахримиз.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Биз Ҳак таъолонинг иёли (аёли), аҳли, фарзандимиз. Фахри олам ҳазрати пайғамбар (с.а.в.) буюрдилар: «Ал-халқу аёллуллоҳи». (Халқ Оллоҳ субҳонаҳу ва таъолонинг аёлидир).

ШАРҲ

Бу ҳадиси шарифда ҳам буюк ҳикмат ва азийм ҳубби инсоният назарга ташланади. Инсон ибодати жаноби Кибриё ила машрут бўлмоқ-ла баробар, соир инсонлар жамоатининг иёл ва аъзоси бўлганларга-да сийлаи раҳм ва муруват ила муносабат этмаги унинг мұқаддас вазифасидандур. Оллоҳ таъоло ҳазратлари маҳлукотни бир соҳиби иёлдан зиёдан севмаги боисдандирки, анбиёи зишон воситаси-ла ўз йўриғларини унинг иқтидори тақозо этадиган даражада эҳсон айлади.

МАСНАВИЙ

*Он, ки ўз осмон борон диҳад,
Ҳам тавонад к-у зи раҳмати нон диҳад.*

ТАРЖИМА

*Осмондин ким берар найсонини,
Раҳмати бирла берур ҳам нонини.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Оллоҳ таъолоким, кўқдан ёмғир ёғдирад, ўз раҳмати ила нон бермакка ҳам қодирдир.

ШАРХ

Бу ҳам водий аҳли ва жабарийларнинг ифодасидир. Оллоҳ таъоло ҳазратларининг фармони илохийси ва раҳмати Раббонияси важхи-ла ёмғирнинг саъий туфайли зироатнинг уруғ ва маҳсулотида самара ҳосил бўлади. Ёмғирдан ўз зироати нафъига самарали фойдалана олмаганларга у кони зиёндири.

АРСЛОН ЖАҲДНИНГ ТАВАККУЛГА НИСБАТАН УСТУНЛИГИ ХУСУСИДА

МАСНАВИЙ

*Гуфт шер: «Оре, vale Раббул ибод
Нардбоне пеши пои мо ниҳод».*

ТАРЖИМА

*Деди шер: «Тўғри, vale Робби жаҳон
Пойимиз ўнгига қўймини норвон».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Арслонга (ташбих бўлган) ҳайвонотга деди: «Тўғри, сизнинг бу фикрингиз тугал гўзалдир. Ва лекин Оллоҳ таъоло ҳазратлари бизнинг оёғимиз ўнгига бир нардбон (норвон) қўйгандир».

ШАРХ

Арслонга ташбих бўлган одам водий ахлига деди: «Оллоҳ таъоло ҳазратлари ҳар шайънинг (нарсанинг) ижросига қодири мутлақ эканлиги шоёни ҳақиқатдир. Чунончи, бир болиг ҳикмат муктазосига қўра асбобни яратди ва бу асбобга восил бўлмоқликнинг фармонини ҳам буюрди. Масалан, Оллоҳ таоло ҳазратлари иродада қилса ҳеч қандай нардбонга ҳожат қолмасдан инсон истаган юксакликка кўтарила олар, бироқ, ҳикмати болиғи Раббонияндандирки, нардбон воситаси-ла тадрижий суратда чиқсан ва чиқмокликнинг асбобини нардбонда кўрсин. Ҳар бир мақсаднинг хусули зимнида Оллоҳ таоло ҳазратлари яратган асбобга тавсили иродада буюрганилиги боисидан асбобга тавсил этмак иродай Самадонияга итоат ва мувофиқат айламоқдир».

МАСНАВИЙ

*Поя-поя рафт бояд сўи дом,
Хаст жабре будан он жо тамъи хом.*

ТАРЖИМА

*Поя-поя дом сари кетгусимиз,
Жабр ӯлур, деб хом тамъи этгусимиз.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Хона ва том жонибига поя-поя кетмак иқтизо этилажак. Бу маҳалда жабр чекмак хом тамаъдир.

ШАРХ

Нардбонсиз бирданига томга чикмок, асбобсиз мақсадга восил бўлмоқ жабарийлик ва ақлсизликдир.

МАСНАВИЙ

*Пой дорӣ, чун кунӣ ҳудро ту ланг,
Даст дорӣ, чун кунӣ пинҳон ту чанг.*

ТАРЖИМА

*Чун оёқ тутсанг, ниҳоят лангсан,
Кӯл узар бўлсанг, даги бечангсан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй жабарий! Сен нардбон узра туриб, оёғингни ундан узсанг, муқаррарки ланг бўлурсан, яъни оёғинг синар. Бордию қўлингни ундан узар бўлсанг, сенинг панжаларинг нечук чанг кола билур?

ШАРХ

Эй жабарий инсон! Оллоҳ таъоло ҳазратлари сенга қўл-оёқ ва соир аъзо ато айламиш экан, нечук куфрони неъмат этарсан, менга иқтидор берилмадими, деб касб ва саъини тарк айларсан. Қўл ва оёқ соҳиби бўлган бир инсон менинг қўл ва оёғим ишламайди, дея асоссиз бир хом даъвони исботига қиём этса, ҳаракат этмай кимнингдир саъии маҳсули бўлмиш неъматларидан баҳраманд бўлса, Раббоний амрни адам айласа, ундан ҳам манфур бир маҳлукни фараз ва тасаввур қилиш мумкини?

МАСНАВИЙ

*Даст ҳам чун бел ишоратҳои Ўст,
Охир андешӣ иборатҳои Ўст.*

ТАРЖИМА

*Кӯл куракдек бир ишорат Роббидан,
Бўйлаким, жумла иборат Роббидан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Инсонга берилган қўл меҳнат ускунаси бўлмиш белкуракдек, Оллоҳ таъоло ҳазратларининг ишоратлариданdir. Мулоҳаза қилиб кўр: ушбу — қўл, оёқ, тил, кўз ва соир аъзолар баайни Оллоҳнинг иборалари.

ШАРХ

Қўл, оёқ ва қавоийи соира (турли қуввалар) фаолият учун олоти (асбоб, дастгоҳ) муктазиядир (сабаблар асбоби). Умур ва кайфиятнинг оқибатини тааммул (фикр) ва мақсадга вусул этмак учун ақлу зако ҳам олами маъонийда адвот (восита) ва эҳсоноти жаноби Кибриёдир.

МАСНАВИЙ

*Чун ишоратҳошро бар жон ниҳй,
Дар вафои он ишорат жон дижй.*

ТАРЖИМА

*Ҳам ишоротин қилиб жонингга жо,
Ул ишорат ҳаққи қилсанг жон фидо.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чунки, Оллоҳ таъоло ҳазратларининг ишоратларини жонинг узра кўрсанг ва ул ишоратлар вафосида жонингни қурбон қилсанг.

ШАРХ

Аъзо ва баданинг турли қувватлари ибодати машруа ва масоиъи хайрия ижроси учун жаноби Яздондан (Оллоҳ таъоло) эҳсон бўлган олот (восита) ишорати вожибул итоатdir. Оллоҳ йўлида, унинг рамуз ва ишоратларига вафдорлик жоннинг фидойилигига комилан вобаста. Бу ишорат фидойилари — мардони Худо ҳарб майдонида тарки дунё ва ихтиёри ризои Кибриё этарлар.

МАСНАВИЙ

*Пас ишоратҳош асрорат дижад,
Бор бардорад зи ту, корат дижад.*

ТАРЖИМА

*Ҳам ишороти берур асрорлар,
Юкларинг олгай-да бергай корлар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Оллох таъоло ҳазратлари сенга асрор ишоратларини беради, машаққат юкини елкангдан олиб, юмуш ҳамда тасарруф инъом айлайди.

ШАРХ

Хотирага келурки, мен қувва ҳамда аъзоларим билан ҳамиша ҳаракат ва ибодатда бўлдим; роҳат таркини тутдим, заҳмат ва машаққат чекдим. Хўш, нечук энди бу аламмаол холим муфийд (Фойдали) ва боди хушхол бўлиши мумкин?

Бу ваҳм ва хотирага жавобан буюрилади: агар сен ул амрда (ибодат ва солих амалларда), машруя ибодат (шаърий тоатлар), ҳасана ажроотда (ғўзал юмушлар) бўлар эсанг, Оллох таъоло мукофотан хотирага келмаган асрорга сазовор ва маротиби азийма (улуг мартаба) билан олий айлайди. Саъй-ҳаракатларинг рух физосига (рух озуқаси) мубаддал бўлади. Масалан, бир ошик ўз маҳбубаси ҳузурига бориб, унинг висолига етишса, дарёйи ишқда ғарийк бўлиб кетса, унинг такрор маҳбуба ҳузурига қайтиб кел маслиги ақлга сиға биладими? Боз устига маҳбубаси ҳузурига келиб-кетмоғи ошикка заҳмат ва меҳнат солмайди. Аксинча, ошикка гўё роҳатда қолмоғи учун қуйидагича насиҳат қилинса: маҳбубанг ҳузурига борма, унга ҳамсұхбат ва маъттал ҳам бўлма! Бу таклиф ошикни суварий роҳатдан жудо этиб, сўнгсиз азобга гирифтор қиласи.

Ҳиммат ахли ва муқаддамларнинг энг буюк заҳматлари уларнинг маҳбуби (Оллох таоло) ҳузурига ҳамиша интилганлари ва зинхор маъттал қолмаганларида.

МАСНАВИЙ

*Ҳомили маҳмұл гардонад туро,
Кобили мақбул гардонат туро.*

ТАРЖИМА

*Ҳомил эрдинг, айлагай маҳмұл сени,
Кобил эрдинг, айлагай мақбул сени.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сен шу пайтга қадар ҳомил — яъни юк қўтарувчи эдинг, энди у (Оллоҳ) сени маҳмұл — юкли, яъни ўша илохий масъулликни зиммангта олгувчи айлади. Шу пайтга қадар Раббоний иродатни ижроси учун ул амри илохийни қабул қилгувчи эдинг, энди Оллоҳ таъоло ҳазратлари сени маҳбуб ва мўтабар айлайди.

ШАРХ

Инсони комил ибтидода ибодат ва ажрооти ҳасана юки-ла мутахаммул бўлади, кейин марҳамати Раббония ул қулнинг заҳматини завқ ва сафога тадбил айлайди. Дунёю охиратда саломат ва саодатга ноил этади.

МАСНАВИЙ

*Кобили амри дини қоил шавӣ,
Васлжӯй баъд аз он восил шавӣ.*

ТАРЖИМА

*Кобили амри Худо қоил бўлур,
Васл истар оқибат восил бўлур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Худо ва дини ҳақ амрини қабул этгувчисан, сўнгра амр сўйлагувчи ва амр бергувчи бўларсан; шу дамга қадар васлати илоҳияга толиб эдинг, кейин илоҳий неъматга восил бўлгайсан.

ШАРХ

Юкоридаги байти шарифаларда Ҳақ истагувчи нардбон воситасида пояма-поя юкорига кўтарилиши хусусида сўйлаган эдик. Рухоний оламда ҳам инсон иродати Раббонияни тадрижий суратда қабул этади ва ниҳоят мақбул ва масъуд бўлади.

МАСНАВИЙ

*Саъӣ – шукри неъмати қудрат бувад,
Жабри ту инкори он неъмат бувад.*

ТАРЖИМА

*Саъӣ – қудрат неъматин шукри эрур,
Жабр – Ҳақ неъматларин инкордур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сенинг саъӣ ва жаҳдинг қудрат неъматининг шукридир; сенинг жабр ва танбаллигинг ул неъматнинг инкори саналади.

ШАРХ

Оллоҳ таъоло ҳазратлари инсонга турли аъзо ва қудратларни эҳсон этди, ул аъзо ва қудратлар зиммасига турли масъулиятлар-

ни юклади. Уларнинг масоийи машрууда (шаръий саъй-ҳаракатлар) бўлмоқликлари Ҳақ таъолога шокир эканликларини англатади. Аксинча, танпарварлик Раббоний эҳсонотнинг инкори билан баробар.

МАСНАВИЙ

*Шукри қадраш қудратат афзун кунад,
Жабри неъмат аз кафат берун кунад.*

ТАРЖИМА

*Қадрига шукр айла оишай қудратинг,
Неъматин жабри муқаррар кулфатинг.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кудрат неъматининг шукри иктидорингни зиёда айлади; жабр ва танпарварлик кафtingда турган неъматдан бенасиб қиласи.

ШАРХ

Саъй ва жаҳд этган киши Оллоҳ таъоло ҳазратларининг эҳсон бўлган турли неъматларига ношуқр бўлмай, аксинча, феълан шукр айтгувчи бўлгани боисидан Оллоҳ унга берган неъматларини зиёда қиласи, шайтони лаъин шаррини йирок этади. Аксинча, инсон жабр ва танпарварлик этар бўлса, неъматга куфр келтиради, нафс ва шайтон шаррига ром бўлади. «Иброҳим» сурасининг 7-ояти каримасида Оллоҳ таъоло марҳамат қилиб, буюради: «Лайн шакартум лаазийданнакум, валайн кафартум инна азабий лашадийдун». Таржимаси: Агар шукр этар бўлсангиз, сизнинг учун неъматимизни зиёда қиласми; агар куфр этар бўлсангиз, таҳқиқан, азобимиз шадийд (қаттиқ)дир.

МАСНАВИЙ

*Жабри ту хуфтан бувад, дар раҳ маҳусб,
То набинӣ он дару даргоҳ маҳусб.*

ТАРЖИМА

*Жабр – йўл уйқуси, асло ухлама,
Кўрмагунча дар ва даргоҳ ухлама.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сенинг жабринг йўлда ухламоқдир. Йўлда ухлама! Кўзларингни оч! Токи ул эшик ва даргоҳни кўрмагунча ухлама!

ШАРХ

Сенинг жабр ва атолатинг (лоқайдлик) айни зиёндири. Максуд маҳали қабули вусул йўлида танбалларча ётиб, ўзингни паришон этмагингдир. Бинобарин, ноили матлаи ҳақиқат, саломатёб бўлмок истар эсанг, зинхор роҳатни ихтиёр этма. Жидду жаҳд, жидду жаҳд, жидду жаҳд айла!

МАСНАВИЙ

*Хон, маҳусб, эй жабрии беътибор,
Жуз ба зери он дараҳти мевадор.*

ТАРЖИМА

*Эътиборсиз жабрий, бўлгин эҳтиёт,
Ҳосили бор ҳар дараҳт остида ёт!*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй эътиборсиз жабарий! Мевали дараҳтнинг остидан бошқа ерда зинхор ухлама!

ШАРХ

Эй, танпарварлик ва атолатнинг мағлуби бўлган зот! Баъзи бир хаёлот ва васоили мавхумага (гумон ва турли мавхум саволлар) истинод этиб, масоны мақбула ва ибодати машруийани тарқ айлаб, ҳақиқий саодатдан маҳрум бўлма. Қўзрол! Жидду жаҳд эт! Токи дунёдан мардона ва мустақимона чиқиб, Жаноби Олийга восил бўл!

МАСНАВИЙ

*To ki шохафшон кунад ҳар лаҳза бод,
Бар сари хуфта бирезад нақлу зод.*

ТАРЖИМА

*Токи бод ҳар лаҳза силкитгай уни,
Ухлаган зот узра сочиб рўзини.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Токи ҳар он ва ҳар лаҳза бод ул дараҳт шохларини тебратиб турсин ва унинг остида ухлаб ётган кимсанинг боши узра емиш, яъни ризқ тўксин.

ШАРХ

Насими раҳмати Раббония, шажараи олияйи маънавиянинг харакати воситасида дунёда машруа сувратда (ширият қонунлари асосида) яшаб, жаннатда адолат асҳоби боши узра саодат самаралари тўкилмагунча, яъни инсон доруссалом жаннатга ёхуд қабрга дохил бўлмагунга қадар ҳамиша жидду жаҳд этсин ва ғафлат уйкусидан форир бўлсин. Анбиёни зишон ва авлиёуллоҳи киром ҳам дунёда экан турли неъматлар билан бекам ва туганмас асрорлар или ноили маром бўлсалар-да яна саъӣ ва ҳаракатни зинхор тарк этмадилар. Фахри олам алайҳиссалоту вассалом ва асҳоби киром ибодат, фатҳи билод, тавсийи исломият (кўплаб ибодатлар, шаҳарлар фатҳи, исломни кенг жорий этмак) учун нечук ғайрат ва химмат кўрсатганлари ворастаи тафсийл ва исботдир.

МАСНАВИЙ

*Жабр ҳуфттан дар миёни раҳзанон,
Мурғи беҳангом кай ёбад амон.*

ТАРЖИМА

*Ўғрилар байнида ухлаш жабрдир,
Бемаҳал мурғ ҳоли ҳам аблардир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Жабр нима? Қарокчи ўғрилар галаси ўртасида ухламаклик. Ёхуд ҳали қаноти қувватга тўлмаган палапон қушнинг йиртқич паррандалар чангалига тушмаги. Ҳар икки ҳолатда ҳам омонлик йўқдир.

ШАРХ

Нафс ва шайтон инсон учун қароқчидир. Масоиъи машруа (шаръий ҳаракатлар) эса инсоннинг руҳий ва жисмоний саломатлигини ҳифз этгувчи восита саналади.

Ҳақиқат мартабасига восил бўлмаган инсон қанотсиз бир қуш янглигиким, шайтони лаъин уни забун ва паришон этади.

МАСНАВИЙ

*В-ар иморатҳошро бинӣ занӣ,
Мард пиндорӣ ва чун бинӣ занӣ.*

ТАРЖИМА

*Бир Ҳудони билмасанг бадбаҳтсан,
Ўзни мард деб билмагил — авратсан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Оллох таъоло ҳазратларининг белги ва ишоратларини сезмасанг, ёхуд сезсанг-да, бурун жийирсанг, такаббурлик қилсанг ва боз устига жувонмардлик даъвосини қилсанг, сабр этким, номардсан, авратсан. Ўзингга инсоф ва ҳақиқат кўзи билан назар сол, эй бадбаҳт, кимсан?

ШАРХ

Бадандаги кувват ва аъзолар ибодат, масоиъи машруа (шаръий ҳаракат, амал), иқомоти хайрия (яхшиликлар) учун Оллох таборак ва таъоло ҳазратларининг инсонга баҳшу эҳсон айлаган ишоратлари экан, эй бадбаҳт жабарий, сен буларни истеъмол айлаган холда нечук рад этасан?

Агар лисонан (тил билан) бўлмаса ҳам, маънан бу ишорати Раббония, яъни кувват ва аъзоларни таҳқир этиб, мутакаббир бўлурсан. Ўзингга ҳақиқат назари билан бокса олганингда эди, номард, рухониятдан маҳрум, балки бир телба сувратида эканингни англар эдинг.

МАСНАВИЙ

*Ин қадар ақле, ки дорӣ гум шавад,
Сар ки, ақл аз вай бибурдӣ дум шавад.*

ТАРЖИМА

*Бул қадар ақлингки бордир гум бўлур,
Бош ақлдан айриларкан дум бўлур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ақлинг шу қадарким, у йўқолиши ва зоеъ бўлиши мумкин. Ақлдан айрилган бошнинг қўйруқ — думдан нима фарқи бор?

Бу кайфият маънан, табъан, тажрибатан мусбатдир. Инсон ақл, соир кувват ва аъзоларини солиҳ амалларга бағишламаса, маънан ва жисман ўзини забун этгани каби ақлий кувватларини ҳам аботол ва бемажол айлади. Мавлоно ҳазратларининг ақлсиз бошни қўйруқ — думга ташbih этмаклари латофатли таъриф ва ишоратдир.

МАСНАВИЙ

*З-он, ки бешукри бувад шуму шунор,
Мебараҳ бешукрро то қаръи нор.*

ТАРЖИМА

*Шукрсизлик энг тубан бир ҳолдир,
Шукрсизнинг жойи қаръи нордир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Зеро, шукрсизлик қабиҳ ва номуборак бир ҳолдир. Шукрсизлик соҳибини оташ ва жаҳаннамнинг тубига қадар элтади.

ШАРХ

Тарки масоъий, яни саъй-ҳаракатни тарк этмоқ Оллоҳ таъоло эҳсон айлаган қувват, аъзо ва ишоратларга нисбатан шукрсизлик. Унинг зарурий натижаси зиллат, айб ва надоматдир. Но шукр одам дунё ва охиратда хор бўлади.

МАСНАВИЙ

*Гар таваккул мекунӣ дар кор кун.
Кишт кун, пас такя бар Жаббор кун.*

ТАРЖИМА

*Кел, таваккул айла ҳар бир корга,
Эк зироат, сўнг суюн Жабборга.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар таваккул айламоқ истасанг кор-амалда қилгин. Зироат эк, сўнгра Жаббор бўлган Оллоҳ таъолонинг марҳаматига суюн.

ШАРХ

Юз офарин! Эй манбаи ақл ва руҳонийят ва пешвои орифийн, ҳазрат Мавлоно Жалолиддин! Шариат, ҳақиқат, маданият, саодат ва инсонларнинг ҳар икки дунёда саломатлигига боис бўлган азийм асос ва ҳикматни бир байт ичига жамъ этдингиз! Олам ҳукамолари кўплаб таърифотлар ила изоҳ этолмаган ҳақиқатни икки мисрада итмон ва тайин қилдингиз! Ҳа, инсонга лойик бўлган амал — ҳам саъй, ҳам таваккул — ҳар иккисига тавсил этмоқдир.

Саъй-ҳаракатсиз афкорнинг навлари айни хаёлот бўлур. Оллоҳ таъоло ҳазратларига таваккул қилинмасдан, ёлғиз саъйга ружуҷ қилинса, ул ишнинг ҳам ниҳояси заарли ва надоматлидир. Жаноби Олим мутлак ҳазратлари азиймуш шаън Куръоннинг кўплаб ояти карималарида саъй ва таваккулнинг бир-биридан айри тасаввур қилишнинг нораволиги ҳақида амр-фармон беради. Саъй этмасликда азоб ва қазо, таваккул адамида гуноҳ ва жафо бор. Таваккул этмаганларнинг ақл ва баданларини қазо шоҳини газабли панжалари билан йиртади ва қадар шери барбоду тор-мор этади. Саъй этарда таваккул этмаслик Жаббори мутлақ ҳазратларининг камоли кудратини инкор айламакдир. Аммо саъйсиз таваккул ҳам айни бир ваҳм ва номаъқбул фикрдир.

НАХЧИЙРЛАР ЯНА ТАВАККУЛНИНГ ЖАХДДАН УСТУНЛИГИ ҲАҚИДА

МАСНАВИЙ

*Жумла бо вай бонгҳо бардоштан,
Кон ҳарисон, ки сабабҳо коштан.*

ТАРЖИМА

*Жумла хайвонот чекиб фарёдлар,
Ул ҳарислар важ этар, деб додлар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бутун ҳайвонот фарёд чекиб, арслонга дедилар: «Ул ҳарислар ва тамаъгарлар жумлайи жаҳонга сабаб уругини экдилар (на фойда қўрдилар?)»

ШАРХ

Водий ахли ё жаҳлан, ё ғофилан дерлар: «Дунёдан бу қадар сохибхиммат ва сохибгайрат одамлар кечмиш экан, уларнинг саъй ва иқдомларидан ҳеч бир фойда ҳосил бўлмади, улардан бизларга ёлғиз аҳволлари иборат бўлиб қолди». Бу бобда ҳам жабарийларга бир савобли жавоб бор. Чунончи, машруя сувратда (шариат асосида) амал қилганларнинг фойдаси шу бўлдики, умрларини саодатда яшадилар, инсоният оламига кўпдан-кўп хайрли ёдгорликлар қолдирдилар ва Раббоний иродат заминига тиккан эътиқодлари туфайли Оллоҳ таъоло изни билан охиратларини таъминладилар. Жабарийлик ва танпарварликнинг фойдаси нендуру? Бу саволга маъкул жавоб бермакдан жабарийлар ожиз ва ҳақиқат нурига қарши ножиз қолурлар.

МАСНАВИЙ

*Сад ҳазор андар ҳазор аз марду зан,
Пас, чаро маҳрум монданд аз заман.*

ТАРЖИМА

*Неча юз минг эр хотин олам аро,
Давру даврондан бўлурлар мосуво.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эркак ва аёллардан неча юз минг кимса нечун замоннинг фавоидидан (фойдалар) маҳрум қолдилар?

ШАРХ

Водий ахли яна деди: «Эркак бўлсин, аёл бўлсин, саъй-харакат этганларнинг минг-минглари замоннинг мурури билан жиҳду жаҳдлари туфайли ҳосил бўлган манфаат ва фойдалардан жудо бўлдилар». Саъй этган зотларнинг оқибатда ноумид бўлишларини факат жабарийлар тасдиқ этадилар. Ақл ва тажриба соҳиби бўлганлар бундай даъводан йироқдирлар. Жабарийлар бу даъволари билан охиратни инкор қилиб, аклларига муҳит бўлган зулматни зоҳир этадилар. Англашилурки, жабарийлар ибодат ва жаҳднинг фавоидини дунё лаззатига сотадилар; мукофоти ухравияни (охирад мукофоти) эътибор назарига олмай, зимнан рад қиласидилар. Ҳолбуки, харакат ва жиҳду жаҳд қилганлар дунёда ноил бўлган кўплаб самаротлардан ташқари асл саодат ва саломатлик боқий ва жовид уқбо оламида ризойи жаноби Кибриёда бўладилар.

МАСНАВИЙ

*Сад ҳазарон қарн з-огози жаҳон,
Ҳамчу аждарҳо күшода сад даҳон.*

ТАРЖИМА

*Неча юз минг қарн олам бошидан,
Мисли аждарҳо очиб юзлаб даҳан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Жаҳоннинг ибтидосидан бугунга қадар неча минг қурун (қарнлар), аъсор (асрлар) аждарҳо каби юзлаб оғиз очдилар.

ШАРХ

Ҳазрати Мавлонойи Рум коддаса сиррухус сомийнинг камоли ақли, балоғати ва фасоҳат нури бу байти шарифда ҳам зоҳир бўлади... Юз мингларча муур этган қарннинг ҳар бири юз сана-га баробар. Ҳар бир сана бир аждарнинг даҳонига (оғзига) ташбих бўлганидан мақсад, ҳар сана неча юз мингларча ганж ва раъноларни, оқил ва доноларни зери хокда пинҳон ва бенишон этмагидандир. Ҳа, сир эмаски, саъй ва қўшиш қилганларни ҳам замон аждари харобангиз панжалари билан талаф этар эса-да улар умрларини ибодат ва саодат билан безадилар, охиратлари ва абнои жинсларининг мартабаи саломатларини таъмин ва барқарор айладилар.

Жабарий ва танпарварлар нима топдилар? Ибтидода касаллик ва фафлат илонига ем бўлдилар, интиҳода изтироб ва надомат аждари умрларини барбод айлади.

МАСНАВИЙ

*Макрҳо карданд он доно гуруҳ,
Ки зи бун барканда шуд зон макр кӯҳ.*

ТАРЖИМА

*Макру ҳийла қилди ул доно қавм,
Таг-тубидан қўпди охир тоз ҳам.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Доно ва оқил бўлган қавм шу қадар хийла ва масоъий (ҳаракат) этдиларки, тоғ тубидан қўпди.

ШАРХ

Водий аҳли дейди: «Ҳозирга қадар дунёга келиб-кетганлар орасида тоғларни ҳам зеру забар этмоққа қодир инсонлар бор эди. Улар ҳеч қандай фойда кўрмадилар, жумласи дунёдан мукурр этдилар ва баданлари хок қаърида фано бўлди. Жабарийларнинг бу зайл ифодаларига қарши қуйидаги муборак байтга ёзилган шарҳ ва тафсийлот жавоби кофий бўлгани боисидан такрорийликдан воз кечамиз.

МАСНАВИЙ

*Кард васфи макрҳошон Зулжалол:
«...Литазувла минҳу уқлал жибал».*

ТАРЖИМА

*Айлади васф макрларин Зулжалол:
«...Литазувла минҳу уқлал жибал».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кечмиш қавмларнинг макр ва ҳийлаларини Зулжалол ҳазратлари Қуръони азиймуш шаънда баён ва фармон буюрди: «Албатта, зоил бўлур ул макрдан тоғ чўққилари, унинг энг юксак ерлари».

ШАРХ

Бу ояти карима «Иброҳим» сурасининг 46-сидир. «Ва қод макарув макроҳум ва индаллохи макроҳум. Ва ин кана макроҳум

литазувла минхул жибалу». Маънойи шарифи: «Ҳақиқатда, улар (пайғамбарларга ва мўминларга) макр ишлатдилар. Уларнинг макри тоғни туб-тубидан қўпоргудек қурратли бўлса-да, Оллоҳ таъоло уларнинг макрини (тоғни) барбод қилди. Яъни хийлакор қавмнинг хийла, фитна, исён ва фисқ-фужури бу дунёйи фонийда ҳам нақадар азийм ва муҳим бўлмасин, Оллоҳ таълонинг муқаррар жазосидан ҳалос бўла билмаслар, макр ва хийлаларин вайронхонасида паноҳ топа олмаслар». Жабарийлар мазкур ояти карима мазмунидан заррача истифода этмаклари мумкин эмас. Зеро, хийла ва фитна ахлининг ҳар нечук ҳаракати Оллоҳ таълонинг адолат ва ҳақиқати назаргоҳида ночиздир. Солих амаллар килгувчилар учун азиймуш шаън Куръонда буюк ишоратлар ва башоратлар бор.

МАСНАВИЙ

*Жуз, ки он қисмат, ки рафт андар азал,
Рўй нанмуд аз шикор ва аз амал.*

ТАРЖИМА

*Чун азал қисматда бор эрди-ю бас,
Ундан ўзга ҳеч амал бўлган эмас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Азалда воқеъ қисматдан ўзга шикор ва амалдан ҳеч бир нарса юз кўрсатмади ва ҳосил бўлмади.

ШАРХ

Жабарийлар дейдилар: Азалда бор бўлса, бўладир. Ундан бошқа инсон учун фойда ҳосил бўлмас. Жабарийлар азиймуш шаън Куръонни инкор этмаганлари ҳолда, бир қанча ояти қаримлардаги «ҳаракат килингиз» каби амр ва иродаларни назар-эътиборга олмайдилар. Шунингдек, акл ва мантиққа нисбатан хусумат этадилар. Улар дейдилар: «Азалда ҳисса не эса, инсон учун удир». Жабарийларнинг ақидаси шак-шубҳасиз эътиборга олинса, демакки, ҳаракат ва ибодат этганлар учун бу ҳол азалда қисмат бўлгандир. Аксинча, умрини ҳаромият қабрига тикқанларнинг қисмати ҳам шундай. Бу фализ ва баразли қарашлар инсониятни ақлий ва иқтисодий бўхронга мубтало этгувчи боши берк йўлдир.

МАСНАВИЙ

*Жумла уфтоданд аз тадбири кор,
Монд кору ҳукмҳои Кирдикор.*

ТАРЖИМА

*Барча тадбиркорлар бекордир,
Хукм ҳукми ўшал Кирдикордир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Барча тадбир ва амалдан мосуво бўлдилар. Ёлғиз Оллоҳ таъоло ҳазратларининг тадбир ва ҳукмлари қолди.

ШАРҲ

Бу ақида ҳам жабарийларга хосдир. Ҳақиқатда, дунёга келган инсонлар анжомида дунёдан айриладилар, унинг мувакқат неъматларидан жудо бўладилар. Бу ҳол зарурий амр, бокий ёлғиз жаноб Борийдир. Ибодат ва ҳайрли амаллар билан машғул бўлганлар Парвардигор ҳузурида саодатманд, номарзия ҳаракатда бўлган мужримийн (гуноҳкорлар) эса буюк азобга мустахик эканликлари буюрилгандир. Алалхусус, Оллоҳ ва шариат йўлида жидду жаҳд қилганлар ўз замонларини масъудона кечириб, соир инсонларга фойда келтирадилар. Ҳолбуки, танбаллар пуразо замонларини маҳв ва фано этарок, дунёда асарлари қолмамиш. Бордию қолган бўлса, у ҳам ёмонликлари боис ҳосил бўлган аламли хотиралардирки, башарият жамияти учун боиси зиллатдир.

МАСНАВИЙ

*Касб жуз номе мадор, эй номдор,
Жаҳд жуз ваҳме матиндор, эй иёр!*

ТАРЖИМА

*Эй улуғ! Касбни фақат бир ном бил,
Жидду жаҳдни ваҳм бил, ноком бил.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй соҳибном ва ахли шухрат! Касбни номдан ўзга нарса деб билма. Эй мутаҳаррик ва соҳибжуръат! Жаҳду саъни хаёл ва ваҳмдан бошқа нарса санама!

ШАРҲ

Водий ахли дейдилар: Эй номи улур зот, касбни фақат бир ном, жаҳдни эса ваҳм деб гумон қил. Жабарийлар шаръий хатти-ҳаракатнинг фойда ва савобини инкор этадилар.

**ҲАЗРАТ АЗРОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ
БИР ИНСОНГА НАЗАР АЙЛАМАГИ,
УЛ ИНСОННИНГ ҲАЗРАТ
СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМ
САРОЙИГА ҚОЧМАГИ БАЁНИДА**

МАСНАВИЙ

*Содда марде чоштго же даррасид,
Дар саро адли Сулаймон дардавид.*

ТАРЖИМА

*Содда бир мард бўлди айни чошт он,
Ул Сулаймон адл саройига равон.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Соддадил бир инсон айни чоштгоҳда Сулаймон алайҳисса-
ломнинг адолат саройига етишиди.

МАСНАВИЙ

*Рўяш аз гам зард, ҳар ду лаб кабуд,
Бас, Сулаймон гуфт: «Ай хожа, чи буд».*

ТАРЖИМА

*Ранги сомон, икки лаб кўк гуссадан,
Сўнг Сулаймон ҳол сўрди хўжадан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ул одамнинг юзи ғам-ғуссадан сап-сарик, икки дудоги эса
кўкарган эди. Ҳазрат Сулаймон алайҳиссалом бу ҳолни кўргач
деди: «Эй хўжа, сенга не бўлди?»

ШАРХ

Бу одамнинг сабаби хавфи қуида маълум бўлади.

Илму ирфон касб этмаган инсонларда хавфга доя бўлгувчи
улкан сабаблар қуидагилардир: биринчидан, бадани қатъий ин-

тизомга бўйсундириш ва унинг боқийлигига умид килиш, ёхуд инсоннинг заиф бўлмоғи, нимагадир эришиши ва эриша олмаслиги ҳакидаги доимий қайфуси ҳақиқий лаззат ва роҳат, эътибор ва саодатга халал етказиш мумкин эканини ўйламаслик; иккинчидан, инсоннинг саломатлигига зарар етказувчи фойдани ҳамда ҳақиқий қувватларни зоҳир этгувчи сабабларни англамаслик. Бу афкор ва занният боисидан аъсоб ва димоф бир ғарийз хис билан мутаассир бўлиб, бинобарин, дам ва аъзо табиий ҳолни тағиیر ва калбни мутагайирип этади. Хавфнинг таҳлили ва ёхуд куллиян зойил бўлмаги икки ҳолга мавқуфdir. Биринчиси: хикмат ва марҳамати Раббониядан амин бўлиб, дунёвий воқеотга аҳамият бермаслик; иккинчидан, дам ва аъсобига қувват бермоқ, тики димоф ва аъсоб одамий ҳиссиётта забун ва маҳқум бўлмасин. Бу икки ҳолнинг истехсоли чораси Оллоҳ таъюлога комилан иймон келтирмақдир.

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Азроил бар ман инчунин
Як назар андоҳт нур аз ҳашму кин»*

ТАРЖИМА

*Деди: «Азроил бандоҳ бир назар,
Солди даҳшат бирла чандон, алҳазар!»*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Хўжа Сулаймон алайҳиссаломга деди: «Азроил ғазаб ва кин билан менга назар ташлади (шу боисдан сенга илтижо этмакка мажбур бўлдим)».

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Хин акнун чи мекоҳӣ бихоҳ»,
Гуфт: «Бифармон бодро, эй, жон паноҳ!»*

ТАРЖИМА

*Деди: «Эй хўжа, дегил не муддао?»
Деди: «Амр эт бодга, эй, жон паноҳ!»*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳазрат Сулаймон алайҳиссалом деди: «Нима истар эсанг, истагил!» Соддадил жавобан деди: «Эй жонни ҳифз-ҳимоя этгувчи пайғамбари зишон, шамолга фармон бер!»

МАСНАВИЙ

*То маро з-ин жо ба Ҳиндустон барад,
Буд, ки банда к-он тараф шуд жон барад.*

ТАРЖИМА

*Токи Ҳиндистонга элтсин бодлар,
Анда жонимни этай ободлар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ул соддадил инсон деди: «Токи шамол мени бу ердан Ҳиндистон мулкига элтсин, балки бандангиз ўша ёқларда жонини Азроилдан куткариб қолар». Соддадил гумон этадики, шамол воситасида узоқ масофани босиб ўтса, эҳтимол, ҳазрат Азроилга бу қадар олис масофани кечиб бориш мұяссар бўлмас. Шундан сўнг хўжа ўлимдан паноҳ топиб, Ҳиндистонни ўзига макон этади.

Бу тоифадагилар водий ахли ва жабарийлар томонидан баён этилади. Мазкур байти шарифдан эътиборан ўн икки байтдан сўнг арслонга ташбих бўлган одам водий ахлига жавоб беради.

Асл баҳсга келинса, жабарийлар бу мисоллари билан ҳақиқатни исбот этолмадилар. Зеро, бу ўринда соддадил инсоннинг саъй-ҳаракати оқилона эмас, бир абллаҳларча орзу эди, холос. Чунки у Ҳазрат Азроил дунёнинг қайси гӯшасида бўлмасин жонларни олишга кодир эканлигига иқрор эди. Унинг жонини Ҳиндистонга олиб қочмоғи ўз-ўзини гуноҳ оловига отмоғи ва заҳматга гирифторм этмоғидир. Номақбул бу саъйни эътибордан соқит этамиз.

МАСНАВИЙ

*Наг зи дарвешӣ гурезонад ҳалқ,
Луқмаи ҳирсу амал з-онанд ҳалқ.*

ТАРЖИМА

*Ҳалқ қочар дарвешликдан, эй фақир,
Ҳалқ ҳарислик ҳам амалга луқмадир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳалқ дарвешлик ва фақирликдан қочади. Шундандирки, ҳалқ хирс ва амалнинг луқмасидир.

ШАРХ

Ҳалқ фақрдан кутулиб, мол-дунё қозонмок мақсадида кўп заҳмат чекади. Ҳолбуки, унинг фақирликдан кутулиб қоламан

деб чеккан ранжу заҳматлари факирликнинг ўзидан чандон бадтардир. Бу ҳам жабарийларнинг ақидаси. Маъкул амаллар хирс ва тамаъсиз, шаръий суратда гайрат ва ҳиммат этмоқлиkdir.

МАСНАВИЙ

*Тарси дарвешӣ мисоли он ҳарос,
Хирсу кӯшиширо ту Ҳиндустон шинос.*

ТАРЖИМА

*Фақр ҳавфи ҳўжанинг ҳавфи қабил,
Хирсу гайратни да Ҳиндистон бил.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Дарвешлик ва факирлик ҳавфи ўша ҳўжанинг ҳавфи кабидир (яъни ҳўжанинг Ҳиндистонга бефойда кетмагидек). Сен қўркув ва саъни Ҳиндистон деб гумон қил.

ШАРХ

Водий аҳли деди: «Ҳўжа мавт (ўлим) панжасидан ҳалос бўлмоқ учун ҳом хаёлга, нафсу шайтонга мағлуб бўлгани каби, сен ҳам қазо ва қадарга қарши саъиу жаҳд истар эсанг, ҳакношинос ва шоёни ҳандони ому хос бўларсан».

МАСНАВИЙ

*Бодро фармуд то ўро шитоб,
Бўрд сўйи қаъри Ҳиндустон бар об.*

ТАРЖИМА

*Бўлди фармон бодга: «Ол, тез жўна!»
Элтди бод Ҳинду аро сув устина.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳазрат Сулаймон алайхиссалом шамолга буюрдики, тезлик билан ҳўжани Ҳиндистоннинг қаър-қаърига элтиб ташласин.

ШАРХ

Маълумки, Оллоҳ таъоло изни билан Сулаймон алайхиссалом шамолларни бошқарап эди. Унинг амри билан шамол ҳўжани олис Ҳиндистонга элтиб ташлади.

МАСНАВИЙ

*Рўзи дигар вақти девону лиқо,
Пас Сулаймон гуфт Азроилро.*

ТАРЖИМА

*Эрта кун девон, мулокот чогида
Ул Сулаймон деди Азроилга.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эртаси куни девон ва мулокот чогида ҳазрат Сулаймон алайҳиссалом ҳазрат Азроилга деди.

МАСНАВИЙ

*К-он мусалмонро ба хаши аз чи сабаб,
Бингаридй бозгўй, эй пайки Раб!*

ТАРЖИМА

*Нега даҳшат бирла ул мўмин сари,
Боқдинг, айтгил, эй Худонинг ханжари.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Нима учун ул мусулмонга ғазаб билан тикилдинг, такрор сўйла, эй Раббул оламийннинг ўки, эй жон олгувчи маъмур!

МАСНАВИЙ

*Гуфт ман аз хаши кай кардам назар,
Аз таажжуб дидамаш дар раҳгузор.*

ТАРЖИМА

*Деди даҳшат бирла зинҳор боқмадим,
Мен фақат ҳайрат ва таажжубда эдим.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳазрат Азроил деди: «Мен ул хўжага ғазаб билан назар ташлаганим йўқ. Ёғиз йўлда ғоят таажжуб билан тикилдим, холос».

ШАРХ

Азроилнинг ҳайратига сабаб қуйидаги байтдан маълум бўлади.

МАСНАВИЙ

*Ки маро фармуд Ҳақ к-имрӯз, ҳон,
Жони ўро ту ба Ҳиндустон ситон.*

ТАРЖИМА

*Ҳақ буюрди қабз айла тонгда
Ушибу бандада жонин Ҳиндистонда.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Зеро, Ҳақ таъоло ҳазратлари фармон бердиким, огох бўл, букун ушбу бандада жонини Ҳиндистонда қабз эт!

ШАРХ

Ҳазрат Азроил деди: «Мен ўшал хўжага шу сабабдан таажжуб назари билан бокдимки, Оллоҳ таъоло ҳазратлари менга унинг жонини Ҳиндистонда қабз этмоққа амр этди. Ҳолбуки, хўжанинг бир кунда Ҳиндистондек олис юртга нечук етиб олиши мумкинлигидан ўз-ўзимча таажжубда эдим».

МАСНАВИЙ

*Аз ажаб гуфтам, гар ўро сад пар аст,
Ў ба Ҳиндустон шудан дур андар аст.*

ТАРЖИМА

*Лол эдим гар юз қаноти бордир,
Ҳинд элига етмаги душвордир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳазрат Азроил иловатан дейди: «Таажжубдан ўз-ўзимга дедимки, агар хўжанинг юз қаноти бўлган тақдирда ҳам унинг Ҳиндистонга етиб бормаги ғоят душвордир».

МАСНАВИЙ

*Ту ҳама кори жаҳонро ҳамчунин,
Кун қиёсу чашм бикшою бубин.*

ТАРЖИМА

*Сен бу олам ишларига қайта боқ,
Ҳам қиёс айла, кўзинг оч каттароқ.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сен жаҳоннинг жамийки ишларини бўйла қиёс эт ва кўзларингни оч. Атрофга бок.

ШАРХ

Жаҳонда ҳар ишда Раббоний қудратни кўрки, Оллоҳ таъоло ҳазратлари ирода ва фармон этганидан сўнг энг узок деб гумон қилинган нарса қарибият касб этди ва энг оғир деб хисобланган кайфият сухулат (енгиллик)га айланади.

МАСНАВИЙ

*Аз кий бигрезем? Аз худ? Эй, маҳол,
Аз кий бирбоем? Аз Ҳақ? Эй, вўбол.*

ТАРЖИМА

*Қайга қочдик ўз-ӯзимиздан? Маҳол.
Қайга кетдик Ҳақ таъолодан? Увол.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Қайга қочамиз? Ўзимизданми? Йўқ, маҳол! Кимдан узила-
миз? Ҳақ таъолоданми? Йўқ, увол!

ШАРХ

Жабарийлар дерларки, инсон ҳеч қачон ўзидан қоча олмагани каби, Оллоҳ таъоло ҳазратларининг ирода ва бўйруқларидан ҳам қоча олмайди. Оллоҳ таъоло ирода этмагунга қадар Раббоний неъматлар хазинасидан хиссаёб бўлолмайди. Жабарийларга жавобан деймиз: жаҳд ва саъӣ асҳоблари бўлганлар Раббоний иродадан қочмайдилар, кувватлари нисбатида ҳаракат қиласалар ва мукофотан саодатга ноил бўладилар. Зоро, Ҳақ таъоло «ҳаракат қилингиз», деди ва ҳаракат қилмоқ учун кувва, аъзо берди. Байти шарифда «Кимдан қочамиз? Ўзимизданми? Э йўқ, маҳол иш бу!» дейилади. Ушбу таъбирга мувофиқ машҳур файласуф Сукротнинг бир ақидасига назар ташлайлик: бир хушфеъл одам Сукротга дейди: «Бир ой ғам-кайғуни унутиб, саёҳат қилмок ўйида юрибман». Сукрот унга жавобан дейди: «Сен ўзинг билан бирга саёҳат этсан. Ўз-ӯзингдан қаёққа қоча олардинг!»

ЯНА ШЕР ЖАХДНИНГ ТАВАККУЛДАН УСТУНЛИГИ ВА УНИНГ ФОЙДАЛАРИ ҲАҚИДА

МАСНАВИЙ

*Шер гуфт: «Оре валекин ҳам бубин,
Жаҳдҳои анбиё ва мӯминийн».*

ТАРЖИМА

*Шер деди: «Хўп, лек боқингиз аслида
Анбиё ва мӯминийннинг азмига».*

ЛИСОНӢ ТАРЖИМА

Арслон жавобан деди: «Хўп, таваккул гўзалдир. Лекин анбиёи зишон ва мӯминларнинг саъиу жаҳдларига боқинг!»

ШАРХ

Арслонга ташбих бўлган одам водий ахлига жавобан дейди:
«Таваккул этмоқ фоят мақбул ҳолдир. Бироқ таваккулнинг асоси
саъӣ ва жаҳддир. Чунки, анбиёи зишон алайҳимуссалоту васса-
лом ва мустакийм мӯминларнинг ахволига назар солинса, улар-
нинг жумласи жаҳду саъӣ ва ибодат воситасида ўзларини илохий
марҳаматга восил айладилар. Таваккул саъӣ-ҳаракатсиз мақбул
хол бўлганида эди, инсоният зулмат ва қашшоқликдан халос
бўлиш, икки дунё саодатини ҳосил этиш учун жонбозлик килар-
миди?»

МАСНАВИЙ

*Ҳақ таъоло жаҳдҳошон рост кард,
Он чи дийданд аз жафоу гарму сард.*

ТАРЖИМА

*Чекмасинлар не жафою, не бало,
Жаҳдларига ажр берди Кибриё.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳақ таъоло ҳазрлатлари анбиё зишоннинг жидду жаҳдларини рост айлади. Жафо, ҳарорат ва совукдан, яъни заҳмат ва машақкатдан чеккан жамийки риёзатлари эвазига Оллоҳ таъоло уларни абадий мукофоти билан сарафroz қилди.

ШАРХ

Анбиёлар иқдомоти ва солиҳ мўминларнинг риёзоти ҳақинда юз жилд китоб битилса-да, бир ҳарф ўрнига ўтолмаслиги тарих шуносларга маълумдир. Бинобарин, инсон бу дунёда фаровонликка ноил бўлмоқчи эса, ибодат ва хайрли амалларни адо этмокда бардавом бўлсин!

МАСНАВИЙ

*Хийлаҳошон жумла ҳол омад латиф,
Куллу шайбин мин зариф, ҳува зариф.*

ТАРЖИМА

*Хийлаҳар-да жумла ҳол бўлди латиф,
Куллу шайбин мин зариф, ҳува зариф.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Анбиё зишон ва мустакийм мўминийни киромнинг тадбирлари коффа ахволда латиф ва зариф бўлди. Инчунин зариф ва закий кимсадан ҳар неки содир бўлар эса, зарифдир. (Бу ўринда «хийла» лафзидан мақсад тадбир, зарофат ва закодир).

ШАРХ

Бу байти шарифнинг хикматли мазмуни оят ва баййинотларда ҳам зоҳирдир. Масалан, азиймуш шаън Куръоннинг «Юсуф» сурасида оқибат яхшиликка эврилган латиф ва зариф ҳийлалар ҳакида нақл қилинади.

МАСНАВИЙ

*Домҳошон мурғи гардуний гирифт,
Нуқсҳошон жумла афзунӣ гирифт.*

ТАРЖИМА

*Домлари илдирди осмон қушларин,
Афзун ӯлди жумла нуқсон шилари.*



ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Анбиё алайхиссалом ва мүминийни киром қўйган тузоқ-домлар фалакка мутааллуқ бўлган кушларни ҳам тутди; уларнинг зоҳирий нуқсонлари яхшиликка мубаддал бўлди.

ШАРХ

Анбиё зишон ҳазратлари бошчилигида мустақим мўминлар Ҳақ таъоло изни билан адл ва саодатни майдонга келтирмоқ учун шу қадар ақлий тадбир тутдиларки, бу тадбир таъсироти билан мақсад кушларини қўлга киритдилар. Баъзан сувратан заифхол кўринган эсалар-да, бу ҳолат қувватларининг зиёда бўлмоғига асос эди. Айрим соддадиллар ва жоҳиллар гумон этадиларки, анбиё зишон ва мўминийни киром ақл ва бадан каби жаноб Яздон эҳсон этган икки воситани истеъмол этмасдан, ёлғиз тасбих ўғирмоқ билан саъиу жаҳдсиз дунёни ҳайратга соладилар. Ҳолбуки, энг буюк тадбир ва энг амин ижроотни асҳоблар жиҳоддан топганликлари исбот қилингандир.

МАСНАВИЙ

*Жаҳд мекун то тавонй, эй киё!
Дар тарийқи анбиё ва авлиё.*

ТАРЖИМА

*Жаҳд эт, бос, эй азиз зот, илгари,
Анбиёлар, авлиёлар сингари.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй буюк ва олийхиммат зот! Муктадир бўлгунингга қадар анбиё алайхиссалом ва авлиёи киром тарийқида жаҳд ва саъӣ эт!

ШАРХ

Бу шариф байтдаги улуғ амр ва танбих ҳазрат Мавлоно Румий қоддаса сиррихус сомийнинг инсонларга қилган маънавий эҳсонидир. Бу амрга итоат этган мардлар поёни йўқ саодатга ноил бўлдилар.

МАСНАВИЙ

*Бо қазо панжа задан набвад жиҳод,
Зон, ки инро ҳам қазо бар мо ниҳод.*

ТАРЖИМА

*Панжа урмоқлик қазога жаҳд эмас,
Ҳам қазонинг амридир бу амр, бас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Қазога панжа урмоқ жиҳод эмас. Зероки, жаҳд ва ижтиходни илоҳий қазонинг ўзи бизнинг зиммамизга тайин этди.

ШАРХ

Жабарийлар дейдилар: «Харакат қилмасдан таваккул этмак жиҳоднинг бир навъи». Йўқ. Бу жиҳод эмас, балки хом хаёлдир. Бу қазои Раббонийга муҳолиф бир кайфиятдир. Алалхусус, касб ва жиҳод ҳикмат нуқтасидан бўқилганда, Роббул ибоднинг хукм ва қазоси.

МАСНАВИЙ

*Кофирам ман гар зиён кардаст кас,
Дар раҳи иймону тоат як нафас.*

ТАРЖИМА

*Тоату иймон йўлида зарра гам,
Ҳам зиён ким чеккан ўлса кофарам.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар кимса иймон ва тоат йўлида бирор дақиқа бўлсин зиён топган бўлса, мен кофир бўлай!

ШАРХ

Дарёйи иймон ва уммони урфон бүлган ҳазрат Мавлоно Румий коддаса сиррихус сомий энг буюк иймон ва мухим таъбирот билан шарьий саъй-харакатдаги бани башар ақл ва қалбларини нурга чулғади. Диққат билан назар солинса, бу шариф байтда иймон ва тоат лафзи саъй ва жиход лафзига ҳаммазмундир. Чунки, мүммин ўзини иймон нури билан зийнатламоқ истаса, азиймуш шаън Куръонга инонмоги шарт. Азиймуш шаън Куръоннинг жуда кўп оятларида саъй ва жиход амр этилгандирки, бу ҳол иймон ва тоатнинг саъй ва жиход билан маънан воҳид лафз эканига далолат этади.

МАСНАВИЙ

*Сар шикаста нест, ин сарро мабанд,
Як ду рӯза жаҳд кун, боқӣ биханд.*

ТАРЖИМА

*Боғлама бошинг, уни озод қил,
Бир неча кун жаҳд қил, сўнг шод бўл.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй жабарий! Бошинг ёрилган эмас. Бу бошни сен боғлама. Бир-икки кундан иборат бўлган дунёда жаҳд ва саъй айла. Шундан сўнг шоду хандон бўл!

ШАРХ

Фоят гўзал бир мисол. Чунончи, боши ёрилмаган бир инсон сабабсиз бошини хасталар каби боғлаб, ҳақиқат аксини изхор этмаги қандай чиркин эса, саъй ва жиход этмакка куввати етарли бўла туриб, танпарварлик ва лоқайдлик билан уни маҳв этса, бу ҳол ҳам зиёда чиркиндир. Бошини ёлғондан боғлаган аҳмоқ ҳанда ва истехзога мустаҳик бўлгани каби ҳаракатсиз жабарий ҳам кулгуга нишон бўлишдан ташқари азобу жазога, мусибат ва азобга гирифтор бўлади. Бинобарин, бир-икки кун яшаш фарз бўлган дунёда ибодат ва ҳиммат йўлларида қаттиқ ҳаракат қил! Токи дунёю уқбода масъуд ва баҳтиёр, жаноби Парвардигорнинг ризосига лойик банда бўлғайсан!

МАСНАВИЙ

*Бад маҳалле жўст, к-ӯ дунё бижўст,
Нек ҳоле жўст, к-ӯ уқбо бижўст.*

ТАРЖИМА

*Кимки дунё истади баджолдир,
Некъолнинг мақсади уқбодурур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кимки дунё истади — бад ва чиркин бир маҳал (жой) истади. Кимки укбога кўз тутди (яъни кимки охирати учун саъй-харакат этди), гўзал бир ҳолни орзу қилди.

ШАРХ

Дунёда доимо азо ва жафо мавжуд эканидан дунё истамак айни жазо истамакдир. Ориф зот эса, дунёнинг фоний жихотидан фориғ бўлиб, амин ва саломатлик маҳали бўлган укбога рағбат этади.

МАСНАВИЙ

*Макрҳо дар қасби дунё боридаст,
Макрҳо дар тарки дунё воридаст.*

ТАРЖИМА

*Қасби дунёда макр душвордир,
Тарки дунёда макр даркордир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Дунё қозонмок учун макр ва тадбир нолойикдир. Факат дунёнинг тарки учун макр ва тадбир жоиз.

ШАРХ

Қасби дунё учун қилинган макр ва тадбирлар шариатга хилоф бўлиб, бу ҳолат инсонни Ҳақ ризосидан маҳрум этади.

МАСНАВИЙ

*Макр он бошад, ки зиндан ҳуфра кард,
Он, ки ҳуфра баст, он макр аст сард.*

ТАРЖИМА

*Макр улдирким тешар зинданни,
Ҳам макр зиндан қиласар инсонни.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бир маҳбусга лойик бўлган макр ва тадбир булдурки, у (маҳбус) зинданни тешади. Аксинча, ўша тешикни ёпишга хизмат қилиб, инсонни зиндан қаърида тутиб турувчи макр совуқ ва файриодамийдир.

ШАРХ

Дунё жаннатга нисбатан зиндан, маҳали азо ва ҳижрон во-дийсидир. Бу ердан халос бўлиш учун саломатлик ва тадбир асбобини ясаш ўрнига зим-зиё, нурсиз бир ўрада асбобларни синдириб ташламоқ ҳамоқатдир.

МАСНАВИЙ

*Ин жаҳон зиндану мо зинданиён,
Хуфра кун зиндану худро вораҳон.*

ТАРЖИМА

*Бу жаҳон зиндану биз зиндандамиз,
Коч бу зинданканки, биз озодамиз.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу жаҳон зиндандир. Биз зинданийлар ва маҳбуслармиз. Зинданни теш ва ўзингни кутқар!

ШАРХ

Жаннати аълога нисбатан дунё зиндан ва азо масканидир. «Зинданни теш ва ўзингни кутқар» амридан мақсад дунёга бўлган номашшуръ иртиботни тарк айла, пок ва бебок бўл, демакдир. Бу яшамаслик маъносидан мутлақо узок бир тушунча. Дунё дунёйилар учун маҳали хусрон, мустакийм ва олийлар учун файзрасондир. Инсон дунёда ижро этгувчи умури хайрия билан ноили ризои жаноби Яздан ва мустағриқи наъми фаровон бўлгуси.

МАСНАВИЙ

*Чист дунё? Аз Худо гофил будан,
Не қумошу нуқраву фарзанду зан.*

ТАРЖИМА

*Не бу дунё? Ҳақни билмаслик ва бас,
На қумош, на сийму фарзандлар эмас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Дунё недир? Оллоҳ таъоло ҳазратларидан ғофил бўлмоқ. На кумош, на кумуш, на хотин ва фарзанд эмас. Дунё – Оллоҳ таъолодан ғофил яшамоқ. Унинг на зот, на сифотини англамаслик...

ШАРҲ

Ақл ва илм сохиби бўлган зотлар бу шариф байт туфайли Мавлоно Жалолиддин Румий қоддаса сирриҳу сомий ҳазратларининг урфон, илмий ва руҳоний камолотларидан улуғ ҳисса олиб, ҳаётёб бўладилар. Олим ва оқил қиёфасида бўлган баъзи жохиллар ҳамда ғофиллар гўзал либос, бойлик, авлод ва аёл каби жаноби Худонинг улуғ неъматларини шубха остига қўядилар. Бу мавзуда муросасиз баҳс-тaloшларини бошлаб юборадилар. Бу зайл дунёвий неъматларни таҳқир этганларнинг тақдири аламлидир. Бинобарин, бу неъматлардан маҳрум бўлганлари ўзларини баҳтиёр хис қиладилар. Шунингдек, ўзлари ноил бўлмаган неъматни лафзан таҳқир этмоқдан чарчамасалар-да, гўзал завжаларини сўйиб эркалашдан тап тортмайдилар. Шариф байтда баён этилганидек, дунёнинг бадбахт бўлган кайфияти молу дунё, хотин ва фарзандлар бўлмай, аксинча, булар дунёда жузъий бўлган иқоматнинг (яшамоқ) саодат ва роҳатда кечмагига сабаб бўладилар. Шунингдек, бойлик ва шу каби ҳодисалар дину давлат муҳофазасига фоят зарурдир. Фараз килайлик, бир қавмнинг бойлик ва сарвати етарли, бир қавмнинг эса ҳеч вақоси йўқ. Табиийки, юқоридаги қавм тадорик этган аслаҳа ва асбоб билан душмандан ғолиб келади. Бинобарин, дин ва давлат муҳофазаси учун бойлик айни саодат ва неъматдир.

Бироқ дунёвий неъматларга ҳаддан зиёда муҳаббат ҳам баҳтсизлик ва қабоҳат. Бойлик, хотин ва фарзандларга муҳаббатини беҳад зиёда айлаб, Раббоний иродани фаромуш этмак уқбо файзидан бенасиблик демакдир. Алҳосил, дунё дейилган ҳодисот жаноб Мавло розилиги тарқ қилинган фафлат ҳолатидир. Азиймуш шаън Қуръоннинг бир неча ояти карималарида бу ҳақда баййинот бор. Чунончи, «Наҳл» сурасининг 42-ояти каримасида Оллоҳ субҳонаҳу ва таъоло буюради: «Лануббаввианнаҳум фид дуня ҳасанатан ва ла ажрул ахироти акбару лав кану яъламувн» (Маъноси: Албатта, уларга дунёда гўзал манзиллар берурмиз, ва охиратнинг ажру мукофоти зиёда буюkdir. Бу ҳақиқатни билсалар эди).

Ушбу ояти карима Оллоҳ таъолонинг ризоси учун ватанларини тарқ этиб, ҳижрат қилган муҳожирийн ҳақида нозил бўлди. Бу ояти каримадан яна шул нарса аён бўладиким, Оллоҳ таъолога қалбан қаттиқ боғланган инсонларнинг манзил ва бойликка эга бўлмоқлари гуноҳ бўлмай, аксинча, Оллоҳ ўзи қулларига башорат берган улуғ ажр ва гўзал неъматдир.

МАСНАВИЙ

*Молро к аз баҳри Ҳақ боши ҳамул,
Наъми моли солиҳа хондаш Расул.*

ТАРЖИМА

*Ҳақ ҳақи гар мол йигар бўлсанг, ўшал
Молни Ҳақ пайғамбари дебмии гўзал.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Оллоҳ таъоло ҳазратларининг амри ва ризолиги йўлида ис-
теъмол этмак учун жамланган молни оламлар фахри пайғамбари-
миз алайҳиссалоту вассалом гўзал ва солиҳ мол, деб таърифла-
дилар.

ШАРХ

Юқорида баён этилгани каби мол-дунё ҳадди зотинда мақбул
ва матлубдир. Алалхусус, бу мол соҳибини турли ношаръий амал-
лардан манъ этиб, гўзал ва шаръий амалларга томон етаклайди.
Ушбу бобдаги ҳадиси шариф бундайдир: «Наъмал малис солиҳи
лироҗилус солиҳи». Маъноси: Солиҳ бўлган мол-дунё солиҳ ин-
сон учун нечоғли гўзалдир!

МАСНАВИЙ

*Об дар киштий ҳалоки киштий аст,
Об андар зери киштий пуштий аст.*

ТАРЖИМА

*Кема ичра сув ҳалок этгувчиидир,
Кема остида ани элтувчиидир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кема ичидағи сув кеманинг ҳалокати, кема остидағи сув унга
мадад этгувчи — ёрдамчи.

ШАРХ

Бу ўринда мол ва бойлик гўзал ва олий йўлда ташбиҳу там-
сил этилмоқда. Чунончи, денгизда бир кеманинг ичига сув киргу-
дек бўлса, уни гарк этади. Аксинча, кеманинг остидағи сув унинг
эмин-эркин ҳаракат этмоғига восита. Инсон ҳам дарёйи вуқоути
жаҳонда сузувчи кема мисол қалбини мол-дунёга тўлдириб, унга

куллиян мойил эса, маънан гарқ ва ҳалок бўлади. Билакс, молдунё мұхаббатини қалбининг ичига жамъ этмай, инсониятга хизмат эта билмак учун мақбул восита қиласа, Оллоҳ таъоло розилигига, эл-улус эътиборига ноил бўлади.

МАСНАВИЙ

*Чунки, молу мулкро аз дил биронд,
З-он Сулаймон хеш жуз мискин нахонд.*

ТАРЖИМА

*Ул Сулаймонким ўзин мискин демши,
Мол-дунё меҳрин дилдан ҳайдамиши.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳазрат Сулаймон алайҳиссалом мол-мулк туйғусини қалбидан ҳайдади. Шунинг учун ул зот ўзини мискиндан ўзга ном билан атамади.

ШАРХ

Ҳазрат Сулаймон алайҳиссалом чексиз молу мулк соҳиби бўлишига қарамай, асло такаббурлик қилмадилар. Аксинча, факир ва мискинман, деб камоли тавозеъ билан мулоҳим мулодот этардилар. Чунки, Сулаймон алайҳиссалом, ҳақиқатда мулк ва қувват ёлғиз жаноби Робби иззатга маҳсус эканини билардилар. Бинобарин, асл ҳунар бойликка молик бўлмоқ, такаббурлик қилмасдан, бу бойликни Ҳак йўлида ҳусни истеъмол этмоқдир.

МАСНАВИЙ

*Кўза сарбаста андар об зафт,
Аз дили пур бод фавқи об рафт.*

ТАРЖИМА

*Оғзи маҳкам кўза гарқ бўлмас, магар,
Бод уни сатҳида элтгай сарбасар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Оғзи маҳкам боғланган кўза буюк сув ичинда юзгани ҳолда, ичи ҳавога тўла бўлгани боисидан сув сатҳига қалқиб чиқади.

МАСНАВИЙ

*Боди дарвеший чу дар ботин бувад,
Бар сари оби жаҳон сокин бувад.*

ТАРЖИМА

*Бўлса дарвеш боди ботинда агар,
Суви узра даҳрнинг сокин бўлар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кимнинг ботинида дарвешлик ҳавоси бўлса, ул инсон жаҳон суви сатҳида истиқомат килади.

ШАРХ

Шоёни фахр бўлган дарвешлик булдурки, соҳибнинг назарида мол ва манол Ҳақ таъоло ҳазратларининг бўлиб, ҳусни истеъмол учун ўзини бир муваққат маъмур билади. Зеро, бундай ҳақиқий дарвеш ва факийр иқтидор ва молга асир бўлмасдан, жаноб Ҳолики ламязалга бўлган убудият боди, ишқ ва муҳаббат билан қаноат топади. Аксинча, чор-ночор ва зор-гирён дарвеш «Ал-фақру фахри» таъбири шарафига сазовор бўлолмайди.

МАСНАВИЙ

*Гарчи жумла ин жаҳон мулки ваяст,
Мулк дар чашму дили ўлоша аст.*

ТАРЖИМА

*Гарчи дунё мулкига у бошдир,
Лек дунё мулки анга лошдир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агарчи бу жаҳон жумлатан унинг мулки эса-да, бу дунё унинг кўнгли ва кўзи наздида лош ёхуд ҳечdir. Ҳақиқий дарвешнинг руҳонияти Оллоҳ таълонинг изни билан буюк мол-мulkни сарик чақага олмайди. Ҳақиқий дарвеш ўзини буюк бир хикмат учун яралган зот деб билади.

МАСНАВИЙ

*Пас даҳони дил бубанду муҳр кун,
Пур кунаш аз боди муҳри мин ладун.*

ТАРЖИМА

*Күнгүл оғзин боғла, тұлдир чохига
«Мин ладунка» мұхранинг уффорига.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Күнгил оғзини мақкам боғла. Унинг ичини ладуний бүлган мұхаббат ҳавосига лиммо-лим эт.

ШАРХ

Мол-мулк мұхаббати күнгилга дохил бүлмаслиги учун қалбингни мұхаббати илохия билан әхә (тирилтири) ва ўзингни хаәлоти дунёвиядан раҳо айла (кутқар).

МАСНАВИЙ

*Жаҳд ҳаққасту даво ҳаққасту дард,
Мункир андар нағы жаҳдаш жаҳд кард.*

ТАРЖИМА

*Жаҳд ҳақдир, ҳам даво ҳақ, ҳам дард,
Мункир жаҳд инкорига айлар жаҳд.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Жаҳд ва саъй айламоқ ҳақ. Даво ва дард ҳам ҳақдир. Саъй ва жаҳднинг мункири бүлган кимса инкор этаман дер экан, инкорга саъй ва жаҳд айлайди.

ШАРХ

Бу байти шарифнинг мазмуни ғоят теран. Жабарийларнинг беъмани даъволарини синдиримок учун қатъий бир бурхон. Жабарийлар одамзодни саъй ва жаҳддан манъ этмок учун тиришадилар, яъни ўзларига қарши ўлароқ жаҳд этадилар. Оламда жаҳд, даво ва дард ҳақдир. Яъни на дарднинг вужуди, на давонинг лузуми ва вужуби қобили инкор эмас.

ЖАХД ВА САЙНИНГ ТАВАККУЛДАН УСТУН ЭКАНИ МУҚАРРАРЛИГИ БАЁНИДА

МАСНАВИЙ

*З-ин намат бисёр бурҳон гүфт шер.
К-аз жавоб он жабриён гаштанд сер.*

ТАРЖИМА

*Шер шу тахлит сүйлади бурҳонлар.
Түйди бурҳондан тамом ҳайвонлар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Арслон худди шу тахлит узоқ ва зиёда гувоҳликлар, далил ва бурхонлар келтирди. Жабарийлар бурхондан түйдилар ва жавоб бермоққа бемажол қолдилар.

ШАРХ

Арслонга ташбих бўлган одам саънинг муҳсинотига доир қаттий бурхонлар билан жабарий дейилмиш, маънавиятида маризи бор кимсаларни мулзам қилди.

Маснавийи шариф каби бутун олам таҳсинини жалб қилган бир ҳикмат дарёсида саъӣ ва жаҳднинг афзаликлари исбот этилган экан, ўзини фалак гардишига сомон парчасидек отиб юборган Тангри ва дунёдан бехабар, оламни тӯфон босса тӯпигига чиқмайдиган зотлар фурсат борида кўзларини очсин!

МАСНАВИЙ

*Рўбаву оҳуву харгўшу шақол,
Жабрро бигзоштанду қийлу қол.*

ТАРЖИМА

*Тулки, жайрону қуён ҳамда шоқол,
Жабрни тарк этдилар бекийлу қол.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Тулки, жайрон, қүён ҳамда шоқол саъйнинг самарасини англаб етдилар ва жабарийлик даъвосидан воз кечдилар.

ШАРХ

Юқоридаги бир талай байтларда баён этилган мубоҳасалар ниҳоясида водий ахлиниң энг мұтабар ва закийлари жабарийликни тарк этадилар.

МАСНАВИЙ

*Аҳдқо карданد бо шери жаён,
К-андарин байъат наяфтанд дар зиён.*

ТАРЖИМА

*Богладилар шер билан аҳду вафо,
Ким бу байъатда зиён ийк мутлақо.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Юқорида зикр этилган хайвонлар тенгсиз разаб ва қудрат соҳиби бўлган арслон билан аҳду паймон боғладилар. Ушбу аҳду паймон шартларига мувофиқ арслонга ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан зиён-захмат етмайди.

ШАРХ

Арслонга ташбих бўлган зотнинг мазкур жониворлар ёхуд водий аҳли билан келишувлари қуйидаги шариф байтлар мазмунидан маълум бўлади.

МАСНАВИЙ

*Қисм ҳар рӯзаш биёяд бежигар,
Хожаташ набвад тақозоийи дигар.*

ТАРЖИМА

*Кундалик ҳаққи унинг ҳар кун етар,
Хожат ўлмас заҳмату даъво дигар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳар куннинг қисмати арслонга «бехуни жигар», яъни машақкатсиз ва заҳматсиз етади. Унга талаб ва тақозога ўрин қолмайди.

ШАРХ

Арслонга ташбих бўлган одам бутун мубоҳаса давомида жаҳд ва саъйнинг фойдаси ҳамда афзалликлари ҳақида кўплаб далиллар билан ўз фикрини исбот қилди. Бироқ аксарият кишилар ўзлари англаб етган ҳакиқатта, баъзан катта мубориза билан қўлга киритган ҳакиқат зафарига хиёнат қиладилар. Бу ҳол одамларнинг суст иймонлиги, охир-оқибат нафси аммора билан курашда ортирган мағлубиятларининг натижаси ўлароқ содир бўлади.

МАСНАВИЙ

*Куръа бар ҳар к-ү фитодӣ рӯз·рӯз,
Сӯи он шер ў давид ҳамчу юз.*

ТАРЖИМА

*Куръа кимнинг чекига тушса ҳамон,
Юз каби шер сори елгай шул замон.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳайвонлардан қай бирига қуръа тушар бўлса, ул юз ва порс ҳайвонлари каби шер жонибига йўл оларди. (Порс коплон жинисдан бўлган ҳайвон).

ШАРХ

Водий аҳли уларнинг роҳат ва фароғатларига тажовуз этгувчи арслонга марҳамат кўрсатиб шундай дедилар: Сен ҳеч қандай заҳматсиз катта меҳнат билан ноил бўлгувчи неъматни бекаму кўст етказиб берамиш. Фақат сен бизнинг оиласизга зулм етказмагайсан. Арслонга ташбих бўлган зот юкорида баён этилгани каби мубоҳаса жараёнида саъй-ҳаракатнинг исботи учун кўплаб далиллар келтирди. Бироқ охир-оқибат ақидасига терс бориб, ўз ўзини инкор этди ва мағлубиятга учради.

НАХЧИЙРЛАРНИНГ ШЕРГА ЛУҚМА БҮЛМОҚДАН БОШ ТОРТГАН ҚҮЁНГА РАДДИЯЛАРИ

Чекига куръа тушиб, шерга луқма бўлиши тайин бўлган қуён ҳайвонларга мурожаатан деди: «Мен арслон ҳузурига бормоқдан бош тортаман. Зеро, арслонга қарши улуғ бир хийланинг режасини тузиб қўйдим. Токи, сизни ҳам, ўзимни ҳам арслоннинг чангалидан озод этгайман».

Қуённинг табиий заифлиги ва барчага маълум бўлган қўрқолиги, унинг айни пайтда журъатли даъвоси билан ҳайвонларни таажжубга қўйди. Улар қуённинг режаси оқибат бошларига бало сели бўлиб ёғилиши, арслон қуён туфайли ҳаммаларини пора-пора қилиб ташлаши мумкинлигини гумон этиб, уни инкор қилдилар ва нима бўлмасин шернинг наздига боришини талаб этдилар.

МАСНАВИЙ

*Чун ба ҳаргўш омад ин согар ба давр,
Бонг зад ҳаргўш: «К-охир чанд жавр?..»*

ТАРЖИМА

*Чарх уриб бул жом қуёнга етган он,
Бонг урди у: «Неча жабр бул замон!..»*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Давру навбат билан бу аччик қадаҳ қуённинг чекига тушгач, у фарёд солиб деди: «Бу жабру ситам қачонгача давом этади, ахир!..»

ШАРХ

Ожиз ва қўрқок бир ҳайвон чекига тушган қурбонлик қуръа-сидан сўнг серҳадик ақлини ишга солади. Қўрқув исканжасига тушган ҳайвоний ақл муқаррар ўлим чангалидан халос бўлиш учун бир чора-тадбир топишга зўр бериб киришади. Кейинги байтларда қуёнга ташбиҳ бўлган ожиз бир зотнинг бошқа соир ҳайвонлар билан мубоҳасаси баён қилинади.

МАСНАВИЙ

*Қавм гүфтандаш, ки чандин гоҳ мо,
Жон фидо кардем дар аҳду вафо.*

ТАРЖИМА

*Қавм айтдиким неча фурсатки биз
Жон фидо қилдик вафога, шубҳасиз.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Қавм қүёнга деди: «Бу қадар вакт давомида биз аҳд-вафо учун жон фидо қилдик».

ШАРХ

Водий ахли қүёнга ташбих бўлган қўркоқ одамга дейди: «Арслондек ғолиб ва ғазабкор одамга берган ваъдамизга шу пайтга қадар вафо қилган бўлсак, бугун қандай қилиб сенингдек оддий, ақл ва қувватдан маҳрум бир одам қароримизни бузсин?»

МАСНАВИЙ

*Ту мажӯ бадномии мо эй, анууд!
То наранжад шер, рав рав! Зуд-зуд!*

ТАРЖИМА

*Бизни бадном қилмагил, эй бемажол,
Токи ранжиб қолмасин шер, бор. Йўқол!*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй телба, сен бизнинг бадном бўлишишимизни истама, токи шер биздан ранжимасин. Тезлик билан унинг ҳузурига бор!

Водий ахли қўрқан одамга дейдилар: «Эй девона! Бу хатти-харакатинг билан бизни бевафоликда бадном, арслонга мушобих одамнинг ғазаб ва ҳужуми билан маҳву паришон айларсан. Бино-барин, арслоннинг ҳузурига азиймат қил, қўрқувни тарк эт!»

Қўрқув, ҳадик ҳар бир инсонга хос. Таҳлика лаҳзасида қўрқув исканжасида қолган одам балодан эмин бўлиш учун талош этади.

ҚУЁННИНГ ҲАЙВОНЛАРГА ЖАВОБИ БАЁНИДА

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Эй ёрон, маро мұхлат дихед,
То ба макрам аз бало берун жаҳед».*

ТАРЖИМА

*Деди: «Эй дүстлар, менга мұхлат беринг,
Токи макримдан балони тарк этинг».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Күён жамий ҳайвонларга дейди: «Менга мұхлат берингиз. То макр ва тадбири билан бало исканжасидан сизни халос этайин».

ШАРХ

Мени тазиик ва зулмнинг комига отиб, таслим бүлмоғим учун шошилманглар! Бир улуғ тадбирнинг тадоригини күриб қўйганман. Унинг мададида сизни ҳам, ўзимни ҳам офат исканжасидан омонлик сахнига олиб чиқайин.

МАСНАВИЙ

*To амон ёбағ ба макрам жонатон,
Монад ин мерос фарзандонатон.*

ТАРЖИМА

*То омон топсин макрдан жонингиз,
Бўлсин авлодлар учун меросингиз.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Менинг макрим ва тадбири сабабли сизнинг жонингиз омон бўлсин ҳамда бу макр ва тадбир авлодларингизга мерос бўлиб қолсин.

ШАРХ

Күён назарда тутаётган тадбир бир қанча байтлардан сүнг маълум бўлади. Оддий инсонлар ёхуд авлоднинг нимадандур қаноат хосил қилиши учун маҳсус бир тадбирлар амалда ижро этилади. Авом кўзини яшнатиш, онгининг тарҳларини очиб юбо-риш учун баъзи ҳолларда дабдабали шиорлар, ёлғондакам ваъда-лар, ширин каломлар истифода этилади. Бу, ҳарчанд нотўғри туюлса-да, лекин бошқа бир чоранинг йўқлиги баъзан бу ёлғон-ларни «оқлайди».

МАСНАВИЙ

*Ҳар паямбар умматонро дар жаҳон,
Ҳамчунин то мухлис меҳонондашон.*

ТАРЖИМА

*Ҳар паямбар умматин олам аро
Мухлис ўлгунча ўқитгай босафо.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳар бир пайғамбар алайхиссалом умматларини мухлис бўлма-гунга қадар камоли сабот билан даъват ва тарбият қиласди.

ШАРХ

Оlamga келиб-кетган пайғамбарлар ҳам одам фарзанди. Улар осмондан тушган ёхуд ердан чиқиб қолган мўъжиза эмас. Уларнинг жисман ва маънан қувватлари оддий одамларники сингари эканлиги туфайли даставвал қаттиқ тазийик, баъзан катта қарши-ликларга дучор бўладилар. Сўнгра гаройиб мўъжиза, ўткир та-саввурот ва азийм тадбир билан миллиёнлаб инсонларни саодат маҳфилига бошлайдилар.

МАСНАВИЙ

*К-аз фалак роҳе бурун шав дида буд,
Дар назар чун мардумак печида буд.*

ТАРЖИМА

*Гар фалакда бир қатим нур кўрдилар,
Ҳар назар мардумига йўғрилдилар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Пайғамбарлар фалакда пайдо бўлган ҳар бир нурни кўриш қудрати билан дунёга келадилар. Улар назарларда корачуғ янг-лиғурлар.

ШАРХ

Шарафли пайғамбарлар Ер куррасининг ғам-қайғуси, оломондан ҳалос бўлиш йўлларини интихоб этганларида эди, бу уларга осонликча мұяссар бўларди. Улар дунёнинг жамийки роҳат ва фароғатларига ноил бўлиш қудратига соҳиб эдилар. Бироқ ҳар нечук разолат, меҳнат ва машаққат қошида сабр этдилар. Улар ҳам зоҳирان башар фарзандига монандликлари боисидан, инсонларга мушобиҳликларидан даставвал нубувватни эълон қилганларида оломоннинг қаттиқ норозилигига ва қаршилигига дуч келдилар. Бу ҳолат жамийки пайғамбарларга хосдир.

МАСНАВИЙ

*Мардумаш чун мардумак дийданд ҳурд,
Дар бузургй мардумак кай раҳ набурд.*

ТАРЖИМА

*Халқ уни мардум каби ночиз билар,
Лек мардумликни қандай зот қилас?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Инсон зоти набийлар ва пайғамбарларни зоҳиран кўз қорачуғидек начиз ва ожиз биладилар. Аммо кўз қорачуғининг азamat ва қудратини одам боласи ҳис қиласими? Афсус. Одамлар, Қуръоннинг олий ва барҳақ лафзи билан айтганда, озгина шукр қилишга ярамайдилар. Кўр бўлмагунча бийнолик қадрига етмагандек, кўз гавҳари нечоғлик улуг бир вазифага сафарбар қилинганини тасаввур қила олмайдилар.

ШАРХ

Халқ набий алайхиссаломни кўз қорачуғидек жуда кичик сувратига назар ташлаб, унинг дунё ва мавжудотнинг Робби бўлмиш Оллоҳ субхонаху ва таъология мұкаррар дўст эканига ионномайди. Тойиф боёнларидек пайғамбар алайхиссалом устидан куладилар: «Худо пайғамбарликка сендан бошқа одамни тополмабди-да...» Ва ҳоказо. Аммо Оллоҳ қудрати охир-оқибат бу восвос ва алжишларни, бу бўхтон ва ҳамоқатларни ер юзасидан сидириб юборади. Оллоҳ нури, пайғамбар нубуввати ернинг абадий ҳокимлари — тоғу дарёлар, гиёҳ ва майсалар, сахрою дала-даштлар каби мұкаррар ва якийндору.

ҚУЁННИНГ СЎЗЛАРИГА НАХЧИЙРЛАРНИНГ ЭЪТИРОЗИ

МАСНАВИЙ

*Қавм гуфтаандаш, ки эй ҳар, гўш дор,
Хешро андозаи ҳаргўш дор!*

ТАРЖИМА

*Қавм, эй эшишак, қулоқ сол, дер, бу ён,
Сен қуёндурсан, қуён бўлгил, қуён!*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Қавм қуёнга мурожаат қилиб дейди: «Эй, эшишак бетамиз! Сўзимизга қулоқ ос. Сен бир ожиз ва заифхол қуёнсан. Ўзингни қуён андозасида тут.

Изоҳ: Форсий байтдаги ҳазрат Мавлононинг сўз ўйини бафоят латиф. «Ҳаргўш» сўзи икки бўғиндан иборат бўлиб, биринчи бўғиндаги «ҳар» туркийда «эшак» маъносини; иккинчи «гўш» бўғини эса «қулоқ» маъноларини ифодалайди.

ШАРХ

Водий аҳли камоли талош ва разаб билан қуёнга ташбих бўлган одамга дерлар: «Эй, эшишак каби аҳмоқ жонивор! Бизнинг сўзимизга қулоқ тут ва итоат эт! Зинхор ҳаддингдан тажовуз айлама! Арслонга қиёс қилинган одам билан сарбасар бўлиб, бошимизни балойи бадга гирифтор қилма!»

МАСНАВИЙ

*Ҳин чи лофаст ин, ки аз ту беҳтарон,
Дарнаёварданд андар хотирон.*

ТАРЖИМА

*Бул нечук лоф? Сен нима, сандан улуг
Зотлар бу йўлда гумдан бўлди чўх.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй қуён! Огох бүл! Бу нечук лофдир? Сен-ку бир ожиз жониворсан, сендан неча бор буюклар арслонга қиёс қилингандар зот билан баҳлашмоқни хотираларига келтирмадилар.

ШАРХ

Водий ахли қуёнга қиёс этилган одамни огохлантириб, дейдилар: «Сен бир оддий, ҳақир ва эътиборсиз одамсан. Лекин ичимизда ҳақиқатда муктадир ва мукаммал қанчадан-қанча эрлар бор эди. Ҳатто ўшалар ҳам арслонга мушобих бўлган одамга мухолифат ва муқобала этмак асбобини хаёлларининг бир чекка-сига ҳам келтирганлар. Сен-да кўп лоф урмай ўша муктадир зот ҳузурига жўнаб қол!»

МАСНАВИЙ

*Мўъжиби ёхуд қазомон дар пай аст?
Варна ин дам лойиқи чун ту каяст?*

ТАРЖИМА

*Ё ажисан, ё қазомиз етдими?
Йўқса сендаларга навбат тегдими?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй қуён! Сен ё телбасан, ёхуд бизнинг қазомиз измимизга тушган ва у бизни таъқиб этмоқда. Йўқса, чекига қуръа тушиб, тенгсиз қудрат дастурхонига тортилиши лозим бўлган бир ожиз ва нотавон билан сўзлашиб ўтирамидик.

ШАРХ

Водий ахли зоҳирбин эди. Улар суврати ожиз қўрингандар зоҳирний томонига назар солган ҳолда, унинг ақл-идрок ва файратидан бехабар эдилар. Шу боисдан унга қарата энг таҳқиромиз сўзларни ишлатаверишар, назар-писанд қилишмасди. Водий ахли қўринишда заиф ва табиийки, арслондек тоғкелбат бир қудрат соясида чивиндек туюлгувчи маҳлуқнинг на хийла-тадбiri, на макру фаҳми уларни наинки саодатга, балки балойи ногахонийга дучор қилишига шак-шубҳа қилмадилар.

Одамзод табиатан шунақа, жисман заиф, сувратан ҳақир ва камсукум бир кимсани назар-писанд қилмайди.

ҚҮЁННИНГ ТАКРОР ҲАЙВОНЛАРГА ЖАВОБИ БАЁНИ

МАСНАВИЙ

*Гүфт: «Эй ёрон, Ҳақам илҳом дод,
Мар заңиғири қавй роъий фитод».*

ТАРЖИМА

*Айтди: «Эй ёрон, Ҳақ илҳом айлади,
Бир заңиғни құдрати том айлади».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Қуён деди: «Әй, дүстлар! Ҳақ таъоло ҳазратлари менга илҳом берди, менингдек бир заңиғ ва ҳақирга құвват ва афкор ато айлади».

ШАРХ

Суврати ожиз ва құвватсиз туылган, бирок ғаюр мард жавобан деди: «Әй дүстлар, менинг заңиғлигимга назар этмоқдан ижтииноб, тадбиримдан истифода этмоққа шитоб этингиз! Зоро, мен сувратан ҳар нақадар ҳақири әсам-да Кодири Мутлақ ҳазратлари буюк бир илҳом билан ноили амину омон ва баком айлади».

МАСНАВИЙ

*Он чи Ҳақ омұхт мар занбұрро,
Он набошад шерро ва гүрро.*

ТАРЖИМА

*Нениким ўргатди Ҳақ занбурга,
Пұққидир ул на шерда, на гүрда.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳақ таъоло ҳазратлари асал арига (занбур) ўргаттан нарсалар на арслонга, на биёбон эшагига (гүр) насиб этди.

ШАРХ

Асал ари жисман заиф ва сағир, арслон ҳамда ёбон эшаги қудратли ва кабир бўлсалар-да, асал етиштирмоқ санъати уларга берилмади. «Нахл» сурасининг олтмиш саккизинчи ояти каримасида бу борада қуйидаги баййинот зикр этилади. «Ва авҳа Роббука иланнахли аниттахизий мин ал-жибали буютан ва мин ашшажари ва мимма йаъришувн». Маънойи шарифи: «Парвардигоринг асал арисига илҳом билан билдири: «Тоғларга, дараҳтларга ва (кишиларнинг асал арилари учун) ясаган уйларига макон тиккин!» «Сумма қуллий мин қуллис-самароти фаслукий субуда Роббики зулулан яхружу мин бутуниҳа шаробун мухталифун алвануҳу фийхи шифаъун линнаси инна фий залика ла аятан лиқовмин ятафаккарувн». Маънойи шарифи: «Шундан сўнг анвойи мевалар (яъни, гул-чечаклар)дан таомлан, Парвардигоринг йўлларига итоатмандлик билан доҳил бўл. Унинг (яъни, асал арисининг) ботинидан инсонларга шифо бўладиган хилма-хил рангдаги ичимлик (яъни асал) вукуга келди. Бунда (Оллоҳ таъло қудратининг чексизлигини) тафаккур қиласиган қавм учун ибрат бор».

МАСНАВИЙ

*Хонаҳо созанд пур аз ҳалвойи тар,
Ҳақ бар ўн илмро бикшод дар.*

ТАРЖИМА

*Ҳақ таъоло илми бирлан бол ари,
Хона тиклайди тўла ҳалволари.*

ЛИСОННИЙ ТАРЖИМА

Бол ариси тоза ва тотли ҳалволардан хоналар тиклайди. Ҳақ таъоло ҳазратлари унга ушбу ҳикматли илм дарвозаларини очди.

ШАРХ

Бол арининг ахволига ва фойдали маҳсулотларига диққат билан назар согланлар буюк таажжуб билан англарларки, Раббоний илҳом бўлмаса, заиф бир ҳайвонот учун бу қадар улуғ тартиботни ижро эта билмак маҳол бир ҳол эди. Шунинг каби кўп инсонларнинг зоҳирий ҳолларига бокиб, умид узмаслик керак, зеро, улар илму санъатда шу қадар хусусият ва маҳорат қасб этадиларки, ҳайрат бармогини тишлайсиз. Арҳамар Роҳимийн ҳазратлари ҳеч бир маҳлукни хосиятдан маҳрум килиб яратган эмас, балки уларнинг бори учун бир хос мақсад ҳозир этгандир.

МАСНАВИЙ

*Он чи Ҳақ омӯҳт кирми тийларо,
Хеч филе донад он кун ҳийларо?*

ТАРЖИМА

*Пиллақуртга Ҳақ таъоло берди илм,
Фил билурми? Ким билур? Ҳайҳот, ким?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳақ таъоло ҳазратлари ипак қуртига ўргатган илмини ким билади? Фил биладими? Ёхуд ундан хам құдратлироқ бирор махлук биладими?

ШАРХ

Ипак қурти ғоят кичик бир жонзот экан, унинг дунёга келтирадиган маҳсулотини жуда улкан ва құдратли бұлған фил ярата оларми? Бинобарин, жисм ва суврат күп дафъя ғафлатға сабаб бұлади. Оқил одам суврат ва сийратни тахкиқ айламоқни тарк этади.

МАСНАВИЙ

*Одами хокӣ зи Ҳақ омӯҳт илм,
То ба ҳафтум осмон афрӯҳт илм.*

ТАРЖИМАСИ

*Хокий одам Ҳақдан ўрганди илм,
Осмонни нурга чулгатди илм.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Тупроққа мансуб ҳазрат Одам алайхиссалом илмни Оллоҳ таъоло ҳазратларидан ўрганди. Бу илм етти қават осмонга шуъла таратди.

ШАРХ

Оллоҳ таъоло ҳазратларининг иродасига мувоғик тупроқдан яралған ҳазрат Одам алайхиссалом олим ва донишмандлик-нинг шундай чўккисига етишдиким, унинг илми файзидан етти қават осмон мунаввар бўлди. Бу илм туфайли ҳазрат Одам алайхиссаломга малоикалар сажда келтирдилар. Муқаддас бу байтдан англашиладики, инсоннинг дунёвий ва ухравий сало-

матлиги ва саодатининг гарови унинг илму хунаридир. Аммо шариат ва инсониятга ҳеч қандай наф келтирмай ёвузлик, зулм, алдоқ, катлу кирғинга хизмат килгүвчи илм гунохи азиймдур.

МАСНАВИЙ

*Ному номуси малакро даршикаст,
Кўраи он кас, ки бо Ҳақ даршикаст.*

ТАРЖИМАСИ

*Ҳам малак номусини синдириди шаст,
Кимсаким Ҳақ бирла бўлди даршикаст.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳазрат Одам илм воситасида малакнинг ном ва номусини шикаст айлади. Зеро, шайтон Ҳақ таълонинг Одам алайхиссалом вужудиятига шубҳа билдириди. Ҳақ таълонинг улуғ кашфиётiga шубҳа-гумон назари билан қаради.

ШАРХ

Оллоҳ таъоло ҳазратлари малоикага буюрди: «Мен ер юзига Одамни халифа қилдим ва унга керакли исмларни ўргатдим». Малоикалар Одамнинг ерни фасодга тўлдиришини башорат бердилар. Оллоҳ таъоло малоикаларга хитобан деди: «Сиз билимлироғман деб даъво қиласпиз. Шундай эса, мавжудот ҳақиқатини ийрод (баён) этингиз?» Малоикалар Оллоҳ азза ва жалланинг бу фармони қошида ожиз қолдилар. Шунда Оллоҳ субҳонаҳу ва таъоло бу вазифани адo этмоқни Одам алайхиссаломга буюрди. Одам алайхиссалом мавжудот ҳақиқатини ўзида мужассам этган исмларни баён қилди. Шундан кейин малоикалар ўзларининг ожизликларини эътироф этиб, Оллоҳ таъоло иродаси билан Одам алайхиссаломга сажда қилдилар. Фақат иблис алайхилаъна Ҳақ таъоло амрига қарши борди ва абадан осий бўлди.

МАСНАВИЙ

*Зоҳиди шашсад ҳазорон соларо,
Пўзбандӣ соҳт он гўсоларо.*

ТАРЖИМАСИ

*Олти юз минг ёшли ул зоҳидни кўр,
Бир бузоқдек оғзига банд солди кибр.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Олти юз минг йиллик зохид, яъни шайтон бир оғиз андиша-сизлиги боис бузоқ каби оғзига «пүэбанд» солинди. («Пүэбанд» – оғизга боғланадиган банд).

ШАРХ

Шайтоннинг киёсот ва мулоҳазаси ўзига оғизбоғ бўлди, яъни ҳикмат сутини эммакка қодир бўлмади. Зеро, Раббоний амрга мувофиқ Одам алайхиссаломга сажда келтирмоғи лозим эди. Бироқ, «Тупрокдан яралган Одамга мен нечук сажда кила-ман», дея киёслашга тутинди. Бинобарин, Раббоний марҳаматдан йироқлаштирилди.

МАСНАВИЙ

*To натонад шири илми дин қашийд,
To нагардад гирди он қасри машийд.*

ТАРЖИМА

*Ул ичолмас сутидан дин илмини,
Кезмагайдир муҳташам қаср гирдини.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Шайтоннинг танз ва инкори унинг ўзига «пүэбанд» – оғизбоғ бўлди. Токи у дин илмининг сутини тановул киломасин. Токи маҳкам ва муҳташам бу қасрнинг гирд-атрофига кезмасин.

ШАРХ

Шайтоннинг Яздон буйруғига қарши кўтарган исёни, унинг ақлий киёсоти, пуч хаёлоти «пүэбанд» – оғизбоғ бўлди. Токи, ниййоти фосидаси ва афкори хосидаси туфайли шири ҳикматдан (ҳикмат сутидан) ва оби зилоли марҳаматдан (Оллоҳ таъюлонинг зилол сув янглиғ марҳаматидан) ҳиссаёб бўлмасин ва мархуми дорайн (икки дунё саодатидан жудо) бўлсин.

МАСНАВИЙ

*Илмҳои аҳли ҳис шуд пүэбанд,
To нагирад шир зон илми баланд.*

ТАРЖИМА

*Оғизбоғдир аҳли ҳиснинг илми ҳам,
Ичмасин то олий илм озугидан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Хис аҳлининг билимлари оғизбогга айланди. Токи олий илмдан сут тотинмасин, ёхуд озиқланмасин.

ШАРХ

Ладуний ва руҳоний илм бу зоҳирий ақл ва хис билан кашф этилиши мумкни бўлмаган илмдир. Инсон руҳоний ва ухровий амрларда азиймуш шаън Куръоннинг таблийғотига мурожаат этмай, ўз ақлининг қиёсига суюнар эса, Ҳак таъоло неъмати бўлган ақлини ўзига душман айлайди.

МАСНАВИЙ

*Қатраи дилро яке гавҳар фитод,
К-он ба дарёҳо ва гардунҳо надод.*

ТАРЖИМА

*Қатраи кангулга гавҳар тушди бир,
Бермади Ул ашту дарёга тақири.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кўнгил қатрасига бир гавҳар тушди. Оллоҳ таъоло ҳазратла-ри ул гавҳарни на дарёю на фалакларга бермади.

ШАРХ

Кўнгил қатрасидан мақсад, баъзилар эътироф этганидек, са-навбар шаклида бўлган қалбнинг ичидаги бир қатра латиф қон-дир. Албатта, бу бир фикр. Зеро, маънавий гавҳар бир қатра моддий қондан иборат дейилган фараз руҳоният ва маънийдан узоқ кўринади. Кўнгил қатрасига тушган гавҳарлардан ҳосил бўлгувчи олий мақсад ва инсоний ақл экани ҳақиқатга яқин. Хайтовур, асл ҳақиқат мутлақ Олим ҳазратларининг ўзига аён.

МАСНАВИЙ

*Чанд суврат охир, эй сувратпараст?
Жони бемаъният аз суврат нараст.*

ТАРЖИМА

*Неча суврат дейсан, эй сувратпараст?
Маънисиз жонинг ўзи суврат ва бас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Нега бунча суврат ила машғулсан, эй сувратпарааст инсон?! Сенинг маънисиз жонинг сувратлиги ҳолида қолиб кетди. У сувратликдан кутула олмайди.

ШАРХ

Сувратпарааст инсон, яни Оллоҳ халқ қилган табиатнинг (табиат халқ қилган ҳодисотнинг эмас) моҳиятига эътибор бермайдиган шахс зоҳирий жилва ва яллиғларга берилиб, уларга маҳлиё бўлиб, асл жавҳардан ғофил ҳолда ўтиб кетаверади. (Чунончи, бугун бир сақиҷининг таърифини келтираман, деб дунёни бузгаётган муттаҳам тужжорлардек). Моҳиятни билмаган, англамаган инсон ақл ва руҳониятни моддиёт зиндонига ташлаган маънавий худкуш зотдир.

МАСНАВИЙ

*Гар ба суврат одами инсон будй,
Аҳмаду Бу Жаҳл худ яксон будй.*

ТАРЖИМА

*Одамий суврат ҳамма одаммиди?
Аҳмаду Бу Жаҳл баробармиди?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар Одам фарзанди ёлғиз ташқи суврати, зоҳири билан инсон гурухига дохил бўлсайди, унда коинот фахри Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам билан азимуш шаън Куръоннинг лаънатига гирифтор бўлган Абу Жаҳл баробар бўларди.

ШАРХ

Инсонларнинг аъзо ва баданлари бир-бирига мушобих, яни монанд. Аммо барчага маълумдирки, инсонлааро маънан ва эътиборан улуғ фарқ бор. Бу тафовут баданинг хилма-хиллигидан бўлмай, ақл ва ахлоқнинг даражасига боғлиқ бўлади.

МАСНАВИЙ

*Нақш бар девор мисли одамист,
Бингар аз суврат чи чиз ўро камист.*

ТАРЖИМА

*Мисли одамдир нақш деворда,
Боқ, не оқсайдир бу ишқал корда.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Девор саҳнига нақш этилган инсон тасвири одам кабидир.
Аммо назар сол, бу тасвирга нима етмайди?

ШАРХ

Девор ва қофоз узра мунаққаш бўлган суврат, тош ва темирдан маснуъ (яратилган) ҳайкалнинг тирик одамдан фарқи борми? Зеро, суврат ва ҳайкалда Рух йўқдир. Бинобарин, инсонни этган Рух ва унинг осори Ақл, Зако ва Ахлоқи мақбуладир.

МАСНАВИЙ

*Жон камаст он сувраты ботобро,
Рав, бижӯ он гавҳари камёбро.*

ТАРЖИМА

*Жон етишмас бул нажиб тасвирга,
Бор, қидир гавҳарни бул тақдирга.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу гўзал сувратларнинг жони йўқдир. Бор, ўша монанди йўқ жон гавҳарини қидир, талаб қил!

ШАРХ

Юқорида зикр этилганидек, суврат ва ҳайкалга жону рух этишмайди. Яъни бу санамларнинг асосий камчилиги уларнинг моҳият — асосдан маҳрум эканликлари. Сен, эй оқил, дунёни кез, тоғу тошларни босиб ўтгин-да, одамийликнинг омили бўлган Рухни қидир. Сувратни тарк эт, маънони талаб айла!

МАСНАВИЙ

*Шуд сари шерони олам жумла паст,
Чун саги асҳобро доданд даст.*

ТАРЖИМА

*Тутдилар асҳоб итининг илкидан,
Жумла олам шери бўлди юз тубан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Жумлайи оламда мавжуд арслонларнинг мағур бошлари сарнагун бўлди, яъни эгилди. Чунки Асҳоби Қаҳф итига кўл бердилар, яъни эътибор қўрсатдилар.

ШАРХ

Асҳоби Қаҳф ва ул зотларнинг ити ҳақидаги Куръоний ривоят ўрни билан муҳтарам маснавийхон эътиборига ҳавола этилади. Йишаоллоҳ.

МАСНАВИЙ

*Чи зиёnest аз он нақши нуфур,
Чунки, жонаш гарқ шуд дар баҳри нур.*

ТАРЖИМА

*Не зиён ул нақшданким бад эрур?
Жони онинг гарқдир дар баҳри нур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Киши нафрлатланадиган даражадаги чиркин нақш ва сувратдан кимга зиён етади? Хунук тасвиридан ким зарар кўради. Зеро, соҳибининг жони, яъни Рух, Ақл ва Заковати нур дарёсига фарқ.

ШАРХ

Фараз қилинг, бир ориф ва комил зот жисман заиф, ногирон. Бадани турли дардлар, исканжасида абгор. Биз ҳусн деб қабул килган ҳодиса ул зотнинг бирор унсурида ҳувайдо эмас. Бироқ, бу заифлик ва ногиронлик, сувратдаги бу нуксонлардан ул комил инсонга не зиён? Ҳолбуки, унинг руҳонияти жаноби Вадудга (Оллоҳ субҳонаху ва таъоло) ёвукдир. Ул зот заковат ва маърифати билан дунё зимиstonини иссик нурларга фарқ этди. Аммо, афсуски, кўп ҳолларда биз ҳалойикнинг баъзи зоҳиран жисми ноқис ё нотавонларга эътиборсиз эканига гувоҳ бўламиз. Атроф-теваракка назар солинг. Неча турли тош, неча турли дараҳт бор. Одамлар ўшаларни-да танлашади. Уларнинг назарида тош ҳам бир-биридан афзалдир. Улар ўзларининг дидига ўтиргмаган дараҳти қўпорадилар. Одамлар ўз ҳамжинсларини ҳам нобаробар тақсим қиласдилар. Гўзаллик меъёрини яратиб, уларнинг танловларини ўтказишади. Фоят оқил бир юноний ҳалойик ўртасида нутк сўзлабди. Унинг нутки ҳалойик томонидан фавқулодда олқиши олибди. Шунда ул юноний деган экан: «Буюк бир ёлғонни сўйладим шекилли, аҳоли сўзимни бу қадар олқишилади...»

Алҳосил: авом ҳақиқатни англамоқдан узқ, авомнинг таҳси-
ни ғайри муфийд (фойдасиз)дир.

МАСНАВИЙ

*Васфи суврат нест андар хомаҳо,
Олиму одил бувад дар номаҳо.*

ТАРЖИМА

*Йўқ эрур сувратни васфи хомада,
Олиму одил келибдир номада.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Хома — қалам нақш этган осор — шеъру баётларда сувратни-
г васфу таҳсини келтирилмайди, балки «олим» ва «одил» каби
таъбирлар зикр этилади.

ШАРХ

Нечоғли буюк таъбир, нечук таъсирли мисол. Ҳақиқатнинг
қанчалик балофат билан изҳор этилиши!

Филҳакиқат, оқил ва ориф котиб буюк бир зот ҳақида китоб
ёҳуд мактуб битар бўлса, ул зотнинг аъзойи бадани хусусида
эмас, улувият (улуғлиги) ва қарамидан баҳс этади. Баъзи китоб-
ларда буюк зотнинг ашқоли (шакллари) маълум бир муносабат
билан таъриф этилади. Бу ҳолда маънавиятга доир кенг таъри-
фотдан сўнг, мадҳ этилгувчи зотнинг маънавий камолотига ҳур-
мат юзасидан озрок сўз воситасида камоли камтарлик билан баён
қилинади.

МАСНАВИЙ

*Олиму одил ҳама маънисту бас,
Каш наёбӣ дар макони пешу пас.*

ТАРЖИМА

*Олиму одил ҳама маъно ва бас,
Хеч ким орқа-олдидан топган эмас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Олим ва одил таъбироти буюк маънога эга. Бул сифатни ҳеч
бир макондан — на ўнгдан, на сўлдан топмоқликнинг имкони
йўқ. Яъни олим, одиллик сифатига илохий иймон нурига фарқ
зотларгина тааллуқли. Кавну маконда яна бир бундай сифатли
жон йўқ.

ШАРХ

Олим ва одил сифатлари жон ёхуд сувратга махсус бўлмайди; мохиятан соф маънодан иборат эканлиги учун уларни моддий оламдан истамоқ маҳолдир. Аъзо ва суврат фанога мойил бўлиб, илм ва адолат умумга нафеъ, худди зоти билан буюк ва безаволдир.

МАСНАВИЙ

*Мезанад бар тан зи сўи ломакон,
Менагунжад дар фалак хуршеди жон.*

ТАРЖИМА

*Ломакондан тан сари ургай ўзин,
Жон қуёши кўкка сигмас бус-бутун.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Айни маънонинг ўзи бўлган жон ломакондан вужуд сари талпинади. Жон қуёши фалакка сиғмайди.

ШАРХ

Жонсиз ва рухсиз бадан — лош. «Шамси жон» (жон қуёши) Оллоҳ субҳонаху ва таъоло иродаси билан мақоми ломакондан инсон вужудига дохил бўлади. Жон шу қадар улуғ ва поёнсиз маънавий қуёшдирки, фалакларга сиғмайди. Ушбу румиёна рамз Оллоҳ ўзига халифа рутбаси илия яратган Инсон мақомининг нечоғлик буюклигига далолат этади. Аммо, афсуски, бу «халифа» «Кимдан» келиб, «Қаёққа» кетаётганини баъзида унутиб қўяди. Халифа, эсиз... Халифа...

ҚУЁННИНГ БИЛИМИ, ИЛМНИНГ ФАЗИЛАТ ВА ФОЙДАЛАРИ БАЁНИДА

МАСНАВИЙ

*Ин сухан поён надорад, ҳуш дор,
Хуш сўи қиссаи харгўш дор.*

ТАРЖИМА

*Бул суханинг сўнгги тўйқ, ҳушёр бўл,
Ҳам қуён достонига иқрор бўл.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу сўзниң интихоси йўқдир. Ҳушиңгни йиғ-да, қуён афсона-сига қулоқ тут!

ШАРХ

Муборак байт қуёнга ташбих бўлган бир оқил инсон қиссасига қулоқ тутмакка амр этади.

МАСНАВИЙ

*Гўши хар бифрўшу дигар гўш хар,
К-ин суханро дарнаёбад гўши хар.*

ТАРЖИМА

*Сот, бу эшишакнинг қулогин, дафъ қил,
Англамас бу сўзни эшишаклар, сабил.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сен бу эшак қулогини сотгил. Унинг ўрнига бошқа қулоқ сотиб ол. Зеро, эшак қулоғи бу сўзни англаёлмайди.

ШАРХ

Ушбу муборак байтда ҳам гўзал сўз ўйини қўлланилган. «Хар» сўзи форсийда ҳам «эшак», ҳам «сотиб ол» амрини англатади. Яъни, эй инсон, сен оламнинг зоҳирий садоларинигина илғагувчи қулоқни («эшак қулоги») сотиб юбор ва ўзгача, чунончи, файбий-рухоний садоларни ҳам илғагувчи қулоқ ҳарид қил. Зеро, бу сўз мохияти эшак қулоқларга етиб бормайди.

МАСНАВИЙ

*Рав, ту рўбаҳбозии харгўш бин,
Макри шерандозии харгўш бин.*

ТАРЖИМА

*Бор-да кўргил сен қуён тулкилигин,
Ҳамда шернинг нотавон, кулгилигин.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Боргил ва қуённинг тулкиларча қилган ҳийла-найрангларини, ҳатто арслонни ўйнатиб, барбод этгувчи тадбирини тамошо кил!

ШАРХ

Суварий-зоҳирий қудратга бу қадар катта эътибор ва аҳамият берма. Баъзан энг заифхол одамдан буюк тасаввурот ва ихтироот зухур этади. Бу зот инсоният оламини маърифатнинг зилол файзи-дан баҳраманд айлайди.

МАСНАВИЙ

*Хотими мулки Сулаймон аст илм,
Жумла олам суврату жон аст илм.*

ТАРЖИМА

*Хотими мулки Сулаймондир илм,
Жумла олам суврату жондир илм.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Илму дониш Сулаймон алайҳиссаломнинг хотами — муҳри. Жумла олам суврат бўлса, илм — жон.

ШАРХ

Бу муборак байтда инсоннинг инсонлик мезони бўлмиш илм ҳақида гап боради. Бу ёруғ оламда инсон вужудидан миллионларча буюк жисмлар бор. Одам боласидан жисман ва сувратан фоят қудратли махлукларнинг сон-саноги йўқ. Бироқ бу муҳташам жисмлар, бу абар қудрат махлукот инсон акли күёши («Шамси акл») қошида зарраларга мубаддал бўлади. Инсон фарзандини муқаддас ва мукаррам қилган гавҳар — маънавий рух. Маънавий рухнинг асари — акл. Ақлнинг асари — ҳунар. Ақл маънавият осмони күёш нуридан бир қатра. Раҳнамо. Алҳосил, хотими Сулаймон (Сулаймон алайҳиссалом муҳри) ва бир эҳсони азийми жаноб Яздон. Бу буюк ҳақиқатга ишора қиласкан, Мавлоно Жалолиддин Румий буюрадилар: Ҳазрат Сулаймон алайҳиссаломнинг машҳур хотими (муҳри) ашёларга нечук ҳукм юргизур эса, илм ҳам тамомий мавжудот устидан ўз ҳукмини ўтказади. Инсоннинг қадр-қийматини барзиёд айлайди.

МАСНАВИЙ

*Одамийро з-ин ҳунар бечора гашт,
Халқи дарёҳо ва халқи кўҳу дашт.*

ТАРЖИМА

*Одамийзод ақлидан топмай нажот,
Бўлди бечора жамийки мавжудот.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Одам фарзандигагина хос бўлган ақл, илму ҳунардан дарёю тоғ ва саҳроларнинг маҳлукоти (яъни тамоми мавжудот) бечора-га айланди.

ШАРХ

Ақл, илм ва ҳунарга молик бўлган инсон денгиз, тоғ ва дарёлардаги ададсиз ҳайвонот оламига қирғин келтириди. Инсон ақл ва тадбири билан табиатни чўлтоқ ва кемтик қилди. Ҳайвонот ва наботот оламида чириш — аянчли бўхрон бош кўтарди. Бугун бу ақлли инсон бош устига бир шапалоқ соя, бир қултум тоза ҳаво учун дунёни гир айланмоққа тайёр. Биз билмаган, ҳатто номларини ҳам эшитмаган минг турли зот ва сифатли ҳайвонлар йўқлик гўристонининг чукур лаҳадларига ботиб, йўқ бўлди. Аммо ақл юксалмоқда. У яшин тезлигига ўсмоқда. Ниҳоят қаёқка боради? Қаёқда тин олади? Моликига не кунларни кўрсатади? Парвардигорнинг ёлғиз Ўзигагина аён...

МАСНАВИЙ

*З-ў палангу шер тарсон ҳамчу муш,
З-ў наҳангি баҳр дар сафрову жўш.*

ТАРЖИМА

*Шеру қоплон қўрқадур сичқон мисол,
Ҳамда денгизда наҳанглар bemажол.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Қоплон ва арслон каби муктадир ҳайвонлар ҳам инсондан сичқон каби қўрқадилар. Денгиз маҳлуклари бўлмиш бебок наҳанг ва чўртнанлар ҳам унинг қудрати соясида забун ва хор.

ШАРХ

Юқорида таъкид этилганидек, инсон жисман ҳатто от-улов каби ҳайвондан-да заиф, бечораҳол. Аммо ақл-тафаккур бобида бемислу монанд қудратга эга бўлган инсон бу моддий қудратларни тиз чўқтиради. Ақл инсоният ҳаётидаги ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Жумладан, одамзодда зулм етказувчи ҳар нечук илмнинг баҳридан ўтмоқ максадга мувофиқдир.

МАСНАВИЙ

*З-ү париву дев соҳилҳо гирифт,
Хар яке дар жои пинҳон жо гирифт.*

ТАРЖИМА

*Дев, парилар қочди одамзоддан,
Бўлди пинҳон ҳар бирни бедоддан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Инсон зотининг қудрат қўли етган ерлардан дев ва парилар ҳам чекиндилар. Улар инсон хавфидан кўз илғамас пинҳон ерларни макон тутдилар.

ШАРХ

Дев ва паридек ғайб оламининг маҳлуқлари ҳам одамдан кўркдилар. Улар ўз пинҳон оламларини-да тарқ айладилар.

МАСНАВИЙ

*Одамийро душмани пинҳон басест,
Одамии боҳазар оқил касест.*

ТАРЖИМА

*Одамийзод душмани кўпdir басо,
Боҳазар ул зот эрур ақлирасо.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Одамзоднинг душмани кўп. Диққат ва эхтиёткорлик билан харакат қилган кимса оқилдир.

ШАРХ

Одам боласининг душмани фақат ўз жинсидангина эмас. Ҳолбуки, жинсдошлари билан бўлган муҳорабаларда ҳам маҳлуқот олами оёқ остида қолиб кетаверади. Бутун борликни ўз тасарруфига олган одам бу чексиз моликлик иштиёқидан гангиг қолмаслиги фоят зарур.

Одамзоднинг асосий душмани — шайтон. У анвойи васваса, нафс чексиз дасислар билан ҳужум қиласи. Фофил ва беҳазар инсонларни мағлуб этади. Буларга муқобиллик, шарридан ҳифз ва ҳимоя этадиган асбоб — Оллоҳнинг измига бўйсунмок. Оллоҳ иродасига тобеъ бўлмок. Оллоҳ чизиб кўйган хатти мустақимдан (тўғри йўл) чекинмаслик. Оллоҳ барчамизни шайтон вассасидан ва нафс дасисасидан ўз ҳимоятида сақласин!

МАСНАВИЙ

*Халқи пинҳон — зишташон ва хўбишон,
Мезанад бар дил ба ҳар дам кўбишон.*

ТАРЖИМА

*Еширин халқ — ҳам савобу ҳам гуноҳ,
Қалб уза гир айланур беинтиҳо.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Пинҳон маҳлукотнинг чиркинликлари ва эзгуликлари ҳар дам инсон қалбига таъсир этади.

ШАРХ

Шайтон васвасаси ва малоик илҳомоти сувратда — пинҳон, ҳақиқатда — аён. Масалан, шайтон васваса қилади: «Зино қил! Лаззатланасан!» Малоик илҳом билан англатади: «Зинодан тийил! Худодан қўрқ!» Шайтон васваса қилади: «Руҳоният ҳеч нарса эмас!..» Малоик илҳом беради: «Рух бўлмаса, руҳсиз моддиёт нечук ҳаракат қила олади?..»

МАСНАВИЙ

*Баҳри гул ар дарравӣ дар жӯйбор,
Бар ту осибе занад дар об ҳор.*

ТАРЖИМА

*Ғул учун тушсанг агар анҳорга,
Дуч келурсан сув тубинда ҳорга.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ғул қилмоқ — покланмоқ учун анҳорга оёқ сунсанг, сув тубидаги тикан товонингга санчилиб, сенга азият етказиши мумкин.

ШАРХ

Маънавиятда ҳам, моддий ҳаётда ҳам инсонга жароҳат ва изтироб еткурувчи унсуротлар мавжуд. Чунончи, инсон ғул каби фарз ва ҳар жиҳатдан таҳсинга лойик бўлган бир ҳайрли амрнинг ижроси учун шитоб билан анҳорга тушар экан, бехос бир тикан оёғига ботар-да, унга ташвиш ортирилар. Тикан моддий бир нарса бўлгани боисидан у еткурган жароҳатни дафъ айламак

мумкин. Аммо намоз ва садақа каби маънавий ҳодисаларга тикан каби шикаст етказувчи шайтоний восvosларни нечук дафъ этмак мумкин? Хар лахза, хар соат бошимизда гурзи тутиб турган нафс аждарлари, шаҳват итлари, ҳасад қуртлари, тамъгарлик, риёкорлик, ёлғон ва иғво чиркинларидан нечук химояланиш мумкин? «Мен сендан зўрман!», «Мен сендан ақллироқ, бойроқ, гўзалроқман», деб юрган инсонларо шайтоний мезонлар бозоридаги талошу бебошликларни ким дафъ эта олади? Сен гусл учунми, саратон тафтидан жонингни қутқариш учунми ўзингни сув бағрига ташладинг. Оёғинггами, кўкрагинггами тикандир, темирдир ботди. Бунинг тадбири бор. Давоси, чораси бор. Аммо хар сония товонимиздан қопиб турган гуноҳ итлари жафини қандай синдиримоқ мумкин? Дунёда ҳамма ишга тадбир бор. Аммо тақдир тадбirsизdir. Оллоҳ тақдирига тадбир йўқ. Оллоҳ банда тақдирининг тақдирпешаси. У айтган Сўз – Сўз. У қўрсатган Йўл – Йўл. Ундан нари ё берида йўл йўқ. Нечукким курраи арздан чиқиб кетгувчи йўл бўлмаганидек.

Эй, ишрат ниҳоясида гусл қиласман деб анҳорга интилган зот, руҳий фуслга ҳам шундай шошилгин!

Эй, саратон офтобида куруқшаган, куйиб жизғанак бўлган зот, сахро ниҳоясида дуч келганинг дарёга талпинганинг каби Оллоҳ лутфи ва раҳмати дарёларига шитоб эт! Эй жароҳати силқиб турган дўст, Оллоҳ сари ютур! Оллоҳ сари шош!

МАСНАВИЙ

*Гарчи пинҳон хор дар обаст паст,
Чунки дар ту меҳалад донӣ, ки ҳаст.*

ТАРЖИМА

*Гарчи пинҳон сув тубида хордир,
Ботгай у, албатта, чунки бордир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сув тубидаги тикан ғоят чуқурлиқда бўлса-да, сенга санчила-ди. Сен эса, сув тубларида тиканлар борлигини англайсан.

ШАРҲ

Моддий оламдаги муносабатлар, ҳарбу зарблар, талошу маошлар саҳна юзасида содир бўлади. Душман мард бўлса, ёруғликда ҳамла қилар, акс ҳолда, хилватда номардликни адо этар. Фалокат бошингиз устида соя солса, ул ҳам рўй-рост содир бўлади. Буларнинг бир йўриғи бор. Дунёда ошкора майдонлар ва бу майдонларнинг соҳибкудратлари мавжуд. Унинг ёнида пистирмалар ва бу пистирмаларнинг қўриқчи қашқирлари пинҳон...

Ҳаёт шундай кечаверади...
Бирор синади – бирор синдиради...
Бирор ўлдиради – бирор ўлади...
Бу ал-Мийсоқдан қолган талош.

Аммо руҳий воқеликдаги ҳаёт қандай кечади? Маънавий разолат, тубанлик, хуфя котиллик ва пинҳон маразликларнинг хисоб-китоби – натижаси нечук бўлади?

Сув тубида тикан бор экан, борлигини тасдиқлаш учун ишратзаданинг оёғига кирди. Аммо, дунёни ҳаромга кўмиб ташлаган, бир қултум покиза ҳавони ҳам булғамоққа қодир зотларнинг товонига ботгувчи наштар – тикан қаёқда? Сув тубидами? Сув сатҳидами? Осмондами? Борми? Йўқми? Тикан тиканлигини қилди. Оллоҳ субҳонаҳу ва таъоло унга наштар берган экан восвос босган бир сўқирнинг оёғига санчилди. Оллоҳнинг муқаддас ерига шул муқтадир Оллоҳнинг изни билан келиб зум ўтмай оёғи чукур ботгувчи ҳил-ҳил гиламлар устида йўрғалай бошлагач, Унга моддий ва руҳий қўшинлар итини солган зотларнинг томогидан тишлагувчи тиканлар мавжудми? Бор. Бўлганда қандоқ, мана қулоқ осинг! Ҳали замин ўз қаърида пинҳон саклаётган сир-асрорларини юзимизга уфурмасдан, ҳали тупроқ бошимиз устида тўғондек шопирилмасдан, минг-минг йиллик сўнгакларимиз қуриган ҳавога санчилмасдан бурун қулоқ осинг!

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Изга зулзилатил арзу зилзалаҳа. (Қачонки титратилгайдир замин қаттиқ тўлғоқлар билан). Ва ахрожатил арзу асколаҳа. (Ва замин ўз юкларини ташқариға чиқааркан). Ва қолал инсану ма лаҳа (Ва инсон дейди: «Не бўлди унга?!»). Явмаизин тухаддису ахбароҳа. (Ул кун замин баён этгай ўз хабарларини). Явмаизин ясдуруннасу аштатан. (Ул кун одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб қайтгайлар, яъни кабрларидан саф-саф бўлиб қўпгайлар). Лийуров аъмалаҳум. (Токим аъмоллари уларга намоён бўлсин, яъни қилган амалларининг жазоси муқаррар бўлсин). Фаман яъмал мисқола зарратин хойрон яроҳу. (Бас, кимда-ким бир зарра қадар яхшилик қилган бўлса, – кўради). Ва ман яъмал мисқола зарратин шарран яроҳу. (Ва кимда-ким бир зарра қадар ёмонлик қилган бўлса – кўради).

Ниҳояти саккиз оят. Саккиз илоҳий калом. Бу саккизта Оллоҳ каломининг шарҳига саккиз минг китоб ёзиш мумкинлар балки. Балки саккиз минг эмас, ундан-да зиёд китоб аллақачон ёзилгандир. Бироқ муаммонинг ҳал бўлиши тинимсиз ёзилиб сотилаётган анвойи жилларда эмас. Муҳими – ҳамма нарсага муқаррар жавоб бор. Муҳими – ҳисобу китоб бор. Наинки бу дунёнинг, балки охиратнинг ҳам дарвозаси бор. Бу илоҳий оятларни ким ҳам шоҳ Бобурдан ўтказиб шарҳлай олгай!

РУБОЙ

*Хар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,
Хар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.
Яхши киши күрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Хар кимки ёмон бўлса жазо топқусидир.*

МАСНАВИЙ

*Хор-хору ҳийлаҳову васваса,
Аз ҳазорон кас бувад, не як каса.*

ТАРЖИМА

*Хор-хору ҳийладир, восвосдир,
Бир эмас, минг бир кишига хосдир.*

ЛИСОННИЙ ТАРЖИМА

Одам боласи хис этишга қобил бўлган изтироб, ҳийла ва восвослар ёлғиз бир кимсадан эмас, балки жуда кўп кишилардан ҳосил бўлади.

ШАРХ

Инсон нишон бўлгувчи турли маънавий ва моддий ҳиссият ёлғиз бир малак ё шайтон, ёлғиз бир фикр ва қайфият, ёхуд махсус бир моддадан зухур этмай, балки бир неча малоик ва шаётин, моддиёт ва афкорнинг турли таассуротларидан ҳосил бўлади. Бинобарин, махсус бир қайфият таъсири остида, чунончи, «Мен фалон фикрдан файз олдим», ёхуд «Шайтон васваса қиласяпти», деб гумон қилмоқ ҳатодир. Зеро, инсоннинг маънавий ва моддий душманлари фоят кўп. Шунинг учун қалбни турли таассуротлардан ҳимоя қилиш фоят оғир.

Одам боласи қайси ирқ ё миллатга мансуб бўлмасин, у мусулмон қавмида дунё юзига келади. Оллоҳ изнига таслим ҳолда олам саҳнасига тушган Одам замон ва макон, турли моддий ва маънавий таассуротлар исканжасида ё мусулмон бўлиб қолаверади, ёхуд номусулмон бўлади. Яқинтирки, ҳар иккисидан ҳам воз кечган бир махлукқа айланади. Унинг ушбу зайл камол топмоғи атроф-мухитнинг бевосита таъсири остида рўй бераверади. Масалан, моддапарастлар хукмронлик қилган жамиятларда инсон шахсига катта эътибор берилади ва банда «ижтимоий муносабатлар йиғиндиси», «шахс» ёхуд «индивид» каби ажабтовур истилоҳлар остига олиб кирилади. Мутлақо формулалар ва квадратлар ичига киритилган одам ҳиссиз махлукқа айлантирилади. У соат миллирига, турли хил белгиларга (токи сурат ва ҳайкалларгача) эътибор берувчи бир ашёга айланиб қолади. Масалан, соат 9.00да

ишга келиш керак, дейсиз. У сизга ҳеч қачон нега саккиз эмас, демайди. Инсон Яратгувчидан жудо қилинади, илохий низомлар (ҳатто табиий хислатларгача) унунишга маҳкум этилади. Борабора одам ва Оллоҳ субҳонаху ўртасидаги робитага путур етади. Одам залолатга юз тутади. У жуда улкан заминда даҳшат ва қўркув остида яшай бошлайди...

МАСНАВИЙ

*Бош, то ҳисҳои ту мабдал шавад,
То бубинийшону мушкил ҳал шавад.*

ТАРЖИМА

*Сабр қил то ҳисларинг ҳам сўнгуси,
Сўнг улар-да ошкора бўлгуси.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сабр эт, ҳис-туйғуларинг босилиб, ўзга бир кучга бўйин эгсин, шундан сўнг «айнал яқийн» сирлари ошкор бўлиб, сен бу қадар баҳс талош этган малоик ва шаётин намоён бўлади.

ШАРҲ

Баъзи инсонлар малоик ва шаётин ҳақиқатда мавжудми, деган шубҳа билан яшайдилар. Бундай зотларга қуидагича жавоб берилади: Эй заковатфуруш, ҳақиқатни ўз кўзларинг билан кўрмокчи бўлсанг, бир микдор сабр эт. Баданинг мавти (ўлими) билан хиссиётинг мубаддал бўлади ва сен интизор кутган буюк ҳақиқат юз кўрсатади.

Миллионлаб нодон одамларнинг бирламчи ва сўнгги даъволари: «Қани? Бор бўлса, кўрсат!» Аммо, ҳақиқат белгилик лаҳзада ҳеч қандай даъвосиз, бир сонияга бўлсин, куттирмай юз кўрсата-веради. Уни ҳамма-ҳамма кўради. «Кўрсат-кўрсат», деб барчани яқосини йиртганлар ҳам кўради. Бир умр «Йўқ» деганлар ҳам. У куттирмайди. Белгилик лаҳзада бош кўтаради.

МАСНАВИЙ

*То суханҳои киён рад кардай,
То киёнро сарвари худ кардай.*

ТАРЖИМА

*Неча бир зот сўзларин рад айладинг,
Нечасин сарвар дебон мадҳ айладинг.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу дунёйи фонийда бир неча зот сўзларини рад этдинг. Неча бир инсонларнинг доманини тутиб, сарвар дебон эргашдинг.

ШАРХ

Эй руҳоният мункирлари! Бир лаҳза сабр ва сукунат этингиз! Зеро, ҳақиқатни лаҳза-лаҳза қазо лочини ёвук айламоқда ва шоми фанонамои умр фуруб этмоқда. «Баъдал мавт» (ўлимдан сўнг) англарсизки, сиз инкор этган шон-шавкат соҳиби пайғамбарлар ва кароматли авлиёлар барҳақ, сиз бўйин товламай қабул этган шайтон ҳам барҳак экан!

Ҳакни англамоқ – бу одамнинг ўз-ўзини англамоғидир. Ўз-ўзини англаш ҳақида моддапараствлар ҳам, руҳонийлар ҳам кўп гапирадилар. Ўз-ўзини англаш қадр-қимматини билиш қабилидаги соф майший тушунчага айланган бу такаббур замонда қандай килиб Ҳакни, яъни ўз-ўзини англамоқ мумкин?

Ўз-ўзини англамоқ – бу бандаликни – Оллоҳга қулликни – Унга таслимиятни бўйинга олмоқ.

Ўз-ўзини англамоқ – Ер юзида Оллоҳнинг халифаси эканини ва ёлғиз Оллоҳни таниб, унга, фақат унга сифинмоқ лозимлигини англамоқ.

Ўз-ўзини англамоқ – бу бандаларнинг тенглигини, шоҳу гадонинг баробарлигини, ерда фонийлик ва охират абадиятини англамоқ.

Ўз-ўзини англамоқ – заррадан то материягача фақат У зот тасарруфи остида эканини ва Ундан ўзга банда шаклида мутасарруф йўқлигини ва бўлиши ҳам мутлако мумкин эмаслигини англатмоқлиkdir.

МАСНАВИЙ

*Баъд аз он гуфтанд: «Эй ҳаргўш, жаст,
Дар миён ор он чи дар идрокат аст».*

ТАРЖИМА

*Дедилар сўнг: «Эй қуён, қўзголгил,
Неки идрокингдадир ошкор қил».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сўнгра ҳайвонлар дейиши: «Эй қуён, ақл-идрокингда бор нарсаларнинг жамини ўртага сол!»

ШАРХ

Шу пайтга қадар зохирбинларча қуённи бир чақага илмаган водий қавми бу увоқ калладан бирор жўяли фикр чиқармикин, деган андиша билан унга эътиборлари назарини қаратдилар.

МАСНАВИЙ

Эй, ки бо шере ту дарпекидай,
Боз гү розе, ки андешидай.

ТАРЖИМА

Шерга ташланган чивиндек жонсен,
Сүйла қандоқ маңнига иқрорсен.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Арслон каби қудратга ташланган, эй Қуён! Заковатинг-ла англаб етган Ҳақиқат — розни бизга аён қил!

ШАРХ

Ҳали замон шернинг дастурхонида калла-поча бўлишларига ҳеч шубҳалари бўлмаган мутеъ ва қўрқоқ қавмнинг тилидан муштдек баҳодирга нисбатан бир оз масхаралаш оҳангি сезилса-да, «балки», «эҳтимол» каби шубҳали ва яширин умид учқунлари ҳам йўқ эмасди.

Шунаقا, баъзан девкалла, девкелбат пахлавонларда бир қошиқ фаросат бўлмаган ҳолда, сувратан эчкига монанд бир телбаваш кимса уммони ақл бўларкан. Баъзан таянч нуқтасини «Мана» деб тутқазсалар ерни ағдар-тўнтар қиласидиган тизгинсиз кувватда тариқча фахм бўлмаган ҳолда бир қилтиллаган заиф танада шиддати бекиёс заковат гулдурос соларкан...

МАСНАВИЙ

Машварат идроку ҳушёрий дижад.
Ақлҳо мар ақлро ёрий дижад.

ТАРЖИМА

Машварат идроку ҳушёрлик берур,
Ақллар-да, ақлнинг ёри эрур.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Машварат, яъни кенгаш ақлу идрок ва ҳушёрлик беради; ақллар ақлга имдод бахш этади.

ШАРХ

Водий аҳли қўёнга ташбих бўлган зотнинг саъй-кўшишига тан бердилар ва уни машварат — кенгашга таклиф этдилар. Ҳақиқи-

қатда, машварат инсон ақлига буюк қувват бахш этади. Машваратсиз адo этилгуси ишда икки навъ зарар бордир: бири, инсон бир иш ё ташвиш талошида экан, ибтидода, яъни ташвиш бошида зехнига ўтириб қолган фикрнинг адосига тез суръатда киришиб кетади. Бу ҳол кўпинча соҳибига ўзгарилимас зиён-захматлар селини бошлаб келади. Иккинчиси, киши заҳмат ё нафрат залвори остида чақиндек чақнаган бир фикрга банди бўлиб қолади. Бу ҳам одам бошига кўнгилсиз ҳодисаларни солади.

Жаҳл устида, фазаб билан бажарилган ишнинг оқибати оғирдир.

Кўп ҳолларда одамларнинг ноаҳиллиги, худбинлиги, ўзбилармонлиги боисидан жамиятда ишқалликлар ва норасоликлар гуллаб-яшнайди. Худбинликнинг давосиз дардига чалинган фарҳангсиз зотлар кўнглининг кўчасидан елган ҳар қандай сассик фикрни заковат, деб фараз қиласилар. Бу «заковат» соҳибиниги на эмас, кўшини зотларнинг ҳам ҳалокатига сабаб бўлади. Машварат ва кенгашни менсимайдиган кимсаларда маънавий маризлик бўлади. Уларнинг ботинка тозалашдан то коинот илмигача ўз қарашлари ва муҳтасар хуносалари ҳозир-нозир. Сиз уларнинг кай бирига эҳтиёж сезасиз? Марҳамат, олаверинг. Дунёнинг бузилишига муҳталиф фикр сабаб. Одамларнинг ўзаро ноаҳиллигига келишмовчилик, ихтилоф сабаб. «Бани Одам узви яқдигаранд» яъни «Одам боласи бир вужуд аъзоларидир», деган авлиё шоир қанчалар ҳак экан!

МАСНАВИЙ

*Гуфт пайгамбар: «Бикун, эй раъии зан,
Машварат, к-ал мусташару мўттаман».*

ТАРЖИМА

*Айтди пайгамбарким: «Эй аҳли гумон,
Машварат эт, мусташару мўттаман».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Оламлар фахри пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассалом буюрдилар: «Эй гумонлик зот, машварат қил. Ўзи сендан фикр талабида бўлган кимса омонлик талабидадир».

ШАРХ

Қуёнга ташбиҳ бўлган зотни сўзлатмак воситасида водий аҳли машваратнинг фойдаси ва ҳақиқатини ҳадиси шариф билан исботлашга қиём этдилар. Ҳадиси шариф эса будир: «Ал-мусташару мўттаман», яъни ўзи сендан машварат талабида бўлган кимса омонлик талабидадир.

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Хар розе нашояд боз гуфт,
Жуфт тоқ ояд гаҳе, ки тоқ – жуфт».*

ТАРЖИМА

*Деди: «Хар роз сўзланилмасдир, бироқ,
Тоқ жуфт келгай гоҳида, жуфт – тоқ».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Қуён деди: «Хар сирни ошкор сўйламак жоиз эмасдир. Зеро, баъзи дафъа тоқ жуфт бўлса, гоҳида жуфт тоқдир».

ШАРХ

Қуёнга ташбих бўлган одам водий ахлига деди: «Мушоварининг самарасига оид ифодаларингиз умумият нуқтаи назаридан боқилгандა айни ҳақиқат. Аммо, бу коида ҳар бир хол ва роз учун жорий эмас. Масалан, энг тўғри мусташор (маслаҳатгўй) ҳам баъзида адашиши, воқелик кўзгусига ахлат чаплаши мумкин».

Ҳар нечук сирнинг сўйланмаслиги, муқаддас бир ҳодисадек юракнинг олис ерларида сақланиши бор нарса. Факат лакмалар ва девоналаргина яқосини йиртиб, кўксини очгандек, ичидагини ҳангома итлари олдига сочиб ташлайдилар. Байтнинг замирига сингдирилган яна бир маъно бундай: атрофга назар ташланг. Одамки бор ҳақиқат ва ростлик ҳақида кечасию кундузи тинмай жағларини шаракларатадилар. Лекин Одам яралибдики, унинг фарзандлари нуқул чалғиш билан овора.

МАСНАВИЙ

*Аз сафо гар дам занй бо ойина,
Тийра гардад зуд бо мо ойина.*

ТАРЖИМА

*Ойина ўнгига дам урсанг агар,
Чехрасин онинг қилурсан бесар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кўзгуга ҳар канча ёвук ўлтиранг, даму нафасинг унинг пор-
лок чехрасини хирадаштиради.



ШАРХ

Күзгү порлок ва соф бир ашёдир. У оддий нафасдан-да хира тортади. Энг гүзәл инсоннинг қиёфаси ҳам күздан фойиб бўлади. Бемахал ва машваратсиз бажарилган ишни зулмат никоби ўртайди.

Ушбу байтнинг қуидагича маъноси ҳам бор. Олиймақом ва олий табъли инсонлар кўзгуга мушобиҳdir. Улар одамзоднинг энг комил хислатларини ўз сиймолари кўзгусида акс эттирадилар. Бордию шу улуғ зотлар худа-беҳуда ҳар нечук даҳан ва забон воситасида тинмай таърифу тавсиф этилаверса, ул олиймақом чехрасига губор кўнади.

Маддоҳларнинг нафаси байни олов кўм-кўк гиёхни ҳам ямлаб юборгандек абгор айлайди. Олиймақом зотлар бемаъни ва бемаврид сифатлардан баландда турадилар.

МАСНАВИЙ

*Дар баёни ин се кам жунбон лабат,
Аз заҳобу аз заҳаб в-аз мазҳабат.*

ТАРЖИМА

*Ушбу учдан сўйлама, тинсин лабинг:
Ҳам заҳобу ҳам заҳаб, ҳам мазҳабинг.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу уч нарса хақида сўйламақдан оғзингни тий, яъни борадиган тарийқ — йўлинг, молу давлатинг ва мазҳабинг хусусида ҳар ерда сўзлами.

ШАРХ

Инсон боражак йўлини ошкор этса, фано одамлар эҳтимолки унга зиён-заҳмат етказади. Кимса ўзи молик бўлган бойлик-сарват хусусида барчага ахбор берса, уни ҳам турли кулфат ва можаролар оёғидан олади. Мазҳаб — маънавий ва ақлий кайфијат. Инсон ҳар кимга ўз хиссиёти, ақида ва қизиқишлари хақида сўзласа, ҳасадгўйлар унинг шаънини булғамоққа шошиладилар.

Ҳали дунё номукаммал ва одам ҳам адашишда экан бу учликни сир тутмок мақсадга мувофиқ. Зеро, оламу одамнинг бошига раҳмат этиб юборилган бир зоти муборак (с. а. в.) шундай деганлар: «Устур заҳобака ва заҳобака ва мазҳабака». Яъни, «Олтингни, йўлингни ва мазҳабингни сир тут».

МАСНАВИЙ

*Ки ин серо хусумат бисёр в аду,
Дар каминат истад чун донад ў.*

ТАРЖИМА

*Ушбу учга кўп хусумат ҳам аду.
Пойлагай йўлингни ошкор билса у.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Зеро, бу уч ҳодисага ҳасм ва душман ғоят кўпdir. Душман ундан вокиф бўлиб қолса, ҳамиша йўлингни пойлайди, яъни ҳар қачон таъқиб этади.

ШАРХ

Юқоридаги шариф байт шархида бу уч ҳодисага нима сабабдан душман кўплиги баён қилинди.

МАСНАВИЙ

*Гар бигўй бо яке-ду алвидо,
Куллу сиррин жовазал иснайнин шоб.*

ТАРЖИМА

*Сўйласанг сирринг бировга — «алвидо»?
Куллу сиррин жовазал иснайнин шоб?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар сириңни бир-икки кишига сүйлар эсанг, ул сирга видо лозимдур. Зеро, хар нечук сир икки кишига тажовуз айласа фош бўлади.

ШАРХ

Сирни хифз этмак юят мушкул иш. Инсон ўзига доир бўлган сирни чидаёлмасдан бирорвга сўйлади, дейлик. Ҳолбуки, сирдан вокиф бўлган зот соҳиби асролмаган сирни асрай оладими? Табиийки, ул тезлик билан сирни одамларга сочишга киришади. Демак, сўйланган сирга «алвидо» демокдан ўзга чора йўқ.

МАСНАВИЙ

*Гар ду-се паррандоро бандӣ баҳам,
Бар замин монанд маҳбус аз алам.*

ТАРЖИМА

*Икки-уч қуш бирга боғланса тамом,
Ер бўлур ҳасрат макони ҳамда дом.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Икки-уч кушни бир-бирига қўшиб боғласанг, улар маҳбусга айланишади ва ғам-қадарга колишади.

Байтнинг мақсади сўнгроқ маълум бўлади.

МАСНАВИЙ

*Машварат доранд сарпӯшида хўб,
Дар киноят бо галат афкан машўб.*

ТАРЖИМА

*Машварат қылмоқда қушлар бош эгик,
Билмас ҳеч ким сирлашурларми? Нечук?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кушлар халос бўлмок ўйида бошларини эгганча, лисоний ҳол илиа гўзал машварат тузганлар, бу ажиб кенгаш кўрганларнинг кўзини алдамоқ учун сирли киноядир.

ШАРХ

Тутқун қушлар халос бўлмоқни истайдилар. Лекин мақсадла-ри англашилмаслиги учун баъзан бошлари ва кўзларини ерга

тикадилар. Уларнинг бу ҳолини кўрганлар гумон этадиларки, қушлар замин билан улфат тутгандирлар. Баъзан эса, қушлар ўзаро низо ҳам қиласидилар. Уларнинг бу мушавваш ҳолати аслида хақиқий ниятларини хаспушлаш учун ўйланган хийладан ўзга нарса эмас.

Инсондек ақл каби бир нур билан сарафroz этилган зот ўз пинхоний сирини оламга ёймоқдан, албатта, ҳазар қиласи.

МАСНАВИЙ

*Машварат кардй паямбар баста сар,
Гуфта ийшонаш жавобу бехабар.*

ТАРЖИМА

*Машварат қилса Расул бошин ўрап,
Хам жавоб айлар ва лекин бехабар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Оламлар фахри пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассалом мас-тур (яширин) суратда машварат айлар эдилар. Асҳоби киром ҳузурида ваъз этар эканлар, уларнинг орасига ғанимлар ҳам қириб олганидан бехабар қолардилар.

ШАРХ

Ҳазрат пайғамбар (с. а. в.) ваъзларининг нечоғлик таъсирилиги, сўзларининг хиссиётга бойлиги, таранглиги, маънодорлиги, салмоғу зарофати хусусида узок гапириш мумкин. Ҳазрат рисолатпаноҳнинг (с. а. в.) машварат чоғида юзларини яширишлари ни турлича талқин қилганлар. Бизнингча, бу Нубуват сири. Пайғамбарлик сир-синоати. Биз буни шарҳлашга ожизмиз. Аммо, ул зотнинг муборак нутқлари ҳақиқатда пайғамбарона эканликларини ҳар бир фаросати бутун инсон хис этмоқлари осон бўлсин учун «Видо хутбаси»дан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Эй инсонлар! Сўзларимни дикқат билан эшитингиз. Билмайман, балки бу санадан кейин сизлар билан бу ерда яна бир бор бирга бўлмасман.

Эй инсонлар! Бу куннинг қандай бир кун эканлигини биласизми? Бугун Явмуннаҳрdir (Қурбон куни). Бу ойнинг қайси ойлигини биласизми? Бу ой шаҳри ҳаромдир (Муқаддас ой). Бу жойнинг қандай жойлигини биласизми? Бу ер Балдаи ҳаромдир (Муқаддас шаҳар). Бу кунингиз қандай муқаддас бўлса, бу шаҳрингиз қандай муқаддас бир шаҳар бўлса, билингизким, жонларингиз, молларингиз, ирзларингиз (обрў-эътиборингиз, шон-шуҳратингиз. — *Мұҳар-*

рур.) ҳам то Оллохнинг ҳузурига чиққунга қадар бир-бирларин-гизга бу мукаддас кун, бу мукаддас ой, бу муборак шаҳар каби мукаддасдир. Буларга қилинган ҳар қандай тажовуз ҳаромдир!..

Асҳобим! Ҳушиңгизни йигиб олинг! Билингизким, эртага Оллохингизга ковушажаксиз!..

Эй мўминлар! Сўзларимни яхшилаб эшитингиз, яхши англан-гиз ва яхши муҳофаза этингиз. Муҳаққақки, Роббингиз бирдир. Отангиз бирдир. Барчангиз Одамдансиз. Одам эса, тупрокдан-дир. Ҳеч кимнинг бошқалардан устунлиги йўқдир. Шариф ва устунлиги факат фазилат иладир. Шуни яхши билингки, ҳар мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Бутун мусулмонлар бир-бирларининг биродарларири... Ҳақсизлик қилманг! Ҳақсизликка бўйин ҳам эгманг!..» (Закои Кўнрапанинг «Алвидо, дунё, ассалом, охират» китобидан).

Бу парча оламлар раҳмати бўлмиш зотнинг (с. а. в.) видойи сўзлари. Бу сўзларни фақат Ҳақ зотнинг барҳақ пайғамбаригина айта олади. Чунончи, ота фарзандларига васият қилиш баҳтига етишса, жилла қурса, ахилликка ёхуд меросни адолат билан таксимлашга чакиради. Жон узаётган доҳий китобларидан тушган қалам ҳаққини кимгадир қолдиришини, нари борса, аллақайси қабристонга қўйишларини васият қилиши мумкин. Худо ёрлақаб, шу ҳам насиб этса, аммо, барҳақ Пайғамбарларгина сўнгти раҳматий қаломларини бутун оламга — фарзанди башарга изхор эта олади.

МАСНАВИЙ

*Дар мисоли баста гуфта ройро,
То надонад хасм аз сар пойро.*

ТАРЖИМА

*Ҳақ Расули баста сўйлар ройини,
Билмасин то хасм боши-пойини.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Одамлар фахри пайғамбаримиз (с. а. в.) бирор мухим масалани ийрод этганларида хасм билиб қолмаслиги учун фикрларини сарбаста баён этардилар.

ШАРХ

Расули акрамнинг (с. а. в.) орифона ва ҳакимона саволларида жавоб яширинган бўлади.

МАСНАВИЙ

*Ў жавоби хеш бигрифтй аз ў,
В-аз саволаш менабурдй гайри ў.*

ТАРЖИМА

*Ул жавобин ўзидан англарди ул,
Хам саволин бир ўзи англарди ул.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳазрат пайғамбар (с. а. в.) асҳоби киром билан сұхбатда ғоят нөзик нұқталарни англашлари осон бўлсин учун саволлари замираға жавобларин жо этар, ул зотнинг саволлари фақат ўзларига-гина аён эди.

ШАРХ

Ҳазрат пайғамбар сұхбат асносида тингловчи — сомеъларнинг ақл ва закосига кўра нутқ ийрорд этардилар. Сомеъ ўзи муҳтож бўлган фикрнингина англар ва ушбу фикрга муҳтож бўлмаган кимса ҳарчанд уринса-да уни англай олмасди. Оллоҳ субхонаху ва таълонинг башариятга нозил қилгувчи баййинотини тафаккури доирасига жо этиб, уни одамий лисонда баён этгувчи зотнинг ахволини тасаввур қилиб бўлмайди. Қуръони каримнинг «Ал-ҳашр» сурасида нозил қилинган илоҳий баййинотнинг илоҳий залвори куйидагича таъриф этилади: «Лав анзална ҳазал Қуръана ала жабалин лароайтаху хошиъан мутасоддиан мин ҳоштиллаҳ. Ва тилкал амсалу назрибуҳа линнаси лаъаллаҳум ятафаккарувн». Мъяноси: «Агар бу Қуръонни тоғларга туширганимизда уларнинг Оллоҳ таъоло ҳавфидан қўркиб, пора-пора бўлганини қўрган бўлардинг. Ва бу мисолларни одамларга шунинг учун баён қиласизки, шояд, улар тафаккур киласалар».

ҚҮЁННИНГ МАКРИ ҲАҚИДА

МАСНАВИЙ

*Соате таъхир кард андар шудан,
Баъд аз он шуд пеши шери панжазан.*

ТАРЖИМА

*Таъхир айлаб бир неча муддат қуён,
Панжазан шер қошига бўлди равон.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Күён арслон ҳузурига бир соат кечикиб, қўлларини қовуштирган ҳолда етиб келди.

ШАРХ

Арслон ҳузурига йўл олган қуённинг нега бир соат кечиккани кейинги байтларда баён қилинади.

МАСНАВИЙ

*Зон сабаб кандар шудан у монд дер,
Хокро меканду мегуррид шер.*

ТАРЖИМА

*Неча муддат кеч қолиб, боргач қуён,
Ерни тирнаб, ларза солди арслон.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Күён ваъдалашган муддатдан бир соат кечикиб боргач, кўрдикчи, даҳшатли арслон ер тирнаб, тупроқ сочиб, борликни ларзага солмоқда.

ШАРХ

Арслонга ташбих бўлган золим ҳар нечук ситамкордек ўз соатида етишолмаган ўлжаси учун ваҳший бир ғазабга тўлиб, озидан ўт пуркаб, панжаларини ерга саншиб, тўзон кўтармоқда.

Золимларнинг таомили — шу. Золим ҳам аслида одам. Аммо бу одам тасодиф туфайли хукмни қўлга киритса, табиий ўзгаради. Бурун у бир кечаю бир кундуз кутишга қодир бўлса, энди бир лаҳза куттиргани учун ўз онасини зиндонга ташлашдан қайтмайди.

МАСНАВИЙ

*Гуфт: «Ман гуфтам, ки аҳди он ҳасон,
Хом бошад, хому сусту норасон»*

ТАРЖИМА

*Деди: «Мен айтдим, бу ҳасдек нотавон,
Аҳли хомдир, хом, сусту норасон»*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Куён маълум муддат кеч қолгани боисидан дарғазаб арслон дерди: «Мен бу хас-хашакларнинг аҳдлари ҳом ва суст эканини билардим?»

ШАРХ

Ғазабга тўлган арслон маҳлуклар шаънига таъна тошларини отади. Уларни хашаклар, «хаслар» деб таҳқир этади. Ғазаб энг жирканч бир манзарадирким, у охир-оқибат ўз асхобини Қудратли Оллоҳнинг ғазабига гирифтор этади. Ҳаётда одамнинг ҳаддидан ошувига ва ғазаб жиловини қўлдан чиқариб юбормоғига баҳона бўлгувчи омиллар кўп. Зеро, ғазаб итда ҳам исталганча бор. Аммо, ўз ғазабини енголмаган мард номарддир. «Инжил»да Ийсо алайхиссалом, «Бир юзингга тарсаки урсалар, иккинчи юзингни тут!», ёхуд «Ёмонликка яхшилик билан жавоб бер!» каби ақидаларни баён этган. Ғазаб қаердадир эмас, одамнинг ўз ичида яшириниб ётган тимсоҳдир. Уни қўзғаб ҳамма ерни вайрон қилиш ҳам мумкин, ёхуд вужуднинг олис ҳавзаларига ҳайдаб, ўша ерда абадан қолдириш ҳам мумкин.

МАСНАВИЙ

*Дам-дами ийшон маро аз ҳар фиканд,
Чанд фиребад маро ин даҳр, чанд?*

ТАРЖИМА

*Отди маркабдан уларнинг макри чун,
Нега алдайдур мени бу даҳри дун?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Уларнинг дам-дама ва ваъдалари мени уловдан туширди. Бу давру замон мени не вактга қадар алдайди?

ШАРХ

«Мени маркабдан туширди» таъбири уч важҳ билан шарх килинади. Биринчиси: саъй-ҳаракат ва жаҳдни маркаб деб тасаввур қилсак, жабарийларнинг ҳийласи мени бу маркабдан тушириб, куллиян маҳрум ва дилхун айлади. Иккинчиси: оддий маркаб ҳам ўтламоқ учун ҳаракат қилиб, яшагани ҳолда, мен маътал — ҳаракатсиз қолганим боисидан ҳам мен ва у изтиробда қолдик. Учинчиси, агар маркабга «Маътал қол!», «Ҳаракат этма!», «Ўтлама!» деб амр этилса, маркаб бу амрларга алданмайди, балки ўтламоқ — яшаб қолмоқ учун саъй-ҳаракат этади. Мен эса, тубан бу маҳлукларнинг каломига алданиб, ҳаракатсиз қолдим. Айни ахмок бўлган маркабдан ҳам тубан кетдим.

МАСНАВИЙ

*Сахт дар монад амири суст риши,
Чун на пас бинад, на пеш аз аҳмакии.*

ТАРЖИМА

*Күшк соқол хон панд егайдир бадтарин,
Орқа-олдин кўрмагай ул калтабин.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кўшк соқол ўзининг ахмоқлиги боисидан орқа-олдини кўролмай каттиқ панд ейди.

ШАРХ

«Суст риш», яъни «кўшк соқолли» таъбири ишдан ва мушкулотдан қўрқадиганларга нисбатан қўлланилади.

Арслонга ташбих бўлган золим ўзини «кўшк соқолли»ларга киёс этади ва жабарийлардан фоят норози бўлади. Бу ҳужжат хикматан событдирки, золиммизож зотлар ўзларини доимо ҳақорат ва таҳқирлашга дучор бўлгандек тасаввур этсалар, худабеҳуда фарёди фиғон этадилар. Чунки бундай зотлар ўз хилқатларининг таҳрик ва таъжили сабабидан зеҳнлардаги ният ва афкор бир-бирини таъқиб этади. Натижада уларнинг зеҳни бекарор ва талош бўлади. Ўз ният ва орзулари йўлида хеч нарсадан қайтмайдилар ва ҳеч кимни тан олмайдилар. Ёлғиз ўзларини бегумон ҳак, деб фараз этадилар.

МАСНАВИЙ

*Роҳ ҳамворасту зераш домҳо,
Қаҳти маъни дар миёни номҳо.*

ТАРЖИМА

*Йўл равону туб-тубида домлар,
Ном эмас бу, қун-қуруқ бу номлар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Йўл текис ва равон кўринади. Аммо, бу текис йўллар тубига тузоклар тикилмишdir. Шунингдек, бу номлар замирида маъно аласдир.

ШАРХ

Ушбу шариф байтга қадар келган қатор байтлар арслонга ташбих бўлган зот томонидан баён қилинган эди. Бундан сўнг

келгуси бир қанча шариф байтлар Маснавийнинг тақозосича, бир комил ва ориф зот тилидан баён қилинади. Дунёниг ахволи амалда ғоят зариф ва латиф кўринади. Бироқ бу зарофат ва латофат маконининг тубларида инсонни балойи бадга гирифтор этгувчи жуда кўп макр, хийла, зулм ва таҳликалар тузоги бордир. Назар солинг, атрофда қулоқларимизни қоматга келтиргувчи қанчадан-қанча номлар янграяпти. Бу номлар қарсиллаб ёрилган тошлардек, кирсиллаб синган шоҳ-шаббадек қуруқ садо. Маъно қаҳат. Маъно абас.

Одам боласи қаро ер қаърига қўйилиб, ҳали замон курткумурска илма-тешик ғалвир қилиб юборгувчи жонсиз вужудни ҳам ювиб-тарайди, кимхобларга, кафандарга чирмайди. Одам, яна тўрт кундан сўнг тўкилгувчи бу деворларга жаннат накшларини солаверади. Одам — жаннат одами. Унинг конида гўзалик яшайди. Шунданми, кароқчи зинданда ўтириб ақл бовар қиласа шаклларни яратади. Ўғри, талончи, котил ҳам юз-қўзига қарайди. Ақалли жуда пўрим либосда қўринишни истайди.

Одам... Бир донишманд Куръони каримни ўқиб чиққач, «Хаёт — жуда содда», деган хulosага келди. Уни одам ўзи мураккабликлар чангалига ташлади. Зеро, Куръони карим, одамни Ер ва Осмонлар ўртасидаги ўн саккиз минг олам маҳлукотининг бири, бир ота ва бир онадан яралган фарзанд эканини, инсонлар Одам алайхиссаломдан бўён фақат исломда — мусулмон бўлиб дунёга келишлари, кейинчалик ўз мураккаб ўйинлари туфайли турли-туман йўл ва тарийқатлар орасида чалкашиб юришларини эслатади. Аҳамият беринг, Куръон лаҳза сайин Ер ва осмонларни ёдга солаверади. Ой ва юлдузлар нури, куёш шуълалари хаққи қасам келтираверади. Куръон борлик олами, табиат, инсажинлар, тоғу тошлар, дарёю кўллар, дунё ва уқбо китоби. Куръон Ер ва Осмонлар қўшиғи. Юлдуз нурларидан тараалган мусика. Қулоқ солинг: «Ваш-шамси вазухаха (Қуёшга қасам, унинг ёргулигига қасам). Вал қомари иза талаҳа (Ва унинг ортидан келгувчи ойга қасам). Ваннаҳари иза жаллаҳа (Ва ёруғ эттувчи кунга қасам). Валлайли иза яғшаха (Ва борликни қоплагувчи тунга қасам). Вассамай вамина банаҳа (Осмонга, уни бино қилган (зотга) қасам)».

Куръонни бани башарга дастур қилиб юборган Зот ўз мулкидаги жамийки маҳлукот номи билан қасам ичади. Бу қасамни Одам деб келтираверади. Бу буюк зот Ер юзига халифа қилиб юборилган маҳлук ҳузурига юzlари қаро, мулзам ва осий холда келмасин, деб дам-бадам огохлантираверади.

Куръон қасам ичаверади.

МАСНАВИЙ

*Лафзҳову номҳо чун домҳост,
Лафзи ширин реги оби умри мост.*

ТАРЖИМА

*Лафзлар ва номлар чун домдур,
Тотли лафз умр суви ичра қум эрур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Лафзлар ва номлар тузоклар каби. Сувратан баъзи ширин лафз — сўз умримиз сувининг қуми янглиғидир.

ШАРХ

Чунончи, бир янги таъриф-иборани эшитган соддадил гумон этадики, бу таъбир соҳиби зариф зотдир. Ҳолбуки, бу зарофатли лафз кўплаб дафъа касофат ва балоҳатларга лиммо-лим эди. Бошқа бир инсон гўзал нутқлар сўзлайди. Тинглаганлар ҳайрат тилини тишлаб қоладилар ва нотик раъйини фойдали, деб гумон этадилар. Сўнг эса ўша нотикнинг «зарофатли» йўлларида ҳаракат қиласи ва ўзини мазаллату зааррга гирифтор айлади. Шуннинг учун ширин лафз — сўз умримиз сувини маҳв ва ҳалок, қалбимизни муқаддар ва ғамнок қиласи. Бинобарин, сахих фикрни ғайри сахих фикрдан, козиба (ёлғон) раъйни содика (рост) раъйдан тантанали ва зийнатли лафз әмас, ҳақиқий маъно ажратади.

МАСНАВИЙ

*Он яке реге, ки жўшад об аз ў,
Сахт кам ё бас, рав, онро бижу.*

ТАРЖИМА

*Ул бири қум, жўштирас ул сувни,
Оқил инсон, бор, қидир топгил уни.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ул бири шундай қумдирки, сувни жўш урдиради, айни дамда сув ундан покланади, яъни қум сувни покиза этади. Эй оқил зот, сен ана шундай қумни ахтариб топ!

ШАРХ

Ҳаёти дунёда қум янглиғ сону саноқсиз лафз — сўз ичига ҳаётбахш, жон ато этгувчи қаломлар бор. Сен, эй толиб ва солик! Шояд, шундай бир ҳикматли қалом соҳибининг жонбахш сұхбатига бир лаҳза ноил бўлсанг, сен уни тарк этма! Сен уни топ!

Муқаддас «Инжил»да Сўз мавкеига катта ўрин берилади. Сўз бирламчи ҳёт аломати сифатида эътироф этилади. Сўз – Оллоҳ таборак ва таълонинг Одам қадар буюк кашфиёти. Эҳтимол, Одам алайхиссалом илк дафъа талаффуз этган сўз «Роббим» каломидир. Аммо, иккинчи талаффуз этган сўzlари шубҳасиз, Роббимизга ҳамдлардир. Аммо бу ҳамдлар Одам алайхиссаломнинг ўзи каби пок ва беғубор эди. Ўша дамда бу сўzlар бегараз ва бекадар эди. Бу ҳамд ва шукроналик лафзлари та-маъгарлик, хушомад, мутеъ ва мутахҳамлик оҳангларидан холи, иймон, икрор, одамийлик шукронаси эди. Аммо бу кутлуғ каломлар кейинчалик банда тилидан банданинг ўзига томон қўчди. Банда бу муқаддас каломлар тожини ўзидек бир гуноҳкор қулнинг шаънига баҳш этди. Сўз хорликни зиммасига олди.

МАСНАВИЙ

*Ҳаст он рег, эй писар, марди Худо,
К-ў ба Ҳақ пайваст, аз худ шуд жудо.*

ТАРЖИМА

*Эй ўғил, ул қум эрур марди Худо,
Ҳаққа пайваст бўлди, ҳам ўздин жудо.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй ўғлим! Сувларни қайнатгувчи ва поклагувчи қумдан муддао марди Худо, ориф ва донодирки, ўзидан жудо бўлиш йўли билан Ҳаққа қовушади.

ШАРХ

Сувларни қайнатиб, жўш урдиргувчи қумдан мақсад авлиёуллоҳ – Оллоҳнинг мардлариридир. Уларнинг футухли акл, рухларидан файзбахш қаламларидан адаб ва тарбиянинг хаётбахш суви абадий нусрат сари равона бўлади. Эй ўғлон, шу боисдан ул покиза зотларга толиб, ул муборак қўлларнинг улуғ битикларидан баҳраманд бўл.

МАСНАВИЙ

*Оби азби дин ҳаме жўшад аз ў,
Толибонро зон ҳаётасту намў.*

ТАРЖИМА

*Дину иймон суви ундан қайнагай,
Толиб ундан жон олур ҳам яшнагай.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ўша Худонинг мардлари туфайли дину иймоннинг лаззатбахш суви доимо қайнаб жўш уради. Дин ва иймоннинг ҳаётафзо суви. Қуръони карим таърифлаган «бимаин маъйин» (оқин сув) каби абадий жараён этади. Кимда-ким ўша Худо мардларини талаб айласа, нашъу намо топгай, иншаоллоҳ.

«Мардони Худо Худо набошанд, Лекин зи Худо жудо набошанд» байти туркийдаги «Авлиё Худо эмас, Худодан жудо эмас» ибораларига мос келади.

Биз шарх жараёнида «Мардони Худо», «Худонинг мардлари» таърифини кўп кўлладик. Бу фавқулодда жозибали ибора қандай маънони ифода этади. «Мард» калимаси туркийда «баходир эр» маъносига ёвук. Одатда бу ибора Оллоҳнинг дўстлари – валийларига нисабатан қўлланилади. Оллоҳ субҳонаху ва таълонинг баҳодир эрлари кўп – мужоҳидлар, тақво згалари, солихлар ва сиддиклар ва гайраху. Аммо бизнинг таърифимиздаги «мард» қандай зот. Бу зотлар инсониятнинг энг улуғ душмани – нафс билан жиҳодга киришгандардир. Бу зотлар заррача кусурдан токи улкан гуноҳларга қадар муросасиз ёвдирлар. Оллоҳнинг одам Рухи ва жонига сингдирган неки бирламчи ҳалол туйғуларини кўрғони ўша зотлар. Улар шайтон дасисаларига учмайди. Энг кўзга кўринмас зарралардан-да зарра гуноҳ балки олам назаридан паноҳ топар, бирок бу зотлар нигоҳидан қоча билмайди. Улар Ҳақ йўлидаги энг Ҳақ толиблар, мустакиймлар. Худонинг мардлари ҳўқиз билан жант қилгувчи, ёхуд қандайдир оёқ-кўл жанглари билан одам сўнгагини синдиргувчи, нари борса тош отиб, тош кўтаргувчи таназўрлар оламидан олис-олисларда, бу дунё ахлининг нобино назарлари ета олмайдиган маъволарда яшайдилар.

МАСНАВИЙ

*Ғайри марди Ҳақ чу реги хўшик дон,
К-оби умратро хўрад ў ҳар замон.*

ТАРЖИМА

*Күп-қуруқ қум – марди Ҳақдан гайрилар,
Умр сувинги ичарлар-да, ичар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Худо мардидан бошқасин қуруқ қум, деб бил. Бу қуруқ қум умринг сувини симириб, адо қиласади.

ШАРХ

Авлиёуллоҳ ҳазратларидан ғайриларнинг ахвол ва руҳониятига доир каломлар ва уларнинг битиклари шаклан ҳар нақадар

порлоқ бўлмасин, бу калималарни тинглаганлар ва бу битикларни мутолаа қилган кимсаларнинг умри ҳабба бўлади. Ўша ҳаётсиз лафзларни қабул қилган кимсалар азобу жазога гирифтordanлар. Бинобарин, инсон қабул қилмоқчи бўлган калимот ва фикр сохибининг ахволини, яъни унинг кимлигни таҳқиқ айласин. Зеро, бир иймонсизнинг иймон ҳақидаги рисоласини ўқимдан бурун муаллиф руҳиясини тадқиқ этиш шарт. Зеро, қўлида шароб тутиб, Қуръони карим оятларини талаффуз этаттган «донолар», масти аласт холда ҳадиси набавияни тилга олиб «муҳаддис»лик килаётган жоҳиллар қўпайиб кетди. Ҳусусан, қалам ахли — шуаро муқаддас мавзуулар майдонида ким ўзарга баҳс боғлаганлар. Уларнинг уюрида ҳақиқий айғир билан байтални фарқлаш хийла мушқул савдо. Юкорида баён қилинган қоида файбий-руҳоний ҳаётга доир бўлиб, бу ахвол фан асҳобларига маҳсус эмас. Зеро, ахли илм фаний муаммоларини майдонга қўймоқлари, баҳсу мунозара мавзууга тадбил айламаклари наинки жоиз, балки фойдалидир.

МАСНАВИЙ

*Толиби ҳикмат шав аз марди ҳакиим,
То аз ўгардй ту бийно ва алийм.*

ТАРЖИМА

*Бир ҳаким марддан бўл ҳикмат толиби,
Токи бийносен ва Ҳақнинг олими.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бир мард ҳакимдан хикмат талаб қилгувчи бўл, токи сен ундан басийр — қўргувчи ва билгувчи, яъни Ҳакни англаувчи бўлгайсен.

ШАРХ

«Ҳикмат» лафзи шу пайтга қадар жуда кўп истеъмол қилинди. «Ҳикмат» сўзи фалсафа қаломи билан бақамти ишлатилиб келинди. Чунончи, қадимги Ҳинд ва Миср, шунингдек, бир қатор юонон мутафаккирлари «фалсафа» иборасини «систем», яъни маслак маъносида ҳам қўллаган эдилар.

Инсоният Оллоҳ таборак ва таъюлонинг илҳом билан юборган баййинотларини ибтиода Раббоний қонун сифатида қабул қилган бўлса, аста-секин бу илоҳий дастурларни унугта борди. Ер юзидан турли гўшаларга ёйила борган сари бирламчи асосини мутлақо фаромуш айлади. Оллоҳ зоти ва сифоти унутилди. Заминда худолар пайдо бўла борди...

Аммо замин пайғамбарсиз қолган эмас. Башарият башоратсиз

қолмаган. Ерда Оллоҳ назар қилган қалби уйғок, зеҳни ва күзла-ри бийно зоти шарифлар бор. Сүкрот, Афлотун ва Арастулардан сүнг дунё юзига келган анвойи рухоний ва моддий афкор қанчадан-қанча инсонларнинг эътиқодини тор-мор айлади. Масалан, ҳар нечук саодатнинг инкори билан ҳикмат ва саломатлик тоқига етишгувчи, ҳар қандай нафсни рад этгувчи машхур Эпикурнинг маслаги; охират баҳсини куллиян тарқ этган, нафсни, машшок ва мутойибани энг гўзал ахлоқ кушандаси деб билган Стуйисин маслаги; сўнгроқ Искандария шаҳрини забт этган фанофиллоҳ (Оллоҳ учун фано бўлмоқ) — «Афлотуни жадид» маслаги; кейинроқ Испанияда арабларнинг Афлотун ва Арасту мактабини бошқача бир суратда тарақкий эттирган маслак; ниҳоят 18—19 асрларда Англия, Олмония, Францияда бир томонда мункирийн (худосизлар) ва бошқа тарафда мувахҳидийн (ёлғиз Олоҳнигина тан олгувчилар)нинг систем ва маслаклари зухур этди. Бу ходи-саларнинг барчаси бир-биридан жудо ва узоқ эди.

Ислом таълимоти ер юзига кенг ёйилгунга қадар бир-бирига зид, бир-бирини каттиқ рад этгувчи турли-туман қарашлар пайдо бўлди. Ва замонлар ўтиши билан секин-аста йўқлик мулкига айланса борди.

Ҳикматга мутаалуқ бўлган Ислом динининг олти буюк асоси бордир. Биринчиси: коинот қадим бўлмай, Ҳақ амри билан маҳлук экани оёт ва баййинотлар воситасида исбот этилган; иккинчиси «Ёсин» сурасининг қирқинчи ояти каримасида буюрилади: «Лаш-шамсу янбагий лаҳа ан тудрикал қомаро валаллайлу собиқун наҳари. Ва куллин фий фалакин ясбаҳун». Мазмuni: «На офтобга сазовордирким ойга етсин, на тун кундуздан ўзгувчироқдир. Ва ҳар бири ўз мадорида юзгай».

Тафсир: Офтобнинг нур сочиши кундузга хос бўлиб, ойнинг ёғду таратиши тунга хосдир. Күёш ойнинг нур таратишини мағлуб этмайди, яъни, кундуз эртароқ келиб, туннинг маълум қисмини эгаллаб ололмайди, ёхуд тун сабақат этиб, кундуз хатм бўлмай келмас. Ҳар замон ва макондаким тун-кундун муайян андоза мұқаррар бўлгандир, ўша мұқаррар ҳолида жараён этади. Ва бу курраларнинг ўша конуниятидан бир дақика бўлсин тақаддум ва таъхир этмакка мажоли ийӯқдир. Ҳар бир сайёра ўз мадорида гардиш этади ва бир қадам бўлсин на ул ёнга, на бул ёнга силжий олади. Ва шу қадар кескин харакат жараёнида бу қадар улкан фазо майдонида улар бир-бирларига тўқнашиб кетмайдилар. Бу буюк низом ва ана шу азиймуш шаън мошинлар бир буюк зотнинг иқтидори кўли билан бошқарилиши тушунишимизга кифоя қилмайдими? Шундай экан тун ва кунни алмаштиргувчи, ой ва қўёшли навбат билан бошқаргувчи зот сизларни фано қилмоққа, ундан сўнг яна қайта пайдо этмоққа ожизми? (Ушбу шарҳда форс тилидаги тафсирлардан фойдаланилди. — Тарж).

Юқоридаги ояти карима ва тафсирда кўриб ўтганимиздек, Ер шари, самовот жисмларининг ҳаракати ҳали овруполиклардан бир неча аср бурун азиймуш шаън Куръонда баён буюрилган экан.

Учинчиси. Ҳар нечук феъл ва ҳаракат Раббоний идоранинг хоҳиш ва истагига кўра рўй берилиши ҳақиқат экани.

Тўртингчиси. Бутун инсониятга — одам боласига бирдек меҳр ва оқибат кўрсатмоқ.

Бешинчиси. Мўмин Худонинг хавфидан бошқа ҳар нечук қўрқув ва талошдан қалбини озод этмоғи, шу восита билан ўзининг абадий саодатини таъмин этмоғи.

Олтингчиси. Ҳар нечук шубҳа-гумонлар кулохидан кутулиб, Раббоний вахий бўлган азиймуш шаън Куръоннинг жалил амрига бўйсунмоқ.

Шундай қилиб, бу асос ва буюк ҳақойиқни англаған, бу гўзал аъмол ижросига сайд ғулалбоб» исломий ҳикмат чашмасидан баҳраманд бўлажак. Бу муборак гурух хусусида «Бакара» сурасининг икки юз олтиши тўққизинчи ояти каримасида буюрилади: «Юътил ҳикмата ман яшаъу ва ман юътал ҳикмата фақод увтия хойрон касийрон ва ма яззаккари илла улул албаби». Мазмуни: «Кимни хоҳласа, ўшанг ҳикматини беради. Кимга ҳикмат берилса, унга кўп яхшилик берилган бўлади. Фақат акл эгаларигина эслайдилар». (Ояти карима таржимаси «Тафсири Ҳилол»дан олинди).

Эй солик! Азиймуш шаън Куръонда хайрли башорат бўлган ҳақиқий ҳикматга молик бўлмоқ эсанг, Раббоний амрга тобеъ ва толиб ва ҳикматга молик бўлган бир марди Худога роғиб бўл! Токи сен ҳам мубин динимизнинг дақойиқларидан воқиф ва мардони Худонинг ҳикмати билан доно ва ориф бўларсан.

Хотамул анбиё (с. а. в.) буюрадилар: «Ҳикматнинг боши хавфи илоҳийдир». Бу ифоданинг накадар буюк ҳикмат экани таърифга муҳтоҷ эмас!

МАСНАВИЙ

*Манбаъи ҳикмат шавад ҳикмат талаб,
Фориг ояд ўзи таҳсили сабаб.*

ТАРЖИМАСИ

*Ҳикмат кони бўлди ҳикмат истаган,
Фориг бўлди у сабаб таҳсилидан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳикмат талаб қилган кимса ҳикмат таҳсилидан кейин ҳикмат манбаига айланади ва сабаб таҳсилидан фориғ бўлади.

ШАРХ

Ҳар бир инсон шариати мутахҳаранинг (пок диний аҳкомлар, конунлар мажмуи) йўлида ҳаракат айламоги фарз. Бир сохиби

ирфондан ҳикмат талаб қилган кимса Оллох марҳамати билан асл саодат сохиби бўлади. Ва у, ҳақиқатан, билурки, кофай асбобнинг (барча сабаблар) холики Оллох тъялодир.

Иймон келтирган банда шариатнинг мана бу банди маъқул, бу банди эса номаъқулроқ демоги мумкин эмас. Шариат шундай бир ҳавзидирким, бу ҳавздан бир катра сув бехудага истроф қилинса, қурийди. Шул боисдан иймон рукнларидан фариштага инондим, лекин «ҳайру шарр» Ҳақдан эканига ишонқирамайроқ турибман, деб бўлмайди.

Биродарлар, бу олам бутун борлигича Оллох назари ва эътибори остидадир. Биродарлар, кўзингизни каттароқ очиб, самовот кенгликлариға назар солинг, бир лаҳза хаёлан ер юзидан ақалли етти-саккиз терак бўйи кўтарилинг. Э биродар, ана шу етти-саккиз терак баландликдан ерга томон қарасангиз фалончи бойнинг қасри катақдан ҳам кичкина эканини пайқайсиз. Ҳудди шу арзимас баландликдан сизга бирорнинг жарак-жарак мол-дунёси, тақаббурлиги, манманлиги асло кўзга ташланмайди. Э биродар, энди хафа бўлманг, сиз жамийки майда-чўйда, икир-чикирлардан фориғ бўлдингиз!

Дунёдаги ҳеч бир нарса Оллох назаридан кочиб қутилмас.

МАСНАВИЙ

*Лавҳи ҳофиз Лавҳи Маҳфуз шавад,
Ақл аз ўрухи маҳфуз шавад.*

ТАРЖИМА

*Лавҳи ҳофиз Лавҳи Маҳфуз ўлур,
Ақл ундан руҳи маҳфуз ўлур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Лавҳ ҳофиз экан, Лавҳи Маҳфуз бўлади. Ҳикмат талабида бўлган кимсанинг ақли руҳ туфайли маҳфуз бўлади, яъни асралади.

ШАРХ

Ҳикмат талабида бўлган ақл ва ҳикмат сохиби Қуръони каримнинг буюк ҳақиқатлари, бир марди Худонинг ҳукм ва асрорларини ҳифз этгувчи бир лавҳ экан, Илохий файз уни нафс ва шайтоннинг васвасасидан маҳфуз этади, яъни асрайди.

Ўша толибининг ақли ибтидода ҳикмат талабида экан, сўнг унинг ўзи Рух ёҳуд Руҳул кудс (малоика) томонидан асрагувчи, қўллагувчи қудратга айланади.

Одамзод руҳнинг қудратини ҳали-хануз ҳис қилганича йўқ. Такво соҳиблари, мужоҳид, сиддик, ориф ва соликлар руҳининг

құдрати чек-чегарасыздыр. Биз кундалик рүзғор машмашалари, дүнёнинг ялтири-юлтири алдоқлари, нафснинг тизгинисиз исёнлари, лаңза сайн майший инқилоблар саҳнасида кечәётгән тұнтарыштар комида бўлиб, руҳониятдан жуда бўлаётди. Оллоҳнинг ёлғиз Одам фарзандигагина берган энг танқис неъмати — Руҳдан юз бурдик. Рух бизни тириклай тарк этди, тан ҳар нарсадан галиб келди.

МАСНАВИЙ

*Чун муаллим буд ақлаш мардро,
Баъд аз ин шуд ақл шогирде ўро.*

ТАРЖИМА

*Ақли устоз эрди аввал эрнинг,
Сўнгра шогирд бўлди у, не дердинг?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ул зотнинг ақли ибтидода хожа эди. Сўнг эса ақл унга шогирд тутинди.

ШАРХ

Инсоннинг дунё ва охират ишларида тараққий этмоғи учун энг бирламчи восита — устоди унинг ақл ва истеъдоди бўлиб, ақли комил соҳибини ибодати мақбула ва масоиъи машруя ижроси, ҳамда ҳикмат таҳсилига даъват қиласи. Бир марди Худонинг этагини туттириб, маърифат касб эттиради. Толиб оқил, тариқи ҳакқа, руҳи ҳақойиққа восил бўлгандан сўнг, ақл унинг руҳоний ҳикматидан ҳайратда қолиб, даставвал устод эса, ниҳоят шогирд бўлади.

Инсон ёлғиз жимоъ ва муттасил эт еб, дунё маҳлукотига қирон келтириш учун яратилганида Парвардигор унга «имтиёз» бермаган бўларди. У «акл» имтиёзи билан жамийки маҳлукотдан баланд бўлди. Инсон ақл билан бутун мавжудот устидан ҳокимлик ўрнатди. Ўзидан неча минг карра құдратли бўлган маҳлукларни тухуми билан қутилди. Аммо, минг афсуски, инсон нима сабабдан бу илохий «имтиёз» ёлғиз унгагина берилганини хаёлига ҳам келтирмади. У — ақлли. Унинг ақли шиддат билан таазазул сари учиб бораётганини сезиб, ҳис қилиб туради. Аммо, ақл унга ҳар лаңза орқага йўл йўқ, деб уқтираверади. Аммо, у билмайдики, Оллоҳ салтанатида на «орқа» ва на «олдин» бор. На тарих бор, на ўтмиш ва на келажак бор. Оллоҳ салтанатида бугун биз бормиз, эртага ҳам биз бўламиз. Аммо қаерда? Қандай холатда? Қайси холатда? Қайси маконда? Буни ёлғиз Ўзи билади. Тангритоф этагидаги қандайдир корхона ўрнида отхона, унинг

ўрнига майхона кури таверади; Кофарниҳон соҳилига кимдир ором-гоҳ тиклайди, кимдир уни бузиб ташлайди ва масжид тиклайди, кимдир масжидни ҳам бузиб ташлаб бутхона куради...

Тангритоғ Тангри мангулигининг тимсоли бўлиб тураверади, Кофарниҳон эса Инсон Рухининг абадияти бўлиб шовиллайди... Шовиллайди...

Машҳаргача шовиллайверади. Унинг тўлқинлари қабр усти-хонларини кўчириб кетгандек, оромгоҳдаги антиқа ёткоҳонани, ундаги хушбўй тўшакларни-да тўлқинлари кифтига ташлаб оқа-веради...

Мангулик ана шу. Вақт — бизмиз. Мана шу замон ҳам ўзимиз.

МАСНАВИЙ

*Ақл чун Жибрийл гўяд: «Аҳмадо!
Гар яке гоме ниҳам сўзанд маро».*

ТАРЖИМА

*Ақл дер Жибрийл мисоли: «Аҳмадо,
Бир қадам қўйсам ёнарман ўт аро».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ақл Жаброил алайҳиссалом каби дейди: «Агар мен яна бир одим олға ташласам тажаллий нури мени кул-кукунга айлантиради».

ШАРХ

Улуг Меъроҳ тунида Фахри олам алайҳиссалоту вассалом бир оз таваққуф килган ҳазрат Жаброил алайҳиссаломга дейди: «Эй биродар, не учун мендан таъхир этдинг?» Ҳазрат Жаброил алайҳиссалом жавоб беради: «Агар бир бармоқ боши қадар олға қадам ташласам ёнгайман».

Ақл ҳам ибтидода соҳибига раҳбар ва раҳнамо экан, ниҳоят тараққий этган Рухга ёхуд Рух соҳибига арз этади: «Мен ўз иқтидорим воситасида маълум бир нуктага қадар бора оламан ва муайян ҳодисанигина фахмлайман. Агар сен кўра билгувчи хукм ва асрорни ўз қувватим билан ҳифз этмакка касб айласам тажаллий нури мени кулга айлантиражак».

Бу байти шариф нечоғли олий, нақадар маънавийдир. Комил ақл Жаброил аминга, тараққий этаётган Рух пайғамбаримизнинг (с. а. в.) лайли жалилаи Меърождаги (Меъроҳ туни) қудсий ахволларига қиёсланяпти.

Ҳазрат Жаброил бир лаҳзада чексиз масофани босиб ўтарди. Комил ақл ҳам бир сонияда зежнан афлокни сайр ва ихота айлайди. Пайғамбаримиз (с. а. в.) чексиз тажаллиёт нури ва илоҳий ҳикматга мушарраф бўлдилар.

МАСНАВИЙ

«Ту маро бигзор, з-ин пас пеш рон,
Хадди ман ин буд, эй султони жон!»

ТАРЖИМА

«Сен мени қүйгін-да бұл олға равон,
Шул эди ҳаддим, эй султони жон!»

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сен мени қүй. Олдинга боравер. Менинг ҳаддим шул ерга довур әди, эй жон султони!

ШАРХ

Бул байти шарифдаги фасоҳат ва балоғат, ирфон ва маърифатта боқинг! Саодатга дағындар ва ҳикматта қобилиятли инсон волаю ҳайрон бўлди. Юз оғарин, эй ношири нури яқийн, Ҳазрат Мавлоно Жалолиддин! Эй, сўфия аҳлиниңг пешвоси ва эй, орифлар жон сувининг сарчашмаси! Жаброил амин Фахри оламга (с. а. в.) арз қилгани каби ақл ҳам соҳибига дейди: «Менинг қувватим сенга зоҳирий улумлар ва турли амрларни етказмакка етарли әди. Аммо энди сенинг учун бошқа бир поёнсиз олам юз кўрсатдики, менинг у олам ичра кирмакка ҳад ва иқтидорим йўқ! Энди, эй Рухи равон, сенинг олий навбатинг намоён бўлди. Ул олами лоҳутга тўғри шитоб эт. Ва файзинг туфайли мени ҳам ноили урфон ва комрон айла!»

МАСНАВИЙ

Ҳар кий монд аз коҳилӣ бешукру сабр,
У ҳамин донад, ки гирад жой жабр.

ТАРЖИМА

Кимки коҳил бўлди бесабр, бешукур,
Жабр пойин тутганин билгай сўқир.

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳар кимки танпарварлик ва танбаллиги боисидан шукрсиз ва сабрсиз бўлди, ундей одам жабрнинг оёғини тутганини яхши билади.

ШАРХ

Инсон боласида мавжуд бўлган бу қадар Раббоний эҳсон — аъзолар, ҳис-туйғу, тафаккур ва руҳоният учун Оллоҳ таъолога шукронга келтирмак жоиз.

Шу нуктада Оллоҳ таъюлонинг одам фарзандига эҳсон қилган анвойи неъматларини, одамзод ўз кўли, ақл-тафаккури билан яратган неъматларидан ажрим килиб олайлик. Оллоҳ таълонинг Одам боласига инъом қилган энг буюк неъматларининг мумтозоргини ҳам санаб адо этиб бўлмайди. Масалан, одамийлик неъмати нима? Бу сиз билан бизнинг тўнғиз ё ит қавмида яралмаганимиз учун Оллоҳга шукrona келтирмагимиздир. Ҳолбуки, аксарият ҳолларда биз бу неъмат қадрини тупроқка қориб, тўнғиз ё ит ҳам ҳазар қилгувчи амалларни адо этувчи-лармиз. Ёинки ақл-тафаккур, меҳр-муҳаббат каби энг олий неъматларни олайлик... Одамзод кўп ҳолларда кафтларини ёзаркан, энг аввало, акаси ёхуд укаси, бир оддий химматли одам ҳам беришга кодир бўлган неъматни оламлар, замину самовот, ундаги жамийки мавжудотнинг Холики — Оллоҳ таборак ва таъюлодан сўрайди...

МАСНАВИЙ

*Хар кий жабр овард ҳуд ранжур кард,
То ҳамон ранжурниш дар гўр кард.*

ТАРЖИМА

*Жабр қилган ўзин бошига етди,
Ўшал жабри ани мозорга элтди.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кимги одамлар бошига жабр келтириди, ўзини-ўзи хаста айлади, яъни ўз бошига ўзи етди. Ўша хасталик охир-оқибат уни гўрга тикди.

ШАРХ

Ҳар кимки ғайри мустакийм, яъни эгри йўлни тутди, Ҳақдан чекинди, йўл сўнгидаги ўзини хаста ва тор-мор айлади. Инсон маънан ва жисман мариз (касал) ёхуд ожиз бўлмасликни истаса, ибодат ва хайрли амаллар ижросига саъй-харакат қилсин.

Инсон фитрати яхшилик — фақат яхши амаллар тупроғидан қорилган. Шу сабабли ёмонлик содир этгувчи зотлар, ёхуд ёмонликка мойил одамларни чиндан хасталар дейиш мумкин. Рухан, ақлан, жисман соғлом одам ёмонликни билмайди. Кимки ёмонликни ақалли хаёлидан ўтказса, демак, албатта иллатлидир. Бу иллат унга хаёти дунёда ҳам катта мусибатлар келтиради; укбо ҳаётида ҳам.

Савол туғилади. Минглаб-миллионлаб одамлар қурбон келтирган жанглар, ўзаро даҳшатли урушларда иштирок этган ҳам-

ма шахсларни қотиллар ёхуд разил инсонлар деб бўладими? Инсон жамият бўлиб, давлат бўлиб яшай бошлагандан бўён неча-нечада даҳшатли кирғинлар ва сўнгиз курбонлар келтирган фалокатларни яшади. Яшаб келаётир. Бу кирғин ва фалокатларга чиябўри ва тўнгизлар эмас, айрим инсонларнинг чексиз-чегарасиз ҳарислиги сабабдир. Фалон оувул ё маҳалладаги подачининг таёғини қўлидан тортиб олиб, унга қилич тутқазганлар сабабидир. Ер юзида яшаб ўтган камдан-кам ҳукмдорлар чинакамига соғлом эдилар. Дунёни эгаллаган барча салтанат соҳиблари чексиз манманлик ва шухратпастлик касалига мубтало бўлганлар.

МАСНАВИЙ

*Гуфт пайгамбар, ки ранжури балог,
Ранж орад то бимирад чун чарог.*

ТАРЖИМА

*Деди пайгамбар, киши ранжур эса,
Ранж этгай то чиродек сўнмаса.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Оlamлар фахри алайхиссалоту васаллом буюрди, асоссиз хасталик ранж ва касаллик келтиради, тики соҳиби чироғ янглиғ фавт бўлгунга қадар.

ШАРХ

Демакки, жабарийлик василаси билан ибодат килмоққа ўзини иктидорсиз билган ёки аксинча жабарий бўлмай туриб ҳам танбаллик, лоқайдлик билан умр ўткарган кимсалар оқибатда хастадил ва бекарор бўладилар. Бинобарин, шаръий ибодат ва хайрли саъй-ҳаракатдан манъ этгувчи бирор-бир ҳис пайдо бўлса, бу фикрни айни жаноб Зулжалол иродасига муҳолиф бир фикр деб билмоқ, дарҳол қалб лавҳи ва ақлдан уни ўчириб ташламоққа ҳаракат қилмоқ жоиз.

МАСНАВИЙ

*Жабр чи буд? Бастан шикастаро,
Е бипайвастанраги бигсастаро.*

ТАРЖИМА

*Жабр нима? Богламоқ синса недир,
Е кесик томирни пайвандлаш эрур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Жабарийлик нима? Синган нарсани боғламоқ ёхуд кесик томирни бир-бирига пайванд қилмоқ. (Бу байти шарифнинг маъноси қўйидаги байт шарҳидан англашилади).

МАСНАВИЙ

*Чун дар ин раҳ поии худ нашкастай,
Бар кий механдӣ чи поро бастай.*

ТАРЖИМА

*Гар оёгинг синмади бу йўлда шон,
Нега кулдинг, ҳам оёгинг боғлабон?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй ғоғил, Оллоҳ таъоло йўлида оёғинг синганича йўқ, кимнинг устидан куляяпсан? Оёғингни боғлаб ҳам олибсан.

ШАРХ

Эй жабарий! Жаноб Вожибул вужуд йўлида воқеъ бўлган убудият ва инсоний вазифалар ижросига иқтидорсиз бўлсанг, кимнинг устидан масхараомуз куляяпсан? Оллоҳ таълононинг устиданми? Эй ғоғил! Каро ер қаъридаги зарра ҳашаротдан энг улур махлукотгача қудрати қўлида бўлган Зот устидан кулиб бўладими? Бу йўлда оёғини синдириб, бурнини қонатган мужоҳид ўсмирлардан такво ахлигача сенинг латтапеч оёғинг, ишшайған турқ-тароватинг, зоҳиру ботинингдан огоҳ!..

МАСНАВИЙ

*В он, ки пояш дар раҳи кўшиши шикаст,
Даррасид ўро Буроқу барнишаст.*

ТАРЖИМА

*Саъӣ этди, тун кун синдириди оёқ,
Келди қошига етиб онинг Буроқ.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ул пок Зот, оламлар фахри алайхиссалоту вассалломнинг оёқлари кўп саъӣ-ҳаракат, ибодат ва қиём оқибатида шишиб кетарди. Ул муборак Зот хузурида Оллоҳ таборак ва таълононинг изни билан Буроқ ҳозир бўлди.

ШАРХ

Саҳих китобларда мастур ва машхурдирки, Пайғамбаримиз (с. а. в.) Қиём ҳолатида кўп ибодат қилишлари оқибатида муборак оёқлари шишиб кетарди. Ҳатто ҳазрат Ойиша розияллоҳу таъоло анҳо рисолатпаноҳ ҳазратларига арз қиласиди: «Эй оламлар фахри! Оллоҳ таъоло «Фатҳ» сурасида Сизни мутлоқ магфират қилганлиги башоратини берди. Не сабабдан бу қадар заҳмат ва машаққатни ихтиёр этдингиз ва муборак баданингизга бу қадар озор етказдингиз?» Шунда Ҳидоят манбай, Жаноби Робби иззат махбуби (с. а. в.) жавоб бердилар: «Афало акун абдан шакуран», яъни Оллоҳ таъоло ҳазратларининг бу неъматларига жавобан шукур этгувчи банда бўлмайми?»

Пайғамбаримиз (с. а. в.) машаққатли ибодатни ихтиёр айланниклари ушбу ояти каримада ҳам мусаббитдир: «Тоҳо! Ма анзална алайкал Куръани ли ташқо». Оятнинг хуруфи муқаттаъдан сўнгги маъноси: «Эй Мухаммад! Биз сенга Куръонни жонингга машаққат етказмагинг учун индирмадик!»

Ҳак йўлида чеккан машаққат, ибодат ва жиход туфайли ҳазрат Пайғамбаримизнинг муборак оёқлари шишиб кетди, натижада Оллоҳ таборак ва таъоло улуғ Меъроҳ туни ул Зот ҳузурига Бурокни йўллади ва ўзининг раҳмат нурларига чулғади.

МАСНАВИЙ

*Ҳомили дин буд ў – маҳмул шуд,
Кобили фармон буд ў – мақбул шуд.*

ТАРЖИМА

*Ҳомили дин эрди у – маҳмудир,
Кобили фармон эди – мақбулдир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Пайғамбаримиз (с. а. в.) диний ва дунёвий вазифаларнинг ҳомили (яъни кўтаргувчи) эди. Бунинг эвазига Оллоҳ субҳона ва таълонинг марҳамати илиса одат Бурокини минмакка (маҳмул) муюссар бўлди.

ШАРХ

Ибодат ижроси баробарида мубин динимизнинг равнаки йўлида чеккан заҳмат ва машаққатлари эвазига Расули акрам (с. а. в.) бутун башарият қалбидаги муҳаббат уйғотди. Оллоҳнинг мақбул пайғамбари ва қулларидан бирига айланди.

МАСНАВИЙ

*То кунун фармон пазиригүйтىй зи шоҳ,
Баъд аз ин фармон расонад дар сипоҳ.*

ТАРЖИМА

*То бу дам фармонни шоҳдан олди у,
Сүнг бу фармони сипоҳга солди у.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

То бу дамга қадар Раббоний фармонни қабул этгувчи эди. Кейин бу фармонни бутун инсониятга етказмак саодатига мушарраф бўлди.

ШАРХ

Нури олам Аҳмад Мухтор, маҳбуби жаноби Кирдикор Пайғамбаримиз (с. а. в.) убудият ва ибодат ижроси билан бир қаторда Оллоҳ таъоло фармонларига мазҳар бўлди. Сўнг Раббоний ваҳийни инсонларга ва оламларга етказди.

МАСНАВИЙ

*То кунун ахтар асар кардй дар ў,
Баъд аз ин бошад амири ахтар ў.*

ТАРЖИМА

*То бу дам юлдуз асар этган эса,
Сўнг амир бўлди бу юлдузлар уза.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

То бу кунга қадар, яъни ибтидода юлдуз Оламлар фахрига (с. а. в.) асар этган бўлса, сўнг ул муборак зот юлдузлар узра мутлок амир бўлди.

ШАРХ

Ибтидода Пайғамбаримизга (с. а. в.) Ер курраси, ой ва юлдузларнинг моддий таъсироти бешаку шубҳа бўлган эса, сўнгра Ер курраси, ою юлдузлар ва турфа жисмлар Оллоҳ таъоло ҳабибидан маънан муассир бўлиб, рисолатпаноҳ нури туфайли инсоният оламини мунаvvар айладилар.

МАСНАВИЙ

*Гар туро ашкол ояд дар назар,
Пас, ти шак дорй дар он «Шаққул қамар»*

ТАРЖИМА

*Гар нигоҳинг ишқали бор, алҳазар,
Шак қилурсан ҳодиси «Шаққул қамар».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар сенинг ақлинг ва назарингда ҳазрати Рисолатпаноҳнинг (с. а. в.) мўъжизот ва кароматларига нисбатан шубҳа бўлса, демак, сен Шакқул қамар ҳодисасига (яъни, ойнинг парчаланишига) инонмайсан.

ШАРХ

Эй пишиб етилмаган сомеъ! Агар сен Пайғамбаримизнинг (с. а. в.) юлдузларга амир бўлганига шубҳа қиласанг, демак, Рисолатпаноҳ ишорати билан воқеъ бўлган Шакқул қамар (ойнинг парчаланиши) ҳодисасига ҳам шубҳа қиласан. Ҳолбуки, сенинг ақлинг етмаган Шаққул қамар мўъжизасининг ҳикмат ва ҳақиқати авлиёуллоҳ назарида қуёшдан-да равшанроқдир.

МАСНАВИЙ

*Тоза кун иймон на аз гуфти забон,
Эй, ҳаворо тоза карда дар ниҳон.*

ТАРЖИМА

*Эй, ҳавосин тоза қилган аҳли нафс,
Тоза қил иймонни, аммо тилдамас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Иймонингни феълан ва қалбан тоза айла, аммо ёлғиз тил билан эмас, эй, яшириқча ҳавоий нафсини тоза қилган инсон.

ШАРХ

Ҳаққа иймон келтирмак муслим учун буюк шартдир.

Иймон келтирмак ёлғиз тил воситасида бўлмай, феълан иймонни исбот этмак матлуб ва мақбулдир. Қалбий иймон мақбул фаолият ва сидқидилдан адо этилган ибодат асосида зухур этади. Акс ҳолда, ёлғиз тил воситасидаги эътирофлар, чунончи, «Мен иймон келтирдим», қабилидаги лафз ва таъбир билан «иймон»га келгандар керакли калом ўрнига унга хилоф бўлган сўзни истеъмол килган таржимонга ўхшайдилар. Албатта, бундай мутаржимлар пировардида мулзам бўлиб қолишади.

Теварак-атрофимизда биз билан бирга Ислом ҳавосидан баҳ-

ра олиб келаётган саноқсиз биродарларимизнинг феъл ва афкорларини таҳлил эта бориб, гаройиб ҳолларга дуч келамиз. Чунончи, баъзи мусулмон биродарларимиз қасддан жамоат намозларини тарк этадилар. «Юринг, жума намозига», десангиз зарур иши борлигини рӯқач қиласидилар. Лекин уларга иймонлари заифлиги борасида сўз очсангиз қаттиқ оғринадилар. Афсуски, кўплаб биродарларимиз иймон гавхари мусулмон кишига нечоғли улуг завқ ва ҳаловат инъом этишини тугал ҳис эта олмайдилар. Афсуски, чоғирхўрлик, айш-ишрат, сурункали қўнгилхушликка берилган баъзи биродарларимиз ҳам ўзларини ғайри шаръий амалларининг хисобини беролмайдилар. Уларнинг назарида яхши, вижонли одам бўлишнинг ўзигина кифоя. Чоғир ичиб, бироннинг бошини пачоқ қилмасанг, кимнингдир қўнглини ғажимасанг, шунинг ўзи етарли, деб гумон килишади. Шу боис, масти аласт ҳолда Куръони карим оятларини зикр қилишдек қабих ҳолларга дуч келаяпмиз. Шу боис ҳали бир ракъат намозни тўқис адо этмай туриб, «шайх» у «сўфий»лик иддао этаётган зиёлилар пайдо бўлмоқда...

МАСНАВИЙ

*To ҳаво тоза аст иймон тоза нест,
К ин ҳаво жуз қуфли он дарвоза нест.*

ТАРЖИМА

*To ҳавои нафс тоза, тоза иймон йўқ,
Бул ҳаво қулфким, дилу, дарвозалар ёпуқ.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Токи ҳавои нафс тоза экан, иймон тоза бўлмайди. Зеро, бу ҳаво ул дарвозанинг қулфидан ўзга нарса эмас.

ШАРХ

«Мен иймонимни доимо тозалайман», деган кимса ушбу жиҳатга аҳамият берсин. Аввало, ҳавои нафсга тобеъ бўлмасин, гуноҳ амаллардан ижтиnob этсин; Раббоний амрлар ижросига шитоб ва ғайрат айласин. Шундай иймоннинг сахих ва мұтабарлиги шаку шубҳасиздир.

Иймон дарвозаларининг ланг оча билмак ҳар нечук марднинг ҳам қўлидан келавермайди. Аввало, қалб қулфининг калити қалб сохиби — Оллоҳ тъялонинг азамати илқидадир. Бу Зот ҳар нечук кимсанинг қулфига ўз жалолати калитини соловермайди. Худо азза ва жалла азиймуш шаън Куръоннинг бир неча ояти карималарида ҳидоят ўзининг жалолати ва азамати илқида экани ва ҳар нечук «кар», «кўр» ва «соқов»ларнинг қулфи дили очавермаслигини таъкид этади.

Сиз эса доимо ажабланасиз, нега фалончини иймонга келтириб бўлмайди?.. Азалда бўлмаган нарса ҳеч қачон бўлмайди!..

МАСНАВИЙ

*Кардаи таъвил ҳарфи бикрро,
Хешро таъвил кун, на зикрро.*

ТАРЖИМА

*Таъвил айлабсан бу ҳарфи бикрни,
Ўзни таъвил айлагил, на зикрни.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй, ҳавойи нафсга тобеъ бўлган ва ботил таъвил этгувчи кимса! Бокира ҳарфни таъвил айлаб, ўзинг истаганча маъно бермишсан. Азиймуш шаън Куръоннинг жалил маъноларини тағйир ва таъвил этмакка журъат этибсан, ўз ҳавойи нафсингни таъвил ва ислоҳ эт!

ШАРХ

Ақл ва заковатдан маҳрум баъзи инсонлар фано йўларида, файри мустақим кўчаларда сарсон-саргардон бўладилар. Уларнинг агарчи ақл-заковатлари ҳаминқадар бўлса-да, лекин дунёни бузгудек «ҳавойи нафс»лари бор. Улар гап билан Афлотуннинг жағига оғизбог боғлай оладилар, ҳар нечук валийни хор қиладилар. Бу тоифа одамлар Мавлоно ҳазратлари айтганларидек, Куръони каримни таъвил қиласидилар, Пайғамбар (с. а. в.) рисолатлари устидан ҳукм чиқарадилар. Башарият бу зумраларнинг бот-бот тарих саҳнига чикиб, оломонни бошқарганлигига гувоҳ бўлган. Бундай инсонлар гуруҳидан Ўзи асрасин.

МАСНАВИЙ

*Бар ҳаво таъвили Куръон мекунӣ,
Пасту каж шуд аз ту маънии сани.*

ТАРЖИМА

*Эй, қилиб таъвил азим Куръонни,
Эгри лафзга тўлдириб дунёни.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй ботил таъвил соҳиби! Ҳавойи нафсинг хуружи ила буюк Куръонни таъвил қиласидан ва улуг маъниларга путур етказаяпсан.

ШАРХ

Бир инсон Ҳак йўлини тарк айлаб, ҳийла ва хаёлот водийсига келиб, убудият вазифасини унугтган куйи азиймуш шаън Куръоннинг олий маъноларини ғоят тафйир ва таъвил этса, унинг «кашф» этган маънолари буюк Куръон маъноларига хилофдир. Фосид хаёлот билан бундай «ислохот»га журъат этган нодонлар ҳакида бир қанча Куръоний ҳукмлар бор.

МАСНАВИЙ

*Монд аҳволат бидон тарфи магас,
К-ў ҳаме пиндошт ҳудро ҳаст кас.*

ТАРЖИМА

*Боқ, чивин аҳволига, ул нотамом,
Ким қилиб ўзни гумон олиймақом.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй ғофил! Сенинг ахволинг ўзини алланечук олиймақом гумон қилган тариқдек чивиннинг ҳолига менгзайди.

ШАРХ

Азиймуш шаън Куръон ва аходиси шарифанинг буюк маъноларини ўзини тор тафаккури доирасида таъвил этмакка қиём этганлар шу қадар оддий ва шу қадар ожиз одамларки, улар Мавлоно ҳазратларининг шариф байтларида бир ночиз чивинга таъбир қилинадилар. Аммо, минг афсуски, буюк бир қудратга «панжа урган» бу чивинваш кимсалар ўзларини ғоят муктадир, пуркудрат зотлар деб гумон қиласидар.

МАСНАВИЙ

*Аз ҳуд ў сармасст гашта бешароб,
Зарраи ҳудро бидийда офтоб.*

ТАРЖИМА

*Ўздин ў сармасст эрди бешароб,
Заррасин айлаб гумон чун офтоб.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чивин шаробсиз сармасст ва сархуш бўлди. Ўз заррасини күёш қадар буюк ва порлок, деб тасаввур қилди.

ШАРХ

Ёлғиз ўзини якка-ю ягона олим, деб фараз қилган баъзи аҳмок кимсалар заррасини қуёш, деб тасаввур қиладилар ва ўз хидларидан сармаст бўлиб, оламу одамни эсдан чикарадилар.

Ҳамиша ўзидан мамнун, ҳамма вакт ўз ҳолатидан, кирдикорларидан, машғулотидан рози бўлиб юрадиган кимсалар шубҳалидирлар. Доимо ўз нуқсонлари билан жиққамушт зотларга ишонинг. Филайга дунё тескари, буқрини гўр тўғрилайди, қабилидаги маталларни тўқиб, ҳаммани алдаб юрган кимсаларга ишонманг. Филай энг рост назар соҳиби, буқри адл қомат эгаларидан чандон афзал бўлиши мумкин.

МАСНАВИЙ

*Васфи бозонро шунида дар баён,
Гуфт «Ман анқои вақтам бегумон».*

ТАРЖИМА

*Тинглаб қушлар васфини ул шу замон,
Деди: «Вақт анқосиман мен бегумон».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чивин шоҳин ва тўғон каби қушлар таърифини эшитгач, ўзини улардан чандон зиёда хис килиб: «Шубҳасиз, мен вакт анқосиман» деди.

ШАРХ

Баъзи бир мутакаббир муддайилар маъно осмонида лочин бўлган Оллох таъоло мардлари таълиф этган китобларни мутолаа килиб, ўзларида йўқ хислатларни пуфлаб шиширадилар ва бу ўпкадангина иборат идиш поқиллаб ёрилгунга қадар ўзларини аҳмокларча суйиб юраверадилар.

Тангри таъоло лочинни ўз мақоми, чивинни ҳам ўзига хос ўрни ва вазифаси билан яратди. Чунончи, у инсонга акл берди, ҳўқизга бермади. Ҳўқиз етти мадрасада ўқиса-да, ҳўқиз бўлиб колаверади, инсон бутун умрини фақат бадантарбияга бағишиласа-да ҳўқиздан бақувватроқ бўлолмайди. Худойи таъоло чивинни ўз ўрни ва мавқеи билан яратди. Баъзан терак ё тол ковагида чириндига коришиб ётган оқ фумбак куртларни кўриб коласиз. Албатта, бу танбал ҳашаротдан ғазабланасиз, аммо ўз ўрнида ва мақомида турган бу ҳашарот асло танбал эмас. Масалан, ит нега ҳаккага ўхшаб шохма-шох сакраб юролмайди, деб оёғини синдириб ташлаш фирт жиннилик. Аёллар тош кўтараяпти, тўп тепаяпти, кураш тушаяпти. Бу балиқни қуруқликка ўргатиш, ниначини чумолилар инида яшашга қўнкитириш каби файритабийи ҳолдан ўзга нарса эмас...

МАСНАВИЙ

*Он магас бар барги коңы бўли хар,
Хамчу киштийбон ҳамеафрошт сар.*

ТАРЖИМА

*У чивин хас ҳам эшон жиловида,
Чайқалар эрди қайиқчи бобида.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ўша чивин сомон парчасида ва эшак жиловида қайиқчикдек чайқалар эди.

ШАРХ

Хилқатан мутакаббир ва сифлий зотлар бу муборак байтда чивинга ташбих бўлмоқдалар.

Чивин бир сомон парчаси ва эшак жиловида кўнган экан, сомонни қайик, жиловни уммон, деб тасаввур қиласи. Бошини мутакаббираона кўтариб, атрофга «Менинг қудрат ва азаматимга бокингиз!» деб жар солади. Холбуки, азамат ва қудрат ёлғиз жаноб Робби иззатта маҳсус бўлиб, кибру фуур этганлар чивин намо кимсалардир.

МАСНАВИЙ

*Гўфт: «Мен дарёву кишти хондаам,
Муддате дар фикри он мемондаам».*

ТАРЖИМА

*Деди: «Уқдим мен қайиқ, дарёни ҳам,
Неча муддат фикрим айлаб унда жам».*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чивин дейди: «Мен дарё ва қайик илмини ўқиб-ўргандим. Бир неча муддат фикр-ўйим ўшалар билан банд бўлди».

ШАРХ

Чивин сомон парчасини қайик, эшак жиловини дарё гумон этганидан сўнг, ифтихор ҳисси жўш уриб деди: «Дарёга доир илмларни узок муддат давомида таҳсил этдим».

Худди шундай ботил таъвилот соҳиблари ҳам ўз девоналикларини фазилат, ундан ҳам баттарроғи маърифат, деб гумон этсалар, тамом.

Ахир, ўшалар эмасми, ўз билган нарсасини энг сўнгги ҳақиқат деб фараз этаётганлар?

Ахир, ўшалар эмасми, мендан кўра билгувчироқ йўқ дегувчилар ва Ҳак илмини инкор этгувчилар?

Ахир, ўшалар эмасми, бутун бошли одамнинг калласига файриинсоний таълимотлар мағзавасини қуиб, шундай ҳам гаранг хайлни баттар гарангроқ килиб, подадек ҳайдаб юрганлар?

Моддапарастлар, шу қадар теран шайтоний билимлари билан, моддий баданлари таркибидаги яширин ақл қайсалик билан ўзини-ўзи инкор этаётганини англамайдилар. Ажабо, Рух мавжуд эмас деяёттан зот «ақл»нинг ўзи асл Рух эканини нега англамайди? Шайтон уни масхара қилаётганини, оламни жиққа моддиётга, яъни конга тўлдирган бу зотлар нега билмайди?

Ўша моддапарастларнинг ақалли бирор марта бўлсин осмонга боқмаганлари ёлғон. Аммо руҳий сирларга лиммо-лим самовот ҳам уларга ҳеч нарса бермади. Бу руҳсиз кимсалар беш кунлик умрлари давомида дунёни ўзгартираман, башарни баҳт-саодат қўпиларига фарқ қиласман, деб курраи заминни тўзонга қориб келдилар. Аммо, фойибдан келиб, яна фойибга сингиб кетгувчи, фарёд солиб оламга келиб, доду фифон билан тарк этгувчи бир ожиз жон соҳиби қандай қилиб мени саодатли қилиши мумкин? Жоннингни беролмасанг, дардимни ололмасанг, сен мени нечун тўқис бахтли қила олардинг?

Мени ар-Роҳман саодатли қилгуси!

Мени ар-Роҳийм кутқаргуси!

Чивин эса, бечора, сомон чўпини қайик ва бир хокисор махлук жиловини дарё, деб гумон қилаяпти.

МАСНАВИЙ

*Ин, ки ин дарё ва ин киштий ва ман,
Марди киштийбон ва аҳли раъии зан.*

ТАРЖИМА

*Бул қайик, дарё ва мен – олижаноб,
Бир қайиқчи, қолгани аҳли хароб.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу – дарё, бу – қайик ва мен – бебок қайиқчи. Қолгани – ҳеч.

ШАРХ

Бир чангдек чивин ўз пачоқ хаёлотининг туйнуксиз харобасида сомон чўпини қайик, эшак жиловини уммон, ўзини марданавор қайиқчи деб гумон этса, баъзи тасаввuri мариз ва абор

аҳмоклар ўзларининг бир чимдим ақлларини икки-уч курак чамаси, деб гумон қиласидилар.

Хадиси шарифда ривоят қилинганидек, ёруғ оламга келган жамийки жонзотлар асал арисидек гүё. Ҳамма ўз ҳолати, ўз имконияти даражасида яшайди. Бироқ жамийки яхши-ёмон кўргиликларнинг таъми бирдек. Жуда баҳтиёр одамлар баҳтдан иккига бўлинмаганидек, жуда баҳтсиз кимса ҳам баҳтсизликдан бир неча бўлакка парчаланмайди. Чунончи, подачининг кизи отаси шахардан келтирган бир кўйлаклик бўздан қанчалик қувонса, Миср маликаси Юсуф алайхиссаломнинг бир нигоҳидан шу қадар баҳтиёр. Подачининг кизи ва маликанинг баҳтиёрлик ҳолати деярли бир хил. Фақат шакллари турлича. Оллоҳ инсонлар оламини жуда оддий конунлар асосига курган. Буни англашга қудратли ақлнинг кераги йўқ. Фақат бир озгина теранрок мулоҳаза керак, холос. Одамлар қават-қават иморатлар ростлашга умрларни тикадилар. Яхши яшашга, янаем яхши кийинишга, ундан ҳам яхши таомланишга ҳаракат қилишади. Бироқ энг баланд том ҳам бир кун балчиқقا чўккан тошдек чўкиб кетишига ва бу билан томлар остида қандай ҳолатларда бўлса ҳам яшаганлар ҳеч кимдан ҳеч бир жихатдан ўзиб кетмаганига икрор бўлолмайдилар.

Эй баҳтиёрлар! Подавон қизининг бўз кўйлагига ҳавас қилинг, зеро, бўз кўйлакнинг қувончи самимирик ва камтаринрокдир!

Эй баҳтиёрлар! Кулба уйларда яшаганларга ва яшаётганларга ҳавас қилинг! Зеро, кулба уйда яшашнинг баҳтига марди Худоларгина мусассар бўлурлар!

МАСНАВИЙ

*Бар сари дарё ҳаче ронд ў амад,
Менамудаи он қадар берун зи ҳад.*

ТАРЖИМА

*Гүё у дарё уза учгай эди,
Бир буюк қудрат сари кўчгай эди.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чивин ўзини буюк бир дарё устида сузуб юрган мард қайиқчи, деб тасаввур этади. Бу тасаввурнида у гўё чексиз буюк, бемислу монанд эди.

ШАРХ

Эшак жиловини дарё деб гумон қилган чивин табиатли одамлар бурнидан наридагини кўролмайдиган сўқирлардир. Оллоҳ

субҳонаху ва таъолонинг буюк кашфиёти бўлган Одам жузъий ақл ва жузъий ирода билан тақдирланади. Азим Ер шарига халифа килиб туширилган одамда ақл ва ирода бўлмаса, унда унинг халифалиги қаёққа борсин? Биз жузъий ақл деб камтарона таъриф берайтганимиз мазкур ҳодисада воят чексиз Раббоний қудрат бор. Бу Раббоний қудрат нималарга қодирлигига бугунги кунда ҳаммамиз икрор бўлмоқдамиз. Ақл — Оллоҳнинг мўъжизаси. Аммо унинг ҳам меъёр ва чегараси бор. Ҳар ҳолда барча сарҳадларни ҳам бузиб бўлмайди.

МАСНАВИЙ

*Буд беҳад он чамийн нисбат бад ў,
Он назар, ки, бинад онро рост гў.*

ТАРЖИМА

*Нисбатан улкан эди ушбу чамийн,
Тўғри боққай ул назарким мустақийм.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сомон парчаси ва эшак жилови чивинга нисбатан кенг ва улкан эди. Ҳакикатда, тўғри назар сохиби учун ушбу ҳолат ошкордир.

ШАРХ

Баъзи одамлар ўз заиф афкорлари ва маҳкум маълумотларини воят азийм ва мустақийм гумон этадилар. Ҳолбуки, ҳакиқатда афкор ва шахслари сомон чўпи, маркаб бўли каби беътибор, ҳақирилар. Уларнинг кибр-фурури ана шу куйга солади. У ҳакиқатбин назар қаёқда? Қаёқда айнул якийн?

МАСНАВИЙ

*Оламаш чандон бувад каиш бинишаст,
Чашми чандин баҳр ҳам чандин ниниашаст.*

ТАРЖИМА

*Олами бирдир назар бирлан магар,
Кўз нечогдир, ончадир уммонлар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чивиннинг олами унинг назари (акли) қадардир. Кўз нечоғли бўлса, денгиз ҳам улчадир.

ШАРХ

Ақли заиф одамнинг илми, дунёқарани, назар ва манзари ўзи каби ҳақиқатдан холи, юзаки бўлади. Бундай оддий кўзга маркаб бўли уммон ва зоти (яъни, ўзи) мохир киштибон қабидир. Масалан, товуқ учун ўзи макон тиккан ҳовли буюк бир жаҳон ва бу ҳовли ашёлари коинот жисмлари каби туюлади. Жохиллар ўзлари англаган ва кўрган нарсаларидан ўзга файри бир олам борлигини тафаккур қилишдан ожиздирлар. Бинобарин, ана шу мўъжаз оламларида хамма нарсани абраҳларча инкор этиб яшайверадилар. Машхур муаррих Плутарх ёзди. Искандар Румий ниҳоят Хиндистонни забт этмоққа бел боғлабди. Шунда унинг яқинларидан бири дебди: «Эй Искандар, бугунга қадар шунчалик буюк музafferият қозониб, жаҳонни хайратта солдинг. Энди Хиндистонни нима қиласан? Мен сенинг ўрнингда бўлсам эдим, шунча босиб олган ерларимга қаноат қилиб яшардим. Хиндистоннинг баҳридан ўтардим!..» Искандар жавобан деди: «Агар мен сен каби бўлганимда қаноат этардим!..»

Алҳосил, ҳар кимса ўз олами, ақл ва руҳонияти ҳақиқати нисбатида кўра билади.

Бу ҳақда ҳалқ орасида ўнлаб ибратли ҳикоятлар юради. Бурса қозиси ҳазрат Маҳмуд оддий бир дехқоннинг фоят олис Каъбатуллоҳга бир лаҳзада этиб борганини ақлига сифдира олмайди. Шариат пешвоси узок йиллар давомида неча-неча уламою фузалодан дарс кўтарди, буюк жиллар варакларини шопирди. Игна билан чоҳ қазиб, илм олди. Аммо бу... Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Бурса қозиси даҳшатга тушди. Бир лаҳзада Маккада бўлмок... Қозикалон бошини тошларга уриб, андиша қилди ва ниҳоят авлиё ҳузурига йўл олди. Валий унинг илтижоларини қабул қилди-да шундай деди: «Оллоҳ таборак ва таълонинг лаънатига дучор бўлган иблис кўз очиб юмгунча дунёни гир айланмокқа қодир экан, нечук Худонинг бир дўсти лаҳзада Маккага боролмасин...»

Маҳмуд Худойи бу унинг отаси исми ёки куняси. — *Мұҳаррір.*) қозилик либосидан кечди, дастору даҳмазаларини муридликнинг хокисор ковушига, одми яктак ва ҷоловорига алмашиб, пирлар пойига бош кўйди...

МАСНАВИЙ

*Соҳиби таъвийл ботил чун магас,
Ваҳми ў бўли ҳару тасвийри хас.*

ТАРЖИМА

*Соҳиби таъвил чивиндеқ хордир,
Ваҳми эшак бўли, хасдек бордир.*



ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ботил таъвил сохиби чивин кабидир. Ваҳм ва тафаккури марқаб бўли, таъвили эса хас тасвири каби сифлийдир.

ШАРҲ

Юкоридаги байт шарҳида кўрилганидек, ботил таъвил соҳиблари (яъни ўзларининг зохирий ақллари билан буюк Куръон маъноларини шарҳловчи калтабин кимсалар) чивин кабидирлар.

МАСНАВИЙ

*Гар магас таъвил бигзорад барой,
Он магасро баҳт гардонад Ҳумой.*

ТАРЖИМА

*Гар чивин кечса ўшал таъвилидан,
Баҳт қуши чиққайди онинг йўлидан.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар чивин ўзининг ботил раъиидан, ноўрин даъвосидан возкечар бўлса, ул чивиннинг толеъи кулган, раҳмат ва мағфиратга қовушган бўларди.

ШАРХ

Таъвил сохиби ўзининг қадимий маънисиз даъвосидан воз кечиб, азиймуш шаън Куръон таъвилотини Оллох таъоло ҳазратларининг ўзига ёхуд бир Тангрига ёвук соҳибтафаккур зотга инонса-да, ўзи калтабин, зоҳирбинлиги учун Оллоҳга истиғфор келтириб, раҳматига умид боғласа, таҳсинга шоён иш бўларди. Афсуски, аксарият ҳолларда «букрини гўр тўғрилайди». Калтабин калтабинлигича тобутга минади, зоҳирбин зоҳирбинлигича ажал шаробини ютади. Оврупо адиларининг машхур хикоясида бир бадбахт ҳарис жон таслим қиласпти-ю, роҳибми, ишқилиб, гарданига хоч осиб олган бир бечора уни чўқинтираяпти. Жони ана кетди, мана кетди, ўсал бўлиб ётган ниммурданинг ўқдек назари шиддат билан салибга қадалди. Ўйлади: «Таркибida қанча тилла бўлслайкин...»

Эй аҳли хомхаёлу, эй аҳли нимпухта! Эй бечора ақл соҳиби! Эй бедаво банда! Тавба келтир. Бир оғиз сўз бу! Сени яратган Зот ҳузурига тиллаю танга, сийму зар, қасру равок, жилд-жилд сафсата, қоп-қоп қофоз эмас, бир оғиз сўз — истиғфор келтир! Сендан нима кетди. Ахир, ҳеч нарса эмассан-ку! Кара, бир ожиздан-да ожиз бандасан. Даъвойингни кўр! Тавба қил, бечора, тавба қил!...

МАСНАВИЙ

*Он магас набвад, каш ин ибрат бувад,
Рұҳи ў на дархури суврат бувад.*

ТАРЖИМА

*Йўқ чивин, лек анчайин ибрат будир,
Рұҳга лойиқ бўлмаган суврат будир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Чивиннинг аҳволи рухияси шояд ибрат бўлса. Шунда суврат, яъни жисм рухга номуносиб ашёга айланади.

ШАРХ

Буюк Куръонни, башарият фарзандининг қомуси бўлмиш бу илохиёт девонини ўз билганича таъвил қилишдан тўхтаган; тавба қилиб, дини мубини Аҳмадияга, шариати мутаҳҳарага тобеъият этган; умури хайриядга саъй ва мудовамат қилган зотнинг рухонияти баданига, яъни жисмига номуносиб бўлади. Бадан хоҳиш ва истакларини адо этаман деб, жисм маркабига тескари миниб олган нодонлар рух чаманзорини топтаб, ер билан яксон қилиб, ўтиб бораверадилар. Озода рух соҳиби улдирким, бу маркабни ўз қозигида сақлай олур.

ҚУЁННИНГ КЕЧИКИШИ БОИСИДАН АРСЛОННИНГ ФАЗАБЛАНГАНИ БАЁНИДА

МАСНАВИЙ

*Ҳамчу он ҳаргүш к-ў бар шер зад,
Рўҳи ў, ки буд андар ҳўру қад.*

ТАРЖИМА

*Ул қуёңким шерга урди ўзини,
Қайдин олди бу қадар зўр руҳини?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Арслонга ўзини урган, юзма-юз келган, яъни муқобала қилган қуённинг руҳи нечук бўйи бастига муносиб?

ШАРХ

Асл эътибор суратда эмас, ақл ва руҳдадир. Жисм ҳакир, асли оқил бир зот ҳар нечук кудратдан сарбаланд. Бундай улуғ руҳ соҳиблари хеч қачон оддий бир баданга тобеъ бўлмайдилар.

МАСНАВИЙ

*Шер мегуфт аз сари тезӣ ва ҳашм,
К-аз раҳи гўшам адуд барбаст ҷашм.*

ТАРЖИМА

*Дерди шер қаҳру газабдан беомон,
Кўзларим кўр қилди душман болгабон.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ғазаб ва даҳшатга минган шер деди: «Душман қулоғим йўлидан кўзимни боғлади».

ШАРХ

Арслонга ташбих бўлган золим алам билан ўз-ўзига дерди: «Душманларим ўз ёлғонларини қулоғимга куя-куя охир кўзимни ҳам боғладилар ва аҳволимни ғоят танг қилдилар».

МАСНАВИЙ

*Макрҳон жабриёнам баста кард,
Теги чўбишон танамро хаста кард.*

ТАРЖИМА

*Жабр этиб жабрийлар, ул маккоралар,
Айлади жисмимни пора-поралар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Жабарийларнинг ҳийла ва дасисалари мени боғлади. Уларнинг оғочдан ясалган қиличлари жисмимни реш-реш қилди. Арслонга ташбих бўлган одам фазаб ҳангомида ўз-ўзига дашном бериб, дерди. «Саъй-жаҳдни тарк этиб, таваккул эт, муҳтоҷ бўлган нарсаларингни муҳайё этиб, келтиурмиз» каби жабарийлар тарафидан воқеъ бўлган ёлғон ваъдалар мени барбод айлади. Жабарийларнинг даъвою дашномлари оғочдан ясалган қилич мисоли эса-да, на чораки, мен ғоғил ва залил бўлдим.

МАСНАВИЙ

*З-ин сабаб ман нашнавам он дамдама,
Бонги девонасту гўлон он ҳама.*

ТАРЖИМА

*Шул сабаб мен тингламасмен, сўйлама,
Дев ва гўллар бонгидир бу дамдама.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Шунинг учун мен бу разилларнинг сўзларини тинглаб ўтиришни истамайман. Буларнинг бари дев ва иблисларнинг ваҳмангиз садосидир.

ШАРХ

«Жаҳд ва саъй этма, маътал ва мутаваккил бўл!» Жабарийларнинг бу каби фафлатга элтгувчи даъволари иблисларнинг аййуҳанноси кабидир. Шул боисидан минбаъд мен уларнинг ҳар нечук сўзларига зинхор-базинхор қулоқ тутмасман.

МАСНАВИЙ

*Бардарон, эй дил, ту эшонро, маист,
Пўсташон баркан, ки гайри пўст нест.*

ТАРЖИМА

*Йиртгил, эй кўнгил, уларни шиддат эт,
Пўстдан ўзга нарсамас бу безбет.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Арслон ўз кўнглига мурожаат қиласи: «Эй кўнгил, сен тўхтама, сабр этма, шиддатда бўл! Уларнинг пўстакларини қўпориб ташла. Зеро, улар пўстдан бошқа нарса эмас!»

ШАРХ

Арслонга ташбих бўлган одам водий ахлини тахқир этароқ, ўз-ўзига дейди: водий ахлини ва жабарийларнинг сўзларини тинглаб ўтиromoқ қатъяян мумкин эмас. Эй кўнгил, уларни риоят қилмоқ абас. Энди бу маккор ва хийлагарларнинг терисини сидирмоқ керак. Чунки, улар зоҳиран инсон эса-да, аслида пўстдангина иборат ҳайвондир.

МАСНАВИЙ

*Пўст чи буд? Гуфтҳои ранг-ранг,
Чун зарра бар об каш набвад даранг.*

ТАРЖИМА

*Пўст нима? Ул ранг-баранг сўзлар бари,
Йўқ бўлур сувда ҳубоблар сингари.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Маъно оламида пўст дегани нима? Фоятда ранго-ранг, пардозандозли, оҳанжамали сўзлар, лутфлар ҳам сув юзидағи ҳалқа-ҳалқа нақшлар каби йўқ бўлиб кетади.

ШАРХ

Юқоридаги байтлар арслонга нисбат берилган бадқаҳр ва шижоатли, тинсиз-тизгинсиз, бироқ бир маҳлуклар жамоаси томонидан авраб-алданаётган зот тилидан зикр қилинди. Қуйида баён этилгуси бир қатор байтларда Мавлоно ҳазратларининг қуруқ пўстга киёс этилган маънисиз сўзнинг зарарли оқибатлари ҳакидаги теран ҳикматлари ифода этилади.

Бу маъно бир ориф ва комил зот томонидан ҳикоя қилинади. Чунончи, маъносиз ва ҳақиқатсиз сўзлар мағзи эътибордан холи пўст каби оддийдир. Бундай саботсиз ва ҳавога соврилгувчи сўзлар бир тарафдан сўйланса, бир тарафдан маҳв бўлиб бораверади.

Одам боласи ўз табиати иқтизосига биноан ҳақиқат истовчи мураккаб идрок соҳиби бўлмиш маҳлукдир. Ҳаммага аён ҳақиқат шуки, асл ҳақиқат биттадир. Бироқ, у қандай, қаёқда, тугалтўкис изоҳи ва қиёфаси нечук — қарийб бани башарга боятда коронғу. Маъни бозорида гўё анвойи ҳақиқат сотилади, гўё барча ҳақиқат сўроқлайди ва топдим деган заҳоти сотиб олаверади. Ҳамма ўз ҳақиқати баҳосини мушакларини шишириб кўтаравера-ди, ҳамма мугомбирлик ва пасткашлик билан унинг шаштини қарс синдиришга рағбат кўрсатади. Ҳали Одам алайхиссалом давриданоқ ҳак йўлидан дафъатан чалғиб кетган инсон ҳамон чалғиб келмокда. Бироз юкорироқдан қараганда қумурскалар дунё-сидан зарра фарқ қилмайдиган бани башар жамоаси ўз ини ва бу инга элтувчи йўлларнинг сўл-соғида, бош-адоғида нималар борлигини билмайди ва буни билмакка унинг идроки ожизлик қила-ди. Мана, тасаввур қилинг, қумурска жон ҳолатида чуқурликка, яъни ҳалокат томон бораётганини фақат ўша ҳалокатнинг анграйган оғзидағина фаҳм этади. Ини томон гулдурос солиб босиб келёттган селни қумурска қаёқдан билсин ва нечук бу оғатга бас келсин? Ҳўш, қумурскадан бир неча минг марта улканроқ инсон илохий тақдир, Раббоний қазо ва қадарнинг истак-иродаси қоши-да нима деган гап? Модомики, инсон Худо берган ақл-тафакку-рини ҳамоно ўз қавмдошларини нест-нобуд этмак учунгина ярайди-ган аслаҳалар «кашф» этишга, бир сиким тупроқни ҳавога шопи-риб, сўнг уни тақсим-тақсим этмакка, бир-бировини қулликка гирифтор қилмакка исроф этар экан — у ким бўлди? Юкоридан назар солиш қувватингиз бўлса, сиз бу «қумурскалар олами»га боқинг: мана бу узун чўзилиб бораётган «темир жонолғичлар» нақадар қумурска қаторини эсга солади...

Сўзлар... Уларнинг қанчаси ўлик. Уларнинг қанчаси Мавлоно ҳазратлари айтганларидек, қуруқ пўстга менгзайди. Аммо, ҳамма сўзлайди, аммо ҳамма «ҳақиқат» ясайди. Бу «Ҳақиқат» одамлар онгига «моддий» шаклга киргунча эритиб қуюлаверади. Ва бир қа-ро кунда бу эритма мия бўшлиғида ғимирлай бошлади...

Сўзлар... Мағзи эътиборсиз сўзлар азиймуш шаън Куръонда буюрилганидек: «Масалу қалимати хобийсатин ка шажаротин хобийсатинжтусат мин фавқил арзи ма лаҳа мин қарорин». Маъноси: «Хобис ва нопок бўлган қалиманинг ҳоли ва мисли бад ва хобис оғоч кабидирки, ер устидан қўпорилгач, унинг учун ҳеч қарор йўқдир». («Иброҳим» сураси, 26-оят).

МАСНАВИЙ

*Ин сухан чун пўсту маъни магз дон,
Ин сухан чун нафсу маъни ҳамчунон.*

ТАРЖИМА

*Бу қалом пўстдир ва маъно магздир,
Бу қалом нафс ҳамда маъно нафсдир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу калом — сўз пўст ва маънони мағз, деб бил. Бу калом — сўз нафс, яъни жон бўлиб, маъно ҳам баайни жондир.

ШАРХ

Инсон вужудидаги қалб, димог ва неча-неча мўътабар аъзоларга нисбатан бадан жилди қанчалик оддий бўлса, оддий сўзлар — лафзлар ҳам маънога қиёсан шу қадар эътиборсиздир. Бироқ бадан жилди инсоннинг қанчадан-қанча аъзосини сатр (парда) билан муҳофаза этгувчи улуғ имкон эса, зарарли сўз — лафзлар ҳеч бир нарсани муҳофаза этмакка кодир эмас.

МАСНАВИЙ

*Пўст бошад мағзи бадро айбпўш,
Мағзи некўро зи гайрат Fайб пўш.*

ТАРЖИМА

*Пўст бад мағз айбини сир сақлаюр,
Яхши мағзни гайридан Fайб асрарюр.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Пўст ярамас мағз ва ичакларни сатр этади, яъни яширади, яхши, манфаатбахш мағзни гайридан Файб, яъни Оллоҳ таъоло асрайди.

ШАРХ

Пўстта монанд сўз — алфоз, яъни залолат ва шароратта тўйинган сўз бир дассос ва золимнинг айбини, фосид мақсадларини пинҳон тутади ва фафлат уруғини сочади. Аммо мағзи эзгу ва пок бўлган Тангри таъоло муридлари аллақандай асрарувчи ёхуд хифз-химоят этгувчи сўзларга муҳтож эмас. У зотларни Файбнинг ўзи, яъни Худо асрайди. Бинобарин, пўст каби оддий бўлган шахслар айни шундай каломга, мағз монанд урафо (орифлар) Холиқул аномга илтижо қиласидилар.

МАСНАВИЙ

*Чун қалам аз боди бад, дафтар зи об,
Ҳар чӣ бинвисӣ фано гардад шитоб.*

ТАРЖИМА

*Хома боди бад ва дафтар сув эрур,
Нени ёзсанг ҳам фанога еткурур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Агар қалам совуқ шамолдан — боддан бүлиб, дафтар сувдан эса, хар нима ёэсанг ҳам зудликда маҳв ва фано бўлади.

ШАРХ

Мақсад ва восита ҳавою ҳавасдан иборат бўлса, бу кайфиятни ифода этгувчи сўз — каломлар маънисиз ва зарарли бўлгани боисдан зумда йўқ бўлади.

Бинобарин, Ҳаққа йўғрилган сўзгина событ ва хайрли якун топгувчидир. Бу хусусда юқоридаги байтлар шарҳида қисман айтиб ўтилди.

МАСНАВИЙ

*Нақши об аст ар вафо жўи аз он,
Боз гардй дастҳои худ газон.*

ТАРЖИМА

*Гар вафо истар эсанг бу сўзлар
Сув юзинда нақшдир, афсуслар!*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Маъносиз сўз сув юзидаги нақшлар кабидир. Агар ўша нақшдан вафо ва сабот истар эсанг афсус-надомат чекмакка маҳкумсан.

ШАРХ

Маънисиз ва ҳақиқатсиз сўзлар, таъбирлар сув юзига ёйилган нақшлар мисолидир. Агар бундай маънисиз ва ҳақиқатсиз, зарарли оқибатлар келтирувчи сўзлардан надомат чекмакни истамасанг ва мардона сўзламоқдек бир олий манзилга етмоқни ирова этсанг, маънолар манбаъи, ҳикмат дарёси бўлган азиймуш шаън Куръон ва Оллоҳ таълононинг ҳабиби бўлмиш зотнинг ҳадиси шарифларига мурожаат эт!

МАСНАВИЙ

*Бод дар мардум ҳаво ва орзуст,
Чун ҳаво бигзошти, пайгоми «Ху»ст.*

ТАРЖИМА

*Халқ ҳаво, орзулари бир боддир,
Тарк қиласанг, Бир Ўзи имдоддир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳаво-ҳавас, майда-чуйда орзу-илинжлар инсондаги бод — со-вук шамол мисоли. Агар бу каби бемаъни орзу-ҳавасларни тарк этмакни истасанг, ҳеч сўнгги йўқ ивириш илинжалардан воз кечмоқчи бўлсанг, ушбу ҳолни Оллоҳ таъюлодан пайғом — хушхабар, деб бил.

ШАРХ

Инсон ҳар нечук ҳаво ва орзуи нафсни тарк этар бўлса, буни бир маънавий мужда, бир абадий эҳсон деб билсин. Ҳаво ва орзуи нафсдан фароғат эта билмоқ учун бир тарафдан ўз аклини Раббоний зикр ва фикр билан ишғол айласин, бошқа томондан нафсга мухолифат килиш баробарида инсонийлик вазифасини асло тарк этмасин. Тарихан маълумки, нафс ва ҳавои орзуни йўқ килиш ҳақида энг кўп сўзлаган ва энг кўп ёзган зот бу машҳур Рум файласуфи Санқадур эди. Бироқ унинг фикри-зикри руҳониятдан маҳрум бўлгани учун бетаъсирилигича қолиб кетди. Аслида эса, файласуфнинг ўзи ҳавои нафсга қаттиқ берилган зот бўлган экан...

Бугун эса бечора файласуфимизнинг орзу-ҳавасларини доғда қолдириб кетадиган кимсалар тўзони ичиди димиқкан куйи яшаётимиз. Нафснинг оламшумул қудратини қарангки, бутун башарият унинг ноғораси садолари остида ракс туша бошлиди.

МАСНАВИЙ

*Хуши бувад пайғомҳои Кирдикор,
К-ўзи сар то пой бошад пойдор.*

ТАРЖИМА

*Хуши эрур Оллоҳнинг пайғомлари,
Ким эрур пойдор онларнинг бари.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ҳақ таъоло ҳазратларининг саодат белгиси бўлган пайғом ва ишоратлари гўзалдир. Зоро, бу ишорат бошдан-оёқ, яъни аввалдан-охиригача пойдор — устувордир.

ШАРХ

Ислом аҳли — мусулмонлар учун бир талай Раббоний ишорат ва башоратлар бор. Биринчиси азиймуш шаън Қуръондир. Қуръон қадрини оддий акл воситасида идрок этмоқ маҳол, бироқ

унинг қудратли ҳукмлари ижросига жидду жаҳд этганларнинг қисмати олийдир.

Азиймуш шаън Куръоннинг ҳар бир ибораси саломатликнинг буюк манбъи, ҳар бир маъноси ниҳоятда теран уммондир. Ҳавоий нафсни тарқ этиб, шаръий вазифалар ижросига киришмоқ хиссининг инсон шуурида уйғониши муқаррар Раббоний пайғомдир.

МАСНАВИЙ

*Хұтбаи шоқон бигардад ө-он киē,
Жұз киёву хұтбаҳои анбиē.*

ТАРЖИМА

*Шоқларнинг хұтбаси үтгай, фақат
Анбиёлар хұтбаси қолгай абад.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Шоқлар зотига махсус бўлган хутбалари, азамат, раёсат ва давлатлари вафотлари баробарида мубаддал бўлади, яъни унуглиди. Фақат анбиёлар азамат ва хутбалари мубаддал бўлмайди, бокий қолади (шарҳ қилинди).

МАСНАВИЙ

*З-он, ки пүши подшоқон аз ҳавост,
Бори номи анбиē аз Кибриēст.*

ТАРЖИМА

*Чунки, шоқлар хилъати ёлеиз ҳаво,
Анбиёнинг бор-йўғи — Кибриё.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Зеро, шоқларнинг шаън-шавкати ҳаво, яъни дунёвий аҳволдандир. Анбиёнинг бутун йўл-йўриғи Кибриё, яъни Тангри таъолодандир.

ШАРҲ

Жаҳондор шоқлар ҳам бақо оламига риҳлат айлагач, уларнинг зотига махсус бўлган нарсалар изсиз йўқ бўлиб кетади. Энг буюк подшоҳлардан қолса тўрт-беш равоқ, беш-олти мақбара,

иншоотлар қолиши эҳтимол. Бироқ улар ҳам ё зилзила ёхуд сўнгсиз жангу жадаллар касридан пайҳон бўлади. Аммо анбиёлар хикмати бокийдир. Хали фарзанди башардан бирор кимса мен фалон пайғамбардан-да ақллироқ ёхуд донорокман, деб даъво қилган эмас. Аммо бир-биридан чунон ҳам пурзўр ҳукмдорлар шу қадар кўпки, баъзан наҳот ер уларнинг зуғумига абадан дош берга олади, деб ўйлаб қоласиз.

МАСНАВИЙ

*Аз дирамҳо номи шоҳон баркананд,
Номи Аҳмад то абад барmezананд.*

ТАРЖИМА

*Шоҳларнинг номи дирҳамдан кўчар,
Лек, Аҳмад номи бокий зикр ўлар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Шоҳлар вафотидан сўнг, уларнинг номи ақчалар ва тошлар юзидан қўпориб ташланади. Аммо, пайғамбаримиз Мухаммад алайхиссалоту вассаломнинг муборак номларини қиёматга қадар ёд этадилар.

ШАРХ

«Анбиёлар хотимаси» деб шарафланган саййидимиз Мухаммад Мустафо солаллоҳу алайҳи вассалламнинг муборак номлари тики саждага бош қўйишига курбли, қувватли, яккаю ягона мусулмон колгунга қадар зикр этилаверади. Инсон сувратида яратилмиш ва азалда буюкликнинг энг олий мартағаси ила мушарраф этилмиш зот — Раббоний найғомларнинг сўнгги элчиси, башарият бошидаги сўнгги қуёш Мухаммад алайхиссалом «оламларга раҳмат қилиб» юборилган муборак бир зот. Парвардигор, наҳот, бир зот бутун башарият учун қайғурса. Кези келгандан ота ўз ўғлига, ўғил ўз отасига қайғурмайди-ку. Ҳолбуки, у ҳам сувратан, зоҳирان одам! Биргина зот башарни энг тӯғри йўлга солиш учун жон чекса! Дунёда йўлу йўлбошли камми? Бугун дунёning чорак қисми Мухаммадий йўлида юриди. Кези келгандан ота ўз фарзандини, фарзанд ўз жигарбандини йўлга сололмайди-ку! Оллоҳ иродасига муслимона бош эгиб, унинг барҳақ Расули йўлида юрган зотларнинг охириати хайрлидир. Бу дунёда йўл кўп. Хоҳ у йўлда, хоҳ бу йўлда юринг, манзил битта. Йўл сўнгини ўйланг. Манзилни унутманг. Манзил — битта.

МАСНАВИЙ

*Номи Аҳмад номи жумла анбиёст,
Чунки сад омад навад ҳам пеш аст.*

ТАРЖИМА

*Аҳмад исми анбиёлар номидир,
Чунки, юз келди ва тўқсон олдиdir.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Расуллар силсиласининг сўнгги, Кириё ҳабиби, Пайғамбари-
миз (с. а. в.) муборак номлари жумла анбиёларнинг номларирид. Чунки юз адади ёдга олинди, тўқсон эса унинг олдида, яъни тўқсон юзнинг ичида.

ШАРХ

Оlamлар фахри Пайғамбаримиз (с. а. в.) ҳазратларининг ша-
рофатли номлари илалабад ёд этилиши оқибатида, барча анбиё-
ларнинг номлари ҳам боқий ва барҳаёт. Ушбу хикмат асбоби бу:
шон-шавкат соҳиби бўлган анбиёларнинг буюк вазифалари ило-
хий иродатни таблиғи ва ижроси эди. Расулимиз (с. а. в.) ило-
хий қонунларини башар фарзандига дастур тарзида еткарур экан-
лар, жумла анбиёларнинг бу йўлда чеккан заҳматларини хурмат-
лаб, тақдирлаб ёд этмоқни буюрмишлар. Пайғамбарлар — Ҳақи-
қат элчилари ҳамма давру замонда Оллоҳ таълимотини одамлар-
га еткармок шарафидан саодатманд бўлганлар. Бу йўлда улар
чеккан мashaққатларни тил билан баён айлашнинг имкони борми?
Башарият тӯфондек айқириб бораётган дунё саҳросида биргина
зот кўлларини ҳавога чўзиб «Фа айна тазхабу!», «Қаён кетмоқ-
дасиз?» деб бонг урса. Биргина зот. Олдинда айқирган-кутирган,
маст-аласт оломон. «Қаён кетмоқдасиз?!» дейди бир хокисор одам.
«Қаёққа?!» — дейди кўзларида кон чайқалган даҳшат. «Онанг-
никига!.. Йўқол!..» Даҳшат кўлларини бигиз қилади. «Ким бу
ивирсики!.. Гадой!..» дейди даҳшат ахли. «Йўқ, мен гадой эмас-
ман! Мен сизларга юборилган Оллоҳнинг элчисиман! Мен сиз-
ларни огохлантирмокчиман, холос. Чунки, сиз сур тортиб бо-
раётган йўл сўнгига тубсиз чоҳ бор. Битта қолмай барингиз маҳв
булишингиз мумкин!..» «Йўл сўнгига чоҳ!..» «Ҳэ-э, онангни.
Йўл сўнгига майшат бор! Ўйин-кулгу бор! Ракс-сурур бор! Ҳам-
ма-ҳамма нарса бор! Йўқол, кўз ўнгимиздан гадойвачча!..»

Даҳшат саҳрони сикувга олгандек тирсиллайди, жириллайди,
депсинади, қайт қилади, бўкиради ва гурос билан йўлда давом
этаверади...

Бисмиллахир роҳманир роҳийм. Таббат яда Абий Лахабив

ватаб (Халок бўлди Абу Лаҳабнинг икки қўли ва ҳалок бўлди унинг ўзи ҳам).

Тафсир: Абу Лаҳаб Абдулуззо бин Абдулмутталиб ҳазрати пайғамбарнинг (с. а. в.) амакиси эди. Бироқ ўзининг шақоват ва куфри туфайлидан ҳазрат Пайғамбарга қаттиқ душманлик қиларди. Ҳазрат Расулуллоҳ умумий ижтимоёт орасида одамларга илохий пайғомни етказур маҳалларида Абу Лаҳаб ул зотни тошбўрон қиларди. Ҳазрат Пайғамбарнинг оёқлари жиққа қонга беланиб кетар, бироқ Оллоҳ қаломининг зикридан тўхтатмас эдилар. Абу Лаҳаб дерди: «Эй одамлар! Мұхаммаднинг гапларига кулоқ солманглар. Зеро, у ёлғончидир!» Баъзida дерди: «Мұхаммад бизга ўлимдан сўнг тирилишни ваъда қилмоқда. Бўлиши мумкин эмас. Бу ҳақиқатга хилоф!» Сўзлари сўнгида эса қўлларини чўзганча хитоб қиларди: «Сиз, эй ҳар икки кафтларим, синингиз. Мен сизларда Мұхаммад ваъда қилаётган бирор нарсани кўрмаяпман!..». Кунларнинг бирида ҳазрат Пайғамбар (с. а. в.) Сафо тогига қўтарилдилар ва одамларни жам қилдилар. Бағоят таъсирили сўзлар билан уларни ислом динига даъват қила бошладилар. Абу Лаҳаб ҳам ўша ерда хозир эди. У деди: «Эй барбод бўлгур, бизни шунинг учун бу ерга тўпладингми?..» Уламо Соҳиб Рухулмаъонийнинг ривоят қилишича, Абу Лаҳаб ҳазрат Пайғамбарга отмоқ учун қўлларига тош олади. Абу Лаҳабнинг жаҳолати зўрайгандан-зўрайиб борди. Қачонки, уни илохий азобдан огоҳ этсалар, менинг мол ва авлодим шу қадар кўпки, ҳар қандай азобдан қутилиб кетаман, дерди. Унинг аёли Умми Жамил ҳам Пайғамбаримизнинг ашаддий душманларидан эди. Абу Лаҳаб ёққан гулханга бу аёл ўтин қаларди.

Ушбу сурада ҳар иккисининг ниҳоят илохий азобга гирифтор бўлиши баён этилади. Абу Лаҳаб эмас, кимда-ким, хоҳ эр, хоҳ хотин, хоҳ қариндош, хоҳи бегона бўлсин, Ҳаққа нисбатан душманлик камарини боғласа, залолатга учрайди, хор-зор бўлади. Пайғамбарнинг яқин қариндоши бўлса ҳам Абу Лаҳаб ва унинг хотини илохий жазодан қочиб кутулолмади. Қўлларини ҳавода силкиб, лофлар урган, ўз қудратидан ғоят фуурурланиб, Худонинг маъсум ва муқаддас Пайғамбарига қўл қўтарган Абу Лаҳабнинг қўллари синди, хор-зорликда маҳв бўлди.

«Лаҳаб» маккий суралардан. Бадр ғазвасидан етти кун ўтгач, Абу Лаҳабнинг жисмida даҳшатли жароҳат пайдо бўлди. Бу оғир қасалликдан ваҳимага тушган ахлу аёли уни уйдан бир овлок даштга чиқариб ташладилар. Шундай қилиб, хор-зорликда оламдан кўз юмди. Уч кунга довур бирор жасаднинг яқинига йўллай олмади. Уч кун ичиди бадан гўштлари тўкила бошлади. Сўнг бир неча ҳабаш ҳаммоллар чукур қаздилар ва жасадни чўпга илиб чуқурга ташлаб, тош билан тўлдирдилар... Ҳақиқат йўлларига чақир тиканлар тўшаб, олов тўсиқлар алангасини лан-ғиллатган Абу Лаҳабнинг хотини ҳам илохий жазога гирифтор бўлди.

ҚУЁННИНГ МАКРИ БАЁНИДА

МАСНАВИЙ

*Дар шудан харгүш пас таъхир кард,
Макрҳо бо хештан тақрир кард.*

ТАРЖИМА

*Кеч қолиб борди қуён шер сорига,
Йўл бўйи сайқал бериб ўз макрига.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Арслон хузурига йўл олган қуён ҳийла муддат кечикиб борди. Йўл-йўлакай арслонга нисбатан қўллаш лозим бўлган ҳийлаларини астойдил пишилди, яъни тақрир қилди.

ШАРХ

Водий ахлига мансуб бўлган кимса арслонга қиёс қилинган зот қошига йўл олган кезида унга нисбатан ишлатилиши лозим бўлган макр ва ҳийлаларини миясида пишитиб, зеҳнида қайтакайта жонлантириб борди.

МАСНАВИЙ

*Дар раҳ омад баъди таъхира дароз,
То ба гўши шер гўяд як-ду роз.*

ТАРЖИМА

*Йўлга тушди таъхир айлаб хўб дароз,
Токи шерга сўйласин бир-икки роз.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Қуён шер қошига пинҳон икки оғиз роз айтиш мақсадида узок кечикиб йўл олди.

ШАРХ

Золим интизор. Водий ахли таҳликали жунбушда. Луқма бўлиши лозим бўлган қуён ҳийла урчуғини йигирайяпти. Охири

нимада бўлади? Худо билсин. Бир урвок жон мен ҳаммангизни бу мустабид қўли остидан озод қиласман, деб чираниб ётибди. Водий аҳли ҳайрон. Золим қўзлари қизарган сайин қизариб, жахли олов бўлиб бормоқда...

МАСНАВИЙ

*То чи оламҳое дар савдоӣ ақл,
То чи бопаҳност ин дарёй ақл.*

ТАРЖИМА

*Бу ақл савдосининг дунёлари,
Бу ақл дарёсининг паҳнолари.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ақл савдосида, унинг туб-тубларида не-не оламлар бор. Бу ақл дарёси нечорли вусъатли.

ШАРХ

Мавлоно ҳазратлари ушбу байт ва кўйида келгувчи байтларда бир ориф тилидан ўз мақсад-муддаоларини баён этадилар. Ҳакиқатда, ақлнинг ниҳоятсиз бағрида — дарёсида нечоғли сир-асрорлар, ажойиботлар, сонсиз-саноқсиз ҳукму ҳикматлар бор. Дунёда одам боласига инъом этилган руҳониятдан ташқари ақл каби манфаатли ҳеч нарса йўқдир. Ақл моддий ва маънавий олам ўртасидаги бир маҳалдир. Ақл ўз қурдатига ноил бўлмоқ учун ҳам рух файзидан, ҳам баданинг интизомидан улуғ ҳисса олади. Комил ақл ҳам руҳоний олам ва ҳам жисмоний оламга хизмат қилиб, икки дунё саодатига ноил этади. Ақл улухияти ва маънавий ҳакиқатлари билан инсоният жамиятининг буюк руҳий табақаларини пайдо қилиб, дунёвий ишларга интизом истехсол қилади ва уни ижро этади. Инсонлардан жисман миллиёнларча карра қурдатли бўлғанларда ақл нури ва гавҳари йўқ. Ақл соҳиби бўлған инсон саодат ва абадиятга қовушади. Ақл бордирки, бир онда дунёларни сайр этади. Ақл бордирки, самовий жисмларнинг ҳаракат даражалари ва суратларини кашф этишдан ташқари, уларнинг ўзаро муносабатларини ва вазнларини тайин этишда истеъодини ишга солади. Ақл бордирки, ўзи қўринмаса-да, барча нарсаларни кўра билади.

Ақл Оламлар Парвардигори томонидан фақат одам боласигагина берилган буюк бир неъматдир. Бу мужданни тотли-тотли неъматлар яратишга сарфлаётганларнинг бир ёнида, уни одам боласини Ер юзидан супуриб ташлаш мақсадида ишлатаетганлар, унинг ёнида эса буюк ақлни фақатгина тамаки тутатишга сарф этаётганлар ҳам бор...

МАСНАВИЙ

*Суврати мо андарин баҳри азоб,
Медавад чун косаҳо бар рӯи об.*

ТАРЖИМА

*Жисмимиз ушбу азоб дарёсида
Чайқалар худ косалар сув юзида.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Жисмимиз, сувратимиз бу азоб дарёси — оламда сув юзида қалқиб юрган косалар мисоли.

ШАРХ

Жисм — сув сатҳида қалқиб турган коса. Нега айнан коса? Нега тараша, хода, пўкак, латта-луттга эмас? Айни коса. Сув юзида ичи бўм-бўш коса. Уни мавжлар чор атрофга итқитади, чайқатади, коса гир айланади. Тараша охир чўқади. Латта-луттга ҳам қаёққадир илиниб-юлиниб йўқ бўлади. Биз ҳам шундай бўш косамиз. Ҳаёт дарёсида чайқала-чайқала оқиб бораётган коса. Эй косалар, нимкосалар, бўш косалар... Ҳали-хозир мавж бир шап-патилайди-да, биз бу азоб дарёси тубларига шўнгиймиз.

МАСНАВИЙ

*То нашуд пур бар сари дарё чу ташт,
Чунки пур шуд ташт дар рӯй гарқ гашт.*

ТАРЖИМА

*Токи қондай тўлмаса бу косалар,
Чўкмагай у, беҳуда талвасалар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Токи сувратимиз косаси ҳакиқий ақлнинг ҳаёт суви билан тўлмагунга қадар зохирان сув юзидағи коса қалқиб, чайқалиб, ўйнаб тураверади. Қачонки, бу коса ҳакиқий ақл ва ишқ билан тўллар экан, бу азоб дарёсининг тубидаги ҳакиқий ҳаёт оғушига фарқ бўлади.

ШАРХ

Инсон боласи фоний ҳодисалар билан машғул экан, зохиран ақл дарёси юзида сузади ва назари тушган нарсаларга алданади.

Зоҳирида эса одамни маънан майиб этгувчи ҳодисалар тӯлиб-тошиб ётибди. У ўзи сезмаган ҳолда бизга берилгани шу экан-да, дейди-да ҳаёт деб билган балчиқзорга боши билан шўнгийди. У зоҳирий ҳодисалар, яъни нафс жаноблари хукм юргизаётган одамлар жамоасини «ҳаёт» деб гумон этади. Чайқалади. Яшашни истасанг чириллаб айланиши ўрган, дейди устозлар. Ўзи азалда Мутлак Азал куриб қўйган дунёни кайта кура бошлади. Кураверади. У куради, бу ёқдан ағдарилаверади. Агар Оллоҳ дунёдаги жамийки маҳлукларга ҳам ин куриш эҳтиёжини берганда, оламда илонлар шаҳри, фил ва арслонларнинг штатлари пайдо бўларди. Одам сўнгги асрларда ўзига, ўз яқинларига эмас, атрофига, ўз вужуди деворларига кўпроқ эътибор бера бошлади. Масалан, ҳеч бир аёл ҳатто онасига ҳам ўзига эътибор берганчалик эътибор қаратмайди. Бирор эр ўзи кураётган бошпанага берган эътиборини фарзанд ёхуд аёлига бермайди. Онасининг ҳасратида ўлиби, деган гапдан кўра, уйига ўт тушиб, бутун молу дунёси ёниб биттак, юраги такқа тўхтабди, деган гапларни кўп эшитиб қоламиз. Бунинг ҳаммаси зоҳирий ақл — бўш косанинг жилвалари. Сув юзида қалкиб юрган бўш косаларнинг лаболаб сувга тўлиши ҳар бир инсоннинг инон-ихтиёрида. У истаса машаққат билан бўйин бергувчи ақлни топади. Бир оз машаққатдан қочса, ақл унга тутуруғини ҳам кўрсатмайди.

МАСНАВИЙ

*Ақл пинҳонасту зоҳир оламе,
Суврати мо мавж ё аз вай наме.*

ТАРЖИМА

*Ақл пинҳон ҳамда зоҳир олам у,
Аксимиз — мавждир ва ё ундан нам у.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ақл пинҳон ва зоҳир бир оламдир. Бизнинг сувратимиз мавж ёхуд унинг намидир, яъни мавждан ҳосил бўлган намлиkdir.

ШАРҲ

Ақл зоҳиран манзур бўлмайди. Зоҳир кўзи билан кўринган олам моддийдир. Моддий олам ақл дарёсининг мавжи, балки бутун мавжудот ҳам ёлғиз мавжнинг нами кабидир. Икки навъ ақл мавжуд. Бирни Ақли кулл. Бу — нури Раббоний. Унинг таъсири билан бутун мавжудот ва жисмлар олами интизом касб этади. Иккинчиси инсоний ақл. У Ақли куллнинг бир заррасидан ҳосил бўлади.

МАСНАВИЙ

*Хар чи суврат мевасилат созадаш,
Зон василат баҳр дур андозадаши.*

ТАРЖИМА

*Хар нечук суврат агар у соz эттар,
Ақл уни айлар үзидан рад-бадар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Хар бир суврат ўз хоҳиши билан бошқа бир сувратга айланса, ёхуд бошқа бир шаклга ўтса, Ақли кулл уни үзидан йироклаштиради.

ШАРХ

Хар кимки ақл дарёси ҳукмини, руҳоний ҳақиқатни ва маънавий таъсиротларни ҳис қилмай, аввойи моддий мавжудият ва воқеликка ёхуд ёлғиз жисм ва моддага эътибор берса, бундай инсон ақл ва руҳоният дарёсидан махрум бўлади.

Ақли куллнинг кудратига кўникиб, бора-бора ҳатто унинг борлигини ҳам ҳис қилмай қўйган инсон ақли жузъга бўлган эътиборини ҳам унутади. У ҳайвонсифат сезги – инстинкт ёхуд одат-кўнималар ҳукми остида яшайди. Бугун Оврупонинг тенг ярмини тўфон босиб, қолган қисмига сел ёғса, бу инсоннинг Ақли куллдан ғоғил эканини англатади. Зоро, эртага сайёralар ўз ўрнидан қўпиб, бир-бировининг ҳаракат үзанига келиб қўшилса, мавжудот «Янги Нух тўфони» остида қолса нима ҳам қила оларди?

Итдан қочгани жой тополмаганидек, бу оламшумул жазодан яширина оладими? Ақли куллни унутиб, ўзи билган сувратга кираётган инсон боласи эртага нима бўлишини билмайди-ку. Мавлоно ҳазратлари Ақли куллни унутиб, ўзини ожиз ва хира ақлини «шамси олам» деб гумон этаётган инсонни огохлантириб дейдик, сен ўз билганингча иш тутиб, Ақли кулл қонуниятларини топтассанг, ёхуд назар-писанд қилмассанг, у сени үзидан йироклаштиради.

МАСНАВИЙ

*То набинанд дил диҳанда розро,
То набинанд тиyr дўрандозро.*

ТАРЖИМА

*Токи билмас дил ким у розлар берур,
Токи билмайдир камон отганни тир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кўнгил роз сохиби, ёхуд роз берувчи Ҳак таъолони танимай колади, камон ўки камончини кўрмагани янглиғ. Оллоҳ субҳонаҳу ва таъолонинг жалолияти ва ҳақиқатини унугтган банда ҳам Ҳақдан олис-олисда, яъни фафлатлар ва жаҳолатлар қаърида қолиб кетади.

ШАРХ

Руҳоният ва моддиётнинг ҳаракат ҳамда таъсироти Ҳак амри билан рўй беришини кўра билмаган инсон нодондир. Зеро, Холики ламязал инсонга бир томондан ақл каби мунаввар нурни эҳсон этди. Бошқа томондан Ўз ҳақиқатининг таблиғи учун илмурфон манбаъи бўлган пайғамбарларини юборди. Бу ҳақиқат неъматига қарши борган мункирлар Кибриё адолати, саодати ва марҳамати доирасидан хорижда колади.

Атрофимиизда у йилдан бу йилга ўз Эгасини бир марта ёд этмаса-да, Қайсар ё Корундек яшаётгандар бор. Ёлғон эмас, қаердан келиб, қаерга бораётгани тушига ҳам кирмаса-да, Мағриб билан Машриқни гир айланиб чиққанлар бор. Сихат-саломат, тўқ, лорсиллаган, бақувват. Ёлғон эмас. Буларнинг ҳаммаси рост. Аммо, энг даҳшатли рост шуки, бундай инсонлар ўз Эгасини унугтганлар. Ва Эга ҳам уларни унугтган.

Бу Унинг илохий ваъдаси...

МАСНАВИЙ

*Аспи худро ёва донад в-аз ситеz,
Медавонад аспи худ дарроҳ тез.*

ТАРЖИМА

*Отини логар билар-да жаҳл ила,
Йўрттирап иўлларда, иўллар – силсила.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Фофил одам от устида экан, уни логар деб гумон этади ва шиддат билан йўрттиришга зўр беради.

ШАРХ

Руҳоний таъсиротдан фофил, руҳониятга мункир ёхуд руҳнинг мавжудиятига қойил бўлса-да, ўзини илохий файздан бенасиб, деб гумон этган кимса, отга миниб олган ва оти йўқлиги даъвоси билан, ёхуд жониворнинг логарлигини баҳона қилибми уни зўрлаб олға кичаётган одамга ўхшайди. Бу кимса ўзининг

ҳам рухи бокий экани, бу рух воситасида ақл ва бадани ҳаракат этаёттани қүёш каби равшан бўлса-да, рухни инкор этади ёхуд рух хорижда (ташқарида) деб гумон қилади. Бундай нодонлик ва қабоҳат инсонни таназзул чохига итқитади, илохий ҳикматдан бенасиб қилади, охир-оқибат маънан кўр, жисман абгор тарзда оламдан ўтиб кетади.

Ҳаётда биз сифинган «доҳийлар», «машхур зотлар» ҳам ухлайди, чучкиради, ичбуруғ ёхуд бавосил бўлади. Улар ҳам оч қолиши, тушида босинкираши, зўр келганда ариллаб йиғлаши мумкин. Бандадан санам ясашнинг оқибати хунук. Шу боисдан тиланчига ҳам Оллоҳнинг буюк бир кашфиёти деб қаралса ва унинг руҳий булоқлари кўзи очиб юборилса, у муҳтарам бир зотга айланади. Оллоҳ одамни баробарлик – тенглик асосида яратди. Ҳеч кимга икки бош, тўрут тил бергани йўқ. Бу лиbosлар билан ҳашаматли таҳтни одам ўйлаб топти. Модомики, одамнинг кўлида экан, уни ўзгартириш ҳеч гап эмас. Буни сиз ҳам кила оласиз. Айтайлик, ўзингиз қаттиқ суйган лиbosларингизни кўчанинг нариги юзидағичувринди «дўст»ингизга беринг. Хотинингиз, ўғил-қизингиз, кўшнингиз, умуман, ҳамма шу ишни қилсинчи!.. Сиз бу ишни қилоласиз... Мадрасами, маориф тупроғини ялаган, олам ва уқбодан огоҳ бир зоти киром унинг қошида тин олиб, шайх Абутолиб Нахшабийдек оталарча бошини силаса, руҳониятининг милт-милт сўнаётган пиликларини тебратиб юбориб, уйғотса, унинг оламга нима сабабдан келганини пора олмасдан бир валий сифат англатса, дунёда пасту баланд деган тушунча қоладими?..

МАСНАВИЙ

*Аспи ҳудро ёва донад он жавод,
Асп ҳуд ўро қашон карда чу бод.*

ТАРЖИМА

*Отини логар гумон айлар у зот,
От эса элтар уни гўёки бод.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ўша жувонмард ва соддадил остидаги тулпорини лоғар деб гумон этади. Ҳолбуки, шўрлик жонивор уни бод каби учирив бораяпти.

ШАРХ

Бу байтда соддадил ва ўғофил бир инсоннинг ҳолати таҳлил килинмоқда. Модомики, рух ва унинг файзбахш неъматларини

моддий жисм каби құл билан тутиб құришнинг имкони йүк экан, баъзи бир соддадил инсонлар уни ё мутлақо йўқ, ёхуд ўзига насиб қилмаган деган ғоят бадбин хаёл билан яшаб ўтиб бораверадилар. Биз юқорида худди шу нуқтага тұхталиб, рухи «пинхон» кимсани ҳам «тирилтириш» йўллари ҳақида гапирган эдик. Тарих қошида 1400 йил ҳеч гап эмас. 1400 йил, яни «асри саодат» гача бўлган жоҳилият даврини эслайлик. Худонинг барҳак Расули мутлақо зулмат қаърида қолган инсонлар қошига нур олиб келгунга қадар бўлган давр манзараларини хаёлимизда жонлантирайлик.

«Қуръони карим»да жоҳилият даври ҳақида шундай марҳамат килинади:

«Зоҳарол фасаду фил барри вал баҳри бима касабат айдиннаси». «Одамларнинг қилмишлари сабабли қуруқликда ҳам, денгизда ҳам (турли) оғат-балолар юз берди» («Рум» сураси, 41-оят).

Бу ояти карима араб мушриклари, яхудийлар ва насронийларнинг ижтимоий ҳаёт тарзини, ўша пайтлар дунёning ҳар томонида фасод ҳукм сурганини билдиради...

«Ха, ер юзини зулмат эгаллаган, инсонларнинг рух, эътиқод ва хатти-харакатлари ҳам бузилган эди. Дунё зулм, истибдод, жаҳолат дастидан инграрди гўё. Фақатгина араблар эмас, бутун инсоният моддий ва руҳий изтироблар ичиде қийналар, қутулиш, најот йўлини қидирар эди. Тарих ҳалигача фасод авж олган бундай бир даврни бошдан кечирмаган...» (Закои Кўнрапанинг «Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара» китобидан).

Жоҳилият даври одамлари ҳам ўзи минган отни логар деб гумон қилган ва дунёning сон-саноқсиз кўча-кўйларига ўзини урган, омадсизлиги, оқизлигидан ғингшиб, ҳамма ёқни саситиб юрадиган «чавандоз»га менгзайди. Ҳазрат Румий дахоси нурлари билан ёришган инсон қисматининг бу хилват чоҳларини кўринг. Ақл том устида ё остида қолган эмас, руҳ қўшниникида ё омборхонада эмас, вужуд дараҳт шохида эмас, ўзимизда, фақат ўзимизда бўлгани холда «тулпор»дан нолимоқ жоизми? Ҳеч бир тошу тарози билан ўлчаб бўлмайдиган, бутун дунё гавҳарлари эвазига ҳам сотиб олиш мумкин бўлмаган бу илоҳий неъматлар қадрига етамизми? Бошимизни соchlар даласига, вужудимизнинг teng ярмини емакхонага, teng ярмини емакхона хизматкори вазифасини бажарувчига айлантиrsак, сўнг соат милларини шамол тезлигига ҳаракатта келтиrsак, демак, бутун умримиз (яни Оллох берган бу буюк неъмат) факат бир марта соч киртишламоққа ва бўкиб овқат етар экан, холос. Бу нечук девоналик бўлур эди...

МАСНАВИЙ

*Дар фиғону жўстужў он хийрасар,
Хар тараф пурсону жўён дарбадар.*

ТАРЖИМА

*Нолаю ағон чекар у бехабар,
Хар тараф ургай ўзини сарбасар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Ўша ғофил ва шошқин зот фифону нола чекиб, ўзини хар томонга уради, дарбадарларча тентирайди.

ШАРХ

Худонинг ерга муктадир ва пойдор этиб юборган забардаст халифаси мустақийм ва ҳақ йўлдан чалғиб кетди. Даҳшатли ўпкон хосил бўлди. Одам ва унинг мукаррам рухи ўртасида «бегоналик девори» кад кўтарди. Пайғамбарона қудратга эга бўлиши мумкин бўлган, Ҳақ таъоло илохий ваъдаси билан мукаррам қилган Одам ночор ва нобакор махлукқа айланди. Аждодларини маймун қавми, ўзини қандайдир бир моддалар мажмуъи деб оху фифон чекаётган ношуд кимса ҳар қандай тубанлик ва фаламисликдан тап тортмайди. Рух вужуд горида пинҳон, акл сунъий тўсиқлар ортига тушовланган бир жонивордек ташлаб қўйилса, одам одамлигини унутади. Бордию уни шу куйга согланлар одам эмаслигини таъкидласа бунга ҳам ишонади.

Инсоният тарихида бундай ҳодисаларнинг саноғи йўқ. Айтиш мумкини, бутун тарих айни шундай ҳолатларнинг gox u, gox bu шаклда кўринишидан иборат. Одам тарих деган энг оғир бир достонни бошлар экан, «куллик» даврига алоҳида тўхталади. Бу шармандалик инсоният тарихий тараккиётида янги бир давр, деб эътироф этилади.

Мавлоно ҳазратлари асли ўзи ўзида бўлган, бироқ маънавий сўқирлиги боис ҳатто ўзини ҳам кўришга ноқобил бўлган зот ҳолатини роят бадиҳ ва сарих ифода этмоқдалар.

МАСНАВИЙ

- Он ки дуздид аспи моро гў, ки кист?..
- Ин чи зери рони туст, эй хўжа, чист?..

ТАРЖИМА

- Отимиизни ким ўғирлаб кетди, ҳей?
- Сонинг остиндаги недир, хўжам-ей?..

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

«Отимиизни ким ўғирлади?». Бу савол юқорида таърифи берилган бир ғофил, худобехабар тилидан баён этилмоқда. Унга жавобан оқил зот дейди: «Сонинг остидаги нарса нима?»

Хайвон остингда, яъни рух ичингда, ўзингда. Бироқ сен уни ўйқ, деб гумон этаяпсан. Хатто бунга ишонаյпсан ҳам...

Шундай ўз-ўзича довдираб, ўзини ўзга ёқлардан беҳуда кидириб юрган кимсага бир ориф хитоб этиб дейди: «Сенинг тириклигиннга сабаб, яъни ҳаёт майдонида ушлаб турган, нутқ ва тафаккур баҳш айлаган Яратганинг файзи, яъни руҳи равон эмасми?»

«Саодат асри» күёшининг илк шуълалари эндигина Ҳиро (Нур) горига инган ва Осмон яна Ерни ўзи идора қилишга бошлаган кезлар. Юқорида таърифлаганимиздек, «куллик»ни инсоннинг муқаррар қисмати деб билган Ҳудонинг Зуайб исмли бир бандаси ногаҳон рисолатпаноҳ даъватларини эшишиб, иймон нурига мушарраф бўлади. Иймон уни тирилтиради. Яъни унда азалда мавжуд бўлган рух ўйғонди. Бошида қамчи ўйнатган, муттасил яғир товоғи-тепкиси билан сийлаган, билгани бадмастлик, кўйни тўла чўри саййидлар ҳам унинг ўзига ўхшаган одам эканини, Оллоҳ саййидни ҳам, сайисни ҳам баробар қилиб яратганини англаб етди. Тўғриси, Оллоҳ конунларини замин бўйлаб ёйишга бошлаган энг сўнгги Элчи киприклари қавилган қўзини очиб, лаби тушовлаб ташлаган тилини ечиб юборди. Бадани бўйлаб рух мавжлари шаффоф сув пуркади. Зуайб Оллоҳни таниди. Зуайб Оллоҳга ошиқ бўлди.

Сиз ҳам, эй меҳмон, мудом сақич сотиб, тамаки ва талқон пуллаш учун келмагансиз!? Бинобарин, сиз сақич, тамаки, талқон учун яратилмагансиз!

Сиз ҳам, эй меҳмон, иззатингизни билинг. Иззатингиз – уч кун...

МАСНАВИЙ

- Оре, ин асп аст, лекин асп ку?
- Бо худ ой, эй шаҳсувори айбжӯ?..

ТАРЖИМА

- Тўғри, бу отдири ва лекин от қани?
- Шаҳсувор, ҳушёр торт, қўй, нагмани...

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

«Тўғри, бу от. Лекин у каерда?» (Фоғил кимса мажнунона кайфиятда ўз-ўзини инкор қилмоқда). «Эй моҳир чавандоз (дэйди унга ориф), ҳушёр торт!..»

ШАРХ

Сиз унга Рух, унинг ҳақиқати ҳақида гапирсангиз. У тасдик этади, бироқ ниҳоят, рухнинг ўзи қани, деб талмовсирайди...

МАСНАВИЙ

*Жон зи пайдои ва наздикист гум,
Чун шикам туробу лаб хушке чу хум.*

ТАРЖИМА

*Жонки, пайдову ёвуқдир йүкдир,
Лаб қорундаги сув чун хұмдир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Одамий жон камоли зухур ва қурбатидан гизли ҳамда пинхон. Одамнйзод бир хұм каби. Унинг ичи сув билан тұлдирилған, таши қурук.

ШАРХ

Күз ҳар нарсадан яқин экан, камоли қарибияти — яқинлиги важхидан инсон уни, хатто кипригини күролмайды. Бадан сув тұлдирилған хұмга үштайды.

Унинг ичи тұла сув. Таши қурук. Бадан жоннинг ҳаётбахш суви билан тирик. Бирок ботинлиги, яъни пинхонлиги туфайли айрим ғоғыл кимсалар зохирий жиҳатларгагина қаттық боғланиб қоладилар. Ақлий ва рухоний басийрат моддиёт пардаси билан түсіб күйилади. Одам маънан күрга айланади. Дунё ва үқбосини барбод этади.

Моддапарастни ҳам тушуниш мүмкін. У ботиний — яъни пинхона нарсаны күролмайды. У ҳамма нарсаны, бор мавжудоттың бармоқлари билан пайнаслаб, турткылаб, нұқиб күриши керак. Бу үринде, албатта, күзлари, лаблари, яъни жамийки сезги аъзологиялы бир сидра үшал пинхона нарсаны, нима бұлишидан қатты назар, том маънода ҳис килиши, энг ками тасаввур этиши зарур. Ахир, у моддапараст-ку. У буни хеч қачон инкор ҳам этмайды. Дунёда уларнинг на сон, на саноғи бор. Яъни ҳамма давру замонларда зохирий инқилоблар түзөни одамзод боши устида түзіб турған.

Энди, бундай совук ва қаттық ақыл соҳиблари билан рухоният, ботиний ҳодисалар ҳақида баҳслашиб бүладими? Күлингизда ашёвий далилингиз бүлмаса!

Бизнинг далилимиз — Куръон. Бу буюк калом ўзининг биринчи саҳифаси, яъни иккинчи — «Бақара» сурасининг дастлабки оятларида жумбокни ҳал этади. Чунончи, «Йұмынинува бил фойб...» дейди ҳаммамизни — моддапарастни ҳам, рухпарастни ҳам халқ этган Оллох таъоло. Яъни, «Файбга (пинхон, яшириң оламга) иймон келтирадилар...»

Иймон келтирадилар. Айчайин ишонадилар, гумон этадилар, маъқуллайдилар, күшиладилар, тасдиклайдилар эмас, «иймон кел-

тирадилар». Демак, Оллоҳ таъолога ионган одам, файбга иймон келтириши мұхаққақ. Бирок, аслида, «файбга иймон келтириш» учун яроғу аслақалар билан «ясаныб» курашиш шарт ҳам әмас. Қолаверса, бунинг учун унақа жуда теран ақл ҳам керак бўлмайди. Ҳўш, унда нима керак бўлади? Қандай қилиб, бир думлатиб, бутун башариятни «руҳпараст» қилиш мумкин.

Жавоб жуда оддий. Бугун, яъни ғоят мағкуравий исёнлар ниҳоясида ҳамма, таъқидлаймиз, ҳамма оламу одамни яратган буюк бир Ақл — у Абсолют Онгми, Мутлак Рухми, нима деб аталмасин — борлигини тан олади. Ҳа, тан олади. Бордию яна қаёқладир, кимдир тан олмаётган бўлса, нима қиласардик, бундай зотга нисбатан шубҳа билан қарашдан бошқа чорамиз йўқ. Аммо, тан олишнинг ўзиёқ файбга ионномоқдан бошқа нарса әмас...

МАСНАВИЙ

*Кай бубиний сурху сабзу фурро,
То набиний пеш аз ин се нурро.*

ТАРЖИМА

*Қўрмагайсан ол, яшил ҳам мурни,
Қўрмасанг ундан бурун гар нурни.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Аввало нур не эканини билмасант, нурни аслида қўрмаган бўлсанг, қизил, яшил, қора ва ҳоказо рангларни қаёқдан қўра билардинг.

ШАРХ

Рангларни кўриб турган кимса, агар у ғофил бўлса, ушбу рангларни қўрмак учун қуёш ёхуд шамъ нурига муҳтож эканини билмайди. Руҳониятдан бехабар инсон руҳоний, алалхусус, Тангри таъолонинг сон-саноқсиз моддий ва маънавий файзини кўриб турса-да, зеҳнининг коронулиги боисидан ҳеч нарсани англамайди. Албатта, барча яхшиликларни ё бирор «улугроқ катта халқ»дан, ёхуд аммасининг эридан, деб билади-да, унинг оёғини яламоқдан бехузур бўлмайди. Астойдил яламоқда бардавом бўлади.

Қудсий ҳадис. «Ябна Адама, аснанука қод маллат мин наъмаи ва лисанаку ла тамаллу шакваи». (Эй, Одам фарзанди, мен яратган неъматларни еб-еб тишларинг малолланиб чарчаб кетди-ю, лекин менинг шикоятимдан тилинг ҳеч чарчамайди).

Бу самимий миннатни тингланг. Ётиб еб тоғларни чарчатдик, узаниб ичиб дарёларни қақратдик, минг турли махлукнинг аксарият қисмини ҳазм қилдик. Беминнат таом ҳазмидавом этаяпмиз. Бирок бу неъматларнинг асл соҳибини бир бор бўлсин ўйлаш-

га, унинг шукронаси учун бир неча лаҳза пешонамизни саждага босишига ярамаймиз. Бу ҳам етмаганидек, ношукур ва носипослик киламиз. Бир кун туз ичган жойга қирк кун қуллук қилишни удаласак-да бутун авлоду аждодимиз келиб, яшаб, тунаб яна шом коронгусидами, субхи содикдами кетиб колган мукаддас Мулк ва унинг Моликини танимаймиз. Дарвозасини тепиб кирамиз-да тарақлатиб ёпганча чиқиб кетаверамиз...

МАСНАВИЙ

*Лек, чун дар ранг кам шуд ҳуши ту.
Шуд эи нур он рангҳо рӯпӯши ту.*

ТАРЖИМА

*Лек, чун ранг бирла учса ақлу ҳуш,
Нурни ранглар айлар охир пардапӯши.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Лекин, бордию ранглар кўзларингни қамаштириб қўйсалар, ранглар ақлу хушдан мосуву этсалар, табийки, бу холат ҳакиқий нурнинг моҳиятини зоҳиран йўқ қиласди.

ШАРХ

Одам фарзанди зоҳирбин ва сувратпараст. Унда бутга мойиллик ҳам зоҳирбинликнинг оқибати. Бироқ жамийки маҳлукотнинг Холиқи — Яратувчиси бўлган Зот унинг табиатини тўлаёткис билади. Шундай огохлантиради: «Я бани Адама, инний ла анзуру ила суварикум ва амваликум, бал анзуру ила қулубикум ва аъмаликум». (Эй Одам фарзандлари, мен сизларнинг ҳусну сувратларингга ва молу-дунёларингга боқмасман, балки дилларингга ва қилган амалларингга бокурман).

Мен ва сизнинг зоҳиримизга, яъни ташки сувратимизга маҳлиё бўлмоғимиз маҳлукнинг заиф ва ғофил амали. Пасткаш зотлар ҳамиша одамнинг ташига боқибгина ўз муносабатлари итига сўнгак ташлайдилар. Бу ит ё сизни гадо гумон қилиб қопади, ёхуд шоҳ гумон қилиб оёғингизга ётади.

МАСНАВИЙ

*Чунки шаб он рангҳо мастур буд,
Пас, бидидӣ дидӣ ранг аз нур буд.*

ТАРЖИМА

*Чунки тунда ранглар мастурдир,
Ранг қаёқда, боқи аввал нурдир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Тун қуюлиши билан ранглар яширинди. Рангни күра билмок учун нур, аввало қүёш нури зарур экан.

ШАРХ

Жамийки ранглар қүёш шуъласидан хосил бўлади. Масалан, ок рангли ашё моҳиятига кўра қүёш шуъласига таъсир эта билмайди. Аксинча, лозимича кўрсатади. Кора рангли ашё эса нурни тўса олади. Турли-туман ашёлар ўз табиатларига кўра, қүёш шуъласини анвойи тарэда кўрсатади. Чунончи, кирмизи, сариқ ва ҳоказо.

Энди байтнинг асл маъносига боқайлик. Улим келди ва вужуд қуёши бўлган Рух чекинди. Инсон ҳаётлик чоғида кўриб юрган рангларини кўролмай қолади. Ва ногахон бутун умри давомида ўзи инкор қилган ҳодисаларнинг ҳақиқат эканлигига гувоҳ бўлади. Дунёда Оллоҳ ҳақиқатини башар фарзандига етказиб турувчи набийлар нафаси етиб бормаган гўшалар ҳам бор.

Илохий нубувватдан баҳрасиз қавмлар илохий ҳақиқатнинг асл гавҳарини том маънода илғаб олмасалар-да, борлиқ олам шак-шубҳасиз бир етук Кудрат тасарруфида эканини ҳис қила биладилар. Фозил зотлар бу ҳолни шундай таъриф этадилар: «Оллоҳнинг борлиги исбот этиш номусидан покдир. Чирок ё шам билан истаб топилмас нарсамас офтоб». «Дараҳтларнинг кўм-кўк япроқлари ҳар оқилга Худони танитур дафтар...».

Дунёнинг мувозанати, юракнинг бир меъёрда уриши, қүёш, ой, кечка ва кундузнинг ақалли бир неча дақиқа таъхир қилмаслиги, одамнинг яралиши, ҳаёт-мамоти, тоғ ва дарёлар, умуман, моддий ва маънавий ҳодисаларнинг жамулжами Оллоҳга шаҳодатлардир. Оллоҳга гувоҳ берувчилардир. Пайғамбаримиз «Арофатул ашёи биллаҳи», яъни Оллоҳ нури билан ашёнинг ҳақиқатини билдим, деганлар.

Эй зоҳирпаст! Бугун эгнингга илганинг ва баданингга уфурганинг фаранг матову атр-упаларидан фурурланма. Улар эрта кун тўзғиди. Яна Оллоҳ либоси – яланғоч тананг билан қоласан. Бугун қурган кўш-кўш ошёнли саройинг билан керилма, эрта кун улар тўзғиди. Кул-кукунга айланади. Сарою кўшқдан Ер юзига тушиб келмаганинг каби яна сарою кўшкка бормассан, қаро ер каърига – Оллоҳнинг «уй»ига борасан.

Эй зоҳирпаст! Сенинг дўқонингдангина эмас, олам бозорларидан ҳам топилмайдиган, топилган тақдирда ҳам сотиб олмоққа курб-кудратинг етмайдиган бир қултум тоза ҳавонинг қимматини ўлчамоққа тошу тарози борми? Эй Оллоҳ, хайриятки, уни сўриб адo қилмоққа булаr ожиздирлар. Йўқса қаро ерни тақсимлаб, лахта-лахта қилиб, бўлиб олганларидек, ҳавони ҳам тақсимлардилар-да, бир соатнинг ўзидаёқ башариятни қуритиб юборардилар. Ҳимматинг нақадар буюkdir, Тангри. Сен ҳавони уларга бермадинг. Бандаларга раҳм қилдинг!..

МАСНАВИЙ

*Нест диди ранг бенури бурун,
Хамчунон ранги хаеле андарун.*

ТАРЖИМА

*Ташқи нурсиз рангни күрмассиз тақыр,
Хам ҳаёт рангини күрмоқдек, ахир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Күёш ва шамънинг хорижий нурисиз зохирий — моддий рангларни кўриш мумкин эмас. Худди шунингдек, қалб ва ақлнинг рангини, хаёлни кўра билмак учун дохилий нур, Раббоний нур лозимдир.

ШАРХ

Күёш ва ой каби ёруғ жисмлар ёхуд чирок бўлмагунча мавжудотни мушоҳада қилмок, турли ҳодисаларни фарқлашнинг имкони йўқ. Худди шунингдек, рухсизлик, Раббоний хидоят нурлари воситасида ёришмаган ақл ва қалб ҳам вужуд соҳибининг буюк фожиасидир.

Қалбда, ботинда илохий нурни жилва этмоғи, ички зиёнинг янада порлоқ бўлиши Оллоҳга тобора жиспроқ бўлмоқ ила ҳосил бўлади. Оллоҳ ёдидан бегоналик одам ботинини куйган дарахт шаклига келтиради. Бу қуйик тан бир умр ёниб яшайди, бироқ ҳеч қачон ботиний ҳаловатга қовуша олмайди. Оллоҳ ҳамиша бандасини ўз зотига ёвук бўлмоққа даъват этади. Банданинг «кар, соков, кўрлар» тоифасига мансуби бу даъватни тўлиқ англамайди ва даъват соҳибини моддий назаргоҳи майдонидаги моддий унсурлар доирасида қидира бошлайди.

Оллоҳ эса бандасини даъват этаверади: «Ябна Адама, иза ахабба абдий ликоий ахбабту лиқоаҳу ва иза кариха абдун ликои кариҳту лиқоаҳу». (Эй Одам фарзанди, қачон бир бандам менинг жамолимни кўришни истаса, мен ҳам шу бандамни кўришни истайман, аммо бирор банда мени кўргиси келмаса, мен ҳам у бандани кўришни истамайман. Мени жаннатда кўриш мумкин, дўзахда ҳеч кимга кўринмайман).

«Я абдий, ин данавта илайя шиброн данавту илайка боан ва ин машайта илайя ҳарвалту илайка» (Эй бандам, менга бир қарич яқин келсанг, мен ҳам сенга бир кулоч яқинлашаман. Агар менга қараб секин юрсанг, мен сенга қараб каттиқрок юраман).

«Ябна Адама, иза канал ғолибу алал абдил иштиғалу бий жаалту буғятаҳу валаззатаҳу фий зикрий ва ашақаний ва ашақтуҳу сумма рафъатул ҳижоба фийма байний ва байнаҳу. Улаикал

абтолу ҳаққон». (Эй одамзод, агар бандага мени эслаб юришлик ғолиблик килса, унинг талабини ва унинг хуэур-халоватини ўзимнинг зикримда килиб қўяман, у менга ошиқ бўлса, мен ҳам унга ошиқ бўламан. Кейин у билан ўзимнинг орамиздаги пардани қутаралади. Кимда мана шу сифатлар мавжуд бўлса, у одамлар ҳакиқатан ҳам баҳодирлардир).

Зоҳирпаст тирнок ва турли қимматбаҳо ашёларни қўзларини нақ йиртиб кўриб турганидек, Ҳақ сиймосини ҳам қўришини, иложини тополса бармоқлари билан нуқишини истайди. Ва табиийки, юқоридаги каломлар фахмига етмайди. Руҳонияти теран, иймони собит зотларга ушбу қудсий ҳадисларни шарҳлаб ўтиришга жоҳат йўк.

Аммо иймони қалқиб турган кимсаларга яна бир бор ушбу қудсий каломни эслатмоқ жоиз қўринади:

«Ябна Адама, инний кунту канзан махфийян. Фа арадту аън аърифа фахолактул холко». (Эй Одам фарзанди, албатта, мен бир махфий кон эдим, бас, ўзимни ошкор этиб танилайин, деб ирода қилдим ва бутун ҳалқни яратдим).

МАСНАВИЙ

*Ин бурун аз офтобу аз сахо,
В-андарун аз акси анвори Худо.*

ТАРЖИМА

*Зоҳирий нур офтобу моҳдан,
Ички нур Оллоҳдан, Оллоҳдан!*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Хорижий — ташки нур қуёш, ой, юлдуз каби анвойи мунавар жисмлардан вужудга келади. Ички нур, ботин нури Оллоҳ нурининг аксидир.

ШАРҲ

Зоҳирий нур зоҳирий сабаблардан.

Ботин нури «Асмои ҳусно» ва илоҳий нафаслардан ҳосил бўлади.

Оллоҳ — замин ва осмонларнинг нуридир. Бу — илоҳий сифат, мажоз. Аслида ҳам шундай. Оллоҳ нури унинг зулматли кечаларида зулмоний нур сифатида тажассум топади. Сиз зулмат нуридан ҳадиксирайсиз, юрагингиз ваҳмдан ҳаприқади. Бу қонгулик тирининг ваҳми Оллоҳдан қўркувга менгзайди. Оллоҳ нури борлиқнинг жамийки унсурларида ўзга тусда ёғду таратади. Сокин ва мусаффо баҳор осмонинигина эмас, балки даҳшатли қалдироқлар тоғларни ларзага солган тунларда ҳам илоҳий куд-

рат қаъридан чарсиллаб учган ёғдулар бор. Конда ҳам нур бор. Тупроқда ҳам нур бор.

Валий зотлар, ахбоблар, уларнинг юз-кўзидан, бутун жисмидан таралиб турган нурни кўриш учун ботиний басорат керак.

Иблис қавми бу нурни сўймайди. Иблислар замонлар оша бу нурни сўндириш мок учун сиртмоклар ясадилар. Кунда ва болталарини пешлайдилар.

«Тағобун» сурасининг саккизинчи оятида буюрилади: «Фаамину биллахи ва росувлихи ва нуриллазий анзална». (Бас, иймон келтиринг Оллохга, унинг Расулига ва биз нозил қилган нурга).

Нур – Ислом дини. Олам ва одамни энг охирги бор огоҳлантириш, тозалаш ва сўнгги бор Ҳақиқатни англатмоқ учун нозил бўлган нур.

МАСНАВИЙ

*Нур нури чаши муд нури дил аст,
Нури чашм аз нури дилҳо ҳосил аст.*

ТАРЖИМА

*Кўзда нурнинг нури дилнинг нуридир.
Нур, кўзнинг нури кўнгил қўридир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кўз нурининг нури қалбнинг нуридир. Зеро, кўзнинг нури қалбнинг нуридан ҳосил бўлади.

ШАРХ

Аслида ботиний бўлган қуёш нури ҳақиқатда зухур этгани каби, зохир нури ҳам дилдан ҳосил бўлади. Инсоннинг қалб ва димори хис қилмагунча кўз ҳеч бир нарсани кўрмайди. Демак, кўз нури зохирий бўлиб, қалб ва димогдан бошланади.

Байтнинг куйидаги маъноси ҳам бор. Оддий нигоҳ моддий ходисаларни кўра билади. Чунончи, кўй Тож Махалга ёхуд кўтонга қараганидек. Қалб маънавий нур билан мунаvvар бўлмагунча, ҳақиқий сувратда ҳеч нарсани кўра олмайди.

Аммо олам сувратга тўла. Банда сен яратгани мен ҳам яратаман, сендан қаерим кам, каби телбаларча иддао билан яшашни ҳақиқий ҳаёт деб билади. Ўзи аслида бор жонли мавжудотнинг тасвирини қофозга тушира олиши биланок Ҳудолик даъвосини қиласди.

Унинг бу худбинлиги ҳазрат Навоий истилоҳида «аноният» дейилади. Бу «худбинлик», «худпарастлик» дегани. Маънавияти коронғу, қалби кўр кимсалар худбин бўлади. «Худбин» каломи

ўзидан ўзгани кўра билмайдиган, ўзидан бошқани одам сана-майдиган маъносини ифодалайди.

Ҳазрат Навоий «Фаройибус сифар муқаттаотининг сарсуханлари» деб аталгувчи қитъаларининг бирида худбинлик балосидан халос бўлиш йўллари, бинобарин, ундан кутилган киши эриша-жак маком хақида теран фикрии илгари суради.

Ҳайтовур, худбинлик асрида ҳазрат Навоийнинг сўзига диқ-кат қилмоқ ва унга амал этмоқ ҳар бир зотнинг бир мараздан халос бўлмагига восита бўлади, деб умид қиласиз.

АНОНИЯТ УЙИН БУЗМОҚ БОБИДАКИМ, ФАНО ЗОВИЯСИН ТУЗМАКДУР ВА ЎЗИН КАМ ҚИЛМОҚҚА ЎЗИН КЎРГИЗМАК

Кимки, ўзлук иморатин бузди,
Бўлди нақди фано анинг музди.
Ул иморатни бузмайин солик,
Бўла олмас бу нақдга молик.

Анонимият — худбинлик уйин бузмоқ, кибр-фуур, манманлик, тақаббурликнинг қаттиқ ғиштлари билан тикланган мажозий ву-жуд уйини кўпормоқдир. Бу иморат ғиштларини кўчирмоқ, устунлари ва равокларини синдириб ташламоқ катта заҳмат ва матонат талаб қиласи. Аслида, ким ҳам гўзал бир иморатдан, боз устига, бу иморат унинг ўзигагина қарашли бўлса, воз кеча олади.

Анонимият — худбинлик иморати бузилгач, унинг эвазига фано нақди ҳосил бўлади. Яъни, ўз «мен»идан қутулган одам, энг сўнгги максад — фано мулкига эришади. Фано — бу моддий оламнинг барча кўнгилтортар неъматларидан, ўткинчи ҳаётга қаттиқ боғлаб ташлагувчи воситаларидан воз кечмоқ, фано — ўз нафсини унугиб, Ўзга — аслида ҳақиқий Ўзига — Ҳаққа боғланмоқ. Одам ўз нафси жилваларига маҳлиё бўлиб, янада ёруроқ нурларни унугиб қўяди. Холбуки, ўз нурининг асоси бўлмиш буюк Нур борлигини, ўз менидан юксакроқ «Мен» борлигини; бир қалқиша чилпарчин бўлиб кетгувчи иморатидан ташқари буюк ва безавол бир олий иморат борлигини унумтаслиги керак. Ана шуни унумтаслик — фонийлик. Фонийлик — кип-яланоч холатга келиб, култепаларда ваҳшийларча яшаш эмас, балки тўқлик ва мастилик орқали хорликка элтгувчи зохирий шоҳкўчалардан воз кечмоқ, бандаликка рози бўлмоқдир.

МАСНАВИЙ

Боз нур нури дилу нури Худост,
К-ўзи нури ақлу ҳис поку жудост.

ТАРЖИМА

*Нур – дилнинг нуридир, нури Худо,
У ақл, ҳис нуридан покдир, жудо.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Нур кўнгил нуридир. У аслида Худонинг нури. Бу нур ақл ва хисдан покдир.

ШАРХ

Инсон учун зоҳирий нур кўнгил нуридан ҳосил бўлмаги юкоридаги байтда баён килинди. Қалб нури – Худонинг нури. Бу нур шу қадар олийдирки, у аклу хисдан пок, зеҳнга тааллукли турли тахминотдан айридир. Ақлий ва моддий нур жисмониятга кўра ғоят олий бир ҳодиса бўлса-да, хатога маҳкумдир. Яъни хато қилиши мумкин. Худонинг нурига восил бўлмок учун инсон умр бўйи нурли фикр ва нурли аъмол, нурли асос ва ғояларга садоқатли бўлмоғи лозим.

Илохий нур юз-кўзларига, оппоқ соchlарига қуилиб турган, сўнг бора-бора жисму жони нурга корилиб, нурга айланган зотлар бор.

Аммо асло зоҳирий нурни ботиний – илохий нур билан чалкаштирунган.

Зотан, Оллоҳ таъоло огоҳлантиради:

«Ябна Адама, иза кана қовлуга малийҳан ва амалуга қобийҳан. Фаанта раъсул мунофиқийна». (Эй Одам боласи, сўзинг ялтироқ – майнин бўлиб, амалинг қабих бўлса, сен мунофиларнинг мунофифисан).

«Ябна Адама, иза кана зоҳирука ҳасанан ва ботинука қобийҳан. Фаанта аҳлакал ҳаликийна». (Эй Одам боласи, агар сенинг ташки кўринишишнг яхши бўлиб, ички дунёинг ёмон бўлса, сен ҳалокатга лойиқларнинг лойифисан).

МАСНАВИЙ

*Эй, ки аз нури Худо гоғил шудӣ,
Дар замона ботилу отил шудӣ.*

ТАРЖИМА

*Эй, Худонинг нуридан гоғиллар,
Эй, замон зоҳирлари, ботиллар.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Эй, Худонинг нуридан гоғиллар! Бу фафлат туфайли дунё ва замондан бехабар қолдингиз!

ШАРХ

Худонинг нури банданинг қалбида. Банда. Шох ташлаб юрмайди. Кўзида бадмастликнинг қуюқ мойи эмас, мўйсафиднинг оппок соч-соқолига инган муборак нур. Банда бандалик қилади. Хукмронлик қилмайди, у халифа бўлиб қолиши мумкин, эҳтимол, ҳазрат Али ёхуд ҳазрат Умар Форуқдек. Лекин энг аввал банда бўлади.

Нур. Барча нурли бўлишни хоҳлайди. Бугун «нур» таратмаган заиф андом йўқ. Бу «нур»лар замонида ҳақиқий одамий-илоҳий нурни қандай қилиб фарқлаш мумкин?

Ҳазрат Навоий зоҳирий ранг-туснинг қанчалик фирибгар эканини ушбу байтда ошкор ифода этади...

*Ул чибинким, кўзга олтун янглиг яшнар хильати,
Кўпраги, билким, најосат узрадур ором анга.*

Ҳақнинг башарга инъом айлаган латиф ранглари гўё етмагандек. Ёнок, дудоқ ва ҳоказо аъзоларнинг табиий туси «хира тортгандек» гўё. Оллоҳ зоҳиран олтин мисоли нур таратгувчи мунаққаш ва музайян чивинларни яратди. Зотан, Унинг бир сифати «Сонеъ». Аммо бу нақшин чивинларнинг қарийб барчаси одатда ахлат ва најаслардан озиқланадилар. Ҳазрат таъбири билан айтсак, ўша ерда ором оладилар.

Шоир Сайид Нематуллоҳ Иброҳим, тахаллуси Ҳисорий ўзининг куйидаги газалида илоҳий нурни илоҳий ишққа мажоз деб талкин этади ва ул рангни сўймок дунё ва укбога муҳаббат қўймоқнинг шарти эканини таъкидлайди. Дунёнинг бус-бутунлигича, унинг илоҳий мукаммаллиги, тўқис ва анвойи рангу бўйлари билан севмок Куръоний ҳукмлардан.

*Эй дўст, эй дўст, кел, эй дўст,
Дунё чаманингдир,
Ол рангу бўйин севги ила,
Дунё ватанингдир.
Ўқдай учадир сўнгра сенинг
Умр шамолинг,
Чопгил, ганимат билки, бу кун
Дунё саманингдир.
Уқбода сенинг, кошки, маҳмил
бўла олса,
Жисминг қоладир бунда фақат,
Дунё кафанингдир.*

Дунё — нурлар билан дунё. Тириклик — нур билан тириклик. Аслида зулмат ҳам ҳикмат. Зулмат бўлмаганда нурнинг неэканини ким ҳам биларди?..

МАСНАВИЙ

*Шаб набуд нурү надидий рангъо,
Пас, ба зидди нур пайдо шуд туро.*

ТАРЖИМА

*Тун эди нурлар абас, ранглар абас,
Нур зиддидан яралди нур, бас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кече эди ва нур йўқ эди, сен рангни кўра билмадинг. Нурга қарама-қарши бўлган зулматдан сенга нур ҳосил бўлди.

ШАРХ

Кундуз офтоб чароғон экан, сен унинг таассуротини дарк этолмайсан. Сўнг нурнинг акси бўлган кечада унинг қимматини англайсан. Хуллас, нурнинг зидди бўлган кеча туфайлигина нур — ёруғлик маънисини фаҳмладинг.

«Муту қобла ан тамуту» — ўлмасдан бурун ўлингиз, ҳадиси шарифининг сири нимада? Умринг куёши, албатта, сўнади. Сен буни биласан. Аммо, билгинг келмайди, бўйнингга олмайсан. Секин-аста оқибат сўнмок муқаррарлигини унутасан. Охират барбод бўлади. Ҳар лаҳза тафаккур ва қалбда бонг уриб турмоғи лозим бўлган ҳақиқатни қорнингга қамайсан ва бу бонг садосини бўғиб ўлдирасан.

МАСНАВИЙ

*Дийдани нураст он ки дийд ранг,
В-ин ба зиддий нур дони бедаранг.*

ТАРЖИМА

*Нурни кўрмак рангни кўрмак аслида,
Нур ҳувайдо бўлди зулмат қасдида.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Аввало, нур юз кўрсатади, кейин ранг маълум бўлади. Бу ҳақиқат зулмат чўкиши билан исботланади.

ШАРХ

Нур кўрингандан сўнг, ранглар намоён бўлади. Ўлим восита-сида маънавий олам юз кўрсатади. Унгача турли фоний-дунёвий

ходисалар кечади. Чунончи, бир ошик токи ҳижрон азобини чекмас экан, висол қадрини билмайди.

«Дўст керак бўлса — Оллоҳ, душман керак бўлса — нафс, ҳикмат керак бўлса — ўлим» ҳақиқатини унудиш мумкин эмас. Тўғри, ҳадеб «ўлим, ўлим», деявериш кўпчиликка маъқул кела-вермайди.

Корни тўқ, баҳтли, кам-кўстсиз одамлар бечораларни сўйма-ганидек, ўлимнигина эмас, ўлим ҳақидаги гапларни ҳам ёқтири-майдилар.

Бу хол уларнинг фароғатини бузади. Кўнгилларини, табъла-рини вайрон қиласди. Ўлим, дейишингиз баробарида қайт этиб юборадилар. Харчанд дунёда эслагулик, кайфургулик, ўйлагулик ягона ҳодиса — ўлим эса-да...

МАСНАВИЙ

*Ранж ва гамро Ҳақ пайи он оғариd,
То бад ин зуд хушдилй ояд падид.*

ТАРЖИМА

*Ранжу гамни Ҳақ яратдиким, ахир,
Келгуси хушлик паёми бари бир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Оллоҳ ранж ва қадарни сабабсиз яратмади. Бу иккисига зид ўлароқ хушдиллик ва кўнгил сафоси ҳосил бўлади.

ШАРХ

Хар бир ҳодисанинг зидди мавжуд. Дунёда ўзаро муқобил бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Фамнинг ортидан шодлик, оғирлик-дан сўнг енгиллик, шубҳасиз, келади. Албатта, бу ҳодисалар қандайдир «сехргар бобо»нинг тадбири бўлмай, ягона Оллоҳнинг иродасидир. Бир нарсага эришиш учун яна бир нарсадан воз кечилади. Ҳазрат Навоий ёзади:

*Важҳи маош учун кишиким деса фикр этай,
Кисмат ризосидин анга бегоналиг керак.*

Оллоҳ чеккан тақдиридан рози бўлмаган зот ошу маош учун елиб-югуради. Нимага эришади? Зоҳиран нимагадир, ҳатто, жуда кўп нарсага эришгандек туюлиши мумкин. Аслида тақдир қилинган нарсагагина муюссар бўлади. Аслида тақдир қилинган нарса унинг бу оламга келиши, ўртадаги муайян фурсат ва умр

хотимаси. Баъзи жуда майдар ҳодисалар Оллоҳ тақдирига дахолат қилолмайди, чунончи, күпроқ қандай чой ичиб, дамодам қандай энгил-бошни танлаш ёхуд эрталаб бадантарбия билан шуғулланиб-шуғулланмасликнинг тақдирига бир пуллик аҳамияти йўқ. Кимдир янги дўши кийиб, бўккунча тановул қилишни ҳам тақдир деб билса, бу унинг иши.

Навоий давом этади:

*Кунжи қаноат ар-чи эрур салтанат, ва лек,
Элдин тамаъни ўзгали мардоналиг керак.*

Қаноатли кимса подшоҳдир. «Қаноат кунжи» — салтанат. Бирор бу элдан, хеш-акрабо, ёру диёрдан тамаъни мардоналарча узмоқлик эвазига мусассар бўлади. Тамаъ тилини осилтириб юрганда қаноат ҳосил бўлмайди. Қаноат ҳар нечук илинж, умид, иддао ва даъволарни тарк этиш йўли билан ҳосил бўлгувчи буюк бир файздир.

Қаноат одам боласини илоҳий софлик ва собирлик мартабасида сақлагувчи буюк имконият эканини құдсий ҳадис ҳам тасдиқ этади: «Ябна Адама, ин қонаъта бима қосамту лака мин ризқиқа атака ва тақувну индий маҳмудан ва ин лам тақнаъ бима қасамту лака саллатту алайкад дуня таркузу фийха каракзи вахшин филбарийати ва ла яналу лака илла ма қосамту лака ва анта индий мазмумун». (Эй Одам фарзанди, агар сенга ажратиб қўйилган ризққа қаноат қилсанг, ризқинг ўзи келади ва мендан ҳам мақтov оласан. Бордию бу тақсимга қаноат қилмасанг, дунёни сенинг устингга султон ва сени унга хизматкор қилиб қўяман. Дунё учун чўлдаги ваҳший ҳайвонлар каби югурасан, аммо сенга тақсимлаб қўйилган ризқдан ортиғи келмайди ва ўзинг ҳам менинг олдимда хижолат бўлиб қоласан).

МАСНАВИЙ

*Пас, нихониҳо ба зид пайдо шавад,
Чунки. Ҳақро нест зид пинҳон бувад.*

ТАРЖИМА

*Неча пинҳон зиддиятдан ошкор,
Ҳаққа зид йўқ, йўқ пинҳон ҳеч кор.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Гизли — пинҳона ҳодисалар зиддият туфайли аёну ошкор бўлади. Оллоҳ таъология зид бўлган ҳеч нарса йўқ. Ва ҳеч нарса унинг назаридан нинҳон эмас.

ШАРХ

Баъзи кимсалар дейди: «Кўп ошкора нарсаларни, чунончи, нур ва зулматни кўра биламан, хис қила оламан. Не учун Оллоҳ таъолони кўра олмайман?» Унга жавобан бундай дейилади: «Кўриладиган ва ҳис қилинадиган нарсалар уларнинг зидлари мавжудлиги натижасидир. Тангри таъолонинг ҳеч бир зидди йўқ. Зоҳирий хиссиёт билан англаб бўлмайди. Сувратта иштиёқманд одам кўролмайди. Худо ўзининг кўплаб исм ва сифати кибриёси билан оқил ва комилларга аён. Ҳақ таъолонинг муқобилий йўқ экани «Шуаро» сурасининг 11-оятида зикр этилади. «Лайса камислихи шайъун. Ба ҳувас самийъул басийр». («Унга ўхашаш ҳеч нарса йўқ. У эшитгувчи ва кўргувчидир»).

Одам боласи тарихида худолик, маъбудлик даъво қилган тен-таклардан ташқари, нақ Худонинг ўзини кўрсатмасанг бўлмайди, дегувчи телбаларнинг ҳам сон-саноғи йўқ. Улар кеча бор эди, бугун ҳам тўлиб ётиби. «Бақара» сурасини тиловат қилайлик. «Ва из култум, я Муса, лан нұммина, лака ҳатта нароллоҳа жаҳротан, фаахозаткүмус соиқоту ва антум танзурувн» (55-оят). (Эй бани Исроил, эсланг: «Эй Мусо, Оллоҳни очик-равшан кўрмаганимизча ҳаргиз сенга ишонмаймиз», дейишингиз билан қараб турган холингизда чакмоқ урди (Аълоуддин Мансур таржимаси).

Бугун сунъий суратда одам яратамиз, дегувчилар пайдо бўлиб қолди. Бу данакдан дарахтни кўкартиргач, дарахтни биз яратдик, дегандек гап. Нега яратиш мумкин эмас? Модомики яратиб қўйилган бўлса... Одамнинг она раҳмида шаклланиш жараёнини кузатиш шарт ҳам, мумкин ҳам бўлмаганидек, Буюк Яратгувчининг ўзини кўриш шарт эмас. Дийдор эса муқаррар. Фақат сабр лозим бўлади. Яъни лой ва сувлик жараёнини яшаш лозим эканми, яшайлик. Маймун ҳарчанд ўргатиб-ўқитилгани билан томошахоналардан нарига ўтолмаганидек, қанчалик ақлли бўлмайлик, фариштага айланана олмаймиз.

МАСНАВИЙ

*К-ин назар бар нур буд он гаҳ ба ранг,
Зид ба зид пайдо бувад чун руму занг.*

ТАРЖИМА

*Нурга тушгайдир назар сўнг рангга,
Зидма-зидлик ўхшаюр рум, зангига.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Аввал банда назари нурга тушади, шундан: сўнг ранг мушоҳада қилинади. Бир ҳодиса ўзининг муқобили бўлмиш иккинчи ҳодиса туфайли ҳувайдо бўлади. Бу холат оқ тусли румлик ва кора тусли занжига менгзайди.

ШАРХ

Энди моддиюнчилар ҳам, мафкурачилар ҳам қарама-каршиликлар бирлиги ва кураши қонунининг асосчиси ким эканини билиб оладилар. Жамият ва материя тараққиёти асосида ётгувчи бу буюк қонуниятни ким кашф этгани муҳим бўлмай, бутун борлиқ ҳаёт ва тараққиёти замирига кўплаб ақл бовар қилмас қонунларни жо этган Халлоқи оламнинг минг бир тадбиридан бири бўлмиш бу қонунни ҳам Ўзидан бошқа бирор яратмаган, кашф ҳам этмаган. Бор нарсанинг борлигини «кашф» этиш олимлик бўлмай, ҳакиқий Олим илмини хурмат ва эътироф этиш олимликдир.

МАСНАВИЙ

*Пас, ба зидди нур доностй ту нур,
Зид зидро менамояд дар судур.*

ТАРЖИМА

*Нурни зидди бирла билдинг – нур у,
Зидма-зидлик дилдадир – мастур у.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Нурнинг нур эканини унинг муқобили – зулмат воситасида англадинг. Кўнгилдаги муқобил кайфият муқобил кайфиятни пайдо қиласди.

ШАРХ

Нур зулматнинг рамзий ҳосиласи. Нурни зулмат яратмайди, бирор нур моҳият эътибори билан нур экани зулмат чекингач билинади. Одамзод ғам-ғуссанинг муқобили бўлган шодлик, фарҳамандликка ташна. Бу ҳолат қалбининг иши. Қалб доирасида кечгувчи жараён. Олам ўткинчи. Умр – тизгинсиз бир саҳро боди. Унинг муқобили – Уқбо – Абадий Ҳаёт. Дунёнинг фонийлиги ғам-ғусса, тушкунлик ва умидсизликка бошласа, уқбо хаёли инсон руҳиятига бетимсол тасалли баҳш этади. Абадий йўқлик хаёли қалбини туздек кемира-кемира, минг турли дардга чалинган зотлар, фонийлик ғояси билан қуролланиб, уни одамзод бошидан бир ваҳмангиз бўрондек тоширгувчи, бу ваҳима ва умидсизликнинг ўлик ҳолатлари акс этган адабиёт ва санъат асарлари босқини жамиятни турли маразликларга тўлдириб ташлайди. «Эртага йўқ бўлиб кетасан, отингни суриб қол, ичиб, ўйнаб, қониб, ёниб қол» қабилидаги ваҳший ғоялар жамиятни расво қиласди.

Абадий ҳаёт, унга имкон қадар муносиб тайёргарлик, муқаддас низомларга сабитқадамлик билан риоя қилиш жамиятни поклайди, фонийлик, умидсизлик, тушкунлик балчиқзорларидан хаолос этади.

Күнгилдаги муқобиллик, рухий-маънавий ҳаёт жабҳаларида-
ти муросасиз кураш, укбо саодатига ноил бўлмоқ, иймонни со-
лим-саломат сақлаш, уни булғаб расвойи жаҳон қиласлиқ тад-
бирлари хусусида ҳазрат Навоий ўйтлари ҳар бир зот учун
мадрасадир.

*Кимки ишқ асири ўлсаки, мумкин эмас висол,
Дарду балога ҳамдаму ҳамхоналиг керак.*

Ошиқлик — илохий бир хислат. Ҳақиқий ошиқлик танқис
бир неъматдир. Дарвоке, ҳамма ҳам ошиқ бўла билмайди. Зеро,
мардонавор ва афсонавор ишқ қиссалари якка-ягонадир. Дунёда
Лайло қиссаси ток, Узро афсонаси ягона.

Ошиқликнинг муддаоси — висол. Висол муюссар бўлмагач,
ошиқлинг ҳамдам ва ҳамхонаси — дарду меҳнат. Висолнинг зид-
ди — муқобили хижрон. Ҳажр неъматини билмаган ошиқ ишқу
висол қадрини билмайди. Висол унинг учун бозорга бирров ки-
риб, қўкат ҳарид қилгандек гап.

*Лаззати нафс марки самари офият берур,
Лек ул шажарни эккали фарзоналиг керак.*

Нафс моҳиятан лаззатлидир. Дунёда эса лаззат баҳш этгувчи
ҳодисалар оз эмас. Аммо нафс, агар у ҳақиқий нафс бўлса,
соҳибини офият — хотиржамлик, саломатлик каби улуғ неъмат
самарасидан бенасиб қиласди. Нафс ишғол этган, нафс енгган
кимса бадбаҳтнинг бадбаҳтидир. Зеро, бу бадбаҳтлик, яъни бад-
нафсликнинг тўхташ мумкин бўлган нуқтаси йўқ. Бу бир тубсиз
choҳdirki унинг тубига боши билан шўнғиб кетаётган кимса, ал-
батта, энг аввал бошини абжақ қиласди. Аммо офият дараҳти
самарасини кўраман деган зот, ҳазрат таъбири билан айтганда,
фарзона — ҳаким, донишманд, оқил ва фозил бўлмоғи керак. Бу
истилоҳларни шарҳлашга ҳожат йўқ.

МАСНАВИЙ

*Нури Ҳақро нест зидде дар вужуд,
То ба зид ўро тавон пайдо намуд.*

ТАРЖИМА

*Танда йўқ Ҳақ нурига зид ҳеч губор,
Ким муқобил бирла бўлса ошкор.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Худо нурига муқобил бўлгувчи ҳодиса танда йўқдир. Биноба-
рин, муқобили бўлмаган ҳодиса маҳв бўлмайди. Ҳақ нурини
зухур этгувчи қарши қудрат мавжуд эмас.

ШАРХ

Худонинг муқобили ва мисли йўқ. Оллоҳ нури зоҳирий хиссиятга бўйсунмайди. «Нур» сурасининг 35-оятида Оллоҳ таъоло буюради: «Оллоҳу нурус самавати вал арзи. Масалу нурихи камишкаватин фийҳа мисбахул мисбаху фий зужажатиз зужажату кааннаҳа кавкабун дуриййун йувқоду мин шажаротим мубарокатин зайдунатил ла шарқийятин ва ла фарбийятин якаду зайдуха юзийу валоа лам тамсасху нурун нурун ала нурин. Яхдиллаҳу линуриҳи ман яшау ва яэрибуллоҳул амсала линнаси. Валлоҳу бикулли шайъин алийм».

Маъоли: Оллоҳ таъоло осмонлар ва ернинг нуридири. Унга мансуб бўлган нурнинг сифати қандил кабидирки, ичинда ёниқ бир чироқ бордир. Ўша чироқ биллур қандил ичинда. Қандил порлоқ бир юлдуз каби. Зоро, у муборак зайдун оғочининг ёридан ёқилур. Бу оғоч на күёш ботар ва на күёш чиқар томонда эмас. Ҳақиқатда қандил шуъла бериши учун олов унга ёвук келмайди. (Мазкур қандилнинг зиёси ва чироқ нури) нур узра нур, ойдинлик узра ойдинликдир. Оллоҳ ўзи истаган кимсага бу нур или йўл қўрсатур. Оллоҳ бундай мисолларни инсонларга ибрат олишлари учун келтиради. Оллоҳ ҳар бир нарсани билгувчиидир.

Оятдаги нур, қандил, чироқ, зайдун, унинг мойи каби таъбирлардан мурод бу ҳақиқатларни инсон зеҳнига равшан ва теран сингдирмоқдир. Нур — Раббоний ҳидоят; қандил — инсон вужуди; чироқ — ақл ва қалб; мой — илоҳий ишқ.

Ушбу оятнинг маънавий азamat ва қудрати шу қадар чексизки, дунё мұфассирлари жамъ бўлиб, умрларини шу оятнигина шарҳлашга сарфласалар-да, унинг моҳиятини том маънода оча билмайдилар.

МАСНАВИЙ

*Ложарам абсору ма ла тудрикуҳ,
Ва ҳува йудрику байна ту аз Мусо ва куҳ.*

ТАРЖИМА

*Чашмимиз Оллоҳни идрок айламас,
У кўтар, Мусо ва Сийно баҳси, бас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бизнинг нигоҳимиз Оллоҳни кўриш иқтидорига эга эмас. Худойи таъоло эса барча-барчадан бийно. Ҳар бир амалимиз, хоҳ яширин, хоҳ ошкор, Унга аёну ошкор. Сен Мусо алайхиссалом ва Тури Сийно можаросини ёдга ол.

ШАРХ

«Анъом» сурасининг 103-оятида Оллоҳ таъкид қиласи: «Ла тудрикухул абсору ва ҳува йудрикул абсора. Ва ҳувал Латийфул Ҳобийр». (Оллоҳни дунёвий кўзлар идрок эта олмайди. У Зот пок зотлар нигохини кўриб туради. У Латиф ва Ҳабардордир).

Худонинг пок нурини кўрмакка инсон файри муктадир, ожиз ва қосирдир. Бироқ оқил зотлар Оллоҳни қўплаб аломатлари воситасида биладилар.

Оллоҳ ўз буюк Зотини буюк сир ва асрор пардалари билан пинхон тутади. Оллоҳ ўз зотини кўзлардан яширади. Бутун борлик — оламни ғоят азиз бир меҳмонга ҳозирланган уйдек қилиб саранжом ва саришталаган Зот ношукур бу халифани эшик оғзида тавозеъ билан кутиб олмади. Борликка жуда осонликча ҳоким бўлган халифанинг кўнгли шундан дилгир. Нега уй сохиби кўринмайди? Ҳалифа чакиради. Фарёд чекади. Соҳиб йўқ. Аммо ҳамма нарса бор. Соҳибини батамом йўқ, деб гумон қилган фаросатсиз халифа уйни бошига кўтаради. Гоҳ тўрга сапчиди, гоҳ пойгакка ётиб олади...

Соҳиб йўқ. Ҳамма-ҳамма нарса бор. Ҳалифа охир-оқибат бу тўкин ҳаётдан тўйди, маст бўлди, ҳамма нарсани эсдан чиқарди. Модомики, бу уйнинг сохиби йўқ экан, соҳиб ўзимман, деб гумон қилди. Бора-бора у бу гумондан «ҳақиқат» ясади.

Бир куни Оллоҳ ўз дини, қудрати ва ниҳоят халифа сохиблик қилаётган уйдан дарак берди: «Амма ятасаалувна. Анин на баил азими. Аллазий ҳум фийхи муҳталифуна. Калла, сайъала-мувна. Сумма, калла, сайъаламувна. Алам нажъалил арзо миҳадан. Вал жибала автадан. Вахолақнакум азважан. Важаъална навмакум субатан. Важаъална лайла либасан. Важаъална наҳаро маъашан. Ва банийна фавқокум сабъан шидадан. Важаъална сирожан вахҳажан. Ваанзална минал мұъсироти маан сажжажан. Линухрижа бихи ҳаббан ва набатан («Набаъ» сураси, 1—16-оятлар).

Маъноси: «Мушриклар бир-бирларидан нима ҳақда сўрамоқдалар?! Улар ўзлари ихтилоф қилгувчи бўлган — улуғ ҳабар ҳақида (яъни, қайта тирилиш тўғрисида савол-жавоб қилмоқдалар). Йўқ (уларнинг гумонлари бехудадир)! Улар яқинда (бу ҳабарнинг ҳақ эканини билиб олажаклар! Яна бир бор йўқ! Улар яқинда билиб олажаклар! Биз ерни (барча жонзотлар маскан тутиб яшашлари учун) бир тўшак, тоғларни эса (ўша ерни тутиб тургувчи) қозиклар қилиб кўймадикми? Биз сизларни жуфт-жуфт қилиб яратдик. Уйқуларингизни (баданларингиз ва асабларингиз учун) ором қилдик. Кечани (ўз коронфуси билан барча нарсани яшириб турадиган) либос қилдик. Кундузни эса тириклик (учун белгиланган вақт) қилдик. Устларингизда етти (қават) пишиқ-мустаҳкам (осмонни) бино қилдик. Ва доимо чараклаб тургувчи чироқни (яъни, қуёшни пайдо) қилдик. Яна Биз ёмғирни сиқиб чиқаргувчи (булут)лардан — ўша (ёмғир) ёрдамида дон ва набо-

тотни ҳамда (қалинлигидан дарахтлари) бир-бирига чирмашиб кетган боғларни ундириб чиқариш учун — мўл-кўл сув — ёмғир ёғдирдик... (Аълоудин Мансур таржимаси).

МАСНАВИЙ

*Суврат аз маъни чу шер аз беша дон,
Е чу овозу сухан з-андеша дон.*

ТАРЖИМА

*Маънидан суврат — тўқайдан шер эрур,
Сўз ва овоз ақлу донишдан келур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Маъни (маънавият) сувратини, яъни маънавиятнинг зухур этишини ўрмондан чиққан шер деб тасаввур қил. Овоз ва сўз ҳам андиша, фикр мулоҳазалардан ҳосил бўлади.

ШАРҲ

Одатда арслон тўқайда яшайди. Ва табиийки, овлоқда уни кўрган киши ўрмондан чиқиб келганига шак-шубҳа қилмайди. Модомики, арслон тўқайнинг мавжудоти экан, бевосита у ўрмон суврати ҳамdir, яъни ўрмоннинг тимсолидир. Шунингдек, хар бир шакл ёки суврат муайян бир фикр ва маънонинг ҳосиласи бўлади. Чунончи, овоз ёхуд сўз ҳам маълум бир фикрнинг сувратини ўзида мужассам этади. Ҳатто, ҳеч қандай маънога эга эмас, деб ўйлаганимиз телбанинг валдирашида ҳам телбаликнинг суврати намоёндир.

Бу бобда Афлотуннинг фикрлари бор. У дейди: «Коинотда ҳар қанча суврат ва жисм мавжуд бўлса, улар қўзгудаги инъикос кабидир. Асллари файри моддий, яъни асл маънавийдир». Бу навъдаги аслларга тасаввуф лисонида «аъёни событа» таъбироти қўлланилади. Бу фалотуний фикр қулай англашилмоғи учун қуйидаги манзарани тасаввур килайлик. Бино курилишидан бурун унинг тархи муҳандиснинг зехнида батамом шаклланади ёхуд сувратланади. Зехнида пайдо бўлган ушбу тарх ниҳоят моддий тус олади. Демак, хонанинг асли ибтидода муҳандис зехнида файри моддий тарзда ҳувайдо бўлди.

Бу ҳақиқатдан шу нарса событ бўладики, коинот Азал Муҳандисининг тархи туфайли пайдо бўлди ва жамулжам маънавий инъикосидир.

МАСНАВИЙ

*Ин сухан в овоз аз андеша хост,
Ту надонй баҳри андеша кўжост.*

ТАРЖИМА

*Сўзу овоз фикр-донишдан келур,
Билмагайсан фикр баҳри қай эрур?*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу сўз ва овоз фикр-андиша дарёсидан ҳосил бўлди. Фикр ва андиша дарёси қаердан ҳосил бўлишини билмайсан.

ШАРХ

Овоз ва сўзни эшитганимиз захот, унинг фикр-андишадан пайдо бўлганини англаймиз. Аммо фикр ва андиша қаердан пайдо бўлишини биламиزم? Табиийки, билмаймиз.

Ҳазрат Навоий ўзининг инсоний андишаси билан Оллоҳ зотини буткул англашга жаҳд этган кишилар хусусида шундай ёзади:

*Ҳақ зотига биравким хираф бирла фикр этар,
Отин эл ичра оқибу фарзона айлабон.
Миқдорини тенгсиз сүйининг истар англамоқ,
Лекин ҳубоб жомини паймона айлабон.*

Ха, денгиз сувининг миқдорини ҳубобдан идиш ясад ўлчаб бўлмайди.

Аммо, Оллоҳ зотини англамоққа тиришганларда-ку инсоф бордир, худолик даъво қилган баъзи бечораларга нима дейсиз. Икки соат уйқудан қолса эси хонасидан чиқса, беш-олти соат таомланмаса,чувалчангдек сулайиб ётса, озгина иссик, бир оз совуқка дош беролмаса-да, «Камина Худомиз!..» деб турса... Бу маҳлукка нима дейсиз?

МАСНАВИЙ

*Лек, чун мавжи сухан дидӣ латиф,
Баҳри он донӣ, ки бошад ҳам шариф.*

ТАРЖИМА

*Чун қалом мавжини кўргайсан латиф,
Англагайсанким унинг баҳри шариф.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сўз мавжини гўзал ва жозибали кўрсанг, унинг денгизи ҳам буюк эканини хис қилгайсан.

ШАРХ

Аччик ёхуд totли сув таъми оғиз бўшлиғидаёқ маълум бўла-ди. Демак, ҳамма гап сув манбаида. Манба totли бўлса, сув ҳам totли, манба аччик бўлса, сув ҳам аччик. Ҳикматли, оқилона пандомуз сўзлар шубҳасиз хирад ва дониши мукаммал зотлардан зуҳур этади. Қабих, чиркин ва фасод гапларнинг соҳиби ҳам қабих, чиркин ва фосик бўлади.

Аммо бу нуктада яна нозик бир муаммо бор. Суврати қойил-мақом, аммо тубида заҳру макри яширин сўзлар ҳам мўл. Сиз унинг манбанини ҳам баъзан билмайсиз. Аммо ҳар нечук шариф ёхуд қабих сўз ва унинг соҳиби Ҳақ ҳузурида масъул. Бутун оламни лақиллатиш эҳтимол мумкин бўлар, аммо Худони ҳали ҳеч ким лақиллатган эмас. Бирор юз йил, бирор ундан кўпроқ ёлғон билан яшар, аммо абадий ёлғон бўлмайди. Умрида қуёшни кўрмаган одам топилиб қолса, уни ҳам тонг отгунча алдаш мумкин. Тонг ёришгач, алдаб бўлмайди. Дунёнинг ўз «сироти мустақийм»и бор. Бу «сироти мустақийм»нинг кошифи — Кошифул вужуднинг Ўзидир.

Ҳақ таълони зоҳир кўзи билан кўриш мумкин эмас, шу боисдан башарият бир гурух иблиснинг «Худо йўқ» деган чақириғига қарийб бир аср инонди. Гўё ҳамма туйқусдан ўз волидасига ёв бўлиб қолгандек, бани башар ҳам ўз Яратгувчисига душман бўлди. Нега? Буни ўзи ҳам билмайди. Дабдурустдан душман бўлиш мумкин экан. Бироқ, бутун башарият душман бўлгани билан Ҳақ таъло мағлуб бўлармиди? Айтайлик, кимнингдир жаҳли чиқиб, ер куррасини ютиб юборганда ҳам Ҳақ енгилармиди? Афсус...

5000

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| Румийни англаш иштиёки. <i>Нажмиддин Комилов</i> | 5 |
| Покиза «Маснавий»га бир назар. <i>Муртазо Биҳиштой</i> | 14 |
| Таржимондан | 16 |
| Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавий» китобига ёзган сўзи | 20 |
| Подшохнинг канизакка ошиқ бўлиши ва уни сотиб олиши хакида хикоят | 57 |
| Ҳакимларнинг канизакни даволашда ожиз колишлари, подшохнинг Худованд даргохига юз буриши ва бир валийуллохни туш кўриши | 65 |
| Шохнинг тушда башорат берилган илохий табиб билан мулокоти | 80 |
| Шохнинг табибни бемор хузурига элтгани хусусида | 82 |
| Валийнинг шоҳдан изн сўраши ва бемор канизак билан хилватда қолиши | 98 |
| Валийнинг канизак дардини англамофи ва уни подшохга билдирамофи | 111 |
| Шохнинг Самарқанд шаҳрига элчи юбормофи ва заргарни келтирмофи | 112 |
| Заргарнинг хавои нафс ва фосидлик туфайли эмас, илохий ишорат билан захарланганлиги хусусида | 124 |
| Исмоил алайҳиссалом киссаси | 127 |
| Баккол, унинг тўтиси ва тўтининг дўконга мой тўкиб кўйиши хакида хикоят | 135 |
| Хорут ва Морут номли икки фариштанинг ўз исмат ва иффатларига эътимол этиб, ахли дунёга раёсат этмак дъявлари ва фитнага гирифтор бўлганликлари баёнида | 144 |
| Од қавми тарихи | 154 |
| Жуҳуд шохининг таън ва инкори, ўз носиҳлари насиҳатини қабул этмаганлиги баёнида | 181 |
| Нахчийрларнинг шерни таваккул килиб, жаҳдни тарк этмоғига даъват килмоқлари хусусида хикоят | 199 |
| Арслоннинг хайвонларга жавоби ва жаҳду саъйнинг фойдаси хакида сўзлаганлари | 202 |

| | |
|---|-----|
| Нахчийрларнинг саъй-касбга карши ўлароқ таваккулга даъват этмоқла- ри баёнида | 204 |
| Нахчийрларнинг ижтиходдан таваккулни устун қўймаклари баёнида | 219 |
| Арслон жаҳднинг таваккулга нисбатан устунлиги хусусида | 229 |
| Нахчийрлар яна таваккулнинг жаҳддан устунлиги ҳакида | |
| Хазрат Азоил алайхиссаломнинг бир инсонга назар айламаги, ул ин- соннинг ҳазрат Сулаймон алайхиссалом саройига қочмаги баёнида | 241 |
| Яна шер жаҳднинг таваккулдан устунлиги ва унинг фойдалари ҳакида | 253 |
| Жаҳд ва саъйнинг таваккулдан устун экани муқаррарлиги баёнида | |
| Нахчийрларнинг шерга лукма бўлмокдан бош тортган куёнга раддияла- ри | 256 |
| Куённинг хайвонларга жавоби баёнида | 258 |
| Куённинг сўзларига нахчийрларнинг эътирози | 261 |
| Куённинг такрор ҳайвонларга жавоби баёни | 263 |
| Куённинг билими, илмнинг фазилат ва фойдалари баёнида | 273 |
| Куённинг макри ҳакида | 292 |
| Куённинг кечикиши боисидан арслоннинг разаблангани баёнида | 324 |
| Куённинг макри баёнида | 335 |
| | |
| Анонимият уйин бузмок бобидаким, фано зовиясин тузмакдур ва ўзин кам килмоққа ўзин кўргузмок (<i>Алишер Навоийдан</i>) | 352 |

**ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ
МА'НАВИЙ МАСНАВИЙ**

Биринчи китоб. Биринчи жилд

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 1999**

Мухаррир: *Барнобек Эшпўлатов*

Баданий мухаррир: *Музаффар Аъламов*

Компьютер таъминотчилари: *Таня Огай, Роза Баязитова*

Техникавий мухаррир: *Елена Лукьяннова*

Мусаххих: *Жамила Тоироева*

Теришга берилди 28.05.99. Босишига рухсат этилди 10.09.99. Бичими
60x90 $\frac{1}{16}$ «Петербург» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табори 23.0.
Нашриёт хисоб табори 21.5. Адади 10000 нусха. Буюртма № 4238. Баҳоси шарт-
нома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**